

**УМАРАЛИ
НОРМАТОВ**

НАСРИМИЗ УФКЛАРИ

**ҒАФУР ФУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЕТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1974**

8Уз
Н 79

7-2-2-74
H-M-352-06-74 98-74

© Гафур Фулом комидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 й.

ҲИКОЯДА ҲАЁТ НАФАСИ

Ҳикоя шаклини қадимдан қолган театр саҳнасига қиёс қилиш мумкин. Бу саҳнада неча бор хилма-хил томошалар кўрсатилган, қанчадан-қанча бахтли ва бахтсиз ҳодисалар рўй берган, неча минг қаҳрамонлар кириб чиқкан, неча тур қўшиқлар айтилиб, куйлар чалинган, ҳар бир давр, ҳар бир автор унда ўз муҳрини, нафасини қолдирган... Лекин саҳна ўша-ӯша. Ҳикоя ҳам худди шундай. Унинг тарихи жуда йироқ. У жуда кўп даврларни, авторларни, фоят ранг-баранг фояларни, ҳодисаларни, хилма-хил қаҳрамонларни кўрди, аммо унинг ҳажми, шакли деярли ўзгармай келяпти; уни шаклан ўзгартиш учун қилинган уринишлар ҳам, жанр шаклининг «ўзгараётганлиги» ҳақидаги башоратлар ҳам аксари беҳуда бўлиб чиқяпти.

Ҳикоя маълум маънода «турғун» жанр. Айтайлик, роман ҳажмига етиб қолган қиссалар кўп ёки аксинча, қисса ҳажмига тушиб қолган романлар бор; роман бир неча китоблардан иборат бўлиши мумкин; ҳикоя ҳажмини эса на торайтириш, на кенгайтириш мумкин, шундай қилинганда у дарҳол тусини ўзгартиради, ўта қисқартирилса анекдот ёки миннатюра ҳолига тушиб қолади, ўта чўзиб юборилса, қиссага айланиб кетади. Мабодо қисса ёки романбоп ҳодиса «зўрлаб» ҳикоя шаклига солинадиган бўлса, дарҳол баёнчилик бошланади. Яна бир қиёс, «Иллиада», «Шоҳнома», «Фарҳод ва Ширин», «Русияда ким яхши яшайди?» типидаги достонларни бу жаирининг ҳозирги намуналари билан солиштириб кў-

ринг; «Зайнаб ва Омон», «Сурат», «Қуёшга ошиқман», «Нид» ҳажм жиҳатдан классик достонлардан йигирма, ҳатто әллик баробар кичик. Классик ҳикоялар билан ҳозирги ҳикоялар орасида эса шаклан бу хил кескин тафовут йўқ.

Шуниси ҳам борки, шаклан «турғун» бўлган бу жанр майдони янгиликлар учун кенг очиқ, бошқа проза жанрлари ичидан мазмун ўзгаришларига энг мойили шу. Ҳикояни ҳозиржавоб жанр деб бежиз айтишмаган; эпик турдаги янги жараёнлар ҳаммадан бурун шу жанрда намоён бўлади; у худди барометр сингари ҳаёт нафа-сини тезкорлик билан ўзида акс эттиради.

Баъзан ҳикоянинг «эскирганлиги», «қисса ва романга ўрин бўшатиб берадиганлиги» ҳақидаги гапларни ёшигина түғри келади. Ҳикояга менсимай қарааш ҳоллари бўлган, бу жанр суст ривожланган даврлар бўлган. Аммо шуниси ҳақиқат: романбоп ёки достонбоп улкан ҳодисалар ҳадеб юз беравермайди, ҳикоябоп ҳодиса эса ҳаётда ҳамиша, ҳар қадамда топилади. Демак, ҳикоя ҳеч қачон эскирмайди, ўлмайди. Ҳикояга абадий умрни ҳаётнинг ўзи баҳш этиб қўйган.

30-йилларда Ватан уруши даврида катта довруқ қозонган, бой тажриба тўплаган ўзбек ҳикояси урушдаң кейин бир оз «шаштини» йўқотиб қўйган, ўша йиллари кенг тарқалган «конфликтсизлик назарийси» бу жанр ривожига салбий таъсир кўрсатган эди. 50-йилларнинг ўрталарига келиб, у яна қаддини ростлаб олди, адабий ҳаётдаги, насрдаги жонланиш ҳаммадан бурун шу жанрда ёрқин намоён бўлди.

60-йилларга ўтиб ҳикоя бир оз эътибордан четда қола бошлиди; насримиздаги асосий куч йирик жанрларга қаратилди; Абдулла Қаҳҳор, Сайд Аҳмад, Р. Файзий, С. Зуннунова каби таниқли ҳикоянавислар йирик жанрлар билан банд бўлганидан, уларнинг ҳикоячиликдаги ўрни анча вақт ҳувиллаб қолди, бир вақтлар дурустгина ҳикоялар ёзиб китобхонларни мамнун этган

Ҳ. Фулом, А. Мухтор, Ҳ. Назир, Шуҳрат, П. Қодиров, О. Ёқубовлар бу жанрда кам кўринди; У. Умарбеков, У. Назаров, ў. Ҳошимов, Ш. Холмирзаев каби ёш умидли ҳикоянавислар кўпроқ қиссачилик билан машғул бўлиб кетдилар. Натижада, ҳикоя маълум муддат асосан уста кўрмаган, тажрибасиз қаламкашлар қўлида қолди. Бу кўрмаган, ривожига салбий таъсир кўрсатди. Ўша пайт-лари эълон қилинган кўпчилик ҳикоялар ҳаётдан йироқ ёки арзимас икир-чикирлар ҳақида; талайгина ҳикоялар беҳуда оҳ-воҳлар, ўйтбозлик туфайли оёққа туролмади, бўлиб ўтган воқеа ҳақида шунчаки ахборот, репортаж-ларни сўнглинилди. Бўш ҳикоялар кўпайиб кетганлигидан жанр ёзилди. Бўш ҳикоялар кўпайиб кетганлигидан жанр ривожидаги айrim муваффақиятларни, характерли тенденцияларни ҳам сояда қолдира бошлади. Буни кўрган айrim адабиётчилар «жанр кризиси» ҳақида гапира бошладилар, кейинги йилларда прозамида бадиий кашфиёт даражасидаги ҳикоялар кўринмади, деб ёзди-лар.

Ҳикоячиликнинг умумий ҳолати талаблар даражасида эмаслиги тўғри, аммо, гарчи оз бўлса-да, шундай ҳикоялар ҳам яратилди, уларни 60-йиллар умумсовет ҳикоячилигининг яхши намуналари билан бемалол бир қаторга қўйиш мумкин. Шуниси қувонарлники, 60-йилларнинг охири, 70-йилларнинг бошларига келиб, ҳикояда яна жонланиш сезила бошлади, қисқа муддатли «танаффус»дан кейин Сайд Аҳмад, Асқад Мухтор, Ҳ. Фулом, С. Зуннунова каби ҳикоянавислар яна бу жанрга қайтилар. П. Қодиров, О. Ёқубов, ў. Умарбеков, Ш. Холмирзаев, ў. Ҳошимовлар йирик жанрларда ижод этиш билан баробар ҳикоялар ҳам ёзиб турибдилар. Ҳикоячилигимизнинг сўнгги муваффақиятлари — А. Каҳҳорнинг «Маҳалла», «Нурли чўққилар», Сайд Аҳмаднинг «Жимжитлик», «Баҳор қизлари», Асқад Мухторнинг «Хонимнинг туғилган кунлари», «Тўққизинчи палата», Ҳ. Фуломнинг «Қўшиқ», «Қиз ва амаки», С. Зуннунованинг

«Ака», «Елғизлик», «Ёшлиқ билан юзма-юз», П. Қодировнинг «Жон ширин», «Қайф», О. Ёқубовнинг «Бахт куши», «Яхшилик». Ш. Холмирзаевнинг «Ой ёруғида», Ү. Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони», Ү. Умарбековнинг «Номус» каби ҳикоялари жанр истиқболига бўлган умидимизга қанот баҳш этмоқда.

Ўткир маънавий — ахлоқий проблемаларни ўртага ташлаш, ахлоқий — этик муносабатларни катта масалалар даражасига кўтариш, масала моҳиятини изчил, осоиышта таҳлил этиш, мулоҳазакорлик, ҳодисани бутун мураккаблиги, манфий ва мусбат томонлари, рангбаранг бўёқлари билан кўрсатиш, ҳодисага замон даражасида туриб баҳо бериш, бир сўз билан айтганда аналитик тасвирга мойиллик — 60-йиллар умумсовет ҳикоячилигидаги бу муҳим тенденциялар биздаги энг яхши ҳикояларга ҳам хосдир.

Аналитик тасвирга мойиллик туфайли бадиийликнинг жуда кўп компонентлари, чунончи ҳикоя қурилишида, сюжет ва конфликтда, хусусан ҳаёт ҳодисаларини баҳолашда, ижобий ва салбий қаҳрамонлар талқинида жиддий ўзгаришлар рўй беряпти, бунинг натижасида ҳикояда далилловчи қисмининг роли ортятти, далиллашсанъати кўтариляпти.

Ҳикояни ўқийсиз, унда қандайдир ҳодиса рўй беради, нимадир туғилиб, нимадир йўқ бўлади; табиийки, сизда нега шундай бўлди, деган савол туғилади. Агар шу саволга жавоб ололсангиз, авторнинг далил-исботлари қаноатлантируса, аниқроғи улар сизни ишонтируса, ҳаяжонга солса, ўйлашга ундаса; автор шу далил-исботлари билан ҳаётнинг сиз учун жумбоқ бўлган бирор томонини кашф этиб берса, шу ҳодисага нисбатан сизда маълум муносабат ўйфота олса — ҳикоянинг бадиий кучи шу. Мана шу куч манбанин адабий терминда далиллаш деб юритилади.

«Ҳикояда далиллаш,— деб ёзади замонамизнинг пешқадам ҳикоянависларидан бири Сергей Антонов,—

факт ва хулосалар занжиридир, унинг ёрдами билан автор ҳикояда тасвир эъилган воқеа моҳиятини китоб-хонга чуқурроқ етказади, энг муҳими, уни янгича талқин этади...

Далил-исботига қараб авторнинг ҳаётни қанчалик чуқур билиши, дунёқариши, партиявийлиги ақл-заковати, эҳтирос кучи ҳақида ҳукм чиқарниш мумкин¹.

Ҳикоянавис ўз сўзида давом этиб, мен шунга чуқур амин бўлаётирманки, ҳикоянинг бадий қиммати, кучи бевосита далиллаш даражасига боғлиқ, дейди.

Умуман адабиётда бўлгани каби ҳикоядаги янгилаши аввало янги факт, янги қаҳрамондан бошланади. Аммо таниқли ҳикоянавис С. Антонов айтганидек, ҳодиса ва қаҳрамонга автор муносабати, далиллаш тарзи ва даражаси оқибат натижада ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбек ҳикоясининг ҳозирги тажрибаси буни тўла тасдиқлайди. Агар ҳозирги ҳикоячиликни изга шу ўлчов асосида назар ташласак, унинг кучли ва заиф жиҳатлари, ундаги характерли жараёнлар, янгиликлар очиқ-оидин кўринади — қолади.

Ҳаётдан, одамлардан фазилат қидириш, кишидаги гўзал хислатларни улуғлаш, авваллари бўлганидек ҳозирги кунда ҳам ҳикоячиликнинг етакчи тенденцияси бўлиб қолаётир. 60-йилларнинг бошларида бу борада характерли бир камчилик юз берган, авторлар кўпроқ кишидаги фазилатларни фавқулодда характерга эга бўлган кескин ситуациялар орқали очишга берилиб кетган эдилар. Уша йиллари кўчада топиб олинган пулни эгасига қайтариб берган ёки сувга чўкиб кетаётган болани қутқариб қолган одамнинг жасоратини мадҳ этиш одат тусига кирган эди. Бу анъана шу даражага бориб етдики, бир ҳикоянинг қаҳрамони ҳатто сувда оқиб кетаётган қўғирчоқни чақалоқ фаҳмлаб ўзини сувга отади ва «катта жасорат» кўрсатади... Номуси

¹ С. Антонов. Письма о рассказе. М., СП. 1964, стр. 187—188.

поймол этилган аёлнинг гуноҳидан ўтиб, унга мадад қўлинни чўзган ёки баҳтсиз тасодиф туфайли хаста бўлиб қолган одамга олижаноблик юзасидан меҳр қўйган фидокорлар жасоратини улуғловчи ўнлаб ҳикоялар яратилган эди.

Тўғри, бу хил хатти-ҳаракатлар орқали ҳам совет кишисининг характерини, фазилатини очиш мумкин. Лекин бу хил ҳодисалар деярли ўзгаришсиз асаддан асарга ўтаверса, бир хил бўёқда, бир хил оҳангда талқин этилаверса, меъдага тегар экан. Бора-бора бу хил ҳикояларда улуғланган олижаноблик, жасорат сохта кўрина бошлади, қаҳрамонлар ўз фазилатларини шунчаки намойиш этаётгандай, одамларнинг кўзига яхши кўриниш учунгина шундай қилаётгандай туюла бошлади...

Хозирги ҳикоячилика бу хил бир дақиқалик жасоратни, намойишкорона фазилатларни ёмас, кўпроқ қишилардаги табиий зарурий ва доимий хислатларни очишга, мадҳ этишга интилиш кучли. Бу анъанани атоқли адаб Абдулла Қаҳҳор бошлаб берди. «Маҳалла», «Нурли чўққилар» ҳикоялари билан у гўё ўша йиллари кенг тарқалган олижаноблик талқини билан баҳсга киргандай бўлди: бирёклама, намойишкорона жасоратга кишидаги табиий, зарурий фазилатларни қарама-қарши қилиб қўйди. Ҳикмат буванинг («Маҳалла» ҳикояси) ўлим васвасасини енгиб ҳаётга қайтиши — жасорат, лекин унинг бу хил хатти-ҳаракатида ҳеч қандай ғайри табиийлик, атайинлик йўқ; ҳаётга муҳаббат, эл-юрт, одамлар өлдидағи масъулият ҳисси уни шундай йўл тутишга ундаиди: у одамларга ўзини ўлимдан устун чиққанини кўрсатиб қўйиш учун эмас, васвасага берилиб аянчли ҳолга тушаётгани, одамлар орасида уятга қолаётгани учун ҳаётга қайтади. Автор қалбда юрак тениб турган экан, киши ҳаёт олдида ҳамиша масъул, деган фикрни ўтказади. «Нурли чўққилар»даги ижобий фазилатлар эгаси Фотима бир қарашда жуда оддий, ҳатто бир оз тўпори қиз. Ота-она ҳам, одамлар ҳам

бўш-баёв, ландавур деб билишади. Ҳикояда у биронта катта жасорат кўрсатмайди. Бу қиз шунчаки инсоний бурчини ўтайди холос—ота-она ҳурматини бажо келтиради, колхозда ҳалол меҳнат қиласди, ўз қадр-қимматини, нафсониятини юксак тутади. Ёзувчи бу қизни «фавқулодда хислатлар» эгаси бўлмиш Зуҳрага қарама-қарши қўяди, ота-она, одамлар назарида Зуҳра бўладиган истеъдодли қиз, у «Нурли чўққилар»га интилади, «эскича таомиллар»га қарши исён кўтаради, эркин севги йўлини тутади, бу йўлда «катта жасорат» кўрсатади. Оддий фазилатлар эгаси бўлган, оддий инсоний бурчини ўтаган Фотима бора-бора ёзувчи назарида чинакам қаҳрамонга айланади, «фавқулодда хислатлар» эгаси саналган Зуҳра эса ўз «жасорати» билан аянчли кимса ҳолига тушиб қолади.

«Маҳалла» билан «Нурли чўққилар» бир қанча прийципиал масалаларда, Жумладаң, ижобий қаҳрамон талқини бобида ҳикоячиликка янги тўлқин берди. Бў тўлқиннинг янги-янги мавжларини «Қўшиқ», «Жимжитлик», «Фарзанд», «Ҳаёт—абадий», «Номус», «Қўнгил», «Узун кечалар», «Шуъла» каби ҳикояларда кўриш мумкин.

«Жимжитлик», «Ҳаёт—абадий», «Одам овози», «Шуъла» ҳикоялари беихтиёр «Маҳалла»ни эсга солади. Худди «Маҳалла»да бўлгани каби бу ҳикоялар қаҳрамонлари ҳаётида ҳам жиддий ҳодиса рўй берган, қаҳрамонлар мушкул аҳволга, руҳий изтироб гирдобига тушиб қолган. Авторларни қаҳрамонлардаги шу мураккаб вазиятда намоён бўлган фазилатлар ва шу фазилатлар тантанаси қизиқтиради. Барча ҳикояларда умумий хулоса битта — ҳаёт олдидаги масъулдорлик, одамлар билан ҳамкорлик — ана шу оддий, табиий инсоний хислатлар қаҳрамонларни мушкулотдан холос этади. Бироқ хулоса бир бўлса-да, ҳар бир авторнинг концепцияси, далил-исботи, шунингдек, далиллаш маҳорати, даражаси, йўсини турлича.

Шукур Холмирзаевнинг «Ҳаёт—абадий» ҳикояси тўғридан-тўғри ҳаёт ва ўлим ҳақидаги баҳсадан бошланади: «Кишининг ўзига ўзи ўлим тилайдиган пайтлари кўп бўлади, бунинг сабаблари ҳам турлича. Лекин у ўлмай қолади, чунки уни бу сирли, мангу — абадий ҳаёт ҳалокатдан сақлаб қолади». Ҳикоя қаҳрамони Нодир ҳаётида ҳам шундай ҳодиса рўй беради. Бош агроном Нодир мажлисда қаттиқ танқид еб қайтса, уйда қайнанаси жанжал кўтаради, хотини қизчасини олиб кетиб қолади, кўчада итни уриб эгасидан оғир гап эшигади... Мана шу кўнгилсизликларга чидай олмаган Нодир бир дақиқа ўзини йўқотиб қўяди, ўзига ўлим тилайди, ҳаётдан ўзини четга олади... Турмушда тез-тез учраб турадиган табиий бир ҳолат! Нодир ўлади, одамлар ўкинади, ота-она, келин ва қайнана фарёд кўтаришади, расмруслар жойига қўйилади, қабристон уни совуқ бағрига олади. Оилада бир неча кун йифи-сиғи... Кейин уни эслаб юриш. Бу орада бошқа киши унинг ўрнига бош агроном бўлади, ота ҳам, она ҳам аста-секин гам буккан қаддини кўтариб олади. Еш келинга совчи келади. Совчи учинчи келишида қайнана унайди... Қизчаси аввал онасининг эридан бегонасирайди, бора-бора кўнникади, уни ота дейишга одатланади... Нодир эса булардан бехабар сезмас, эшиитмас, кўрмас бўлиб қабр ичидаги ётаверади...

Яхшики, буларнинг ҳаммаси хаёlda. Бироқ хаёlda юз берган бу ҳодисалар ниҳоятда табиий! Ҳаёт қонунияти шундай, у ана шунаقا одил, абадий ва шафқатсиз! Ҳаёт машаққатларига дош берган одамгина унинг марҳаматига сазовор. Ҳаётга аччиқ қилиш — бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдиришдай гап. Ҳаётдан ўзини четга тортган одам четда қолиб кетаверади, ҳаёт — абадий, усиз ҳам ўз оқимида давом этаверади.

Ҳикоя қаҳрамони шу оғир дақиқаларда мана шу ҳақиқатни англаб етади. У ўзининг ҳаёт олдида бурчли эканини чуқур ҳис этади ва ўлим васвасаларини сенгиб, катта ҳаёт оқимига тушиб олади.

«Ҳаёт — абадий» интеллектуал ҳикоянинг яхши на-
мунаси. Ш. Холмирзаев «Ёввойи гул», «Нимадир йўқ
бўлди» ҳикояларида ҳам интеллектуал талқинга мойил-
лик кўрсатган эди, бу ҳикояда шу майл жуда бўртиб
кўринган. Диққат қилинса, бу ҳикояда ёзувчини қаҳ-
рамон характери, руҳияти, лирик кечинмалари эмас,
биринчи галда қаҳрамон хатти-ҳаракати ва руҳияти
билан баглиқ ҳаётнинг маълум қонунияти, фалсафаси
қизиқтиради. Ҳикояда қаҳрамон характери, кечинмалари
эмас, авторнинг ҳаёт ҳақидаги мушоҳадалари биринчи
планга чиқади, ҳикоя асосини авторнинг фикри, ҳо-
дисага берган баҳоси, чиқарган хулосалари ташкил
этади. Ҳикоянинг тўғридан-тўғри баҳсадан бошланниб,
баҳс билан давом этиб, баҳс билан тугаши ҳам шун-
дан.

«Жимжитлик»да ҳам интеллектуал талқинга мойил-
лик бор, аммо Сайд Аҳмад, одатдагидек, бу ҳикоясида
ҳам лирик услугга содиқ қолган. Бу ҳикоя ҳам «Ҳаёт —
абадий» каби баҳсадан бошланади: «Одам боласининг
кўзидан ёш чиқмаса қийин экан. Юрак-бағрини ўртагани
аламлар шу кўз ёши билан чиқиб кетади. Қимки фарёд
урни йиглаёлмаса кўзидан ёш чиқаза олмаса, алам-
ларни ичига ютса дардга чалинади. Шунинг учун ҳам
кексалар алам ўртаган кишига йигла-йигла, кўнглингни
бўшат, дейдилар. Бу гапда ҳикмат кўп».

Эътибор беринг, автор ҳаётнинг маълум бир чигал-
лиги устида баҳс очяпти, шу баҳсни жўнгина эмас, ли-
рик куйга солиб ҳаяжон билан айтяпти... Сўнгра автор
гапни бош қаҳрамон ҳаётига буради:

«Афсуски, Толибжон йиглаёлмасди. У уисиз, кўз
ёшиниз йигларди, холос. У ичидан йигларди.

Мана шу уисиз йиги Толибжонни сеёқдан йиқитди.
Сал кунда қоп-қора соchlари оқ капитарнинг патидек
оқариб кетди.

Асаб касали ёмон дард бўлади. Толибжон шовқин-
га чидамайдиган, гап кўтармайдиган бўлиб қолди.

Энди у докторлар айтганини қилмаса бўлмайдиган бир ҳолга тушганди».

Қаҳрамоннинг ана шу оғир ҳолати уни шу кўйга солган ҳодисалар — унинг жаҳонгашта умри, аччиқ қисмати, ўғли ва хотинидан жудо бўлиш тарихи — барчаси лирік тарзда берилади. Ҳикоя бошдан-оёқ қаҳрамоннинг лирик кечинмалари асосига қурилган. Толибжоннинг шу мусибатларини енгигб ўтиш йўли — авторнинг далил-исботлари ҳам кўз илғамас сеҳрли ҳиссий жараёнларнинг оқибати тарзида берилади.

Толибжон ўттиз йилдан бери кўрмаган қишлоғига, бир вақтлар араз қилиб кетган ўғай сингил қошига қайтади ва шу ерда дарднга малҳам топади. Агар оддий сўзлар билан айтиб бериладиган бўлса бу фикр, автор келтирган далил-исбот жўнгина кўринади. Авторнинг лирик сози ана шу «жўн» бўлиб кўринган фактларга жон киритади. Асар қаҳрамони болалиги кечган она қишлоқни, қишлоқ табиатини, содда-самимий қишлоқ қишиларини шундай бир лирік кайфият билан идрок этадики, булар беихтиёр ҳам қаҳрамон, ҳам китобхон кўнглига осойишталик олиб киради. Бир вақтлар юрса ерни силкитадиган, энди эса қушдай енгил бўлчб қолган кўзи ожиз кампирнинг ниҳоятда табиий, бетакрор хатти-ҳаракатларида, гап-сўзларида, бир вақтлар келинликка мўлжалланган, эндиликда эса бола-чақали кампир бўлиб қолган ўғай сингилнинг ҳурмат-эҳтиромида, кичкинтой жиянчаларнинг шовқин-суронида; тиниқ осмон, шовуллаб оқувчи сой, оёқлар остида билқиллаб ётган тупроқ — буларнинг ҳаммасида қандайдир сеҳрли жозиба, асабга оромбахш этадиган руҳ бор.

Ўткир Ҳошимовнинг «Одам овози», С. Нуровнинг «Шуъла» ҳикоялари ҳам бир қатор фазилатларга эга. Улар ҳам ғоявий мотив жиҳатидан юқоридаги ҳикояларга оҳангдош.

«Одам овози» автори ҳам ҳаётнинг мураккаблиги, ранг-баранг бўёқларни билан кўрсатишга интилади. Ав-

валлари яратилган айрим ҳикояларда бўлгани каби ҳодисани дарров яхши ёки ёмонга йўйиш йўқ, бу ерда эҳтиросга кўра таҳлил устун.

Ҳикоядаги Йўлдошли ҳайҳотдай данғиллама ҳовлини, ёлғиз онасини ташлаб «дом»га кўчиб кетган экан бунинг учун уни айблаб бўлмайди. Бу замона зайлар. У ҳамма ёшлар каби маданий ҳаётга интилган экан, бунинг нимаси ёмон! Еки Маствура хола тор «дом»ни ёқтирумай ҳайҳотдай ҳовлида ёлғиз ўзи қолган экан, уни ҳам бутунлай қоралаб бўлмайди, автор буни ўжарликка, қолоқликка йўймайди.

Езувчи қаҳрамонларни ўз ҳолига қўйиб беради-да, уларнинг ҳолати ва хатти-ҳаракатини орқаворатдан кузатиб боради, асосий эътиборни кампир руҳиятидаги жараёнларга қаратади. Кўнгилга қараб қилинган иш кампирга оғир тушади. Ёлғизлик уни эзади, даҳшатга солади, хаёлини ўлим вассасаси чулғаб олади. Худди «Маҳалла», «Ҳаёт — абадий», «Жимжитлик»да бўлгани каби бу ерда ҳам қаҳрамоннинг драматик ҳолати фожиа даражасига бориб етмайди, қаҳрамон изтирооб гирдобида қолиб кетмайди, унинг учун мушкулот чора-си топилади, кампир жой қидириб юрган талабаларни уйига бошлаб келади, яна унинг ҳайҳотдай ҳовлисида одам овози эшигила бошлайди; кампир қалбидаги ҳиммат туўғуси фақат ўзгаларга эмас, ўзига ҳам қувонч, наф келтиради, уни гурбатдан холи этади, энди унинг бағри бутун, кўнгли тинч, қисқаси шоир айтганидай:

Инсон билан тирикдир инсон,
Мұхабbatда ҳаётнинг боши.
Одамзодга бахш этади жон
Одамларнинг меҳр қуёши.

Мундоқ қараганда ҳикояда ҳамма нарса жойида, асарни қизиқиши билан ўқийсиз, воқеага ишонасиз, лекин у негадир кучли таассурот қолдирмайди, ўйлашга унда-майди. Бунинг сабаби шундаки, ҳикоядаги асосий нар-

еа — қаҳрамон қалбига ором баҳш этган омиллар, яъни ҳикояда келтирилган далил-исботлар ўқувчи учун муҳим янгилик эмас, авторнинг далил-исботларида чуқурлик, оригиналлик, фалсафий-бадиий теранлик етишмайди.

Шу хил камчиллик С. Нуровнинг «Шуъла» ҳикоясида янада бўртиброқ кўринади. Ҳикоянинг бошланиш қисми анча ҳаяжонли. Автор меҳнат кишисининг — узоқ йиллар колхозга бош бўлган бообру одамнинг меҳнат билан, лавозим билан видолашув дақиқаларини, унинг ўша дамлардаги оғир руҳий кечинмаларини табиний тасвир этади. Уни ўқигандан сизда умрни, бутун фаолиятини эл-юрга баҳш этган фидокор меҳнаткаш инсонга нисбатан меҳр ва ифтихор ҳисси уйғонади, айни пайтда сиз ҳаётнинг шафқатсиз қонуниятлари, инсон умрининг абадий эмаслиги ҳақида ўйлаб кетасиз, шу берилган умрни беҳуда сарфламаслик, уни яна ҳам мароқлироқ ва фойдалироқ ўtkазиш режаларини тузасиз... Ҳикоянинг иккинчи ярмига ўтганда бирдан сизда бояги қизиқиш ва фаоллик сусаяди... Автор қаҳрамонни оғир руҳий ҳолатдан олиб чиқиш пайига тушади. «Одам овози»да бўлганидай, автор келтирган далил-исботлар ҳаётий, ишонарли — райком секретари раисга ҳали ҳам керакли одам эканини уқтиради, шундан кейин у ўзининг ҳаётда ўрни борлигини ҳис этади, шу тариқа кўнглида сўна бошлаган шуъла яна аланг олади...

Кўриниб турибдики, ҳаётий асосли туюлган далил-исбот жудаям жўн; ёзувчи қаҳрамонни оғир изтироблар гирдобинга олиб киради-ю, ундан осонгина — тайёр ва текис йўл орқали олиб чиқади; бу далил-исботлар сизни баҳсга тортмайди, ҳаётнинг сизга нотанини бирор жиҳатини кашф этиб бермайди.

Ҳ. Ғуломнинг «Қўшиқ», Ш. Холмирзаевнинг «Фарзанд», М. Хайруллаевнинг «Қўнгил», Ӯ. Ҳошимовнинг «Узун кечалар» ҳикояларида қаҳрамонлик низобий фазилатлар талқини эса бошқачароқ, бу ҳикоялар «Нурли чўққилар»ни эслатади.

«Қўшиқ» қаҳрамонлари Эргаш ва Азизалар ҳаётда бирор фавқулодда жасорат кўрсатганлари йўқ, худди «Нурли чўққилар» даги Фотима сингари оддий, инсоний бурчни ўтайдилар, ҳалол меҳнат билан банд бўладилар, ёзувчи қаҳрамонлардаги шу оддий, табиий фазилатларнинг чинакам жозибасини очиб беради, бир оз дагал, бесёнақай, аммо ниҳоятда беғубор, самимий Эргаш ҳам, нок маъсума қиз Азиза ҳам ўқувчига ниҳоятда ёқиб қолади. Бу ҳикояда, Ҳ. Гуломнинг жўшқин публицистикаси майин бир лирика билан уйғуналашиб кетади, асарга алоҳида руҳ баҳш этади.

«Фарзанд», «Қўнгил», «Узун кечалар» ҳикояларида бурчга садоқат инсондаги инсонийлик улуғланади, уларнинг қаҳрамонлари қалтис дақиқаларда шахсий ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб бўлсада, қалб саховатини асрар қоладилар, виждонга гард юқтирумайдилар. Учала асарда ҳам бир-бирига ўхшаш воқеа ҳикоя қилинади, бир фикр илгари сурилади — бурч туйғуси муҳаббат туйғусидан устун келади. Лекин учала ҳикояда ҳам ҳеч қанақа тантанаворлик йўқ: қаҳрамонлар жасорати ниҳоятда оддий, табиий ва зарурӣ бир ҳодиса тарзида талқин этилади. Шу билан баробар бу уч ҳикояда ҳар бир авторнинг ҳодисага ўз қарashi, муносабати яққол кўриниб турибди, улар ўз имкониятларини, далиллаш маҳоратини яхши намойиш этгандар.

Менгбой билан Соранинг («Фарзанд» ҳикояси) оралари омонатроқ, улар кўп масалаларда келишолмайди; эр билан хотинин ушлаб турган нарса ўртадаги фарзанд, холос. Менгбоининг ўғилчасига меҳри зўр, шу ўғил туфайли хотинин Сорани ҳурмат қиласиди, кўнглини овлайди...

Шу орада жиддий ҳодиса юз беради — Менгбой бошқа бир кўркам аёл Ҳанифа билан танишади, уни чин юракдан севиб қолади; бу одам анча вақт ҳамма нарсанни унутиб, шу аёл атрофида парвона юради, фарзандига атаган, уйда у муштоқ бўлиб кутаётган совғани ҳам севлгилисига шитом этиб юборганини билмай қолади.

У ўзида йўқ шод, бир умр истаган нарсасини топиб олганидан ниҳоятда бахтиёр.

«Фарзанд» — психологик ҳикоя «Ҳаёт — абадий»дан фарқли ўлароқ Ш. Холмирзаев бу ерда асосий эътиборни қаҳрамон руҳияти таҳлилига қаратади. Энг ҳаяжонли учрашув олдида Менгбой билан Ҳанифа орасига фарзанд кўндаланг бўлади, ишқ-муҳаббат шавқида юрган Менгбой бирдан ўзига келади, унинг қалб тубида бошқа бир туйғу ғалаён бошлайди: маълум муддат сусайиб қолгац бу куч яна ҳаракатга келади: йигит ўзини бу аёл билан қовуштиришга йўл қўймайдиган «бошқа буюк, меҳри юракни орзиқтирувчи, орзу-ниятлар тимсоли фарзанди турганини» қаттиқ ҳис этади, фарзанд, оила олдидаги бурч уни тийиб қўяди, ўзи учун қанчалик оғир бўлмасин, ўзгаларни, фарзанд ва оиласини деб катта қувончдан, шахсий бахтдан, севгиси ва севгилисидан возкечади.

Ёзувчи қаҳрамон қалбида юз берган нозик ички ҳис-сиётларни, тебранишларни, қувонч ва изтиробларни, олижаноб туйғу тантанасини синчковлик билан тадқиқ этиб беради.

Н. Худойберганов «Бадиий умумлашма маҳорати» сарлавҳали мақолосида («Шарқ юлдузи», 1971 йил, 1-сон) «Фарзанд» устида тўхталиб «ҳикояда муҳим ғоявий-бадиий мақсаднинг мавжудлигини англаш амри маҳол», автор «тўлақонли типик образлар яратишга, ҳаққоний бадиий умумлашмани бунёд қилишга эриншолмаган», «ҳаётний воқеаларнинг, қаҳрамонлар тақдирининг аҳамиятли, қимматли, салмоқли қирраларини кўрсатишга эътибор» бермаган деб даъво қилади.

Ҳикояни синчиклаб ўқиган китобхон ундаги ғоявий мақсадни аниқ-равшан ҳис этиб туради: шу ҳаёт парчаси орқали ёзувчи ҳаётнинг мураккаблигини уқтиряпти; киши оила, фарзанд олдидаги бурч туфайли баъзан ўз эркинга, кўнглига зид боришга мажбур бўлишини кўрсатяпти, фарзандга бўлган меҳрнинг кучини улуглаяпти...

Ҳикояни ўқиганда шу драматик ҳодисаларни бошдан кечирган Менгбойнинг қиёфасини, руҳиятини, қалбидағи жараёнларни баралла кўриб турибмиз. Шуларнинг ўзи-ёқ ҳикояда муҳим ғоявий-бадний мақсаднинг мавжуд эканидан, автор ҳаётий воқеаларнинг, қаҳрамонлар тақдирининг аҳамиятли, қимматли, салмоқли қиррала-рини кўрсатишга эътибор берганидан далолат бераб турибди.

М. Хайруллаевнинг «Кўнгил» ҳикоясида ҳам фар-занд туфайли муҳаббат барбод бўлади; асар қаҳрамони—бева аёл Санобар Алихон деган йигитга кўнгил қўя-ди, аммо фарзандини деб ундан юз ўгиради. Бу факти ёзувчи бутунлай бошқача далиллайди, «Фарзанд» қаҳ-рамони—йигит киши, бу ерда эса аёл. Аёл кўнгли гулдан нозик, аёл меҳрининг тапти қуёшдан ўткир, аёл қаҳрини-ниг кучи довулдан ортиқ деган нақл бор. «Кўнгил»ни ўқиганда шу нақл ёдга тушади. Бояги воқеа баҳонасида ёзувчи аёл кўнглини таҳлил этади, руҳий драмасини кўрсатади, қалб назокати ва нафосатини очиб беришга иштлади.

Санобарнинг тақдирни, эрки ўз қўлида, ижтимоий ҳаётда ўз йўлинни топиб олган; кийинниши, кўринниши, хатти-ҳаракати, фикрлаши тарзи — ҳамма-ҳаммаси ян-гича, замонавий. Бироқ у янгилик деб мўътабар удум-ларимизни оёқ остига олиб топтовчи тантиқ, беор олиф-талар тоифасидан эмас; бу аёл энг яхши миллий аиъаналарни эъзозлайди, аёллик ғурури ва нафсонияти-ни асрар қолади. Санобар — вафодор аёл, сохта фидойи-лик унинг учун ёт, севги, оила, бурч масалаларига ян-гича ёндашади, бошқа бирорга кўнгил қўйишга ўзини ҳақли деб билади; бироқ ҳеч қачон одоб-ахлоқ, ҳаё до-нрасидан четга чиқмайди, унинг илк муҳаббатнга, қай-насига, фарзандига бўлган самимий эҳтироми, садо-қати ҳар қадамда сезилиб туради.

Санобар кўнгли куз осмонидай мусаффо, бу кўнгил заррача бўлсин губорни яқинига йўлатгиси келмайди,

табиатидаги бир оз тортинчоқлик, эҳтиёткорлик, ибо аслида шу эътиқоднинг оқибати. У ўзгаларни ҳам мусаффо ва мукаммал ҳолда кўргиси келади. Алихон оғир, мулойим мусаффо йигит, шунинг учун ҳам Санобар унга кўнгил қўйган. Лекин Алихон аёл хаёл қиласан мукаммал йигит эмас. У аёл ҳусни-латофатига, хулқи авторига шайдо бўлиб ишқида ёниб кўнглини овлаш пайида бўлади-ю, бу кўнгилнинг нозик тебранишларини, изтироб ва истакларини сезмайди, ҳис этмайди: унинг илк севгиси, ёдгори — фарзандига бефарқ қарайди, бу ҳол аёлга қаттиқ ботади, у бундай одам билан ҳеч қачон бахтиёр ҳаёт кечиролмаслигини чуқур ҳис этади, шунинг учун ҳам ўз вақтида орани очди қилиб қўя қолади.

Ҳикоя давомида аёл кўнглида кескин туйғулар юз беради: илк севги аламлари, бевалик ситамлари, иккинчи муҳаббатнинг қувонч ва ташвишлари... Автор бу кескин, зиддиятли туйғулар жараёнини табий тасвир этади. Хусусан аёлнинг икки ўт орасидаги тебранишлари жуда нафис берилган. Бутун ҳикоя иккинчи муҳаббат тарихига бағишланган, бироқ ёзувчи унга ёндош ҳолда илк муҳаббат саргузаштларини ҳам бериб боради. Агар иккинчи муҳаббат жараёни бевосита кўз олдимида рўй берса, илк муҳаббат аёл хаёлида, кўнглида гавдаланади. Бу жиҳатдан ҳикоя «Эркак ва аёл» фильмидаги услубни эсга солади. Иккинчи муҳаббатнинг ҳар бир ширин дамлари Санобар учун ҳам қувонч, ҳам ташвиш олиб келади, бундай дамларда аёл беихтиёр Аинвар билан ўтказган кунларини эслаб кетади. У кунларни қайтариш мумкин эмас. Санобар буни билади, билади-ю, барибир эзилади; бир қарашда Алихон ҳам ёмон одам эмас, қалби унга талпинади, талпинади-ю, барибир ўзини тортади, кейинчалик кўнгли эриган пайтлари эса, ўзининг тортинчоқлигидан пушаймон ҳам бўлади, Алихонни қийнамаслик йўлини ахтаради...

Ҳикояни ўқир экансиз, иккинчи муҳаббат тантанасига ишончининг комил бўлиб боради, автор Санобар билан

Алихон орасидаги муносабатларга сизни хайриҳоҳ этиб қўяди; шу билан баробар ёзувчи ҳикоя давомида нимадир сир тутаётганини, яхши одам сифатида талқин этилаётган Алихонда нимадир етишмаётганини Санобар ҳам, ҳушёр китобхон ҳам қисман сезиб қолади. Ана шу «нимадир» бирдан финалга бориб ошкор бўлади. Алихон ҳақидаги гумонлар тўғри бўлиб чиқади, бу йигит ўзлигини барала намоён этади; энди иш бутунлай чаппасига кетади деб ўйлайсиз, худди шундай бўлади, Санобар Алихонни ташлаб кетади, воқеа ва характер мантиқи шуни тақозо этади.

«Узун кечалар»да ҳам бурч туйғуси севгидан устун чиқади. Аммо бу ерда севгини барбод этган омиллар тамоман ўзгача, автор ўз далил-исботлари билан ҳаётининг бошқа томонларига эътиборни тортади.

Ёшлилар орасида ёзувчи ҳаётига ҳавас билан қарайдиганлар кўп. Уларининг назаридан ёзувчилик столга ўтириб олиб кўрган-кечирганларини ёзишу шон-шуҳрат орттиришидан иборат. Ойбек айтганидай, асар яратишдек машиққатли, оғир иш дунёда йўқ эканини, ёзувчи ўзгалилар қалбига қувонч баҳш этаман деб, ўз қалбини қанчалар қийноққа солишини ҳамма ҳам яхши билавермайди. Ў. Ҳошимовнинг «Узун кечалар»ини ўқигандан бунга яна бир бор амин бўламиз.

Ҳилола ёзувчи йигит Марат билан танишганидан инҳоятда мамини, унинг ижодкорга ҳаваси зўр. Содда, самимий бу қиз Маратга ҳам ёқиб қолади; бир чеккаси бўшаб ётган қалбига бамисоли нур бўлиб киради-ю унинг ижод кўчасини яна ҳам чароғон қилиб юборади. Аммо Марат билан Ҳилоладаги бу ҳолат узоққа бормайди. Аста-секини йигит ҳам, қиз ҳам ўзлигини намоён эта борадилар. Йигиттини хаёли, фикри-зикри, бутун борлиги ижод ва илҳом оғушида, у ижод билан банд бўлиб кетиб, баъзан ўзининг шахсий ҳаётини, севгиси ва севгилисини ҳам унугиб қўяди. Қиз йигитни яқинидан билган сари унга тушунмай ҳайрон, «бир қарасанг чолларга ўх-

шайди, бир қарасанг болага айланиб қолади» дея шикоят қиласи у дугонасига. Бадий ижодни жүн тушунадиган, ижодкор ҳәётини жүн тасаввур этадиган бу соддадил қиз ҳақиқий аҳвол билан танишгандан кейин ўзига келади, ундаги ҳаваснинг умри қисқа бўлиб чиқади.

Автор шу воқеалар теварагида ижодкор ҳәётининг моҳиятини очишга, ижод психологиясини таҳлил этишга интилади. Адабиётимизда ижод психологиясининг тасвири кўп, лекин У.Хошимов уларни такрорлаган эмас. Қаҳрамон кечинмалари орқали ёзувчи, бир томондан, бадий ижод фидойилик талаб этишига бизни тўла ишонтиради, иккинчи томондан, ҳозирги ёш қаламкашларнинг маълум кайфиятлари ва эстетик принципларини ифода этади, тенгдошларини ҳәётнинг мураккаблиги, ранг-бараанг бўёқлари билан тасвир этишга даъват этгандай бўлади.

Ҳикоянинг ўзида, қаҳрамонлар талқинида автор худди шу принципга амал қиласи. Университетдаги адабий муҳоммадлардан бирида Н. деган китобхон Ҳилолани «салбий қаҳрамон»га чиқариб қўйди, уни енгил табиатликда, қийинчилликларга дош беролмасликда айблади. Шунда бошқа бир нотиқ:

— Мен Ҳилолани тамомила айболламайман, унинг истаклари табиий ва қонуний; у яхши қиз, фақат ёзувчи йигит Маратга номуносиб холос, эҳтимол бу қиз бошқа бирор билан бахтли бўлиб кетиши мумкин. Менга «ижобий қаҳрамон» Маратнинг ҳам кўп қилиқлари ёқмайди, илож қанча, у шунаقا одам, ижод дарди уни шу кўйга солиб қўйган, лекин барибир мен Маратни Ҳилоладан устун қўяман. У Ҳилолага қараганда ҳәётга, одамларга кўпроқ наф келтиради,— деган эди, бу гап кўпчиликка маъқул тушди.

Демак «Узун кечалар»да, шунингдек «Фарзанд» билан «Кўнгил»да яна бир муҳим тенденция кўринияпти. Авторлар ижобий қаҳрамондаги фазилатларни таъкидлаш учун унинг қаршисидаги одамни олабўжи қилиб кўрсатишдан қочадилар. Худди «Узун кечалар»даги

Ҳилола каби «Фарзанд»даги Ҳанифа ҳам, «Кўнгил»даги Алихон ҳам мутлоқ «салбий қаҳрамон»лар эмас; кўпдан-кўп асарларда қаламга олинган енгил табиат ёки муноифиқ «олғирлар» тоифасидан ҳам эмас. Ижобий қаҳрамон қаршисида турган одамни фазилатлари билан кўрсатиш орқали авторлар ҳодисанинг ҳаётнийлигини оширишга, ҳодиса моҳиятини янгича, мураккаблиги билан талқин этишга муваффақ бўладилар.

Ҳаётдан, одамлардан фазилат қидириш билан боғлиқ бўлган ҳозирги ҳикоячиликдаги бу муҳим тенденциялар қўллаб-қувватлашга арзиди. Аммо бу интилишнинг хатарли бир хавфи сезилиб қоляпти. Авторлар намойишкорона қаҳрамонликдан қочиш, оддий, зарурий фазилатларни улуғлаш, ҳаётни раңг-баранг бўёқларда кўрсатиш билан бўлиб кетиб, ҳикоячиликда қаҳрамонлик ўлчовилини бир оз тушириб юборишаپти; бир вақтлар ҳикоя жаонрида қад кўтарган Аҳмад полвон, Асрор бобо, Собирахон, Мастура, Унсан типидаги кучли, қаҳрамонона характеристлар сўнгги йиллар ҳикоячилигига айтарли кўршишмаяпти.

Тўгри, Ҳ. Фулом «Шифокор», У. Назаров «Чашмачинор», О. Мухтор «Шаҳарлик келинчак» ҳикояларида шу хил кучли қаҳрамонона характеристлар яратишга интилдилар. Бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари ўз жонини қийноқка солиб ўзгаларга баҳт ҳадя этувчи, ҳақиқат, одамлар маидаати йўлида ўзини, шахсиятини қурбон қилувчи шахслардир.

«Шифокор»даги Мирзаолим дўсти Мамасолига ўз буйрагини ҳадя этиб, уни ўлим чангалидан қутқариб қолади. «Чашма — чинор»даги Матлуба Сатторга бўлган илк севгиси ҳурмати бутун умр тоқ ўтади. «Шаҳарлик келинчак»даги Нурия ота-она, эр, фарзанд кўнгли деб ҳаётнинг кўпгина лаззатларидан ўзини тийишга мажбур бўлади.

Ҳ. Фулом қаҳрамонидаги жасорат маибанини унинг характеристидан қидиради. Мирзаолим табиатан романтик,

бир оз «галати» одам. Унинг тойибона севги саргузашти, Корасувга келиб қолини, Мамасоли билан дўстлашни шиниг яқин дўсти ҳалокат ёқасида ётганида ҳиммат қўлини чўзиши табиний. У. Назаров ҳикоясида қаҳрамондаги садоқат туйғуси илдиши илк севгининг лаззатли дақиқаларига бориб тақалади. Автор Саттор билан Матлуба орасидаги шикоятда беғубор, самимий севги мулокотларини жуда нағис, шонрона тасвир этади. Бу ширини дақиқалар орқада қолиб кетган. Уруши Матлубани Саттордан жудо ётган. Орадаи йиллар ўтади, Матлуба ўқиб олмиша бўлади, кўп воқеаларни бошдан кечиради, лекин ҳеч қачон илк севгининг ширини оиласини унуполмайди.

«Шаҳарлик келинчак» автори эса қаҳрамон фидойилигини кўрсатишда воқеалар мантиқига таянади. Нурия ҳаётда ҳар гал шундай вазиятга дуч келадики, беихтиёр у ўз истагига зид иш кўришга, вазият ва одамлар билан ҳисоблашнишга мажбур бўлиб қолади; ҳаёт, одамлар олдиндаги масъулнят туйғуси уни фидойи шахсга айлантиради.

Афсуски, бу ҳикояларни ҳар тарафлама етук санъат асари деб айтольмаймиз, ҳар бирининг маълум кам-кўстлари бор. «Шифокор»га очеркизм касали бир оз соя ташлаб турибди, ҳикояда бадиний таҳлилга кўра тавсиф устуноқ, бош қаҳрамон табнати дуруст изоҳ этилса-да, унинг руҳияти, қалб драмаси чуқур очиб берилмайди. «Чашма-чинор»да поэтик яхлитлик йўқ, асар икки бўлимдан иборатдай бўлиб қолган, ҳикояда илк севги мулокотлари яхши тасвиранган, ҳаётний, гўзал картиналар яратилган, нарироқ бориб автор тасвир теминни тезлаштириб юборади; қаҳрамоннинг узоқ йиллик саргузашларини баён этишга тушиб кетади, ёрқин картиналар ўрнини қуруқ, бетаъсир баён эгаллаб олади. Мана шу қусур — тасвир билан ҳикоя қилиш орасидаги номутасосиблик «Шаҳарлик келинчак»да ҳам сезилади. Шунинг учун ҳам уларниш персонажлари Асрор бобо, Ун-

син, Мастура каби етук қаҳрамонона характерлар сафидан ўрни ололмади.

* * *

Кейинги йилларда эълон қилинган бир туркум ҳикоялар адашганлар фожиасини кўрсатишга бағишиланган.

Социалистик жамият шахснинг эркин ва ҳар тарафлама камол топиши, бахтиёр, фаровон умр кечириши учун катта имкониятлар яратиб қўйган. Бироқ шундай замонда ҳам адашиб, сўқмоқларда саргардон юрган, бахти кемтиқ, мъянавий майиб, баъзан бутунлай барбод бўлган шахслар топилади.

Бунинг сабаблари турлича: баъзиларни эскича одат ва таомиллар чалғитса, бошқаларни янгилик кўринишидаги бетайин тушуичалар гангитади. Айрим кишилар ҳаётдаги мураккабликлар, қийинчиликлар олдида довдираб бахтини йўқотса, бошқа бирорлар ҳаёт билан баробар одим ташлолмай, шаронгта мослашолмай ўзини хароб этадилар. Бу омилларниң барчаси оқибат — натижада бир масала — шахс ва шаронг проблемаси теварагида бирлашади.

Шундай экан, адашганлар қисмати устида сўз юртиш шахс ва муҳит устида баҳс очиш демакдир. Бу ёзувчидан гоят катта масъулият ва маҳсрот талаб этади. Очигуни айтиш керак, ҳозирги ҳикоячиликда бу мавзуга масъулнингизлиқ билан ёндашиш ҳолларни ҳам учраб турибди. Босилаётган ҳикояларниң ярмидан ортиғи барбод бўлган севги тарихи ҳақида, агар бу хил ҳикоялардаги севгида адашгаи, бахтини бой берган бечора ошиқларниң кўз ёшлари бир ерга йиғилгудек бўлса, каттагина кўл пайдо бўлиши мумкин. Бу тур ҳикояларниң аксариятида севги тасвири муҳитдан, бинобарин ҳаётдан ажralиб қолган; севгидаги бахтсизликнинг ҳаётий заманин жуда омонат, авторлар келтирган важ-корсонлар ниҳоятда жўн, сийқа, арзимас.

Бахтимизга, оз бўлса-да, ҳаётдаги баҳтсизликлар боисини чуқур таҳлил этиб берадиган, ўқувчини баҳсга тортадиган жиддий ҳикоялар ҳам бор. А. Қаҳҳор «Нурли чўққилар»да персонажлардан бири Зухранинг баҳтсиз қисмати орқали ҳаётда етилиб турган муҳим бир масалани кўтарди, янгилик кўринишида юз берадиган бетайин тушунчаларни фош этиб ташлади; Ҳ. Ғулом «Олтин», О. Ёқубов «Бахт қуши» ҳикояларида шахсий мулкка муккасидан кетган одамнинг ҳам кулгили, ҳам аянчли ҳолатини моҳирона тасвир этдилар. Ш. Холмирзаев «Ёввойи гул», «Кечаги кун — кеча», «Баҳор ўтди» ҳикояларнда шахс ва муҳит муносабатларининг хилма-хил томонларини кўтаради, масъулиятни унудиги ҳаёт йўриғидан четга чиқсан кимсалар табнатидаги қусурларни кўрсатади, шу қусурлар туфайли юз берган фожиаларни очиб ташлади.

Кейинги пайтларда эълон қилинган С. Зуннунованинг «Елғизлик», «Ёшлик билан юзма-юз», О. Мухторининг «Хуррам» ҳикояларида ўша анъана — турмушда адашган, шахсий баҳтсизликка учраган одамнинг қисмати баҳонасида ҳаётнинг жиддий ахлоқий-ижтимоий масалаларини кўтариш, масалага замон даражасида туриб ёндашиш, ҳодиса моҳиятини янгича чуқур бадний таҳлил этиш янада чуқурлашган.

С. Зуннунова, шунингдек, бошқа кўпчилик авторлар ўзбек аёлининг ижтимоий ҳаёт сари интилиши ҳақида бир талай ҳикоялар ёзишган; уларда аёлнинг «ичкари»даги биқиқ ҳаёти қораланади, «ташқари»даги актив фаолияти эса улуғланади. Узоқ вақтлар «ичкари қули» бўлиб келган ўзбек аёлларининг «ташқари»га чиқиши, ижтимоий ҳаётдан ўз мавқенин эгаллаши жуда катта инқиlobий ҳодиса бўлди, бу адабиётда қонуний равишда одилона баҳосини олди. Аммо ҳаётнинг ўзида ҳам, қолаверса адабиётда ҳам бу борада маълум бир ёқтамаликлар кўзга ташлана бошлади. Айрим аёллар «ижтимоий фаолият» билан банд бўлиб кетиб, ўзининг аёл-

лик бурчига, оила, эр, фарзандлар олдидағи масъулиятига бефарқ қарайдигаи бўлиб қолдилар. Бу нарса кўп ҳолларда катта оиласини фожиаларга сабаб бўляпти. 1969 йили «Литературная газета» «конфликтли ситуация» рубрикаси остида шу хусусда жиддий баҳс очди, баҳс иштирокчилари ҳаётдан бунга оид жуда кўп кўнгилсиз фактларни келтирдилар. Баъзи адиллар ҳали ҳам аёлнинг, умуман ҳар қандай шахснинг оиласидаги вазифаси ва бурчини шунчаки оиласини масала, унинг «ташқари» даги ишларинингина ижтимоий масала деб биладилар ва асарларида шу хил қарашни ўтказиб келадилар. Улар шундай қилиб жиддий янгилашадилар. «Правда» газетаси ўзининг 1970 йил 11 октябрдаги «Биз ва болаларимиз» сарлавҳали бош мақоласида мана бундай деб ёзди:

«Ҳар бир гражданининг ота-оналиқ бурчи унинг меҳнатдаги активлиги ва ишдаги обрў-эътибори сингари муҳим ва масъулиятлидир. Инсоннинг меҳнати каби, ота-оналиқ бурчини адо этмоқлик ҳам ўз моҳияти билан жамиятга хизмат қилишдан иборатdir. У ишлаб чиқаришда — меҳнаткаш бўлса, оиласда — тарбиячидир, бу иккى вазифа бирга қўшилиб гражданлик бурчига айланади, бу бурчин спидқидилдан бажаришдан эса ҳеч кимниг бош тортишга ҳаққи йўқ...

Деярли близ ҳаммамиз касбимиздан, жамиятда тутган ўринимиздан, ишимиз кўп ё озлигидан, шахсий сифатларимиздан қатъни назар, ота ва она деган юксак номга эгамиз. Бу ном эса, сўсиз, катта масъулият юклайди. Шу кунимиз тугагандан сўнг биз ўз уйимиз, оиласига шошиламиз, бу ерда бизни фақат ҳордиқ чиқариш, хона доидаги ва турмушнимиздаги қувончларгина эмас, балки шу билан бирга хилма-хил ота-оналиқ бурчи ҳам кутиб туради».

С. Зупинурова «Ёлғизлик» ҳикоясида ҳаётда, қолаверса адабиётда айрим кишилар менсимай қўйган аёлнинг «ичкари»даги бурчи масаласини кўтаради, бу бурч-

ни назар-писанд этмаслик оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди.

Ҳикоядаги Иқболхон ижтимоий ҳаётда, меҳнатда ўз ўрнини топиб олган, фан доктори, машҳур олима. Аммо шахсий ҳаёти кемтик, оиласда бахтсиз; эри йўқ, якка фарзанди ҳам унга бегонадай, ёлғизлик ҳисси уни изтиробга солади. Буларнинг ҳаммасига аёлнинг ўзи айбдор.

Адиба ўтмишга сайди. Қаҳрамон хаёлида бахтсизлик бошланган дақиқалар гавдаланади: аёл фан чўққилари сари талпинади, бу йўлда кўп қийинчиликларга дуч келади, хусусан оиласдаги ташвиш ва юмушлар унинг кўп вақтини олади. Бу аёлга малол кела бошлайди. Шуниси муҳимки, автор бу ўринда қаҳрамонни осонгина ёмонга — енгилтакка чиқариб қўймайди, бундай кезларда унга осон эмаслигини уқтиради. Аёл олдида қийин, аммо бажариш зарур, енгиш мумкин бўлган қийинчиликлар турар эди. Унинг аёллик, хотинлик бурчни шуни тақозо этар эди. У шу масъулиятдан ўзини олиб қочади, эри билан орани очди қиласди, фарзандига ишбатан оналик меҳрини дариг тутади...

Бу воқеалар орқада қолиб кетган. Аёл энди ҳаётга бошқача қарайдиган бўлиб қолган, у ўз айбига иқор, қилмишидан пушаймон, хатони тузатиш учун тайёр. Ағуски кечиккан, энди ҳаётидаги кемтикликни ҳеч нарса билан тўлдириш мумкин эмас. Гарчи бундан буён фарзандига, бўлғуси келининга, набирасига қалбида қолган меҳрини тўкиб «гуноҳи» ни ювишга аҳд қилган, шу билан кўнгилга таскин берётган бўлса ҳам, барибир шахсий ҳаётда бахтсизлигича қолаверади.

Баъзи бирорлар ўйлагандай бу ҳикояда онлабий бурчни ижтимоий фаолиятга қарама-қарши қилиб қўйиш йўқ, адиба аёл бахти фақат оиласвий бурчни адо этишдан иборат, деган фикрдан йироқ; автор бу ерда инсоний етуклик, мукаммал бахт масаласини кўтаргани; киши ҳам ижтимоий, ҳам оиласвий бурч олдида баробар жавобгар, ҳар иккенини қўшиб олиб борган тақдирда-

гина у тўла бахтиёр бўлиши мумкин, деган фикрини иллари суради. Иқболхонининг аччиқ қисматидан келиб чиқадиган асосий сабоқ шу.

Ҳикояда ҳаёт нафаси, шу кунининг руҳи барада уфурниб турибди, автор ўзбек аёлинииг ҳозирги камолотини ҳисобга олган ҳолда унинг олдига катта талаблар қўя билган. Шу кунининг зарур гапини шу кун даражасида туриб айта олган.

Сайд Аҳмаддининг «Сувлар оқиб кетди» ҳикояси кўп жиҳатдан «Ёлғизлик»ни эслатади. Унинг қаҳрамони Муроджон ҳам Иқболхонга ўхшаб ижтимоий ҳаётда ўринини топиб олган, илм-фанда катта мартабага кўтарилган; обрў қозонган олим. Унинг ҳам бахти кемтик; фарқ шундаки, у ўзини ўқитиб одам қилган муштипар онаси олдидағи қарзини узолмай, она кўнглини ололмай армонда қолга; ўталмаган бурч тушида ҳам, ўнгидан ҳам унга тинчлик бермайди, йигит виждан азобида қовурилади.

Ёзувчи қаҳрамони изтиробларини зўр ҳаяжон билан ифода этган бўлса-да, негадир ҳикоя бизни қаттиқ ҳаяжонга солмайди, баҳсга тортмайди. «Ёлғизлик» билан қиёс қилинса, бунииг сабабини топиш мумкин. «Сувлар оқиб кетди» автори мұхим масалани кўтаради-ю, уни талқин этишга келганда эскича йўл тутади, ҳодисага замон талаблари даражасида туриб ёндошолмай қолади. Ҳикоя қаҳрамонин тани-жони соғ йигит киши, олим, кўпни кўрган одам. Шунга қарамай автор унинг олдига жиддиyroқ талаб қўймайди. Бурчни ўтолмаган, лапашанг йигит бу ёқда қолади-да, ҳамма айни бошқа бирорвга оширади; асардан-асарга кўчиб юрадиган таши ялтироқ, ичи қалтироқ олабўжи келин пайдо бўлади. Одатдагидек, у она билан ўғил орасига адоват солади, қайнанани хўрлаб, куёвга панд беради. Йигит буни билади, аммо «ялмоғиз» хотин дастидан ҳеч қанақа чоратади тополмайди...

Хуллас, «Ёлғизлик»ка хос кишиига инсбатан талаб-

чаплик бу ерда йўқ, ёзувчининг далил-исботлари эскича, анъанавий, бир оз юзаки. Шунинг учун ҳам ҳикоя «Елизлика» сингари довруқ қозонмади.

Бу билан мен қайнана-келин можароси эскириб қолди, демоқчи эмасман. Агар ёзувчи замон билан ҳамнафас бўлса, масалага чуқур ёндошса, анъанавий можаролар орқали ҳам муҳим гап айтиши, ҳодисанинг янги томонини кашф этиб бериши мумкин.

Омон Мухторнинг «Хуррам» ҳикоясидагига ўхшаш ҳодиса — қолоқ тушунчали, ўта эҳтиёткор отанинг фарзанд тарбиясига салбий таъсири адабиётда қайта-қайта қаламга олинган. Ёш автор ана шу «анъанавий» можародан яхшигина бир асар яратган. Бунга автор ҳодисани чуқур бадиий таҳлил этиш орқали эришган.

Ҳикоя қаҳрамони Хуррам ниҳоятда пок, беғубор бола. Унинг қалби орзу-ҳаваслар билан лиммо-лим. Аммо боланинг эзгу туйғулари, интилишлари қолоқ отанинг қаршилигига дуч келади, бола ҳамма нарсага қизиқади, қайноқ ҳаёт қучогига, тенгдошлари даврасига талпинади. Ҳадикчи ота эса, унинг бузилиб кетишидан қўрқиб, йўлига ғов солади. Хуррам ота раъйнга кириб итоаткор, нозик ва бир қадар нотавон одамга айланади. Шу итоаткорлиги туфайли у ўртоқларидац, умуман ёруғ дунёдан ажralиб қолади. Аммо ҳали бола қалбидаги эзгу ҳислар адо бўлгани йўқ, гоҳи-гоҳида у ўз фожиасини ҳис этади, ўзининг турмуш тартиботи ва бўш табнатидан хижолат чекади, унга қарши исён кўтаради. Мана шу исён уни тенгдошлари даврасига етаклади.

Ҳикоядаги энг ҳаяжонли дақиқалар энди бошланади, автор қаҳрамоннинг ана шу қувноқ даврадаги ҳолати, руҳияти, хатти-ҳаракати тасвири орқали асосий ганин айтади. Даврада йигит ўзини бир қадар эркин, баҳтиёр ҳис этади, кўнглида ширин орзулар жўш уради.

Мана Хуррам севикли қиз Латофат қаршиисида ўтирибди: «Хуррам Латофатга тикилди ва унинг бўлиқ юзи, ҳуркак кўзлари чиройли эканини ўйлай бошлади. Унга

кўнглида бу қизга иисбатан кўпдан буён бир илиқлик ётгандек, буни ҳозиргача ўзи сезмай юргандек туюлди. У қизни бу оқшом кузатгуси, у билан узоқ гаплашгуси, қоронғи бир муюлишда бошини бағрига олиб, соchlарини сиплагиси келди. Унинг хаёли ва кўнглида бу нарсалар-пинг бари шу лаҳзада туғилди ва унинг назарида бутун олам ойдинлашгандек бўлди».

Аммо шу лаҳзанинг ўзидаёқ ширин орзулар барбод бўлади, чарогон олам зулматга айланади, вужудига ота солиб қўйған оғу шу ерда ўз таъсирини кўрсатади.

«— Рақсга тушамиз!

Бу қизнинг таклифи эди».

Қизнинг шу сўзи унинг ширин орзуларини остин-устун қилиб юборади: «Хуррам ўз кўнглида мильт этган шаъм ўчганини сезди. У Латофат ҳақида ўйлаганлари бекорчи хаёл эканлигнин англади-ю, ногоҳ кўнглига иомаълум бир гусса тушди. Унга, айниқса, рақсни билмагани алам қилди. «Давра кўрмаган одамман, билмайман! Эҳ, билсайдим!»

Бу алам, гусса энди уни ёмон ишларга бошлайди: «Ў гусса ва алам билан олдидаги қадаҳни кўтариб, кўнглидаги дардини ювмоқчи бўлди. Ичди ва нарироқда турган шишани олиб яна қўйди...»

Езувчи Хуррам фожнасини очадиган яна бир картина келтиради:

«Энди у рўпарасида Акмал деган боши катта, пахмоқ соч бола ўтирганини кўрди.

— Ичамиз!— деди Акмалга.

Акмал елкасини букиброқ ўтирас, ўнг қўли мушт бўлиб тугилган, столни бир текисда аста-секин урар эди.

— Ичмайман!— деди у кескин.— Мани уришгим келяпти. Ким билан уришсам экан?

Хуррам қадаҳни ўзи бўшатди. У Акмалга тикилиб, бу бола боксчи эканини эслади, сўнг ўзи умрида спортнинг бирор тури билан машғул бўлмагани эсига тушди-да,

ўзини яна ожиз сезди, кўнглидаги бир ғуссаси икки бўлди.

У қадаҳни яна тўлдирди».

Ота тарбияси, таъсири туфайли беғубор қалб, умрида ичмаган бола шу кўйга тушади. Хотимада ота-бала яна тўқнаш келади. Қилғиликни қилиб қўйган отанинг ўзи-ю, лекин эътиқодидан қайтган эмас, ҳамон ўзини ҳақ деб билади, фарзандини койишга тушади: «Олдиндан айтдим... болалар ичиради деб айтдим... мен борма дегандан кейин нимага бу боради?!» Бу сўзлари билан у ўзини яна бир карра фош этади.

Ҳаётдаги адашиш фақат шулардан иборат эмас. Ҳикоячиликда бу мавзу доираси секинлик билан бўлса-да, кенгайиб боряпти. Қасб танлаш масаласини олайлик. Ҳозирги кунда бу ниҳоятда ўткир муаммо бўлиб турибди. Шунчаки ҳавас ёки бироннинг маслаҳати ва кўмаги билан қасб танлаган, шахсий лаёқатини, имкониятини ҳисобга олмай ўзи учун ёт соҳага кириб қолган, ўзгаларнинг мадади билангина бир илож қилиб «одам» бўлиб олган кимсалар ҳар қадамда топилади. Бу хил адашиш ҳам киши учун жиддий фожна, бундан аввало ўша одамнинг ўзи, қолаверса жамият зарар кўради. С. Зунишова «Ёшлик билан юзма-юз» ҳикоясида кўпчиликни қийнатгани худди шу масалани кўтарган.

Ҳикоя қаҳрамони Мирза оиласи ҳаётдан ёлчиган; бошқалар учун қўл етмас орзу бўлган баҳт унинг шундоққина қошида, аломат аёл Муқаддам атрофида парвона; рўзгор бут, бола-чақалар ҳавас қилгудек... Бироқ, кўнгли шу тўкин опла қувончидан бенасиб; у ҳамиша алам-изтироблар исканжасида. «Тенгдошларига қарангда тез қариди. Сира иши юришмайди эрим бечоранинг», дейди Муқаддам ўксиб. Ҳа, унинг меҳнатида ҳаловат, завқ йўқ, ишнинг кўзини билмайди, уқувсизлиги туфайли шарафли касби врачлик номини булғайди; бу билан ҳамкасларининг нафратига учрайди; одамлар юзинга тик қарашга ботинолмайди. Бу кўргилликларнинг

сабаби ҳам маълум — Мирза табобат даргоҳига адашиб кирган, отасининг обрўйи соясинда бир амаллаб дипломли бўлиб олган, беш йил ўқиб бирор марта ҳам беш баҳо олмаган, домлалар отасининг юзидан ўтолмай зўрға «уч» қўйиб беришган. Мирза ўз хатосини яхши тушунади, лекин бу эди бефойда. Бошқа соҳага ўтишининг иложи йўқ, ёши бир жойга бориб қолган; яшаш керак, яшаш учун маблағ керак; яшайман деб у ўзини хор этади, кунлари бир умр шундай кўнгилсиз ўтади. «Умр хатоси шунчаки ўтиб кетаверса, у хато бўлмасди. Қачондир бир куни гирибонингдан гиппа бўғгани, дунёни кўзинингга тор қиласани учун ҳам хато дейилади», — деб ёзади автор. Йўл қўйилган хатодан ҳатто ўлиб ҳам қутулиш мумкин эмас, Мирзанинг шу кўйларга тушнишига ота ҳам айбор: адашган ўғил туфайли таниш-билишлар кўнглига марҳум хусусида ғашлик тушади, бир вақтлар ишоятда обод гавжум хонадондан эса файлз кўтарилади.

Ходисанинг шу хонадонга яқин, эски қадрдан бир шахс — ишоятда дилкаш, кўнгилчан одамининг тасаввурни орқали берилishi ҳикояга алоҳида ҳазни кайфият бахш этади, уни кўнгилдан оқиб чиққан аламли қўшиққа айлантиради.

«Ёшлик билан юзма-юз»да адашган одам фожиасини очиш билан баробар, уни адаштирган одамлар, омиллар ҳам тилга олинади, адаба жаир имкониятлари даражасида фожианинг асл манбаларини таҳлил этишга уринади. Мана шу хусусият А. Мухторининг «Хонимининг туғилган күплари» ҳикоясида янада ёрқинроқ намоён бўлган. Ёзувчи қаҳрамонлари табнати, тақдирни билан таништират экан, бизни баҳсга даъват этади. Ҳикоядаги эзгуликка ишончини йўқотиб қўйган, орзу-ҳаваслари сўнган, барбод бўлган шахс Мирзага дуч келганда дастлаб ундан жирканамиз, айни пайтда ҳайратланамиз, нега шундай кўйга тушди экан, дея хаёлга толамиз. Ёзувчи китобхон кўнглидаги саволларга жавоб ахтаришга тушади, қаҳрамон қалбиға қулоқ тутади, секин-аста бу

тўнг, мажруҳ йигитнинг ичида олам-жаҳон дарду-ҳасратлар борлиги ошкор бўла боради. Қачонлардир Мирза ҳам аломат одам бўлган, қалби эзгу ҳислар, юксак орзулар билан тўлиб-тошган. Унинг қалбини, одамийлигини Наримонов типидаги лаганбардор, пасткаш кимсалар барбод этган; Наримонов қилмишига яраша «жазоланган», илм даргоҳидан қувилиб, пиво бочкаси ёнидан жой олган, куни пивохўрларнинг хайру-садақасига қолган. Энди кўксимиздан отилган нафрат тифи худди шу одамнинг кўксига бориб қадалади; лаганбардорликнинг даҳшатини яна бир карра чуқур ҳис этамиз, бу иллат фақат шу кўйга тушган одамларнигина тубанликка тортиб қўя қолмасдан, ўзгаларнинг ҳаётини ҳам заҳарлаши мумкин эканига иқрор бўламиз.

* * *

*

Ҳикояни кичик драма деб аташади. Ҳикоянинг муваффақияти кўп жиҳатдан драматик асосга боғлиқ. Жаир ривожидаги янгиликлар ҳаётий зиддиятлар ифодасида ҳам намоён бўляпти. Маънавий ахлоқий масалаларга ёътиборнинг ортиши, интеллектуализмнинг чуқурлашиши, аналитик тасвирга мойллликнинг кучайнishi оқибати бўлса керак, ҳозирги яратилаётган кўпчилик ҳикоялар характеристикинг руҳий драмаси асосига қурилган; тўгри, қатор ҳикояларда бир-бирига зид, қарама-қарши гоялар, майллар, хилма-хил табиатли персонажлар тўқнашади, характер билан муҳит орасидаги зиддият баъзан гоят кескинлашади, лекин авторларни ўша тўқнашувлар жарәни эмас, уларнинг оқибати, шу зиддиятлар туфайли қаҳрамонлар ҳаётида, шахсиятида, руҳиятида юз берган драмалар қизиқтиради. Юқорида таҳлил этилган аксари ҳикояларда шундай.

Ҳаёт ҳодисаларини ранг-баранг бўёқлари, ҳаётдаги зиддиятларни бутун мураккаблиги билан кўрсатишга бўлган интилиш туфайли конфликтнинг характеристери ҳам

ўзгариб, муракаблашиб боряпти. Аввалгидек, конфликт асосини янгилик билан эскиллик, илфор тушунчалар билан қолоқ тушунчалар орасидаги кураш ташкил этади. Бирок авторлар шу қарама-қаршиликларни кўрсатиш билангида чекланмайдилар, ҳар иккала қутбниң ўз ички зиддиятлари — манғий ва мусбат томонларий ҳам очиб беришга ҳаракат қиласидилар.

Ф. Мусажоновнинг «Зиёрат» ҳикояси мана шу жиҳатдан ибратли. Ҳикоядаги ота билан бола, бир томондан, бир-бирига «рақиб», уларнинг қараш ва интилишлари бошқа-бошқа. Мирваққос ака ерга меҳр қўйган, қўл кучи билан кун кўрувчи, қўл кучини ҳамма нарсадан муқаддас биладиган ҳалол меҳнаткаш деҳқон. У ўғли Азимнинг шаҳарга бориб ўқишига тамоман қарши, уни ҳам ўзи каби қўл кучи билан кун кўрадиган деҳқон бўлишини истайди, ўғлиниң меҳнати, жисмоний заковати билан фахрлангиси келади. Бола эса ўз билганидан қолмайди, замона зайлини тутади, ота раъйига зид бориб, ўзини ўқишига уради: у шаҳарда қобилиятини намойиш этган, «ўз кучи билан» институтга кириб олган. Иккинчи томондаги, улар бир-бирига ниҳоятда меҳрибои. Қайсар ота ўғлига дуч келгандা, аввал ғазабланиб уни калтак билан савалайди, кейин меҳри жўш уриб, ўғли шарафига қўй сўйиб зиёфат беради; бола ҳеч қачон ўз эътиқодига зид бормайди, ота олдида таслим бўлмайди, шу билан баробар, фарзаидлик бурчини унутмайди, ота ҳурматини жойига қўяди, унинг кўнглини олиш пайида бўлади. Ота фарзаидининг ўжарлигини ёқтирумайди, аммо ўз кучи билан ўқишига жойлашиб олганини эшитгандা, унга тан беради, ичиде фахрланиб ҳам қўяди; ўғлиниң ўқиб одам бўлишинга ишонади, шу билан баробар унинг ҳали анча гўр, жисмоний заиф эканидан ўқинади. Бу одам, бир қарасангиз бир сўзли, қайсар, консерватив шахс, бир қарасангиз, ниҳоятда танты, меҳрибои, олижапоб отахон. У ўз билганидан қолмайди, эътиқодидан қайтмайди, айни пайтда замона зайлига, янгиликка кескин зид ҳам бор-

майди; пировардида ўжар ўғлини хайрихоҳлик билан шаҳарга кузатиб қолади.

Мирваққос акага ўхшаш кишиларни қишлоқларда ҳар қадамда учратасиз. Ҳикоянавис бу одам характеридаги зиддиятлар орқали ҳаётдаги янгиликларни, маълум контрастларни ниҳоятда аниқ, бетакрор тарзда ифода этган. Ўглиниң отага бўлган муносабатида ҳозирги ёшлар характеристига хос ижобий фазилатлар — фарзандлик бурчига ҳурмат, идеалга садоқат, қатъийлик кўрсатилган.

Маълумки, руҳий драма ифодаси гоят хилма-хил бўлиши мумкин. Бир ёзувчи киши руҳий драмасини бевосита кўрсатишни хуш кўрса, бошқа бир ёзувчи, руҳий драмани персонажининг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари орқали беринши маъқул кўради. Масалан А. Чехов кейинги усулни ёқтирас эди. Ў хатларидан бирида: «Психика соҳасида қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини тасвирлашдан қочган яхши, шунга интилиш керакки, қаҳрамонлар руҳияти уларининг хатти-ҳаракатидан билиниб туrsин». Бу усул ҳикоядек ихчам жаир учун ниҳоятда қўйл келар эди. А. Қаҳдордек ҳикоя устаси ҳам Чеховнинг шу маслаҳатига амал қиласарди. Ҳозирги ёш ҳикоянавислар орасида ҳам шу йўлдан борадиганлар кўп. Чунончи, ёш қаламкаш Ф. Мусажонов «Зиёрат» ҳикоясида шу усулдан фойдаланишда аинча маҳорат кўрсатган, ота билан фарзанд руҳиятидаги зиддиятларин уларининг хатти-ҳаракати орқали хийла таъсиридан ифода этган. Ёш адабиётшунос К. Пирматов негадир бу усулга менемай қарайди. Ў «Ҳикояда бадиият» сарлавҳали мақолосида қаҳрамонлар руҳий зиддиятларининг «ташқи хусусиятлари», «айрим белгилари» кўрсатилгану, аммо «энг зарур бўлган қаҳрамонлар қалби, руҳий олами ва маънавий қиёфаси, уларнинг ҳар бирига хос ички хусусиятлари очилмай қолган» дейди. Ў ёзади: «...Мирваққос ака билан Азим ўртасидаги жаижалиниң қаҳрамон қалбига таъсири чуқурроқ ифодаланса, ҳаётнироқ чиқарди. Бинобарин, Азимнинг ўз отаси гапини кўтаролмай уйидан чиқиб

кетиши Мирваққос акага қандай таъсир қилди, унинг қалбидан нималар кечди. Айни вақтда жаҳл билан уйдан чиқиб кетиш Азим қалбida қандай қарама-қарши фикрларни уйғотди. Азимнинг бу қилини қарни отаси кўнглини қаттиқ ранжитиб қўйған бўлса нима бўлади? Уқиш деб ўзининг энг олий фарзандлик бурчнин унтиш Азимнинг хаёлидан ўтдими, йўқми? Азим бош эгиб келгандан кейин Мирваққос aka қалбидаги газаб олижапоб ҳис ва туйгулар билан... қандай алмашди. Мирваққос акада фақат оталарга хос бўлган ички бир меҳр ва айни пайтда унинг қалбida тўлқинланган гурур қандай пайдо бўлди. Шундан кейин, Азим ўзининг аввалги қўрсникларини янада аниқроқ сеза олдими ва шу орқали Азимнинг отасига меҳри қандай кучайди? Ҳикояда мана шулар қаҳрамонларининг ҳаракат ва ички руҳияти орқали чуқур очилганда ҳикоянинг фазилати анча ошган бўларди¹.

Ҳикояшинг фазилати шундаки, унда мақола автори қўйған талабларининг деярли ҳаммасига жавоб бор, фақат ҳикоянавис буларни қаҳрамонларининг бевосита ички руҳиятини кўрсатиш йўли билан эмас, хатти-ҳаракатлари орқали амалга оширган.

Санда Зуннуонанинг «Ака», Ўткир Ҳошимовнинг «Деҳқонининг бир куни», Шукур Холмирзаевнинг «Ой ёргида» асарлари ҳаётний зиддиятларни беришда ҳикоянинг имкониятлари бениҳоя кенг эканини кўрсатиб турибди. Учала асар ҳам ўткир драматик асосга эга, аммо ҳикояда у иниҳон тутилади; ҳеч қанақа зиддият, олишув рўй бермайди. Авторлар зиддиятни китобхон қалбига кўчирадилар; ҳаётининг сиртдан тиич, осойишта кўрининган бир парчасини келтирадилар-да, у ҳақда ўйлаб кўришни китобхонга қолдирадилар; тажрибали китобхонга ҳамма нарса аёи бўлади-қолади, автор пинҳон тутган драма ўқувчи қалбини тутгўнга солади.

¹ «Ўзбекистон маданияти», 1971 йил 16 апрель.

«Ака», менимча, С. Зуннунова ижодида олға қўйилган қадам. Адабанинг кейинги йиллар шеъриятидаги ўтирип кузатувчанлик, фикрий теранлик, самимият ва нафосат унинг бу ҳикоясига ҳам кўчган. Ҳикоядаги ҳодиса бир қарашда жуда оддий: ака хонадонига укалар меҳмон бўлиб келади, оддий ишчи Фатҳиддин олим укаларини хушнудлик билан қабул қиласди ва шод-хуррам кузатиб қолади. Орада ҳеч қанақа тўқнашув, олишув ҳам, қаҳрамонлар кўнглида бирор кескин нохуш кайфият ҳам юз бермайди. Воқеанинг сокин ва сўлим ёз оқшомида, сахий аканинг кўркам ва шинам ҳовлисида ўтиши ҳикояга алоҳида осойишталик бахш этади. Аммо сиртдан сокин кўринган мана шу ҳодиса замирида жуда катта ўтирип драма, кескин драматизм яширинганди. Автор осойишталикини таъкидлаган, персонажлар ўзини эркин, осуда тутган сари бу драма ўқувчига ёрқинроқ аён бўла боради. Фатҳиддин билан Рихсихон етим қолган укаларини ўқитаман, одам қиласман деб ие-не машаққатларни бошдан кечирган, шуларни деб ҳаётнинг кўп лаззатлари ва инъомларидан бебаҳра қолган. Ўзлигидан кечиб, ўзгалирга бахт ато қиласлан тиним ва таъна билмас бу олижаноб одамлар билан танишганда, бир чеккаси, уларнинг ҳолига ачинасан, айни пайтда, уларнинг қалб саҳоватига тан берасан; ана шу камтарин, камсуқум одамлар олдида ўзини бир оз баланд олган укалар, «маданиятли» келинлар қиласмишидан хафа бўлиб кетасан киши.

Адиба ҳодиса драматизмини айрим штрихлар орқали ўқувчига етказади, персонажлар ҳолати, хатти-ҳаракати, фикрлаш тарзига оид характерли деталлар, характерлар орасидаги пинҳоний зиддиятларни ошкор этади.

Ҳикоя бизни оддий кўринган, ички зиддияти, манифий ва мусбат томонлари дарҳол кўзга чалинавермайдиган ҳодисалар моҳиятини англаб олишимизга ёрдам беради, улар ҳақида ўйлашга ундейди, биз учун заҳмат чеккан-

лар олдида ҳамиша масъулдор эканимизни ёслатиб қўяди.

«Деҳқоннинг бир куни»да ёш келин, колхозчи деҳқон Санобарнинг оддий бир куни — тонг қоронғисидан шом қоронғисигача қилган ишлари, кечинмалари, ташвиш ва қувончлари келтирилади. «Ака»дагига ўхшаб бу ерда ҳам бирор кескин драматик ҳодиса рўй бермайди, келин билан табелчи Шоқосим ака орасидаги айрим «ғиди-биди»ларни мустасно қилганда ҳикояда ҳеч қанақа зиддият, олишув йўқ. Оиласда ҳам, далада ҳам тиним билмайдиган оддий меҳнат кишисининг оддий бир куни. Аммо шовқин-суронсиз, дабдабасиз, оҳ-воҳсиз кечган шу куннинг катта маъносини, жиддий драмасини пайқаб олиш қийин эмас. Ёш келин шу бир куннинг ўзида нозик, чайир бармоқлари билан ўзига ҳайкал бўлгудек ишлар қилиб қўяди, ёш келиннинг кўп ширин дамлари шу хилда меҳнатда ўтиб кегади... Ҳикояни ўқиб, чуқур ўйга толасиз, бу заҳматкаш ишон қисмати, унинг оддий меҳнат куни сизни ҳаяжонга солади...

Ш. Холмирзаевининг «Ой ёргугида» ҳикоясида киши қалбини ғалати ҳисларга гарқ этадиган сокинлик, сехр бор. Уидаги ҳамма нарса сеҳрли. Воқеанинг мафтуникор тог манзаралари бағрида, сокин бир кечада бўлиб ўтиши, иотаниш шаҳар одами билан иотаниш тоф қизининг бир-бировига туида дуч келиши, улар орасидаги антиқа сұхбат ўқувчи хаёлни сеҳрли бир оламга бошлайди. Тонгга қадар давом этган учрашув, ғалати сафар, антиқа сұхбат давомида сеҳрли ҳодиса юз беради. Бу икки ҳамроҳ гўё икки олам. Ҳар иккалови ҳам ҳаётда жафо кўргани. Бириншиси аламини деб замона зайлига зид боради, шаҳардан, фан-маданият даргоҳидан бош олиб кетади, шахсий ҳаётдаги кўнгилсизликлар боисини фан ва техникадан деб билади; кўнгил ярасига табнат қучогидан даво ахтаради: иккинчиси эса табнат бағридан безиб, фан ва техника маданият оламига, шаҳарга талпинади; тоф қизи ҳиссиятга бой, дадил, интилувчан, ку-

рашчан; шаҳарлик ҳамроҳида эса ҳиссиёт сўна бошлаган, бу ҳол уни лоқайдликка маҳкум этган. Содда, самимий тоғ қизи ҳар жиҳатдан бу руҳи сўник, ҳорғин зиёли йигитдан устун; ҳатто техника истиқболи ҳақидаги баҳсда у йигитни лол қолдиради. Шу баҳс пайтида ҳиссизлик кишини ақлий ва мантиқ жиҳатдан ҳам ожиз этиб қўйишини шундоқ кўриб турдимиз. Ана шу сеҳрли учрашув пировардида йигит бирдан ўзини таниб қолади, қиз табиатидаги фазилатлар йигитга ҳам «юқади», ундаги сўна бошлаган туйғулар ҳаракатга келади.

Кўряпсизми, шу сокин ойдин кечада қаҳрамон қалбida шундоқ кескин ўзгаришлар юз берди; биз йигитнинг ҳолати, руҳияти, нотаниш қиз билан мулоқоти қизнинг қалб бисоти, кайфияти, орзу-интилишлари билан танишгач, цивилизация асрининг улкан муаммолари — инсон ва табнат муносабати, шаҳар ва қишлоқ турмушининг ўз ички зиддиятлари, инсондаги табиий туйгуларнинг сеҳрли кучи, инсон қалбини асраш, авайлашустида ўй суриб кетамиз. Демак, ёзувчининг сокин, сеҳрли тасвири китобхонни кескин драматик ҳолатга солиб қўяди.

Ў. Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони», Ў. Умарбековнинг «Маруся холанинг милтиғи», «Номус» ҳикояларида драматизм ифодаси яна бошқача. Бу ҳикояларда кўзга барала ташланиб турадиган кескин драматик воқеалар юз беради; чунончи «Урушнинг сўнгги қурбони»да ўғил ўз онасининг ҳаётига зомин бўлади, «Маруся холанинг милтиғи»да қоровул чол билиб-билимай одам ўлдиради, «Номус»да ошиқ маъшуқасига хиёнат қиласи, маъшуқа номусга қолади.

Энди ана шу кескин драматик ҳодисалар ифодасига қаранг. «Номус» ни эслайлик. Автор ниҳоятда кескин, ошкора драматик ҳодисани, қаҳрамон қалвидаги ададсиз қийноқларни ниҳоятда осойишталик, босиқлик билан ифода этади. Бундай ифоданинг маълум хатарларни томони ҳам бор, бу йўл лоқайдликка бошлиши мумкин эди, би-

роқ асарда аксинча бўлиб чиққан, автор таинлаган усул асл муддаога, характерлар руҳиятига ва моҳиятига ниҳоятда мос бўлиб тушган, аслида асар лоқайдликка, ҳиссизликка қарши зўр исён бўлиб чиққан.

Қиз йигитнинг, йигит эса қизнинг қалбидан бехабар бир-бировнiga кўнгил беришган. Қиз қалби севги қувончи билан лиммо-лим, унинг хаёли тўй, висол, оила, бахти ёр келажак умиди билан банд. Бироқ йигит қизнинг шу умидларини барбод этади, бошқа аёлга уйланиб кетади. Ёзувчи имо-ишоралар орқали йигитнинг кимлигини аён эта боради — у лоқайд, иштавон одам; бу йигит Зумрадни севади, аммо бу севгисини асраб қололмайди, оила-сидан кўнгли тўлмайди, ҳамон Зумрад томон талпинади, Зумрад қалбига ўзи ўт ёқади, аммо бу оловдан бир қалб куйиб жизғанак бўлаётганини сезмайди, ҳис этмайди, иложи борича шу оловдан исиниб қолишга тиришади. Бунақа одам ҳеч қачон ўзгаларга бахт ҳадя этолмайди, персонажлардан бирининг сўзи билан айтганда, у Зумраднинг тирюғига ҳам арзимайди.

Қиз қалби эса саҳоватга бой, у ҳар қандай вазиятда ҳам ўзгаларга бахт ҳадя этишга қодир... Бу аломат қиз азиз туйгуларини барбод этган бир одамга, шу азиз туйгулари ҳаққи яхшилик қиласди, ўзини номусга қўйиб бўлса-да, эндилликда бировнинг эри бўлиб қолган одамни қалтис вазиятда ҳимоя этади — ҳақиқатини ёқлаб зўр жасорат кўрсатади.

Қизнинг бу жасорати баъзи асарларда учрайдиган ҳиссиз одамнинг шунчаки олижаноблиги эмас. Бу олижаноблик қиз учун қимматга тушади; қарама-қарши туйгулар кураши уни шундай қилингага ундейди; ўшандай вазиятда шу хил табиатни одам шундан бошқача йўл тутиши мумкин эмас. Энг даҳшатли жойи шундаки, қиз қалбидаги олижаноб туйгулардан унинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган одамлар ҳам, қизни шу ишга ундаған адвокат ҳам, қиз қалбини мафтун этган йигиг ҳам мутлақо бехабар. Қиз кўзи қалтис дақиқаларда йи-

гитга тушади, унинг қарашида «қизиқиш, ҳайронлик әмас, мамнүнлик ва илтижо, одамни ерга урадиган илтижо»ни кўриб қалби вайрон бўлади... Худди ўша аянчли драматик дақиқада йигит кўзимизга ниҳоятда ғариб, ҳиссиз бир маҳлуқ бўлиб кўринади, унинг қаршисида турган, гумроҳ кимсаларнинг надоматига қолган қиз эса ниҳоятда улуғвор бўлиб кетади.

Ҳозирги ҳикоячиликда конфликтнинг традицион тури ҳам мавжуд. Чунончи «Тўққизинчи палата» ҳикояси эътиқодлар қиёси асосига қурилган. Икки хил шахс, иккни хил олам бир палата ичидаги ётибди; оғир дард бундай қовушмас қалбларни бир хона ичига тиқиб қўйган. Шу тур асарларни кўп ўқиганмиз. Улардан фарқ қиласроқ, бу ерда кескин ошкора тўқнашувлар, олишувлар юз бермайди; ижобий қаҳрамон ғалабасини тасдиқлаш, салбий қаҳрамон маглубиятини таъкидлаш ҳам йўқ. Аксинча ҳикояда ижобий қаҳрамон аҳволи жуда ночор, бунинг устига у кимсасиз ғариб, фарзандлари урушда бедарак кетишган; пировардида у оламдан ўтади. Салбий қаҳрамон эса ували-жували, тетик ҳатто оғир хасталикни енгиб, оёққа туриб кетади. Ёзувчини ҳодисаларнинг ташқи оқибати эмас, ички моҳияти қизиқтиради, ўқувчи дикқатини қаҳрамонларнинг руҳий оламига жалб этади; ҳикояни ўқиб чиққач, маънавий эътиқоднинг сеҳрли кучига тан берамиз; ночор, ғариб бўлиб кўринган марҳум Баҳромов, юксак эътиқоди туфайли юксакликка кўтарилади, бизда ачиниш эмас, ҳурмат-эҳтиром, ҳавас, уйғотади, тагли-жойли, ўлимни енгган Ҳожи бува эса имонсизлик, эътиқодсизлик туфайли, кўзимизга ниҳоятда ғариб, вяянчли кўринади.

* * *

Ниҳоят, бир неча оғиз сўз ҳажвий ҳикоячилик ҳақида.

Сўнгги йилларда ҳажвий проза анча жонланиб қолди,

хусусан ёш авторлар бу борада самарали меҳнат қилишияни; Х. Тўхтабоев, Н. Аминов, А. Муқимов, Ф. Мусажонов каби ёш ҳажвчиларининг тўпламлари босилди, адабий тақиҷидчилик уларининг асарларини юқори баҳолади. Бу авторлар ўз ҳажвий ҳикоялари билан вақтли матбуотда фаол қатнашияни. Бу ўринда, мен, ўқувчилар Эътиборини шу жаирининг баъзи намуналарига — Н. Аминовининг «Туғилган куним қани?», «Табрикнома», С. Сиёевининг «Марҳумининг ҳурмати», «Ўзини кўтарадиган одам», «Ой бориб омон кел». Х. Тўхтабоевининг «Беш болали ёзувчи», А. Иброҳимовининг «Ўртадаги одам» ҳикояларига жалб этмоқчиман. Сон-саноқсиз ҳажвиялар орасидан ажратиб олингап шу асарларининг ўзиёқ бу жаирининг ҳозирги ҳолати ҳакида маълум тасаввур беради.

Х. Тўхтабоев билан С. Сиёев азалдан юморга, ҳазилмутойибага мойил ҳажвчилардан; «Беш болали ёзувчи» билан танишганда, оилавий икир-чикирлар гирдобида қолган ижодкорининг ҳолидан роса мириқиб куламиз; «Ой бориб омон кел»даги қариянинг гаройиб туши, тушдаги кулғили саргузашти тасвирини ўқиб яйраб кетамиз, ёш автор хаёлий саргузаштлар орқали ҳам чўпонлар ҳаётининг ёрқин лавҳаларини чизади, Гулмат ота, унинг қозоқ дўсти Сарибой, шаҳарлик эзма куёви Нусратхўжарининг руҳиятини, портретини аниқ, бетакрор ифода этади.

С. Сиёевининг кейинги асарларида яхши бир фазилат кўринияти, унинг қувноқ кулгиси жиддийлашиб, «ҳазилиниң таги зил» бўлиб боряпти. «Ўзини кўтарадиган одам»даги ҳодиса сиртдан қалтис бир ҳазилдек туюлади; сотувчи йигитнинг фельетончи ҳузурига келиб ўзини фош этиши, газетада уриб чиқишни илтижо қилиши олдии фельетончини ҳам, китобхонни ҳам ҳайратга солади, ишҳоят «сир» очилади, сотувчи фош этилади, у ишдан бўшатилади, аммо бошқа магазинга ўтиб, юқорироқ лавозимни эгаллайди; у фельетончидан мамнун, унинг ху-

зурига яна илтижо билан келади, энди бу одам янгидан фош этилиб, гастрономга директор бўлмоқчи... Ҳазилнинг тагидаги зил ўқувчига маълум, автор ҳаётдаги келишувчилик иллатларига қарши чиқяпти.

«Марҳумнинг ҳурмати»даги кулги яна ҳам жиддийроқ. Ҳажвиядаги Хушкелдиев ҳам комик, ҳам фожий характер. Хушкелдиев ҳажвий прозамизда янги образ. У жонкуяр, одамларга меҳрибон бир шахс. Аммо у жонкуярлик ва меҳрибонликни расмиятчиликка айлантириб юборади. Шу тариқа ўзини кулгили ва аянчли ҳолга солиб қўяди. Бу хил одамлар ҳаётда кўп учраси эди, назаримда адабиётга уларнинг вакилини биринчи бўлиб С. Сиёев олиб кирди.

А. Иброҳимовнинг ««Ўртадаги одам» ҳикоясидаги Ҳусайн ҳам ҳаётда таниш, аммо адабиётда янги бир қиёфа. Бошлиқдан бошқармадагилар миннатдор, бошлиқ ўринбосари Ҳусайн Холиқовичдан эса ҳамма безор. Аслида бошлиқ муғамбир одам, ўринбосар эса покиза бир қалб ҳаси; хайрли ишлар билан нуқул бошлиқ шуғулланади, жанжалли ишларни эса ўринбосар адо этади, шу тариқа у ўртадаги одамга айланниб, номи ёмонга чиқиб қолган. Ёзувчи ўртадаги одамнинг кулгили ва аянчли аҳволи билан таништирас экан, танқид тифини уни шу кўйга солган вазиятга қаратади, устамон бошлиқни фоши этади.

Ҳаётда ва адабиётда кулгининг хиллари кўп, уларнинг барчаси ўз ўрнида керак; аммо сўнгги йилларда жиддий кулгининг салмоғи анча сусайиб қолган эди, шуни назарда тутганда «Марҳумнинг ҳурмати», «Ўртадаги одам» типидаги ҳажвияларнинг қадри янада ошади. Шу жиҳатдан ҳажвчи Неъмат Аминов туваётган йўл айниқса диққатга сазовор. Н. Аминов бошданоқ ижодда жиддий кулги соҳиби сифатида танилган эди, у ҳамон ўз манерасига содиқ қоляпти, шу билан баробар унинг кулгиси сайдаллашиб, маъно-муаммо доираси кенгайиб, тифи эса янада ўткирлашиб боряпти, «Табрикнома» билан

«Түғилган куним қани?» шундан далолат бериб турибди.

Ҳар иккала ҳикоя ҳам фош этиш одат түсига кириб қолған эскиллик сарқитлари ҳақида әмас, аксинча турмушга кириб бораётган янги таомиллар, маросимлар ҳақида; иккала ҳикоя персонажлари ҳам одатдаги ҳажвияларда тасвиrlанадиган ажабтөвур башаралар әмас, расмана одамлар. Ёзувчининг маҳорати шундаки, оддий, ҳатто ижобий ҳодисалар замирида ётган гайритабиийликни кўра билади, расмана одамлар табнати ва руҳиятидаги кулгили, кескин ҳажвбоп қусурларни топа олади.

...Ота-она боланинг түғилган кунини ишишонлашга тараффуд кўришяпти; ҳикояда ҳеч қандай фавқулодда бир кулгили ҳодиса рўй бермайди, одатдаги зиёфат: меҳмонлар келишади, гурунглашади, қадаҳлар кўтаришади, шу билан тамом-вассалом. Ёзувчининг бутун диққат-эътибори бола, мезбон ва меҳмоnlарниг руҳиятида; мезбонлар меҳмонлар кўнглини, меҳмонлар эса мезбонлар кўнглини овлаш билан банд, бола эса ўз ўйлари билан овора, у маросимининг боисига тушуполмай, «ўзининг түғилган кунини тополмай» гаранг; ўзи бу ёқда қолиб ота-оналар ишрафига айтилаётган илиқ сўзлардан ҳайрон ва лол; секин-аста бола даврада ортиқча бир кимсага айланади, унинг хархашаларида ота-она ҳам, меҳмонлар ҳам зада бўла борадилар, охири бола нариги уйга кириб, уйқуга кетади-ю, мезбон билан меҳмонларниг кўнгли тинчиди, зиёфат маромида давом этади...

Ҳажвчилик санъати ҳам шунда, персонажлар руҳияти асл муддаони ошкор этиб турибди, боланинг түғилган кунини ишишонлаш бир баҳона холос, шу баҳонада мезбонлар ўз обрў ва мавқенини кўтариш, меҳмонлар эса мезбонларга яхши кўринишни пайида. Ёзувчи худди шу нарсадан кулянти, таиқид тигини шунга қаратяпти.

«Түғилган куним қани?» ҳикоясининг яна бир фазилати шундаки, автор бир ситуациянинг ўзида, бир масала атрофида, бир вақт ичида, бир неча персонаж руҳи-

ятини бадиний таҳлил этишга эришади. Бу ноёб усулни ёш ҳажвчи бундан буён янада такомиллаштириб боради деган умиддамиз.

Психологик таҳлил «Табрикнома»да яна ҳам чуқуроқ; тўғри, бу ерда асосан битта персонаж, шунга кўра автор имконияти кенгроқ, «Табрикнома» персонажи Шоназар Қосимович ҳам янгида удумга амал қиласди, барча таниш-билишларини янги йил билан муборакбод этади... Ҳодиса тафсилоти, персонаж руҳияти билан батафсил танишгандан кейин, бу янгида удумга амал қиласди. Ёзувчи фавқулодда кулгили ситуацияларсиз, муболага ва карикатурасиз ҳам мукаммал ҳажвий портрет чизишга эришади.

Қисқаси, аналитик тасвир ҳажвий ҳикоячиликка ҳам кириб келяпти. Диққат қилинса, бу ҳикояларда «иҷак узди» кулгилар йўқ, энг қалтис кулгили ситуациялар ҳам хийла осойишталик, босиқлиқ билан ифода этилган. Бу хил ифода ҳажвчилик жиддийлашиб, ундаги кулги маданияти кўтарилиб бораётганидан далолат беради.

Жанрнинг эртаси бугунги ҳикоячиликдаги замон руҳини, ҳаёт нафасини беришга қодир мана шу энг яхши тенденцияларнинг қай тарзда ривожланишига боғлиқ.

ХОЗИРГИ ҚИССАЛАР ПОЭТИКАСИГА ДОИР

Улуг рус танқидчиси В. Г. Белинский ўтган асрнинг биринчи ярмида шундай ёзган эди: «Хозирги вақтда поэвстъ барча халқлар адабиётида ёзувчи ва ўқувчиларнинг диққат ҳамда машғулотини банд этган фавқулодда бир жаңр бўлиб қолди; у бизнинг кундалик ризқ-рўзимиз, қўлдан қўймайдиган китобимиз, уни биз кечалари мижжак қоқмай ўқиймиз, эрта билан кўз очиб яна унга тикиламиш».

Бу сўзлар гўё ҳозирги кунда айтилганга ўхшайди. Улуг танқидчи замонида бўлгани каби асrimизнинг 60-йилларига келиб умумсовет адабиётида қиссачилик ғоят оммавий жаңрга айланниб кетди. Жумладан, ўзбек адабиётида ҳеч қачон шу даврдагидек кўп қисса яратилмаган эди. Фактларга мурожаат этайлик. 20-йилларда учтўртта, 30-йилларда ўн-ўн иккита, Ватан уруши йиллари бор-йўғи бир-иккита, урушдан кейинги сўнгги ўн йил ичидага ўнтаға етар-етмас, яъни қирқ йил давомида 30 атрофида қисса эълон қилинган бўлса, кейинги 10—15 йил мобайнида босилгани бу жаңр намуналари сони юздан ортади.

Жаңрдаги жонланиш ўз навбатида адабиётшунослар эътиборини ҳам ўзинга торта бошлади, қиссалар теварағида жуда кўп мунозаралар бўлди, улар асосида талай илмий тадқиқотлар майдонига келди. Бироқ бу мунозара ва тадқиқотларининг аксарияти умумий адабиётшунослик характерида бўлганидан, жаңр спецификаси масаласи узоқ вақт эътибордан иётда қолди,

Адабиётшуносликда эпик турга мансуб ҳикоя билан романнинг жанр хусусиятлари нисбатан яхши ўрганилган, ўрганиш ҳамон давом этяпти; хусусан кейинги ўн йил давомида пайдо бўлган тадқиқотлар туфайли бу жанрлар ҳақидаги тасаввуримиз фоят бойиди. Афсуски, қисса жанри ҳақида бундай дея олмаймиз, бу жанр спецификаси устида гап кетганда ҳамон алмисоқдан қолган «ўрта жанр», «ҳикоядан каттароқ, романдан кичикроқ» деган таъриф такрорланади. Ўзбек мактаблари учун чиқарилган адабиёт қўлланмаларида, шунингдек «Адабиётшунослик терминлари луғати»да повесть жанрига берилиган таърифлар ниҳоятда мавҳум, ҳатточи бир қадар кулгили. Чунончи VI синиф «Ватан адабиёти»да повесть ҳақида шуларни ўқиймиз:

«Повесть — ривоя тарзида ёзилган асар. У ҳажми катталиги ва мазмуни бойлигиги (?) билан ҳикоядан фарқ қиласди. Повестда бир неча воқеа (?) тасвиrlанади. Унинг қаҳрамонлари, иштирокчилари ҳам ҳикояга қараганда кўп (?) бўлади. Повестда кишиларниг маълум бир тарихий даврдаги ҳаёти (?) ҳикоя қилинади».

Маълум бўляптики, бу сатрларнинг авторлари повестни ҳикояга қиёсан таърифластирлар; таърифдаги «ҳажми катта» деган иборани мустасно қилганда, қолган ҳамма белгиларни ҳикояда ҳам топавериш мумкин; ҳикоя ҳам мазмун жиҳатдан бой бўла олади, бир эмас, бир неча воқеа асосига қурилган ҳикоялар кўп учрайди, айрим повестларга қараганда қаҳрамонлари, иштирокчилари кўпроқ бўлган ҳикояларни ҳам топиш мумкин; «Повестда кишиларниг маълум бир тарихий даврдаги ҳаёти ҳикоя қилинади» деган гапга келсак, бунақа хусусият повестдагина эмас, ҳикоя, роман, драма, қўйинчи, барча жанрларга хос; повестда бир эмас, бир неча тарихий даврдаги воқеалар акс этишин мумкин, узоқ даврлик воқеаларни, ҳатто қаҳрамонларниг бутун ҳаёт йўлни акс эттирадиган қисса ва ҳикояларни кўплаб ўқиганмиз... Кўлланма авторлари ўз фикрларини «жам-

лаб» шундай хулосага келадилар: «Киши ҳәётининг маълум даврига хос турли воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилувчи бадиий асар повесть дейилади». Аввалги мулоҳазаларда жанрга хос айрим белгилар бу хулосада тамоман йўққа чиқади, таъриф шу қадар мавҳумки, уни ўқиган китобхони повестни мутлақо кўз олдига келтиролмайди. Табиийки шу «таъриф» билан «қуролланган» мактаб ўқувчиси бир умр чалкашликтан боши чиқмайди.

Шарифа Абдуллаева, Ҳаким Ҳомидий, Саломат Ибронимоваларининг «Адабиётшунослик терминлари луғати»да повестга берилган таъриф рус тилида чиққан адабиёт назариясига онд манбалардан иўноқлик билан қилинган таржиманинг ўзгинасидир. Мана улар билан танишинг:

«Повесть — эпик, ривоий асарларининг бир хили...

Повесть қадимги қисса маъносига бўлиб, ҳикоядан фарқли ўлароқ, асар қаҳрамонининг саргузаштини ёртадиган бир исча воқеа ва ҳодисаларни ўз ичига олади. Повестда бир эмас, бир исча персонаж ҳатнашиб, бош қаҳрамон атрофида группалаштирилган бўлади. Шундай қилиб, повесть воқеликни унинг бутун мураккаблигида аке эттиради; бу жиҳатдан уни ҳикояга тенглаштириб бўлмайди, лекин повестдаги характерининг ранг-баранглиги ва воқеаларининг хилма-хиллиги худди романда гидек кўни ва турли-туман бўлмайди».

Шу фикр бошқа ўринда ўзгачароқ тарзда яна такрорланади: «Повесть — эпик турининг ўртача шакли. Унда романга иисбатан кичикроқ ҳаёт воқеалари доираси акс этади; кишини ҳәётининг мураккаб жиҳатлари романга иисбатан камроқ ўрин олган бўлади; кишининг ҳаёт йўли бошқалар билан алоқада, тўқиашувда тасвирланади, қаҳрамон ҳәётининг асосан маълум бир даври ёритилади...»

Кўриниб турибдики, ҳозирга бизда жилдий адабий-назарий маинба саналган «Лугат»лаги повесть таърифиининг илмий савииси ўрта мактаб қўллашмасиникидан деярли фарқ қилмайди; тоят чалкаш, мавҳум жумла-

лар замирида ўша анъанавий — «ўрта эпик тур», «ҳикоядан каттароқ, романдан кичикроқ» деган маъно ётади.

Повесть таърифига оид чалкашликларни инкор этишига этаётирмиз-у, унинг ўрнига бирор мақбулроқ таърифни тавсия этишга келганда қийналиб қолаётирмиз.

Гап шундаки, бадиний адабиётда повестчалик мураккаб, ўзгарувчан бошқа бирор жанр бўлмаса керак. Айтайлик, ҳикоя ёки романнинг нисбатан барқарор белгилари, хусусиятлари бор, повестда эса бунақа барқарор белгиларни топиш, аниқлаш ниҳоятда мушкул. Ҳажми, мазмуни, персонажлари ва композицион қурилиши жиҳатидан ўртача романдан ҳеч фарқ қилимайдиган «Обид кетмон» (А. Қодирий), «Нур қидириб» (Ойбек) каби асарлар ҳам, «Филоф бандаси» (А. Чехов), «Инсон тақдири» (М. Шолохов), «Асрор бобо» (А. Қаҳҳор) ҳикояларига тенг келадиган «Матлуба» (О. Еқубов), «Дилпора» (Д. Нурий) типидаги қиссалар ҳам; яхлит бир воқеа, икки тип кураши асосига қурилган А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» асари ҳам, шу ёзувчининг алоҳида воқеалар, мустақил ҳикоялардан таркиб топган «Ўтмишдан эртаклар» и ҳам повесть деган ном билан юритилади. Н. Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» асари билан Ӯ. Ҳошимовнинг «Чўл ҳавоси» асари бадиний-шаклий томондан жуда узоқ, бироқ ҳар иккалови ҳам повесть жанрига нисбатан берилади. Аниқ фактларни, ҳаётда бор шахсларни очерк йўли билан тадқиқ этиб берган «Узоқни кўзлаган қиз» (Н. Сафаров) ҳам, бошдан-оёқ ижодий фантазия маҳсулни синалмиш шартли — романтик асар «Кўзлари чўлпон» (С. Азимов) ҳам повесть...

Шундай хилма-хилликни назарда тутиб, таникли рус танқидчиси Ю. Суровцев «Повесть — ғоят ғоаниқ белгидир. Ҳатто бундай ғоаниқ чегаранинг ўзи ҳам повестга куч бағишлийди, унинг бадиний имкониятлар допрасини кенгайтиришга йўл очиб беради», — деб ёзган эди.¹

¹ «Шарқ юлдузи», 1971, № 5, 20-бет.

Бадий имкониятлар доираси нақадар кенг, шакллй хусусиятлар қанчалик ранг-бараңг бўлмасин, повестнинг ўзига хос маълум белгилари, қонуниятлари мавжуд эканлиги шубҳасиз, акс ҳолда повесть деган тушунчанинг ўзи бўлмасди. Астойдил киришилса менимча, жаңр спецификасини, қонуниятларини маълум, даражада аниқлаб олиш мумкин. Сўнгги йиллар адабиётшунослиги-даги айрим уринишлар бу муаммонинг истиқболига умид туғдирмоқда.

1968 йили «Звезда» журнали повесть ҳақида жиддий мунозара ўтказди; мунозарада жаңрга онд мавжуд жўн қарашлар танқид остига олинди; романга қиёсан бу жаңрининг ўзига хос белгиларини аниқлашга ҳаракат қилинди. Гарчи бу борада бир фикрга келинмаган, жаңрга қарашда зиндиятлар кескинлигича қолган бўлса-да, мунозара галдаги ишларга катта турткى бўлди. Жаңрии кенг кўламда, ҳам назарий, ҳам тарихий, типологик жиҳатдан тадқиқ этиш бошланди. В. С. Синенконинг қатор мақолалари, «Бугунги қиссалар ҳақида» номли китоби, Ю. С. Буханцовнинг «Рус совет повести типологияси» тадқиқоти, Ю. Суровцевнинг «Повестнинг композицияси ҳақида» мақоласи бу жиҳатдан характерли.

Биздаги қатор мақола ва тақризларда йўл-йўлакай қисса жаңриининг хусусиятлари, жаңрда туғилаётган янгиликлар тилга олиб турилса-да, ўзбек қиссаларининг назарий масалалари мустақил ўрганилмай келинада эди. Адабиётшунос Ю. Суровцев «Дружба народов» журнали уюштирган ўзбек насринга доир баҳс пайтида бу борада ташаббус кўрсатди, умумсовет қиссачилиги билан боғлиқ ҳолда ҳозирги ўзбек қиссаларини композицисон жиҳатдан типларга ажратишга уриниб кўрди. Мақолада кўпгина ўринили мулоҳазалар айтилган бўлса-да, назаримда автор танлаган йўл, яъни қиссаларни икки турга—драматик повесть ва тадқиқот повестга ажратиб ўрганиш бирёқламаликка олиб боради, бу «андоза» ҳозирги қиссачиликнинг қиёфасини, турларини аниқлашга торлик

қилади; чунончи, мақола автори драматик повесть намунаси сифатида тилга олган О. Ёкубов қиссаларни билан тадқиқот қиссага мисол қилиб келтирган ў. Умарбековнинг «Кимнинг ташвиши йўқ» асари орасидаги аниқ тафовутни пайқаб олиш ниҳоятда мушкул; конкрет асарларининг ютуқ ва камчилликларини белгилашда, хусусан «Қора кўзлар»га муносабатда танқидчи танлаган усулнинг ожиз томони жуда яққол кўриниш қолади, мұнаққид П. Қодировнинг «Қора кўзлар» романини «айдан повестнинг ўзи» деб айтади-да, асарга повесть композицияси талаблари асосида ёндашиб, ундан жуда кўп камчилликлар топади; ҳолбуки «Қора кўзлар» романнинг ўзгинаси, замонавий материал асосида роман яратишнинг яхши намунаси¹.

Жанрни бошқа жиҳатдан типларга ажратишга интилиш ҳам бўлди. С. Мирвалиев 1969 йили «Фан» нашриётида босилган «Ўзбек романни» китобида ёзади: «Повесть деганда, доимо қисса, қисса деганда повесть тушунилар эди. Аммо кейинги йиллар адабиёти тараққиёти бу мувозанатликнинг ўзгариб бораётганлигини ҳам кўрсатмоқда. Чунки қисса мазмунини ички ҳажми жиҳатидан эндиликда повесть тушунчаси мазмунини ўзида тўла шфодалай олмаётганига ўҳшайди. Оқибатда қисса ҳикоя билан повесть жанри ўртасидаги мустақил жанр бўлиб қолмоқда (277-бет). Таниқли адабиётшунос олим М. Қўшжонов мақолаларидан бирида ҳозирги адабий жараён ҳакида мулоҳаза юритиб келиб, С. Мирвалиев каби у ҳам жанрларда янгиликлар пайдо бўлаётгани, повесть билан ҳикоя оралиғига бир «жанр» ажратиб чиққанини айтади, бу «жанрни у «қисса» деб атайди, «уни повестдан кичикроқ ҳикоядан каттароқ», «ҳажм жиҳатдан кичкина, лекин воқеаларни тасвирлашда тез суръат,

¹ Бу хусусда «Роман ва замон» мақоласида махсус тўхталиганимиз.

драматик ҳолатларни кескинлигича беришга мойил; кераксиз тафсилотларга чап берадиган жаир», деб таърифлайди. («Шарқ юлдузи», 1970, № 5, б-бет).

Тўғри, ҳозирги кунда шу хил асарлар кўплаб яратилляпти, аммо уни алоҳида жаир деб аташ ва уига «қисса» деган номни тақаш менимча, мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Мабодо шу йўл билан бориладиган бўлса, ўртача новесть билан роман оралигидан ҳам янги бир жаир тоини мумкин бўлиб қолади. Шуниси ҳам борки, новестининг ихчам тури ҳозирга келиб пайдо бўлиб қолган эмас, у қадимдан мавжуд; рус адабиётида «Тарас Бульба», «Баҳор тошқинлари» новестлари билан ёнимайни бу жаириниг ихчам шакли «Шинель» ва «Ася»лар ҳам яратилган; 30-йиллар ўзбек прозасида «Обид кетмои», «Судхўриниг ўлими» каби лирик новестлар билан бирга «Ёдгор», «Тирилган мурда» каби жажжи новестлар майдонга келган. Буниниг устига «новесть» ва «қисса» деган терминлар кўпдан бери бизда бир маънода ишлатилади, уларни икки тушуича тарзида талқин этиш бир оз эриш туюлади.

Ҳозирги ўзбек қиссачилиги ривожига хос хусусиятларни, жанрдаги шаклдаги ўзгаришиларни, менимча, ҳаммадан бурун мазмундаги янгиликлардан, гоявий проблематикадаги ўзига хосликлардан қидирган маъкул. Асар материали, проблематикаси, гоявий йўналиши жанрий шаклни тайин этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. В. Синенко ва Н. Бухацловлар тутган йўл бу жиҳатдан мақсадга мувофиқ, улар ҳозирги, қиссачиликни гоявий-шаклий жиҳатдан бир бутун ҳолда олиб классификация қилганлар. Н. Бухацов ҳозирги рус новестини уч турга — социал-психологик, лиро-публицистик ва фалсафий новестларга ажратади: В. Синенко эса социал-маний, социал-психологик, романтик, фалсафий, лирик турларга бўлиб текширади; қиссачиликда бошқа жанрларга хос белгиларниг намоён бўлишини, яъни новесть, драма, новеллалардан ташкил топган қисса ва ҳужжат-

ли лирик қисса кўринишларини жанрларнинг ўзаро таъсири оқибати, деб изоҳлайди.

Гарчи бундай типология бошқаларга кўра мақсадга мувофиқ бўлсада, уни бутунлай ҳозирги ўзбек қиссачилигига тадбиқ этиб бўлмайди. Бизда М. Пришвин, Л. Леонов ва Ч. Айтматов ижодидаги учрайдиган фалсафий қиссалар, Ю. Смуулнинг «Япон денгизи, декабрь», Р. Гамзатовнинг «Менинг Доғистоним» типидаги ҳужжатли лирик қиссалар ҳозирча яратилган эмас.

Ҳозирги ўзбек қиссаларини шартли равишида иккита турга ажратиш мумкин: 1) Социал-психологик қиссалар. 2) Маниший-ахлоқий қиссалар.

Ўзбек совет адабиётида илк бор биринчи тур қиссалар майдонга келди, 30-йилларнинг охирида яратилган F. Фуломнинг «Ёдгор» повестини, яна баъзи асарларни мустасно қилганда, узоқ вақт шу тур етакчилик қилди, 50-йилларнинг ўрталарига келиб аҳвол бир оз ўзгарди, «Ёдгор» анъанаси қайта тиклана бошланди, Мирмуҳсин, С. Зуннунова каби адабларнинг маниший-ахлоқий мавзудаги қиссалари пайдо бўлди, 60-йилларга ўтиб бу тур жуда кенг тарқалди, бирин-кетин эълон этилган шу турдаги А. Қаҳҳорининг «Мұхабbat», О. Ёқубовнинг «Мұқаддас», «Қанот жуфт бўлади», У. Умарбековнинг «Севгим, севгилим», П. Қодировнинг «Қалбаги қўёш», «Эрк», Ш. Холмирзаевнинг «Ўн саккизга кирмаган ким бор», У. Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» каби қиссалари эл орасида катта шуҳрат қозонди, жиддий баҳс-мунозараларга асос бўлди; эндиликда, хусусан замонавий тематиканинг ишланишида худди шу маниший-ахлоқий тур етакчилик қиляпти.

Биринчи турга мансуб қиссаларда персонажлар тақдирни ва характерни бевосита ижтимоий масалалар атрофига ёритилади, асар конфликтни социал муносабатлар — синфий кураш, шахсий-гоявий зиддият, ишлаб чиқариш тарзидаги можаролар асосига қурилади. «Буҳоро жаллодлари», «Одина», «Қулбобо» каби илк қисса-

ларда шахсни социал жиҳатдан тадқиқ этишга интилиш кучли бўлса-да, бу интилишнинг маълум кам-кўстлари бор эди; С. Айний шахсни социал жиҳатдан таҳлил этишбор эди; С. Айний шахсни социал жиҳатдан таҳлил этишда чинакам новаторлик йўлини тутган, бевосита ҳаёт фактларини, реал социал зиддият ва типларни адабиёт-фактларини, реал социал журъат этган бўлса-да, реал ҳаёт фактига мос янгила реалистик шакл топишда кўп қийинчиликларга дуч келган эди; автор персонажлар талқини шайтида кўпроқ эски қиссачилик анъаналари йўлидан боради, персонажлар ҳаёт йўли ва саргузаштларини баён этиш билан чекланади, реалистик прозанинг, хусусан социал-психологик повестнинг муҳим шарти — персонаж *характери ва руҳиятини таҳлил этиши* иккинчи планга тушиб қолади. Улкан адаб Абдулла Қодирий ўзбек қиссачилигига биринчи бўлиб шахс тақдирини унинг характери тасвири билан, персонаж саргузаштини унинг психологияси таҳлили билан қўшишга ҳаракат қилди. Унинг машҳур қиссасидаги марказий фигура — Қалвак Маҳзум аввало социал тип, ёзувчи унинг социал мөхиятини фавқулодда бир маҳорат билан очиб ташлайди; ёзувчи бу одамнинг ҳаёт йўлини, саргузаштларини батафсил ҳикоя қилиб беради, бунда у классик адабиётмиздаги қиссачилик анъаналарига таянади, шу билан баробар, Октябрь инқилобидан кейинги янгиликларга тўқнаш келиб, ҳам кулгили, ҳам аяичли ҳолга тушиб қолган эски дунё одамнинг ўзигагина хос бўлган индивидуал хусусиятларни реал гавдалантиради, хусусан унинг маънавий-руҳий оламига, ўзига хос фикрлаш тарзига алоҳида эътибор беради.

Абдулла Қодирий тажрибаси 30-йиллар қиссачилигида янада мукаммаллашди, персонаж саргузашти, характер таърифи ва руҳияти таҳлилида учрайдиган кам-кўстлар, хусусан натуралистик эмпиризм кўришишлари секин-аста барҳам топа бошлади; «Обид кетмон», «Судхўрнинг ўлими», «Шум бола» асарлари орқали социал-психологик қиссачилик янги босқичга кўтарилди. 50-йил-

ларда бу турнинг «Нур қидириб», «Ҳукм», «Қорақалпок қиссаси», «Ҳилола», хусусан «Синчалак» каби гўзал, етук намуналари пайдо бўлди. 60-йилларга ўтиб қисса-чиликдаги шу тур, шу анъана ривожи ҳийла сусайиб қолди, аввал айтганимиздек, бу даврга келиб майший-ахлоқий тур олдинга ўтиб олди. Бу замон тақозоси, китобхон талаби билан юз берди.

Маълумки, совет кишилари узоқ вақт катта ижти-
моий вазифаларни адо этиш — Октябрь революциясини
ўтказиш, ёш совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш, социалис-
тик индустряни барпо этиш, қишлоқ хўжалигини кол-
лективлаштириш, фашистлар ҳамласини даф қилиш,
уруш вайроналарини тиклаш билан банд бўлиб, маълум
даражада шахсий манфаатини тийиб туришга мажбур
бўлган, турмушнинг ўзида майший ҳаёт сфераси бир боз
чекланган, севги, оила каби масалалар иккинчи планга
суриб қўйилган, ҳатто баъзан янги давр кишиси — ком-
мунист, комсомол, севги ҳақида ўйлаши мумкинми ёки
йўқми, деган муаммо атрофида қизғин баҳслар кетар;
бу ҳол ўз навбатида адабий тафаккурга, адабий ҳаётга
ҳам ўз таъсирини кўрсатган, севги, оила «кичик тема»
деб эълон этилган, Маяковскийдек улкан санъаткорлар
севги темасига қарши чиққан, кўпгина ўзбек адаблари,
ҳатто Ҳ. Олимжондек лирик шоир севги ҳақида ёзади-
ганилар «севикли ва севгувчининг тарихларини қизиқ қи-
либ ёзиб, одамларнинг бошларини чалғитади» деган ўйга
борган эдилар («Горькийни таниш» мақоласини эсланг).

Тарих фидираги олга борди, социалистик тузум катта
ғалабаларни қўлга киритди, ҳалқ баҳт-саодати, фаровон
яшаши, ҳар бир шахс манфаати, унинг ҳар тарафлама
камол топиши учун катта имкониятлар яратилди, хусус-
сан 50-йилларнинг ўрталарига келиб социалистик де-
мократияни кенгайтириш, ҳалқ фаровонлигини ошириш
юзасидан кўрилган жиддий тадбирлар социалистик ҳаёт
тарзида чуқур из қолди, майший-маънавий ҳаётга,
жумладан адабиёт ва санъатга кучли таъсир кўрсатди;

табиинки, ана шундай шароитда манишй тематика севги, оила ўз-ўзидан «кatta масалалар» қаторига ўтиб қолди, шеъриятда севги лирикаси, романларда севги линияси, қиссачилликда манишй-ахлоқий тур шу тариқа жонланиб кетди.

Бу турга мансуб асарлар адабий тақиғидчиликда кўшича «севги қиссалари» деб юритилмоқда, севги қиссалари атрофида қизғин баҳслар бўлмоқда. Мунозаралар асосида севишганлар руҳиятининг икки жиҳати — пиним кечинималар билан гражданлик туйғусининг ўзаро муносабати ётади. Биз кўпинча бу масалани foявий, умумий бадиий аспектда олиб текширамизу, унинг бевосита шакл муаммоси билан боғлиқ томонларига етарли эътибор бермаймин, ҳолбуки, бу нарса жаңр табиати хусусияти билан бевосита алоқадор.

Ўзбек, рус, қардош ҳалқлар ва жаҳон адабиёти на-муналари тажрибасига таяниб, шуни айтиш мумкинки, қисса ўз табиати билан бир оҳангли жаңр, бу жанрнинг яхши, идеал намуналарини якка созда чалинган куйга қиёс қилиш мумкин; персонажлар кўп ё оз бўлишидан, вожеаларининг, давр масоғасининг узуни ё қисқалигидан қатъий назар, асар асосида битта бош проблема ётади, персонажлар тақдири, характеристи, руҳияти шу бош проблема нуқтаи-назаридан, яъни бир томондан таҳлил этилади. Масалан, А. Қаҳҳорининг «Синчалак» повести асосида эски ва янги тишдаги раҳбар ходимлар, хўжаликни бошқаринидаги эскича ва янгича усуллар орасидаги тўқнашув ётади, асар персонажлари Қаландаров билан Саида характеристи, руҳияти худди шу жиҳатдан таҳлил этилади; асарининг ҳиссий оҳангини, тасвир ритмикасини ҳам шу нарса тайин этади; ёзувчи йўл-йўлакай Қаландаровининг оиласи ҳаётин, Саиданинг севги кечинималарини ҳам қаламга олади; бироқ булар асарининг мустақил сюжет йўналиши даражасига бориб етмайди; мабодо оиласи — манишй йўналиш ҳозиргидаи кенгроқ ўрин олганда асар мувозанатини йўқотиб қўйган, поэтик ях-

литликни барбод этган бўларди. Ёки бошқа бир мисол. Ч. Айтматовнинг «Жамила» асари — соф севги қиссаси; асар икки ёшининг машаққатли, ҳам нурли севги тарихидан таркиб толган; қиссадаги севишганлар — меҳнат кишилари, ёзувчи уларнинг меҳнатини тасвири этади, аммо бу тасвири асарда мустақил линияни ташкил этмайди; асардаги асосий нарса — севги можароларининг юз беришида бир фон ролини ўтайди, холос.

Менинг назаримда, қисса жанри мана шу жиҳатдан романдан фарқ қиласди. Роман ўз табиати билан кўп оҳангли жанр. Уни хилма-хил чолғу асбобларидан ташкил топган улкан оркестрга қиёс қилса бўлади; унда маълум мавзу, жанр доирасида турли-туман садоларини ёштиш, яъни ғоят ранг-баранг воқеаларни, мустақил сюжет йўналишларини учратиш, персонажлар характери ва руҳиятини кўп томонлама таҳлил этиш мумкин. Баъзи қиёслар келтирай. «Аниа Каренина» номидан ҳам кўриниб турибди, Анна ҳақидаги роман. Ёзувчи Л. Толстой Анна тақдирини ҳикоя қилиш билан баробар асарга жуда кўп мустақил сюжет линияларини, жумладан Левин тарихини киритади; Левин билан боғлиқ тасвири асарда жуда кенг ўрини олишига қарамай, асарининг поэтик яхлитлигига асло монелик қилмайди. «Ўтгани куилар» асосида Отабек билан Кумушнинг қисмати ётади; ёзувчи А. Қодирий уига ёндош ҳолда қатор воқеаларни, кўпдан-кўп персонажлар тақдирини тасвири этади, жумладан асар охирига бориб, маълум зарурият тақозоси билан, Зайнаб ва Хушрўйбиби муносабатларини ифода этишга тушиб кетади, романдаги асосий масала — Отабек, Кумуш муносабатлари кескинлашиб, охириги нуқтага яқинлашаётган бир пайтда, бундай экспурсия бошқа бирор жаңрда, хусусан қиссада қусур бўлиб туюлиши мумкин эди; тақиидчиликда таъкидланганидек, роман учун бу қусур эмас, фазилат бўлиб тушган, асардаги асосий драматик конфликт ечимини далиллашга хизмат этган. «Қора кўзлар»да асосий сюжет йўналишларидан ташқари, Мадаминжон во-

қеасы бор. Үзича мустақил бир қисса шаклидаги бу во-
қеа, күргина танқидчиларнинг фикрича, асар руҳига мос
бўлиб тушаверган. С. Аҳмаддинг «Уфқ» романни — жид-
дий типдаги асар; бироқ хилма-хил воқеалар, характер-
лар руҳига мос равишда йўл-йўлакай тасвир оҳангидан ўзга-
риб боради, жиддий оҳанг гоҳ майн лирик, гоҳ жўшқин
романтик, гоҳ қувноқ комик, гоҳ кескин заҳарханда сати-
рик ритмика билан алмашиниб туради...

«Анна Каренина», «Ўтган кунлар», «Қора кўзлар»,
«Уфқ» роман жанри намуналари бўлгани, роман ўз та-
биати билан кўп планли ва кўп оҳангли жанр экани учун
ҳам, у ёзувчига қулочни кенг отиш имконини беради.
Повестда эса бу жиҳатдан ёзувчи имкониятлари хийла
чекланган.

Ҳозирги маниший-ахлоқий қиссалар иккита муҳим
қийинчиликни бошдан кечиряпти.

Оилавий-маниший йўналишнинг ўзи кўпинча қисса
жанри учун торлик қилиб қоялпти, кўпчилик қиссалар-
да ижтимоий оҳанг, гражданлик туйғуси заиф; уларда
севги, оилавий-маниший муносабатлар катта ижтимоий-
ахлоқий масалалар даражасига кўтарила олмаётир; ҳи-
кояда-ку бошқа гап, қиссадек йирик жаирда нуқул сев-
ги, оила, маниший ҳаёт қобигида чекланиб қолиш ҳозирги
замон кишини ҳақида бирёқлама тасаввур туғдириб
қўяётир, унинг реал қиёфасини гавдалантиришга монелик
қилаётир; шундай севги қиссалари ҳам яратилдики, улар-
да ёзувчи меҳр билан қаламга олган севишганларнинг
манфаат допраси ниҳоятда тор, «ижобий» деб талқин
этимишига қарамасдан маънавий қашшоқ, оқиз-нотавон
қимсалар; улар фақат севги туйғуси билангина нафас
оладилар, гўё улар учун дунёда бошқа ҳеч қанақа таш-
виш йўқдай, улар ёруғ дунёдан, ташки муҳитдан ажра-
либ қолган. Адабий танқид бундай асарлар шаънига кўп
аччиқ ва ҳақли гаплар айтди.

Шу камчилик, шу таъналардан қутулиш учун бўлса
керак, иккинчи гуруҳ асарларда севги, маниший-ахлоқий

йўналиш билан баробар асарга тўғридан-тўғри социал масалаларни, «ишлиб чиқариш» характеристидаги можароларни олиб киришга уриниш бўляпти. Бунинг учун ў. Ҳошимовнинг «Шамол эсаверади», У. Назаровнинг «Кунлар», «Гирдоб», П. Қодировнинг «Эрк» қиссаларини эслаш кифоя. Бироқ бундай қўш оҳанглилик қисса жанри табнатига ҳар доим ҳам мос бўлиб тушмаётир; аниқроғи, бу икки сюжет йўналиши қисса жанрига хос тарзда бир-бири билан туташиб-қўшилиб кетолмаётир; тўртала қиссада ҳам ишлиб чиқариш характеристидаги масалалар охиринга етмай қолган, бир оз юзаки чиққан; бунинг устига улар асарнинг поэтик яхлитлигини, оҳангдорлигини бузган.

Баъзан қиссанинг жанр турини аниқ-равшан тайин этиб олмаслик туфайли ҳам поэтик яхлитлик барбод зилилаётир. Масалан, С. Анорбоевнинг «Умр» асари икки тур — социал ва майший-ахлоқий қисса материалидан, яъни Тўлаган чолнинг умри тарихи ва Чўлпоинойнинг онлавий-майший муҳити таҳлилидан таркиб топгани учун, И.Faфуров таъкидлаганидек, икки паллага ажраблиб кетган; шунга ўхшаш камчилик олдинроқ Ш. Холмирзаевнинг «Ўн саккизга кирмаган ким бор» қиссасида ҳам кўринган эди; асар қаҳрамонларининг болалик йиллари тасвири билан балоғат остонасидағи кечмишилари тасвири орасида ажралиш бор; чунки икки давр, икки хил материал, икки хил масала асарни иккига бўлиб қўйган.

Хуллас, «икки қўчкорнинг боши бир қозонда қайнамас», деган гап қисса жанрига ҳам алоқадор. Бир оҳанглилик бузилган жойда дарҳол жанрининг поэтик бутунилиги дарз кетади. Менимча, қиссачилик поэтикасидағи энг асосий компонентлардан бири худди шу услугбий-тасвирий оҳанг бирлиги масаласидир. Боя кўриб ўтган тенденция — қиссаларнинг икки йўналишли қилиб қуришга интилиш туфайли бу масала жиiddий тус олаётир. Қолаверса, Ю. Суровцев айтмоқчи, қисса жанри ҳозирги

пайтда хилма-хил жанрларнинг хусусиятлари туташадиган бир майдон бўлиб турибди; қисса бошқа жанрлар учун ўз қўйнидан сахийлик билан ўрин беряпти, хусусан «ўзга жаир эгалар»нинг оммавий суръатда қиссачиликка ўтиши туфайли бу жараён яна ҳам тезлашиб кетди, бу жаирга келган ҳар бир қалам соҳиби аввал машгул бўлган жаирда эришган тажрибаларини маълум даражада ўзи билан олиб ўтиши табинй. Яқин ўтмишни эслайлик. «Ўтган кунлар» ва «Мехробдан чаён» романларининг муаллифи А. Қодирний кейинчалик повесть жаиринга ўтиб «Обид кетмон»ни яратар экан, романга хос кўпгина хусусиятларни бу жаирга етаклаб келгани ҳаммага аён. «Кутлуг қон», «Навоий» романлари автори Ойбек «Нур қидириб», «Болалик» қиссаларида кўп ҳолларда роман томон кетиб қолиши тасодифий эмас, «Сароб»дан кейни узоқ вақт ҳикоячиликда ижод этган ва ҳикоя устаси сифатида шуҳрат қозонган Абдулла Қаҳҳорнинг қиссаларида ҳикоя хусусиятларининг бўлиши табинй. Эл орасида очеркист, журналист бўлиб танилган И. Сафаров, И. Раҳим қиссаларининг очеркка яқинлиги қонуний бир ҳол. «Опа-сингиллар»дан кейин яратилган «Қорақалпоқ қиссаси», «Қора кўзлар», «Эр бошига иш туғса» романларидан сўнг пайдо бўлган «Эрк», «Қанот жуфт бўлади», «Излайман» повестларида роман тажрибасининг излари яққол кўзга ташланади.

Шу жараён туфайли, бир томондан, қисса жанри бойиб, имконият донраси кенгайиб бораётган бўлса, иккинчи томондан, жаир поэтикаси ниҳоятда мураккаблашиб, чигаллашиб кетаётир. Бундай ҳолларда асарнинг услугубий оҳанг бирлиги, поэтик яхлитлигини таъминлаш ниҳоятда мушкул муаммо бўлиб қолаётир. Ёшлар у ёқда турсиз, улкан сўз усталари ҳам шу муаммоларни ҳал этинча катта қийинчиликларга дуч келаётирлар.

Повесть шунаقا «нозик», «сиркаси сув кўтармайдиган» организмки, салгина бўлсин табиатига мос тушмайдиган ҳолат юз берса дарҳол сөздирив қўяди.

«Ўтмишдан эртаклар»— мемуар қисса, бундай жанр табнатининг ўзи унда ҳам соф бадиий асар, ҳам хотира — мемуар хусусиятлари бўлишини тақозо этади. А. Қаҳҳор дастлаб соф бадиий тасвир йўлини танлайди, ўтмиш лавҳаларини алоҳида мустақил ҳикоя шаклида инфода этади, ҳикоялар ҳикоячи қаҳрамоннинг тасаввурни орқали, ҳамда услубий-хиссий оҳанганинг монандлиги туфайли бир-бири билан боғланниб боради ва яхлит аҳвол ўзгаради, энди хотира усули устунлик қилиб кетади, тасвир ритмикаси бошқа тусга киради, етакчи ритмиканинг фақат бир бобда кескин ўзгарниши ҳам асар поэтикасига салбий таъсир кўрсатган... Аднабининг галдаги қиссани «Муҳаббат»нинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида кўп гапирилди. Менинг назаримда, қиссанинг асосий камчилиги — уннинг ягона поэтик оҳангдан холи эканида бўлса керак. Бу ерда ёзувчи асар учун повесть жанрини танласа-да, материални, Ю. Суровцев ибораси билан айтганда, повесть жанри «шакли орқали» эмас, кўпроқ, ҳикоя жанри «шакли орқали» тасаввур этган, кўнгил призмасидан ўтказган. Асар персонажлари иш-ҳоятда хилма-хил, табнатан зиддиятли шахслар, шунга кўра тасвир ҳам ранг-бараңг; Муҳайё — лирик, Аинвар, қоровул чол — жиддий психологик, Муборакхон — енгил комик, Марғуба билан Жавлон эса сатирик бўёқда талқин этилган; уларнинг ҳар бири алоҳида ҳикояларга қаҳрамон бўлиши, улар билан боғлиқ фактлардан мустақил ҳикоялар ясаш мумкин. «Ўтмишдан эртаклар»даги алоҳида фактлар таҳлилида, мустақил ҳикояларда кўриб ўтганимиздек, бир-бирини туташтирувчи услубий — ритмик яқинлик бор, «Муҳаббат»даги фактлар талқини, хилма-хил персонажлар тасвирида эса бунақа яқинлик йўқ; бўёқлар бир-бирига контраст ҳолда, мабодо бу персонажлар ҳақида алоҳида мустақил ҳикоялар ёзилса, жанрининг хилма-хил турлари майдонга келиши турган гап. Бундан повестда персонажлар ранг-бараңглиги учун

имкон йўқ экан-да, деган холосага ќёлмаслик керақ. Повестда ҳам персонажлар, бўёқлар ранг-барамглиги бўлиши мумкин, бутун гап мана шу ранг-барамгликдан яхлитлик ҳосил этишда, уларни ягона фокус атрофига йиғишида, материални жанр «шакли орқали» бир бутун ҳолда ҳис этишда. «Синчалак»ни эслайлик, унда ҳам хилма-хил табнатли персонажлар кўп, аммо гап Қаландаров ё Саида, Козимбек ё Манзура, Эшон ё Ҳамидулла, Кифоятхон ё Ҳуринисо устида кетадими, барибир, ҳамма ҳолларда автор етакчи услубий — тасвирий оҳангни сақлаб қолган, ёзувчининг «холис», изчил реалистик услуби ўзига хос комик оҳанг билан йўғрилган, «Синчалак» деган номдайқ сезилиб турган киноя, табассум асарнинг бутун руҳига сингиб кетган. «Муҳаббат»да эса, фактларни повесть шаклида тутиб турадиган мана шунаقا етакчи услубий оҳанг стишмайди.

Бошқачароқ характердаги қийиничиликлар ҳам бор. Ёзувчи бирор ҳаётий фактга мурожаат этар экан, уни онгли равишда «повесть шаклида» тасаввур этади, повесть шаклига солишга тиришади, поэтик яхлитликка иштилади, аммо материал повесть жанри қобигига сифмайди, ҳаётий материал билан жанрий шакл орасидаги иномутаносиблик ўзига хос мураккабликий келтириб чиқаради. Яқин ўтмишдан баъзи мисоллар келтираман. F. Гуломининг илк повести «Нетай» Иван Ле айтганидай «маълум ритмга эга», бошдан-оёқ поэтик руҳ билан суғорилган, аммо асарда «факт ва документал материаларнинг кўпайиб кетганилиги» туфайли автор қиссага хос поэтик яхлитликка эриша олмаган. Шунинг учун бўлса керак, F. Гулом кейинчалик уни «бўлажак романнинг конспекти», деб атаган экан¹. Яна бир мисол. «Обид кетмон» материали, ҳажми, композицион қурилиши жиҳатидан повестга кўра романга яқинроқ. Бироқ автор тасвири пайтида повесть шаклини танлаган, материални худди

¹ «Узбек совет адабиёти тарихи», II том, 1971, 295-бет.

шу «шакл орқали» ҳис этган, катта ҳажмли материални повесть рамкасига сиғдиришга интилган, повестга хос етакчи услубий-ритмик оҳангни топа билган; «Синчалак»да кўрганимиздек, ғоят хилма-хил персонажлар талқини ягона услубий оҳангга бўйсундирилган; «Обид кетмон» номидаёқ сезилган комик руҳ асарнинг етакчи ритмикасини ташкил этади, бош қаҳрамон Обид, «қишлоқ устунлари» саналмиши салбий персонажлар, ҳаттоқи жиддий шахс, раҳбар партия ходими Берди татар образлари тасвирида — ҳамма ҳолларда комик оҳанг ёзувчининг жиддий, осойишта таҳлилига жўр бўлиб боради. Бироқ шунга қарамай, материал ҳажми билан жанр шакли орасидаги номутаносиблик ўз ишни қилади, асарда нимадир етишмайди, «Ўтган кунлар» ва «Мехробдан чаён»даги каби поэтик мукаммаллик бу ерда кўринмайди. Баъзи адабиётшунослар «Обид кетмон»ни повесть дейишга тили бормай роман дейишади, аммо роман деган сўзни ҳам бор овоз билан айтишга журъат этишолмайди, чунки асар ҳажми романбоп бўлса ҳам, у роман шаклига тушган эмас.

Қисса жанри қобигига сиғмай, роман шаклига эса етолмай ора йўлда қолиш ҳолларни ҳозирги кунда ҳам учраб турибди.

«Қанот жуфт бўлади» асарининг фазилатлари ҳақида аввал кўп гапирганимиз. Унда ёзувчи ҳозирги кунининг жуда муҳим социал ахлоқий проблемаларини кўтарган; Акрам, Сайёра, Амаки, Ҳамида, Содиқвой, Нилуфар, Зафар, Шавкатжон, Обид Юнусович, Убай, Шоҳиста, Туробжон, Нортожи — буларнинг ҳар қайсиси ўзича мустақил бир олам, бу образларнинг ҳар бирин билан боғлиқ муаммо, можаролар алоҳида ҳикоя, ҳаттоқи қиссага асос бўлиши мумкин; хуллас авторининг кўлида бутун бошли улкан роман учун етарли материал бор; ёзувчи тасвирида ҳам социал-маиший романдарга хос услугуб таилайди, холис, осойишта таҳлил йўлини тутади, бироқ ёзувчи романда гидек ўзини эркин қўйиб юборол-

майди, чунки у асар учун қисса жаириши таилаган, ҳаёт фактларини қисса «жаири шакли»да ҳис этади, шу шаклга солишга тиришади; қисса шакли эса улкан материални бүс-бутун қобигига сүгдирлмайди; асарда күтарилиган жуда мұхим проблемаларнинг маромига етмай, яъни патфос даражасига күтарилемай қолиши шу номутаносиблик оқибати әмасмикан, деб ўйлаб қоласан киши...

«Излайман»да ҳам О. Ёқубов роман билан қисса оралығыда қалам тебратади. Япон империализміга қарши оның борилған уруш — Гоби саҳроси, Хинган тоғлари бўйлаб ўтган улкан машаққатли оммавий юриш машхур «Темир оқим»ни эслатади, оммавий саҳналар асарга эпик тус беради; асарнинг кўп плаили қилиб қурилиши — оммавий жанг тасвири, ёш жангчи Мансур характеристикининг шаклланиши, моҳир командир Даврон Фозиевнинг шоили ва аччиқ қисмати, унинг нурли ва ҳазин севги саргузашти, вафодор аёл Саломат тарихи ифодаси уни роман томонга тортиб кетган. Аммо «Қанот жуфт бўлади» асаридаги каби, бу ерда ҳам ёзувчи романбен материалдан қисса ясамоқчи бўлган, натижада асардаги кўнгина йўналишлар чала қолган, баъзан баёнчиликка йўл қўйилган.

Хулласи калом, ҳаётий материал ҳажми, салмоғи билан жаирий шакл орасидаги мутаносибликда гап кўп. Шу иккни жиҳат тўла уйғун тушгаидагина поэтик яхлитлик, жаирининг идеал намунаси туғилади. Менимча, Одил Ёқубовнинг «Муқаддас», «Матлуба» қиссаларида мана шундай монандлик бор, бир чеккаси, шу монандлик туфайли иккала асар ҳам поэтик жиҳатдан жарангдор чиққан, шу жарангдорлик асарларга ажиб бир жозиба бахш этган, уларни қисса жаирининг яхши намуналари даражасига кўтарилишида мұхим омил ролини ўтаган.

Ёш ёзувчи Ў. Ҳошимов «Баҳор қайтмайди» қиссасида мана шундай уйғунликка эршигани, унда ҳаётий материал билан жаирий шакл бир-бирига жуда мое тушган; меҳнат, касб-кор билан боғли гап-сўзлар асардаги етакчи

йўналиш — майший ахлоқий масалалар билан туташиб, чатишиб кетган, натижада асарни ҳиссий жиҳатдан тутиб турадиган қисса жанрига хос ягона поэтик оҳангдорлик юзага келган эди. Кейинги қиссаси «Қалбингга қулоқ сол»да ёзувчи бошқача йўл тутади; бу асар кўп планли; автор бир эмас, бирданига бир неча масалани кўтаради, бир неча персонаж тақдири билан қизиқади. Ёдгор билан Азиза муносабатларининг ўзи бир қиссага материал беради; Ёдгорнинг иккинчи муҳаббати можароларидан ҳам каттагина бир қисса яратиш мумкин. Ёзувчи шулар билан чекланниб қолмай, асарга яна бир сюжет линияси — мактаб ҳаёти, ўқувчи қиз Дилфузा қисматини олиб киради, Дилфузা қисмати билан боғлиқ ҳолда раҳбар педагог аёл Васила Назаровна тақдири ва характерини таҳлил этади...

Шундай қилиб, бу ерда ҳам романга етгулик катта материал, «Қанот жуфт бўлади» ва «Иzlaiman» — автори каби У. Ҳошимов ҳам роман материалыни қисса созига солиб куйламоқчи бўлади, бироқ уни бир овоз билан жаранглатишга қисса пардалари камлик қилиб қолади; асарда «Баҳор қайтмайди» қиссасига хос жарангдорлик, поэтик яхлитлик, китобхоннинг фикр ва туйғуларини ягона нуқтага жам этиб, ларзага соладиган ички сеҳрли поэтик куч етишмайди.

Биз шеърий асарлар поэтикаси ҳақида кўп галирамиз. Аммо прозаик жанрлар поэтикасини ўрганишга ҳануз астойдил кириша олганимиз йўқ. Кўриниб турибдикни, жанр хусусиятларини аниқлашда, асардаги ютуқ ва камчиликлар илдизини очишида, бу, муҳим калит ролини ўйнаши мумкин. Ҳозирча жумбоқ бўлиб турган қисса жанри типологияси ва назариясига оид кўпгина жумбоқлар шу калит воситасида очилса ажаб эмас.

1972

РОМАН ВА ЗАМОН

[Адабий-танқидий баҳс]

Адабиётчи дўстим роман ҳақидаги бу галги баҳси түғридан-түғри конфликт масаласидан бошлаб қолди:

— Кимдир: «Роман бу — улкан драма», деган эди. Дарҳақиқат, классик романларнинг барчаси шундай. «Анна Каренина», «Тирилиш», «Ака-ука Карамазовлар», «Тинч Дон», «Очилган қўриқ», «Абай», «Ўтган кунлар», «Қутлуг қон», «Сароб» типидаги асарларда инсон ҳаётининг шундай улкан драмалари қаламга олинганини, уларни фақат роман жаңридагина ифода этиш мумкин. Уларда айрим шахслар драмаси замон драмаси даражасига олиб чиқилган, шахс драмаси орқали катта ҳаёт ҳақиқати кўрсатилган, у билан боғлиқ ҳолда жиiddий маънавий-ахлоқий проблемалар кўтарилган.

Хозирги романлар менимча, худди шу жиҳатдан оқсайди: кўпинча асар учун олингандай драматик асос жанр учун кичиклик қилиб қолаётир: талай асарларда драматик асос қалбаки, омонат, уларда катта ҳаёт ҳақиқатини кўрмаймиз, айрим асарларда эса конфликт шунчаки бир эрмакка айланниб қоляпти, персонажлар орасидаги тўқиашув, олишув баҳонасида муҳимроқ ган айтиш йўқ...

— Йўге, ҳамма романлар конфликт жиҳатдан заниф дейилса, түғри бўлмас. Лоақал. «Уфқ»ни эсланг,

«Уфқ» сиз айтган улкан драманинг ўзгинаси. Унда уруш даврининг, урушдан кейинги тинч кунлардаги ўзбек қишлоғининг драмаларга тўла манзараси нақадар ҳаяжонли ва ҳаққоний ифода этилган! Асардаги бирорта персонаж тақдирига бефарқ қарашиб мумкин эмас, китобда қимирлаган ҳар бир жоннинг ўз дарди, драмаси бор.

— Ҳатто сиз намуна қилиб келтирган «Уфқ»ни ҳам конфликт жиҳатдан мукаммал дейиш қийин. Гарчи автор персонажлар қисматидаги драматик онларни яхши ифода этган, ўша давр қишлоқ ҳаёти маизарасини ҳаққоний гавдалантирган, бутун мураккаблиги, контрастлари билан кўрсатган бўлса-да, романда ана шу персонажларни, алоҳида-алоҳида драматик ҳодисаларни бир ўқ атрофида уюштириб жам этадиган ягона драматик асос, бош проблема кўринмайди; бинобарин, роман драматик томондан поэтик яхлитликка эга эмас. Бу ҳол асар композициясига, сюжет йўналишларига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Асарда персонажлар кўп, лекин қайси бирини етакчи қаҳрамон дейиш мумкин? — Низоминми, Икромними, Диlldор ёки Асрораними? Воқеалар оқими, персонажлар қисмати ва хатти-ҳаратини жиловлаб турувчи бош проблема, ягона драматик асос бўлмаганидан асарда кутилмагандай баъзан иккинчи даражали сюжет йўналишлари, у қадар аҳамиятли бўлмаган персонажлар биринчи ўрнига чиқиб қолади. Гўё автор ҳали тартибга келмаган янги ариққа катта сув солиб юборади, сув чизиқ бўйлаб бир текисда оқиб бормайди, бўш жойига келгандай тоғ у ёнга, тоғ бу ёнга тошиб туради...

— «Тошкентликлар» ҳақида нима дейсиз. Асар композицион жиҳатдан яхлит, воқеалар тартиб билан оқим бўйлаб бир текисда боради, асарда етакчи қаҳрамон ҳам бор; романдаги жамики ҳодисалар, персонажлар бир ўқ — Ойинса ва ушинг оиласи атрофида уюштирилган. Шунига қарамай асарда негадир тугал-

лик йўқ, воқеани яна бемалол давом эттиравериш мумкин...

— К. Федин яхши бир гап айтган: «Агар сен формада нуқсон борлигини кўрган бўлсанг, мазмундаги нуқсонни қидир». Синчилаб қидирилса, «Тошкентликлар»даги ўша сиз айтган нуқсоннинг илдизи ҳам мазмунга бориб тақалади. Маълумки, роман урушнинг дастлабки давридаги тошкентликлар ҳаётига баишланган, автор давр драмасини, хусусан Ойнисанинг оғир руҳий кечинмаларини яхши ифода этади. Ойниса шу оғир дақиқаларда катта жонбозлик кўрсатади, ўғилларини, ёру-биродарларини жангга йўллади, уруш жафокашларига ҳиммат қўлинни чўзади. Пировардида у фронтда ҳам бўлади, ўзбек халқи совғасини жангчиларга етказишида қатнашади, жанг манзараларини ўз кўзи билан кўради. Романдаги шу ҳодисалар тасвир этилган охиригги боб «Ишонч» деб номланган. Боб мана бу сўзлар билан тугайди:

«Ер ларзага келди.

Ойниса қулоқларини бекитганича қудратли ҳужум манзарасини томоша қиласар экан, кўнгли беихтиёр ёришиди. Шу улуғ жангда унинг мард ўғиллари, дўсти Алижон, келини Гулноз, Андрей Николаевич, Муҳаммад карвон, минг-минг ватандошлиари иштирок этишяпти.

Шу туйғудан, ғалабага бўлган қатъий ишончдан онанинг қалби тогдай кўтарилиди».

Мабодо асар бошида, воқеалар давомида Ойниса тўсатдан бошланган урушдан гангид қолган, ваҳимага тушган, ишончини йўқотиб қўйганда эди, бу хил хотима ўзини оқлаган бўлар эди. Дарвоқе, ҳаётда, урушнинг дастлабки даврида шунаقا ҳодисалар рўй берган. Романдада, Ойниса ҳаётида эса бунаقا ҳолатни сира учратмаймиз. Демак, романнинг хотимаси қаҳрамон ҳаётидаги бирор чигалликни очишга хизмат этмайди. Умуман асарда бош қаҳрамон руҳияти, тақдири таҳлили орқали урушнинг дастлабки даври билан боялиқ бирор

жиддийроқ проблема қўйилгани йўқ. Уз-ўзидан равшанки, бош қаҳрамон тақдири проблемадан холи бўлгандан кейин, воқеанинг тугуни ҳам, ривожи ҳам бўлмайди; қаҳрамон билан боғлиқ воқеаларни истаган жойда тўхтатиб қўйиш ёки истаганча давом эттиравериш мумкин бўлиб қолади...

Едингиздами, ёзувчининг ўзи ҳам бир ўринда «Тошкентликлар»даги шу камчиликни сезган, шундай етишмовчилик олдинги романи «Машъял»да ҳам борлигини эътироф этган ва уни шундай изоҳлаган эди:

«Менинг «Машъял» романим икки китобдан иборат бўлса ҳам, воқеа ҳали тугалланмагани, кўпгина қаҳрамонлар тақдири узил-кесил ҳал бўлмагани сезилиб турибдики, бу нарса менى романнинг учинчи китобини ёзишга ундаяпти, буни мен, ёзувчига ҳаёт даъвати, деб биламан. Шу сабабдан асарнинг давоми, янги воқеалар, қаҳрамонларнинг тақдири ҳақида ўйлайман. Ёки, «Тошкентлик»лар романим... Бу асарда ҳам воқеа қиёмага етгани йўқ, қаҳрамонлар кўзлаган мақсадлари йўлида кетмоқдалар — бу йўл ҳали олис. Асардаги кўпгина одамлар ҳали бир-бирлари билан учрашишлари, баҳсласишилари керак. Асар қаҳрамонлари қиладиган анча ишлар, кўрсатадиган қаҳрамонликлар олдинда...» («Шарқ ўлдузи», 1971, №5, 26-бет).

— Бадний асарда ҳар доим охириги нуқта бўлиши шарт эмас, баъзан воқеа давоми очиқ қолиши ҳам мумкин. Чунончи «Чинор»да шундай. Автор асарни: «Азиз китобхон, катта оиласининг қиссалари тугамади, тўғри. Очил бувамнинг ҳар йилги сафарини бир китоб қилиш мумкин. Аммо, тавротда айтилганидек, меҳнат қилишимиз фарзу, барча ишларимизни тамом охирига етказиш бизга насиб қилмаган», — деб тугатади.

— Бу гап тўғри. Бироқ конфликт ва характерлар маълум проблема билан боғланган энг яхши асарларда, гарчи уларда баъзан воқеа давоми очиқ қолдирилгандаи туюлса-да, бари бир тасвир этилган ҳодисанинг

ибтидо ва интиҳоси бор, улар мантиқий, гоявий-бади-й тугалликка эга. Ўша сиз тилга олган «Чинор»да ҳам шундай. Асқад Мухтор «Китобларимиз элчилари» мақоласида: «Чинор»нинг давоми йўқ. Чунки уни бир китоблик қилиб чамалаганман», — дейди. Гарчи романда катта оиланинг қиссалари тугамаган бўлса-да, асар мантиқан тугаган. Диққат қилинса, «Чинор»да бутун асар бўйлаб ўтадиган икки образ бор, улардан бири кўпни кўрган, она юрти учун ҳаётини бахш этган Очил бува, иккинчиси буванинг набираси - тақдир тақозоси билан хорижда туғилиб, вояга етган, ўзгача тарбия кўрган Азимжон. Бу икки шахсни жигарчилик иплари бир-бирига қовуштиради, айни пайтда улар орасида пишҳона зиддият бор. Уларнинг мафкураси, қараши тамоман бир-биринникига зид. Романдаги барча воқеалар бевосита ёки билвосита бу икки шахс кўзи олдида рўй беради, икки шахс ҳодисаларни икки хил тарзда идрок этади; автор хусусан Азимжон руҳиятидаги жа-раёнларга алоҳида эътибор беради, ёзувчи баъзан ошкора, баъзан пинҳона, имо-ишоралар орқали Азимжон қалбида жиҳдий зиддиятлар кетаётганига ишора қилиб боради, ишҳоят, асар хотимасига бориб, мана шу зиддиятлар ўз интиҳосига етади, сафар таассуротлари туфайли Азимжон онгида кескин ўзгариш юз беради, социалистик ҳаёт тарзининг афзалликларига амин бўлади, шу юртда қолишга қарор қиласди.

Асарда келтирилган ҳар бир қисса ва ҳикоя ўзича мустақил, тугал, айни пайтда уларнинг ҳар бири композицион восита ролини ўтайдиган Очил бува билан Азимжон ва уларнинг сафари воқеаси билан туташ. Сафар воқеаси композицион восита бўлишдан ташқари, маълум мустақил гоявий-бадиий функцияни ташыйди. Бу ҳодисанинг ҳам боя айтганимиздек, ўз конфликти, ривожи ва ечими бор. Г. Корабельников «Литературная газета»да босилган «Мангу дарахт» мақоласида асар эпилоги мақсадга мувофиқ эмас, у тасвирдаги

ортиқча саҳифа, дебди. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Агар хотима олиб ташланса, асарнинг ғоявий-бадиий, мантиқий туғаллигига катта путур етган, асар бўйлаб ўтган конфликт бадиий яқунланмай қолган бўлар эди.

— Очил бува билан Азимжон орасидаги муносабатларнинг ўзига хос томонини тўғри таъкидладингиз. Дарҳақиқат улар орасида ҳам яқинлик, ҳам зиддият бор. Конфликтнинг худди шу мураккаб тури сўнгги йиллар прозасида кенг тарқалиб боряпти. «Уфқ» автори Турсунбой — Она — Икромжон муносабатлари тасвири орқали бу турнинг энг яхши намунасини берди. «Чинор»даги Ориф ва Мария, «Қанот жуфт бўлади» қиссасидаги Акрам ва Сайёра, «Эрқ»даги Саттор билан Ойшахон ораларидағи конфликт ҳам шу хил хусусиятга эга. Саида Зуннунованинг «Ака», Ф. Мусажоновнинг «Зиёрат» ҳикояларида яқин кишилар орасидаги чигал алоқаларни ўзига хос тарзда таҳлил этиб бердилар. Менимча, бу ғоят характерли тенденция; прозада гуманизмнинг чуқурлашаётганидан, ҳаёт ҳақиқатини бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан беришга интилиш ортиб бораётганиларидан бир далолат.

— Конфликтга гуманистик руҳ бераман деб авторларимиз кескин зиддиятларни юмшатиб юбормаётганиканлар? «Уфқ»да-ку ҳодиса охиригача кескин, бироқ бошқа асарларда эса инсонийлик, кўнгилчанлик юзасидан вазиятни атайин юмшатишга мойиллик бор. Бу «конфликтсиз»ликнинг бир кўриниши эмасми кан? Ҳ. Ёқубов «Самарали изланиш» сарлавҳали мақолосидаги Ориф билан Мария муносабатлари тасвирида «конфликтензликнинг билинар-билинмас излари, асорати» борлигини, улар орасидаги тўқнашув кескинлигига, айниқса ечимга тегишли эътибор берилмаганини айтади. «Қисса охирига бориб,— дейди танқидчи,— фикрий ихтилофларнинг эстетик-ғоявий ечими (эстетик ҳукм) бўшаштирилгандай, ёрқин картиналарда ўз аксини топмагандай туюлади. Обком бюроси мажлисига қўйиб

йилган Орифнинг иши эса, Мариянинг юрак касали тутиб қолиши туфайли кўрилмайди... Мария Васильевнага илакишган расмиятчилик иллатининг даҳшатига нисбатан жонли лавҳада рўйирост ва аниқ эстетик ҳукм чиқарилса, назаримизда, қиссанинг ғоявий пафоси яна-да ёрқин намоён бўлар эди...»

«Айрим асарларда, чунончп «Қанот жуфт бўлади» билан «Эрк»да кескин вазиятни атайн юмшатишга мойиллик сезилади; аммо Ориф қиссасида юмшатиш, конфликтсизлик аломати, изларини кўрмадим. Қисса воқеасини эслайлик: бир қараганди Ориф билан Мария бир-бирига ашаддий рақиб, Ориф табнатан расмиятчилик душмани, ҳаётга, одамларга ниҳоятда яқин шахс; Мария эса ҳаётга бир оз баланддан турпб назар ташлайди, табнатига расмиятчилик иллатлари ёпишиб қолган; улар кўп масалаларда бир-бири билан асло келиша олмайди, мажлисларда ҳам, оилавий давраларда ҳам олишгани-олишган, уларнинг жанжалидан ҳатто одамлар безор бўлиб қолишган. Бундан воқиф бўлган Азимжон «Ҳалиги ўрис хотин қаттиқ душман эканда Ориф тогамга» деган хаёлга боради. Аслида эса, улар бир-бировига душман эмас. Очил бува Азимжонга: «Улар бир-биirlарига сира ҳам душман бўлолмайди, билиб қўй, болам... Буни бъезилар тушунмайди-ю, аммо лекин бир кун эмас-бир кун эр-хотин бўлиб қўлтиқлашиб юришса, мен сира ҳайрон бўлмасдим, ҳа... Булар бир умр олишича ҳам-чи, иккаласи бамисоли ялакат магиз, ҳа. Уларнинг орасига ҳеч ким ола сололмайди. Бу дўстликнинг илдизи, эҳ-ҳе, болам, жуда ҳам чуқур. Жуда ҳам чуқур...» дейди.

Воқеалар ривожи моҳияти бунга бизни тўла ишонтиради. Бир-бирига рақиб бўлиб кўринган бу шахслар ниҳоятда меҳрибон: улар иш юзасидан олишадилар, аммо иш деб одамийлигини бой бермайдилар. Худди шу парса хотимада жуда ёрқин аёп бўлади. Ориф иши мажлисга тушиб, ҳаёт-мамоти қил устида турган бир

пайтда рақибининг мажлисга келолмаганидан, юрак касали тутиб қолганидан хурсанд бўлиши мумкин эди; бироқ у бошқача ҳолатга тушади, Мариянинг мусибати уни оғир ташвишга, изтиробга солади. Ёки «рақиб» Мария Орифнинг оилавий ҳаётидаги чигалликлардан фойдаланиб қолиши мумкин эди, аммо у бошқача йўл тутади, чигалликларни тартибга солишда сездирмай Орифга кўмак беради.

Шу тариқа Ориф билан Мария орасидаги конфликт хотимада маълум нуқтага, бадний интиҳосига етади, унинг туб моҳнати ошкор бўлади. Энг кескин тўқнашувнинг рўй бермай, мажлиснинг ўтмай қолниши, Ориф қалбида рақибига нисбатан меҳр уйғониши конфликтсизлик аломати эмас, «рақиблар» орасидаги муносабатларнинг маълум томонига ишора, эстетик ҳукм, холос. Бу билан Ориф эътиқодидан қайтган эмас, улар орасидаги жанжал сусайгани эмас. Мария қарашидан қайтмас экан, кураш яна давом этади. Ёзувчи Мария табиатидаги қусурларни фош этишда охиригача изчил, шафқатсиз. Аслида Мариянинг юрак касали ундаги руҳий фожианинг оқибати.

Бу гоят ибратли поэтик холоса. Ориф ва Мария орасидаги конфликт талқинида ленинича ҳаёт нормалари тантана қилган 60-йилларнинг муҳим томонлари, социалистик ҳаёт тарзининг туб моҳнати ўз ифодасини топган.

— Шундай-ку, лекин Ҳ. Ёқубов эътирозида ҳам асос бор. Ўша поэтик холоса бадний жиҳатдан мукаммал эмас, ёзувчи гояси ёрқин картиналарда ўз аксини топмай қолган.

Ориф қиссани муносабати билан яна бир гап эсга келиб қолди. Адабиётшунос М. Қўшжонов шу қиссадаги Ориф билан Мария орасидаги жанжалга баҳона бўлган тоғ қишлоқларнинг тақдирни масаласини автор ҳакиқий аҳволга нисбатан кескинлаштириб юборган, муболагани бир оз меъёрдан оширган, дейди. Автор

ёзади: «Фарғона водийси атрофидаги төглик районларни айланаб, шундай хуносага келдимки, бу районларнинг аҳволи «Чинор»да тасвириланган даражада ташландиқ эмас».

— Адабиётда кўтаришган, у ёки бу проблемани ҳаёт ҳақиқати билан қиёс қилиб ўрганиш яхши. Аммо бу усулни жўнлаштириб юбориш ярамайди. Асарда тасвир этилган ҳодиса бирор районда худди шу тарзда учрамаган экан, уни бўлмайдига чиқариш ўринсиз. Танқидчи буида бадний асар мақола эмаслигини назарда тутиши, адабиётнинг ўзига хос хусусиятини ҳам ҳисобга олиши керак, ёзувчи бўрттиришга ҳаққи бор, дейди-ю, масалага конкрет ёндашишга келганда ўз фикрига қарши чиқади.

Умуман бизда бадний асарни ҳаётнинг айни шакли, кўчирмаси тарзида қабул қилиш касали бор. Асарда ҳикоя қилинган ҳодиса, кўтаришган масалани ҳаётга айлан мос келиш ё келмаслиги ҳақида ўйлаймизу, шу ҳодиса, масала моҳиятига етарли эътибор бермаймиз. Аслида «Чинор»да тасвириланган ҳодиса маъноси — төг қишлоқларининг тақдирни муаммоси танқидчи тасаввур этгандан кўра кенгроқ ва чуқурроқ. Бу ҳодиса замирида инсон ва табиат муносабати, табиатни асрар, ардоқлаш проблемаси ётибди. Ер юзидаги гоят тез кўпайиб бораётган, цивилизация, фан-техника табиатни сиқиб кўяётган ҳозирги шаронтда бу жуда ўткир масала бўлиб турлабди. М. Шолохов КПСС XXIII съездидаги хусусда гоят ташвишларниб гапирди. Партия ва давлат арбоблари, мутахассис олимлар шу масалага жамоатчилик эътиборини қайта-қайта тортишяпти. Бадний адабиётда ҳам бу муаммо жуда кескин қилиб қўйилаетир. Ч. Айтматовнинг янги қисссаси «Оқ кема»даги ҳаяжонли гоявий мотивлардан бири ҳам шу — инсон ва табиат масаласи. Асқад Мухтор ҳам тог қишлоқларининг тақдирни баҳонаснда худди шу жумбоққа муносабат билдириган.

— Умуман олганда фиқрингизга қўшиламан. Бироқ ҳодиса моҳиятига маҳлиё бўлиб кетиб, фактларнинг ҳаққонийлигини назар-писанд этмаслик ҳам яхши эмас. «Қора марварид»ни назарда тутяпман. Асар бошдан-оёқ тасодифлар йиғиндисидан иборат, барча можаролар қалбаки...

— Сиз шундай дейсиз. Яқинда «Қора марварид» ҳақида бир мақола ўқиб қолдим. Мақола автори романни 60-йиллар прозасининг жиҳдий ютуғи, авторнинг «кўп йиллик изланаш ва ижодий камолотининг шатижаси» деб баҳолабди, ёзувчининг конфликт яратиш маҳоратига оғаринлар айтибди. Уша мақола қўлимда. Мана, эшитиб кўринг, бу хусусда нималар дейшилган: «Автор ёшлар образи устида иш олиб борар экан, уларнинг қайноқ ҳаёти картиналарини, ёшлик орзулари ва ғуурларини ҳам, изтироблари ва камчиликларини ҳам кучли қарама-қарши курашлар фонида тасвир этишга интилади». «Романдаги воқеалар,— деб давом этади автор,— бир-бирига қарама-қарши бўлган икки қутб вакиллари ўртасидаги, разолат билан адолат, ёмонлик билан яхшилик, амалпарастлик билан самимийлик ўртасидаги кураш ва ҳаракатлардан ташкил топади. Қўштут маҳалласидаги Қаромат хола, унинг ўғли Мажид, Тўра Сатторов, домла Филмошлар билан Оқила, Тўхтасин ака, Ҳикмат ва бошқалар ўртасидаги кураш давомида сюжет мукаммаллик касб этади». Энди бу ёғини эшитинг: «Автор романда бир қанча ижобий образларнинг етук характеристарини тўқиашувлар, курашлар занжирида анча моҳирлик билан яратишга муваффақ бўлган... Автор романда Арслонтош нефть конида қора марварид яратадиганларнинг ҳаёти картиналарини беришда ҳам, у ердаги практиканларининг шинини, турли миллат вакилларининг меҳнатини тасвир этишда ҳам реалистик лавҳалар яратади. Бу ерда Тўра Сатторов, Мажид Тўхтасиновларнинг Оқилага, Ҳикматга қарши иш олиб борганликларини, бўйтон уюштирган-

ликларини қизиқарли эпизодлар орқали рассомдек чи-
зишга ҳаракат қилади» ва ҳоказо.

Бу гапларга нима дейсиз?

— Ҳайроиман, ўша танқидчи айтган «кучли қара-
ма-қарши курашлар» менга ниҳоятда кучсиз, «кураш-
лар давомида мукаммаллик касб этган» сюжет ному-
каммал, курашлар занжирида анча моҳирлик билан
яратилган «ижобий образларининг етук характерлари»
ҳали анча хира, қизиқарли эпизодлар орқали «рассом-
дек чизишга ҳаракат қилинган» бўхтонлар тасвири эса
жудаям жўн, ясама бўлиб туолди.

— Ишонса бўладиган шитригалар ҳам бор. Оқила
билин ўғай она — Каромат хола орасидаги зиндигиятлар
анча ҳаётни чиққан. Автор онладаги можароларни ду-
руст берган.

— Аммо силладан ташқаридағи ҳамма тўқнашувлар
қалбаки. Аввало Оқиланинг мактабдаги тўқнашувини
эслайлик. Автор Оқилани мактабда «ҳаммани ётқизиб-
турғизиб юрган активистка» деб таърифлайди. У Фозил
ака деган ўқитувчига тўқиаш келиб қолади. Фозил
ака ўқувчиларни ўз ерида ишлатар экан. Оқила бунга
тоқат қилолмайди. «Оқила бўш келмади, у ёқ-бу ёққа
югуришида давом этди. Айни пайтда Фозил ака ҳам
тичи ётмади, фисқи-фасод гапларни кўпайтирди». Автор
умар орасидаги олишув ҳақида шу таринқа ахборот-
ларни келтиради. Бу қуруқ ахборотлар на кишини
ишонтиради, на ҳаяженга солади.

Сўнгра «конфликт» олий ўқув юртига кўчади. Бу
ерда Оқила ва Ҳикмат Филмоний деган профессор би-
лан келишолмай қоладилар. Профессор ёшларни таъ-
қиб остига олади, игво тарқатади, радио мухбирини
ишга солиб, уларни шарманда қўлмоқчи бўлади... Бу
келишмовчиликнинг бонси нима дениг? Филмоний му-
ҳаббат ҳақида китоб ёзган экан. Ҳикмат уни ёмон деб-
ди, шу гапдан кейин профессор Ҳикмат билан Оқила-
дан ўч олиш пайига тушибди. Аввало геолог олимнинг

муҳаббат ҳақида китоб ёзиши қизиқ, бу ишга уни нима мажбур этгани номаълум; қолаверса, катта бир профессорнинг Ҳикмат ва Оқила билан аді-бади айтишиб юришдан бошқа иши қуриб кетганми? Автор дурустроқ важ-корсон келтирмай туриб, «ижобий» ва «салбий» қаҳрамонларни тўқнаштириб қўяди-да, ёшларни ҳимоя этишга, профессорни эса қоралашга тушиб кетади.

Бундан кейин можаро ишлаб чиқаришда давом этади. Бу ерда Оқила билан Ҳикмат Сатторов қаршилигига дуч келади. Орадаги жанжалнинг боиси жуда кулгили. Сатторов саккиз йилдан бери трестга бошлиқ. У негадир Ҳикматдан чўчниди, бу практикант йигит ўқишини битирса ўрнимни эгаллайди, деб ваҳимага тушади. «Биласаними, қишлоқидан илмли чиқса қанақа бўлади, эртага сен билан мени иккι пулга олмай қўяди... Ҳикмат ҳам шунаقا сортидан» дейди у жиёни Мажидга. Унинг кураш усули бундан ҳам кулгили: «Гапнинг пўст калласи шу Мажидвой. Эртадан Ҳикматнинг ёнида... практикада бўласан. Пайт пойлаб туриб, аммо жуда эҳтиёт бўлиб авариябоп иш қиласан. Кейин у ёғини биз боплаймиз. Иложи бўлса... жавобгарликка тортирамиз...»

Шунаقا ҳодисалар, саботаж ва курашларни 20-йиллар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларда кўп ўқинган эдик. 60-йилларда шунаقا кураш бўлишига асло ишонганинг келмайди. «Ижобий қаҳрамонлар» қаршисида турган «салбий қаҳрамон» шунаقا бўлганидан кейин улар орасидаги кураш қанақа бўлиши ўз-ўзидан маълум. Қисқаси, асарда тўқнашувлар учун келтирилган важларнинг барчаси қалбаки, тасодифий.

— Баъзан конфликт тасодифлар асосига қурилиши ҳам мумкин. Тасодифлар орқали ҳам катта ҳаёт ҳақини ифода этган асарлар бор.

— Гап шунда-да. «Қора марварид»даги тасодифлар замонанинг бирор муҳим томонини, ҳаётдаги чигаллик

лар илдизини очиб бермайди, улар бадиий умумлашма даражасига күтарилимаган, шунчаки хусусий характердаги можаролардан иборат бўлиб қолган. «Оқ кема»-даги конфликтни эсланг. Бола, Мўмин ва Ўрозқул ораларидағи тўқнашув бир қаравашда тасодифийроқ туюлса-да, унинг замиринда ҳаёт ҳақиқати, чуқур маъно, катта дард яшириниб ётибди. Фақат «Қора марварид»-да эмас, бошқа қатор асарлардаги конфликтлар ҳам худди шу жиҳатдан оқсайди — можаро баҳонасида муҳимроқ янги гап айтиш, даврнинг характерли томонини очиши йўқ.

Шунақаси ҳам бўляпти: асардаги ҳодисалар жонли, ҳаётий тасвири этилади, асар конфликтни пухта қурилади. Масалан, «Тўғон»даги бош конфликт Моҳидил билан Ҳошим орасидаги олишувларга, Ҳошимнинг мағлубияти, Моҳидилнинг тантанасига ишонасан киши. Бироқ, негадир, бу кураш бизни қаттиқ ҳаяжонга солмайди, ўйлашга ундумайди. Буниг сиро шундаки, автор фактларнинг ҳаққонийлиги ва ҳаётйлиги устида бош қотиради-ю, фактлар моҳиятини таҳлил этишга, уларни янги жиҳатдан бадиий кашф этишга етарли эътибор бермайди.

— Жудаям учалик эмас. Моҳидилнинг мураккаб ҳаёт йўли тасвирида давр ҳақиқатининг маълум томонлари дуруст акс этган. У тугилган онла — ҳақсизлик қурбони. Қиз адолатсизлик туфайли кўп жафолар кўради, ота-онадан жудо бўлади. Бироқ қиз кўчада қолмайди. Мехрибон одамлар уни қучоғига олади, боқади, тарбиялади, ўқитади, ардоқлайди, қисқаси, одам қилиб, одамлар қаторига қўшади. Ёзувчи Моҳидилнинг Мастура опа қўлида юрган йиллари, опанинг асранди қизга меҳри-химмати орқали кишиларимиздаги олижанобликни улуғлайди.

Моҳидилнинг мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйиши, институтни тутатиб, олис саҳрордаги канал қурилишига бориши, илк қийинчиликлар, уларни бартараф

этишдаги иккиланишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва эришилган муваффақиятлар, йўлдаги ғовлар билан олишувлар — булар ҳозирги қайноқ қалбли ёшларга хос хислатлар эмасми?

— «Тўфон»да давр аломатлари борлигини тамомила инкор этмоқчи эмасман, хусусан бош қаҳрамон Моҳидилнинг болалик мاشаққатлари, қиз ва ота орасидаги чигал муносабатлар тасвирини қизиқиб ўқидим; бироқ тасвир Моҳидилнинг мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйиши, меҳнатдаги фаолиятига кўчиши билан, қизиқиш сусаяди, чунки ёзувчи кўнглидаги «дард» асосан шу билан тамом бўлади. Бу ёғида автор қаҳрамонни «меҳнатда ва олишувда кўрсатиш»га, Моҳидил билан Ҳошим орасидаги можарони атрофлича асослашига, қурилишдаги ҳаёт манзарасини ҳаққоний гавдалантиришга қанчалик уринмасин, ёзувчининг шулар баҳонасида китобхонга айтадиган, айтмаса туролмайдиган жиҳдийроқ гапи бўлмаганидан тасвир бир оз китобий тус олади, таъсир кучини йўқотади.

Хатто шунақа ҳолат «Чироқ»да ҳам сезилади...

— «Чироқ»да тасвир маданияти хийла юксак. Уна бошка асарлардан фарқлай билиш керак!

— Тўғри, роман тажрибали, синчков адаб қаламига мансуб экани кўринниб турибди. Қолаверса, «Тўфон»даги каби бу романдаги можаролар, ижобий ва салбий қаҳрамонлар орасидаги олишувлар ҳам реал, табии. Автор 20-йиллардаги, шунингдек, инқилоб арафасидаги ҳаёт манзарасини ҳаққоний гавдалантирган. Шунга қарамай, роман бир оз лоқайд ўқилади. Бунииг сири ҳам ўша — курашлар талқини масаласига бориб тақалади. Ёзувчи ҳаёт ҳақиқатини, кескин синфиий курашларни тўғри бадиий қайд этади-ю, ҳодисаларга янгича ёндашиш, уларни янги томондан очишга етарли эътибор бермайди. Ҳолбуки, китобхон асардан худди шу нарсанни кутади. Ҳозирги вақтда воқеаларни ҳаққоний, ҳаётий кўрсатишнинг ўзи кифоя қўйлмай қолди; асар замонавий

темада ёзиладими, ўтмиш ҳақида бўладими бари бир, онгли китобхон учун янгилик берсии, «янги гап» айтсии, бирор жиддий проблемани илгари сурсин, маънавий ҳаётдаги маълум жумбоқларга жавоб берсии!

— «Чироқ» автори бу жиҳатдан катта имкониятларга эга. Романинг бош қаҳрамони Шароф домла — маърифатпарвар шоир. Маълум бўлишича, бу образнинг прототипи машҳур шоир Сўфизода экан.

— Шунин айтаманда, автор катта имкониятлардан яхши фойдалана олмайди. Шароф домла образи ўз прототипига қараганди анча ғарib чиққан. Бу образ орқали 20-йиллар зиёлилари ҳаётига, ўша давр адабий муҳитига онд кўп масалаларни кўтарниш, ҳозирги китобхон учун номаълум ёки маъхум бўлиб қолаётган жумбоқларни ойдинлаштириши, бадиий таҳлил этиш мумкин эди. Автор Шароф домланинг шоир, санъаткор деб талқин этади, бироқ уни адабий муҳит дисрасига олиб кирмайди, нуқул маориф ва хўжалик ишлари фонида кўрсатади. Натижада у шунчаки таинбур чалиб, шеър битиб юрадиган «маҳаллий» бир шоир, ҳаваскор бастакор тарзида таассурот қолдиради.

— Ёзувчи бу образни шоир, бастакор сифатида эмас, кўпроқ ҷароғони — ўқитувчи, фаол ташкилотчи сифатида кўрсатишни ийят қилиган.

— Шароф домланинг мактаб ва хўжалик ишларига аралашуви, синфий душманлар билан олиб борган жанглари ҳам одатдаги жаигларини эсга солади. Бу борада ҳам муҳимроқ янгилик йўқ.

Асарадаги яна бир образни олайлик. Бошда адашиб ўз тўпидан ажралиб қолгаи, кўп кўргиликлардан кейин ўз йўлини топиб олгаи гумроҳ йигит Исоқ тақдиди орқали ҳам ўша давр ҳақиқатининг янги қирраларини очиш мумкин эди. Афуски, бу шахс билан боғлиқ можаролар ҳам эскича талқин этилган.

Умуман, ҳозирги ўзбек романни ҳаётий зиддиятларни янгича талқин этишда бошқа жанрлардан, ёндош санъат

турларидан, айниқса кинематографиядан кейинда қола-
япти. Сүнгги пайтларда экранга чиққан «Қараш дово-
нида отилган ўқ», «Фавқулодда комиссар» картиналари-
ни қаранг. Иккала фильм ҳам конфликт қурилиши,
ифодаси ва талқини жиҳатидан жуда ибратли; ҳаёг
хақиқатига, «ишланган тема»га янги томондан ёндаши-
нинг, санъат тили билан янги гап айтишнинг яхши на-
мунаси. Баъзи изланишларни мустасно қилганда, шуна-
қа бадиий кашфиётлар ҳозирги ўзбек романларида
кўринмаяпти.

* *

1970

*

Адабиётшунос Собир Мирвалиев «Роман ва замон
баҳсига қўшилиб» сарлавҳали мақоласида ҳозирги ро-
манчиликдаги айрим тенденцияларга муносабат билди-
рибди, ички коллизия асосига қурилган конфликт тури
ҳақида фикр юритибди.

— Ёдингиэда бўлса керак, аввалги баҳсимиизда шу
масалани атайн очиқ қолдирган, у ҳақда маҳсус тўхта-
лишни келишиб олган эдик.

— Ҳа, шундай. Собиржон Мирвалиев ўртага таш-
лаган мулоҳазалар қизиқарли, айни пайтда мунозарали.
Танқидчи ҳозирги романчиликдаги ички коллизия кўри-
нишларини «янгилик», «конфликт яратиш соҳасидаги
изланиш ва кашфиётлар» деб атабди. Бунга нима дей-
сиз?

— Тўғри, ҳозирги романчиликда конфликтиниг шу
тури мавжуд. «Ҳазрати инсон», «Одам бўлиш қийини» шу
хил конфликт асосига қурилган. «Уфқ»даги Йкромжон,
Тоға, Меливой, «Чинор»даги Акбарали кучли драматик
характер даражасига кўтарилган, Санд Аҳмад билан
Асқад Мухтор ўз қаҳрамонларининг руҳий драмасини
катта маҳорат билан очиб берганлар...

Аммо бу усулни романчиликда бутунлай янгилик деб
бўлмайди. Ҳатто С. Мирвалиевнинг ўзи ҳам, бошқа бир
ўринда, бу ҳодиса янгилик эмаслигини эътироф этади,

бу усул «Қуёш қораймас» романндаёт түғила бошланғанин айтади. Нарироқ бориб, бу Лев Толстой, А. Чехов, М. Горькийлар анъанаси әканини таъкидлайды. Аслини олганда конфликтнинг бу тури рус ва гарб романчилигига эса бу тур «Қуёш қораймас»дан анча бурун кўринна бошланған эди. Диққат қилинса, «Утган кунлар» билан «Сароб»да ҳам характерларро тўқнашувларга қараганда асар қаҳрамонлари — Отабек ва Сайдийларнинг руҳий драмаси кенгроқ ва чуқурроқ тасвир этилган. Авторларни Отабек билан унга терс турган ёки Сайдий билан уни йўлдан оздирган кимсалар орасидаги тўқнашувлар эмас, биринчи галда бош қаҳрамонларнинг мураккаб вазиятлардаги руҳий ҳолати, қалб диалектикаси қизиқтиради... «Ўғқ» ва «Чинор»да муваффақиятли чиққан саҳифалар худди шу анъананинг янги бир кўриниши, холос.

— Менга қолса конфликтни бу хилда икки турга ажратиш, гарчи одат тусиға кириб қолган бўлса-да, но мақбул иш. Конфликт дегаида мен характер билан муҳит, вазият орасидаги муносабатни тушунаман. Муҳит дегани, бу, аслида одамлар дегани. Ҳаётда ва адабиётда муҳитдан, бинобарин одамлардан четда воқе бўладиган соғ руҳий коллизия йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Шу муносабатларнинг кўриниши, даражаси хилма-хил бўлиши мумкин, холос. «Ўғқ»даги Икромжон, «Чинор»даги Акбарали руҳиятидаги драматизм характер билан муҳит орасидаги зиддиятининг бир кўриниши. Икромжон—поқ одам, якка-ёлгиз фарзанди эса попок. Ана шу нопок фарзанд туфайли у эл-юрт орасида уятга қолади; виждон, уят туйгуси уни қийноққа солади. Акбарали ҳам виждонли, бегубор йигит. Аммо қалтис вазиятда қўрқоқлик қиласи, ўз жопини ўйлаб, ўзга бир одам ҳаётига зомни бўлади. Англанилмовчилик туфайли иш кўрсатган одам бу ёқда қолиб, Акбарали қаҳрамонга айланади... Қисса конфликтни энди бошланади, муҳит, яъни

одамлар билан Акбарали орасида пинҳона, аммо ниҳоятда кескин зиддият вужудга келади, қаҳрамон шу зиддиятлар гирдобида ҳалок бўлади.

Аксинча, катта маҳорат билан битилган ошкора характерларо тўқнашувлар ҳамиша руҳий драмалар билан мустаҳкам боғланган.

— С. Мирвалиев боя сиз тилга олган мақоласида конфликтнинг «икки тури»ни бир-биридан кескин ажратишга маҳлиё бўлиб кетиб, баъзан ҳақиқатга хилоф гапларни айтиб юборади. Масалан, «Ўфқ» конфликтни, Икромжон образи ҳақида гапириб келиб: «Муҳими шундаки, автор бу ўринда Икромжон билан ўғли Турсунбойни юзма-юз кураш майдонига олиб чиқмайди. Кураш Икромжон қалбida, ички кураш формасида, ўзи билан ўзи тўқнашувда давом этади. Шу зайлда конфликт ҳам, асардаги мақсад ва ғоя ҳам ҳал этилади», — деб ёзади.

Холбуки Санд Аҳмад Икромжоннинг руҳий драмасини, қалб изтиробларини кенг тасвирлаш билан чекланмайди, ота билан қочоқ ўғилни юзма-юз тўқнаширади. Биринчи китобдаги энг ҳаяжонли, ўқувчини ларзага соладиган ҳолат ана шу тўқнашув пайтида рўй беради. Бу тўқнашувда қочоқ ўғилининг қиёфаси, хусусан Икромжоннинг улкаи қалби бутуни жилвалари, ҳам кучли, ҳам заиф томонлари билан барада намоён бўлади.

Худди шунга ўхшаш манзарани Акбарали қисмати тасвирида ҳам кўрамиз. Бобо билан невара орасидаги учрашув — тўқнашув характер руҳиятидаги драматик жараёнини поёнига етказади. С. Мирвалиев конфликтнинг «иккичи тури»га мансуб деб атаган «Давр менинг тақдиримда» романida ҳам руҳий коллизия билан характерлараро тўқнашувлар ёсима-ёни олиб борилади, юзма-юз тўқнашувларда руҳий коллизия жуда яхши намоён бўлади. Лоақал «Юзма-юз» бобидаги Аҳмаджон билан Стенли орасидаги тўқнашувни эсланг...

— Ҳозирги романчиликда бу борада икки хил камчилик сезилляпти. Айрим авторлар «биринчи тур кон-

фликт» йўлидан бораман деб характерлар орасидаги даҳанаки олишувларни, гоҳ яширин, гоҳ ошкора жангларни кенг тасвир этадилар, аммо энг муҳими — шу тўқнашувлар туфайли қаҳрамонлар қалбида юз берадиган руҳий жараёнлар уларнинг эътиборидан четда қолиб кетади ёки ниҳоятда юзаки, бетаъсир қайд этиб ўтилади. Бошқа бир гурӯҳ авторлар эса «иккинчи тур конфликт»— ички коллизиялар тасвири йўлидан бораман деб характер билан муҳит орасидаги муносабатни заифлаштириб юбораётирлар. Ҳатто шу камчилик анча ўқишли ёзилган «Одам бўлиш қийин»да ҳам аниқ сезилади. Асарда Абдулла фожиасининг ҳаётий замини, Абдулла ни йўлдан оздирган омиллар чуқур тадқиқ этиб берилмайди.

— Унчалик эмас, автор Абдулла онгидаги ўзгаришни асослашга ҳаракат қилган, худбинлик иллатининг авж олиб кетилишига турткى бўлган қатор ишонарли фактлар келтирган. Ҳаёт қизиқ, баъзан кичик бир ҳодиса ҳам киши қалбида чуқур из қолдириши мумкин. Абдулла ҳаётидаги ҳам шундай ҳол рўй беради. Мактабда ўқиб юрган кезлари отасининг иши туфайли унга муносабат ўзгариади. Ана ўшандаги унинг тиниқ кўнглига худбинлик губори ин қўяди. Кейинчалик Абдулла шундай бир вазиятга тушиб қоладики, одам боласи бунаقا вазиятдан омон чиқиб олиши учун ниҳоятда пок, олижаноб, фидойи бўлиши лозим. Абдуллада шу фазилат етишмайди. Унинг қалбида эзгу ва бадбин туйғулар кураши бошланади, болаликда танига илашиб қолган губор ҳаракатга келади, уни йўлдан оздиради, хиёнатга бошлайди. Ўшатопда Абдулла ўзини ҳақ деб билади, шундай йўл туэтганлар турмушда бор-ку, дея ўзига таскин беради...

— Гапнинг тўғри, аммо автор келтирган важдайллар етарли эмас. Асар ҳикоя ёки қисса бўлганда эҳтимол, шу фактнинг ўзи қаҳрамон онгидаги ўзгариши, қалб драмасини очиш учун кифоя қиласар эди. Бироқ «Одам бўлиш қийин»— роман. Роман бўлгандан кейин

унда қаҳрамон фожиасининг илдизлари кенгроқ ва чуқурроқ тадқиқ этилиши керак эди. Фожианинг ҳаётий замини заиф бўлганидан Абдулла драмаси бир оз хуссий характер касб этиб қолган, асардаги шахс драмаси замон драмаси даражасига бориб етмаган.

Худди шу хил камчилик тажрибали адаб Мирмуҳсиннинг «Умид» романида ҳам кўринди. Профессор Лазиз Қаюмов айтганидай «асарда қаҳрамонларнинг муҳит, улкан ҳаёт билан алоқаси етарлича чуқур ва ҳар тарафлама кўрсатилмаган. Қаҳрамонлар характеристидаги у ёки бу томонларни шакллантирувчи ҳаётий жараёнлар бир мунча бўш тадқиқ қилинган».

«Одам бўлиш қийин» билан «Умид» кўп жиҳатдан Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романини эсга солади. «Сароб»да бўлгани каби бу романларнинг авторлари ҳам адашган йигитнинг фожиасини очишга интиладилар. «Сароб»даги характер ва муҳит таҳлили билан «Одам бўлиш қийин» ва «Умид»даги таҳлилни бир-бирига қиёс қилиб кўринг. «Сароб»да Сайдийни фожиага олиб борган муҳит кўлами шу қадар кенгки, уни фақат роман жанридагина бериш мумкин.

Бунинг устига А. Қаҳҳор талқинидаги муҳит шунчаки, адабий приём маҳсули бўлмай, халқ тарихининг маълум босқичида содир бўлган катта ижтимоий ҳодисасиниг ўзгинаси. Ёзувчи Сайдийни шунчаки бошқаларга ибрат бўлсии, китобхонни ҳаяжонга солсин деб фожиага мубтало этган эмас; балки унинг тимсолида тарихий ҳақиқатни, замон драмасини ифода этган, маълум ижтимоий кучнинг фожиасини кўрсатган; қисқаси Сайдий — социал-бадний тип, у маълум типик шароптнинг маҳсули. «Одам бўлиш қийин» билан «Умид»да худди шу нарса етишмайди. Ҳар иккала романда ҳам қаҳрамонларни йўлдан оздирган омиллар романбон социал ҳодиса, типик шаропт даражасига бориб етмаган.

— Бу фақат «Одам бўлиш қийин» билан «Умид»гагина тегишли бўлмай, замонавий темадаги кўпчилик

романларда содир бўлаётган камчилик. Кўпинча биз адиларни замонавий темада роман ёзишга даъват этамиз, замонавий темада яратилган романларни ҳар тарафлама рағбатлантирамиз; аммо унинг масъулиятини, замонавий материал асосида роман ёзишининг машаққатларини етарли ҳис этмаймиз, қолаверса, бу гапни айтаганда роман жанрининг талаб ва имкониятларини ҳамиша ҳам ҳисобга олавермаймиз.

Роман ўз моҳияти жиҳатидан тарихийликка мойил жанр; Белинский сўзи билан айтганда, у замонанинг эпопеяси, унда шаклланган, яхлит, тугал ҳаёт ва шахс концепцияси бўлниши керак. «Звезд» журналининг 1968 йили повесть жанри бўйича ўtkazган мунозарасида адибётшунос В. Акимов романининг шу хусусиятини жуда яхши тавсифлаб берди. Унингча, роман бу тугалланган фикр, ўз тараққиёт қонунига кўра поёнига етган ҳаёт шакли, ишон ва ишоният тақдиди. Ҳаёт ҳақида узилкесил ва яхши тасаввурга эга бўлмай туриб, ҳаётни тўла ва чуқур тушуниб етмай туриб, роман яратиш мумкин эмас. Ҳали поёнига етмаган мураккаб ҳаёттй жараёнлар ҳақида бемалол ҳикоя ёки қисса ёзавериш мумкин, аммо улардан роман чиқиши мушкул. «Тарихий жараён,—деб ёзади тақиқидчи,— маълум бир босқични ўтаган ёки кескин бурилиш пайтида чуқур ва ҳар тарафлама намоён бўлган (Толстой сўзи билан айтганда, ҳамма нарса ўзгариб кетган, янгидан эндиғина ташкил топаётган), санъаткор эса ана шу жараёниң бош тенденциялари ва қонуниятларини ифода этиш имкониятига эга бўлган (шунга ишонч ҳосил қылган) тақдирдагина, роман учун кулай шароит етилади».

— Буидан чиқдики, ҳозирги кун ҳақида роман ёзиш мумкин эмас, экан-да! Романинавис тарихий жараённинг оқибатини кутиб ўтирадиган бўлса, замондан орқада қолиб кетмасми кан?! Ахир «Очилилган қўриқ» типидаги асарлар тарихий жараён билан деярли баробар туғилган эди-ку! Л. Толстой «Анна Каренина», «Тирилиш»

романларида худди шу асарлар пайдо бўлган пайтдаги ҳаётий масалаларни кўтарган эди-ку!

— Лев Толстойнинг буюклиги шундаки, у рус жамиятининг маънавий ҳаётида содир бўлаётган улкан ўзгаришларни — эскича ахлоқнинг барбод бўлаётганини, янгисининг эса ташкил топаётганини ўз вақтида кўрди ва бу жараёнларни ҳар иккала романнада фавқулодда маҳорат билан ифода этди. Аслида, «Очилган қўриқ»даги ҳодиса ҳам тугалланган жараён. М. Шолохов коллективлаштириши муносабати билан қишлоқ кишилари онгидаги кескин ўзгаришни — патриархал тушунчаларнинг барбод бўлиб, янгича социалистик тушунчаларнинг пайдо бўлаётганини сезган ва ўни романда ифода этишга киришган. Аммо ёзувчи сира шошилган эмас. Ёдингиздами, «Очилган қўриқ»нинг иккинчи китоби орадан чорак аср ўтгандан кейин чиқди.

Роман орқали ҳам замона ҳодисаларига дозиржавоблилк билан муносабат билдириш мумкин. Аммо ҳар қанақа кундалик воқеаларни, одамлар орасадаги ҳар қандай борди-келдиларни қалин жилд остига йиғиш билан замонавий роман пайдо бўлавермайди. Боя айтилганидай, ҳалқ ҳаётида содир бўлаётган романбоп ўзгаришларни, тугалланган ёки янгидан пайдо бўлаётган жараёнларни ўз вақтида пайқаган, чуқур тасаввур этган ёзувчигина ҳақиқий маънодаги роман яратади.

Ҳар ҳолда, тугалланмаган жараён ёзувчини довдирашиб қўйинши мумкин. Ўзбек адаблари тажрибасидан характеристи бир мисол келтирай. 60- йилларнинг бошларида Ҳ. Гулом «Сенга иштиламан» романни устида иш олиб борди. Асада Мирзачўни ўзлаштираётган замондошларимиз ҳаёти акс этган. Унда автор қишлоқларда содир бўлаётган жараёнларни таҳлил этмоқчи бўлади. Жумладан, адаб ўша кезлари кенг тарқалган хўжаликни бошқаришдаги «янгиликлар»ни, «қайта қуриш»ларни ёқлаб чиқади; бу ҳали тугалланмаган жараён эди, кейинроқ

бориб, бу хил «қайта қуриш»ларнинг чуви чиқиб қолди, КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил Октябрь пленуми бунақа бошбошдоқликларга чек қўйди. Шундан кейин, «Сенга интиlamан» автори романнинг китоб вариантига талай ўзгартириш ва тузатишлар киритишга мажбур бўлди.

Бошқа бир мисол. Худди ўша кезлари ёзувчи П. Қодиров ҳам қишлоқ ҳаётидан йирик асар ёзишга киришган, қишлоқларда рўй берадиган ҳодисалар уни қаттиқ ҳаяжонга солган. Бироқ бу мураккаб жараёнлар ҳали ўз интиҳосига бориб етмагани учун, автор улар устидан узил-кесил ҳукм чиқаришга қийналган, узоқ вақт аниқ бир қарорга келолмай юрган. Ниҳоят, Октябрь пленуми авторга жумбоқининг калитини берди.

Октябрь пленумидан кейин қишлоқ ҳаётида катта бурилиш содир бўлди, кўплар қатори «Қора кўзлар» авторини қийнаш турган жараёнлар ўз интиҳосига етди, янги самарали жараёнларга йўл очилди. Шундан кейин ёзувчичининг иши юришиб кетди. Кўп ўтмай «Қора кўзлар»га охирги нуқта қўйилди, у қишлоқ ҳаётидаги улкан бурилиш палласини ифода этувчи асар бўлиб чиқди. Шу улкан ҳодиса асарга эпик тус бахш этган, унда автор якунлаган, янгилашган тарихий жараёнининг маълум концепциясини берган.

Том маънодаги замонавий роман яратишнинг сири, мушкулоти аниа шунда.

— Демак, романнависларимизнинг кейинги йилларда тарихий мавзу томон кескин юз ўгиришлари бекиз эмас экан-да. Қараанг, 60-йиллар давомида яратилган «Улур йўл», «Фаргона тоңг отгунча», «Чироқ», «Қудратли тўлқин», «Уфқ», «Эр бошига иш тушса», «Тошкентликлар», «Ҳазрати нисон» каби эътиборга сазовор асарларнинг барчаси тарихий темада, аниқроғи, сиз айтмоқчи, тугалланган тарихий жараёнлар ҳақида. Бу ҳол жанр табиатини тан олишининг бир исботи эмасмикан?

— Худди шундай. Агар диққат қилинса, замонавий

мавзудаги энг яхши романларга ҳам тарихийлик концепцияси кириб келяпти. Бу жиҳатдан «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», «Жаннат қидирғанлар» характерли. Бу уч асарнинг қаҳрамонлари бизнинг замондошларимиз — 60.-йилларнинг одамлари. Бироқ А. Мухтор билан Шуҳрат ўз қаҳрамонларининг ҳозирги ҳаётини кўрсатиш билан чекланмайдилар, уларнинг бутун умр йўлни, тақдирини тадқиқ этадилар, қаҳрамон тақдирни орқали даврни, давр драмасини беришга, XX аср кишининг тарихий тажрибаларини умумлаштиришга итиладилар.

— Менимча, романда воқеалар кўламига қараганда фикрлар кўлами ва салмоги, авторнинг ҳодиса ва қаҳрамон ҳақидаги концепцияси ҳал қилувчи роль ўйнасан керак. Жаҳон прогрессив адабиёти тажрибаларини эълайлик. «Кумдаги хотин» романини олайлик. Ундан воқеалар кўлами бир қараганда роман учун етарни эмасдай бўлиб туюлади, бутун воқеа бир кулба ичда ўтади, персонажлар ҳам чекланган — асосан нотации эркак билан қумдаги хотин. Энди романдаги фикрлар кўламига қаранг. Автор инсон ҳаёти ҳақида шу қадар чуқур мулоҳазаларни илгари сурадики, уни фақат роман жанри рамкасигагина сифдириш мумкин, худди шу нарса — асардаги фикрлар кўлами уига эпик тус баҳш этади.

Шунга яқин манзарани таниқли рус адаби Ю. Бон древнинг «Сўнгги садолар», Г. Баклановнинг «Қирқ биринчи йил шоли» романларида ҳам кўриш мумкин.

«Чинор»ни, яна баъзи асарларни мустасно қилгандай, биздаги кўпчилик романлар мана шу жиҳатдан оқсайди, уларда фикрлар кўлами тор, саёз, ҳаётий фактии, инсон ҳаётини кутилмаган, яиги томонлардан кашф этиш этишмайди.

— Баъзан биз адабиёт олдига катта талаблар қўяшимиз деб, асарлардаги янгиликларни, авторлар ижодида-

ги ўсиш, улғайиши пайқамай қоламиз. «Чинор»га, хусусан «Уфқ»нинг иккинчи китобига муносабатда шундай бўлди. «Уфқ»нинг иккничи китоби урушдан кейинги қишлоқ ҳаётини кўрсатишга, бағишиланган. Ўша давр ҳақида бизда талай асарлар бор. Аммо уларнинг аксарияти «конфликтсизлик назарияси» кенг тарқалган йилларда яратилганлиги сабабли ўша давр ҳақида тўла тасаввур бермас, уларда тантанавор руҳ ҳукмрон эди. «Уфқ»нинг иккинчи китоби ўзбек адабиётида маълум янгилик бўлди, автор ўша давр ҳаётини янгича ёритди, уни бутуни зиддиятлари, мураккаблиги билан беришга нитилди.

Бундан ташқари, характерлар талқинида ҳам олга симжиш бор. Эсласангиз керак, «Уфқ»нинг биринчи китобида характерлар тасвиридаги бўёқ бир оз камбағал чиққан, «оқ» билан «қора» бир-биридан кескин ажралиб қолган эди; автор асли ҳикоянавис бўлганидан персонажлар руҳиятини худди ҳикоядагидек ихчамроқ аспектда, бир хилда таҳлил этган эди. Бу китобда эса бўёқлар аинча ранг-бараинг, адаб қаҳрамонларига хилмаси томондан ёпдашади; чунончл бўш-баёв Дилдорнинг янги фазилатлари очилади, шўх-шаддот Асрора айни пайтда фожий шахс сифатида кўринади, Аъзам яна мураккаблашади, ҳатто сатирик образ Иноят оқсоқолда баъзи инсоний хислатлар намоён бўлади ва ҳоказо. Худди шу фазилатларни А. Эшонқулов «Далилнинг тоши» мақоласида («Шарқ юлдузи», 1970 йил, № 12) бадиий ожизлилка йўйибди.

Масалан, иккинчи китобда Дилдорнинг руҳий драмаси тасвирига кең ўрин берилган, Дилдор бўлиб ўтган кўнгилсизликлар сабабини қидиради, бу ишда гоҳ ўзини, гоҳ Аъзамни айбдор деб билади. Таңқидчи Дилдорнинг худди ўша Аъзамни айбдор деб атаган сўзларини кўчириб олади-да, ёзувчи унинг ноҳақлигини, хато қилганини, хато қилганда ҳам жуда катта хато қилганини, оиласига, қизлик номусига енгил-елпи қараганини

кўра била туриб, нега ҳамма айбни Аъзамжонга тўнкай-веради?» дея ажабланади.

Аввало қаҳрамоннинг ҳар бир ножӯя сўзи учун авторни айблаши иотўгри, ахир қаҳрамон хато қилиши, хато гапириши мумкин, буни ёзувчининг хатоси дейиш эса ўтакетган соддадиллик. Қолаверса, Диlldор бу ишда ўзини сирайм бегуноҳ қилиб кўрсатмоқчи эмас. Танқидчи Диlldорнинг бошқа ўринлардаги сўзларини синчилаб ўқиганди, Диlldор образи талқини билан мукаммалроқ танишиб чиққанида, бу хил ажабланишга ўрин қолмасди.

Танқидчининг Аъзам образи хусусидаги мулоҳазалари жуда ғалати. У ёзади: «Аъзамжон кўз олдимиизда дам олижаноб, мард, севгига вафодор, дам иродасиз, жizzаки, қуён юрак, мақтанчоқ бўлиб гавдаланаверади, асар охиригача биз унинг қиёфасини аниқ тасаввур этолмаймиз».

Қизиқ, мақола автори аниқ қиёфа деганда қаҳрамонни ё мутлақ ижобий, ё салбий ҳолда кўрсатишни тушунар экан! Шу ўринда беихтиёр Л. Толстойнинг инсон табиати хусусидаги мана бу табаррук сўзлари ёдга тушади: «Одамлар дарёдай гап: ҳаммасининг суви бир хил, ҳамма ерда ўша сув, лекин дарё гоҳ кенг бўлади, гоҳ тор, гоҳ тез оқади, гоҳ секин, суви гоҳ тиниқ бўлади, гоҳ лойқа, гоҳ совуқ, гоҳ илиқ бўлади. Одамлар ҳам шундай: ҳар бир одамда ҳамма инсоний хусусиятларининг куртаги бўлади. Одам бу хусусиятларининг гоҳ бирини, гоҳ бошқасини намоён қиласди, баъзан ўша одамининг ўзи бутунлай ўзгариб кетади».

Аъзам ҳам худди ана шундай: бир қарасангиз бир оз қўрс, мақтәнчоқ, иродасиз, жizzаки; бир қарасангиз олижаноб, мард, танти; баъзан қалбида инсоний туйгулар жўш уриб оталик, акалик бурчини жойига қўяди, баъзан эса ҳайвоний ҳирси қўзиб, буларнинг барчасини унугиб юборади. Аъзамнинг қиёфаси ана шундай, унинг фожиаси ҳам ана шунда...

— А. Эшонқулов ўз мақоласида Аъзам образи, шунингдек бошқа баъзи персонажлар талқинидаги зиддијатли, гализ ўринларни тўғри таъкидлаган.

— Асардаги камчиликларни таъкидлаш, кўрсатиш бошқа, уни баҳолаш, даражасини аниқлаш бошқа.

— Бадиий асарда камчиликнинг катта-кичиги бўлмайди, ҳақиқий санъат асарида кичкина қусурга ҳам ўрин бўлмаслиги лозим.

— Шундайку-я, лекин салгина таҳрир билан тузатиш мумкин бўлган камчиликлардан жиддий хуносалар чиқариш, пашшадан фил ясаш ҳам зарарли.

Романинг бир жойида шундай жумла бор: «Юрт кўзидаги одамга қийин бўлади. Бу хил одамлар шахсий ҳаётни унудиши, юрт ишига зид келадиган жами манфаатлардан воз кечиши керак».

Ҳали гап тугаган эмас. Ёзувчи бу фикрга бошқа бир фикрини антитеза қилиб қўймоқчи. «Аммо,— деб давом этади автор,— жудолик, айниқса, фарзанд доғи ҳар қандай продаси пўлат кишини ҳам букади, юзига ажин солади, кўзини намлайди».

Бу бадиий тасвирда тез-тез учраб турадиган усул. Бу парча танқидчига жуда қўл келади. Жумланинг биринчи қисмнин келтиради-да: «Бу гап раис Меливой ҳақида айтилаётган бўлса ҳам, аммо барча меливойлар, яъни раислар, ташкилотчилар, раҳбарлар ҳақида айтилаётгани аниқ».

Шахсий ҳаёт деганда ёзувчи нимани тушуняпти? Шахсий ҳаётни унудиши одамни ҳиссиз, юраксиз, оила қувончидан маҳрум роботга айлантириб қўймайдими?»

Бу ҳам етмагандай танқидчи бояги жумладан кишининг етти ухлаб тушига кирмаган ғоявий чатоқлик топади. Автор ёзади: «Ундан фақат раҳбарлар, ташкилотчилар юрт ишига зид келадиган жами манфаатлардан воз кечишлири керагу, аммо бошқалар воз кечмасалар ҳам бўлаверади, деган маъно чиқмайдими?»

Сўнгра танқидчи ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ёзувчи

устига мана бундай айнома қўяди: «Муаллиф фалсафа-сининг моҳияти шуки: оч юрсанг юр, яланғоч юрсанг юр, каттамисан, кичикмисан, бари бир, шахсий ҳаётингни батамом унтиб, ўзингни юрт ишига бағишла!»

— Тан олиш керак, ёзувчи жумласида бир оз сакталик, мунозарага ўрин берадиган кескинлик бор.

— Эҳтимол, шундай туюлар, аммо мақола автори шу бир жумла гапдан шу қадар жиҳдий холосалар чиқаришга қандай журъат этди экан?

Аввало романдаги раҳбар ходимлар — Меливой, Тоға, Икромжон, Ота каби образлар талқини билан таниш ҳар қандай холис китобхон бу хил даъвонинг мутлақо асоссиз эканини яхши билади. Уларниг барчаси юрт иши учун фидокор, шу билан баробар, шахсий — иштим дунёси, ҳиссий олами нихоятда бой кишилар.

Бошқа образларни қўятурайлик-да, биргина Меливой акани олайлик. Мақола авторининг сўзига кўра бу одам юрт иши деб «шахсий ҳаёти»ни унугтаи «ҳиссий», оила қувончидан маҳрум робот» эмиши. Танқидчи бу одамни шундай дейишга қандай тили борди экан! Муаллиф баҳс учун олган бояги жумланинг шундайгина юқорисида Меливой аканинг «шахсий ҳаёти» хусусида мана бу гапларни ўқишимиз:

«Меливой ака ўғли ўлгандан кейин сўлиб, озиб, бўйинларидаи ажинлари кўпайиб қолганди.

Меливой акага қариллик энди кучини кўрсатиб қўйган эди.

Тўрт йиллик уруш қийинчилкларидаи одамларни толиқтирмай, қоқилтирмай олиб чиқиши, болалари келгунча асраб — авайлаш осон бўлмади... Уруш ҳам тугади, ҳамманинг бўлмаса ҳам, кўпчиликниг боласи бири ярадор, бири бутун қайтиб келди. Аммо унинг ёлгизи қайтмади. Шундоқ катта урушдан соғ чиққан бола японининг ўқига учради. Меливой ака йиглаб йиғлолмасди, кулиб кулолмасди. Йиғласа, бунақа жудоликка учраган бир у эмас-ку! Кулса, қандоқ қилиб кулади, кўзишиниг

оқу қораси қайларда, бегона тупроқда кафансиз ётибди.

Меливой ака пинҳоний йиғларди. Унинг кўзи куларди-ю, ичи йиғларди».

Меливой ака «шахсий ҳаётдан, оила қувончидан маҳрум шахс, робот» эмаслигини шу парчанинг ўзиёқ аниқравшан кўрсатиб турибди.

Қолаверса, Меливой ака, типидаги юрт иши учун фидокор кишиларнинг фаолиятини камситиш ҳам инсофдан эмас. Юрт ишига чинакам фидойиллик ҳеч қачон кишиларнинг ҳиссий оламини чеклаб, роботга айлантириб қўймайди, аксинча, уни яна ҳам юксакликка кўтаради, унга иносоний жозиба бахш этади. Александр Матросов типидаги кўпчиликни деб шахсий ҳаёгини фидо этган, онгли равишда душман ўқига кўкрак тутган жасурларни қандай қилиб ҳиссиз, робот дея оламиз?!

Бу мисолларни кўйиб туриб, ўзим билган кичик бир «фидойиллик»ни эслатиб ўтai.

Уруш йиллари менинг дадам худди ўша Саид Аҳмад «Уфқ»ида тасвир этган жойларга яқин қишлоқда колхозга раислик қилган эди. Жўжабирдай жон эдик. «Раисининг фарзандлари» бўлсан ҳам аҳвол-тирикчилигимиз бошқаларницидан сира фарқ қилмасди, балки бошқаларга кўра ночорроқ кун ўтказар эдик. Баъзан ойим ладамга ҳазим аралаш: «Сиз ҳам айрим раисларга ўхшаб мундай рўзгорга, болаларга қарасангиз бўлмайдими?» — дея таъна қиллар, дадам эса бу гапларга мийифида қулиб қўя қолар эди.

Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Қирқ иккинчи йилларнинг эрта баҳори бўлса керак. Колхозда қандайдир йўл билан ионвойхона ташкил этилган, у ерда нон ёпиллиб хонадонларга тақсимланар, бизнинг катта хонадонга эса кунига атиги иккита нон тегар эди. Дадам нон келтиради деб йўлга тикилиб ўтирибмиз. Қоронги тушганди дадам уйга қуруқ кириб келди. Ойим дадамга савол назари билан тикилган эди, кўзларидан икки томчи

ёш думалаб тушди, кўз ёшини артиб: «Бугун болаларга ўрик қайнатиб қўя қол», — деди. Ойим индамай ишга кириши. Уша куни ўрик қайнатқисини ичиб уйқуга ётдик.

Кейин маълум бўлишича, дадам йўлда келаётганида эри, икки катта фарзанди жангда бедарак кетган қўшнимизнинг ёш болалари «ион жанжали» қилаётганини пайқаб қолибди-ю, уларни босиб ўтолмабди, бизга аталган ионни уларга ҳадя этибди. Эртаси куни қўшни аёл уйга кириб дадамнинг ҳиммати учун ойимга миннатдорчиллик билдиради.

Мен дадамнинг ўша топдаги хатти-ҳаракатини қандай қилиб ёмонликка йўйинш имумкин?! Ўша куни «шахсий ҳаёти»ни унутган, ўз фарзандларни ризқини ўзгаларга ҳадя этиб юборган одамни «ҳиссиз, юраксиз, сила қувончидан маҳрум, робот» деб аташга сирайм тилим бормайди...

Ахир даврни унутмаслик керак. Эҳтимол, ҳозирги пайт бўлганда дадам бошқача йўл тутган, эл фаровон яшадётган ҳозирги кунларда ўзига, оиласига, рўзгорига ҳам қараган бўларди. Ўша оғир кунларда ҳар қанақа инсофли раҳбар ходим «шахсий ҳаёти»ни маълум даражада унутишга мажбур эди. Меливой aka худди шу хил раҳбарлар тоифасидан.

— А. Эшонқуловининг Низом образи, униг олижа ноблиги талқини хусусидаги мулоҳазаларига қандай қарайсиз? Бу борада танқидчи ҳаққа ўхшайди, бу йигитнинг ўзи ичор бўла туриб, отадан қолган меросни давлатга топширишида бир оз сунъийлик сезилади.

— Гарчи танқидчининг эътирозида бир оз жон бўлса-да, униг мулоҳазалари жуда кулгили. Танқидчи дастлаб Низом меросга ҳақлами ёки ҳақсизми деган масалада одамни таажжубга соладиган муҳокама юритади, ҳуқуқ қонунларини рўкач қилиб, Низом меросга ҳақли деган холоса чиқаради. Сўнгра Низомнинг ўша топдаги ичор аҳволини рўкач қилиб, мероснинг ҳаммасини бўлмасаям, бир қисмини ўзига олиб қолмаганидан

кайинади. «Ҳар қандай тирик одам бу пулнинг бир қисмини ўз эҳтиёжига сарф қиласди, қолганини топширади. Чунки топиб олгани йўқ, ўгирлаб олгани йўқ. Бу пулда унинг ризқи борлиги ҳаммага маълум», — деб ёзади.

Танқидчи мерос ҳуқуқи қоидаларини, қаҳрамон ҳолатини рӯкач қиласди-ю, одамда қалб борлигини мутлақо ҳисобга олмайди. «Уғқ»ни ўқиган кишига ҳамма нарса равшан. Бутун асар давомида автор қаҳрамонни гүё шувавизиятга тайёрлаб келган, Низом мол-мулқдан, меросдан ҳазар қиласиган даражага бориб етган. Ахир мумсик ота мол-мулқ йиғаман деб фарзандларини не-не кўйларга солмади; отани ўтда куйдирган, тириклигида мурдага айлантирган, шўрлик онани хор-зор қиласган, Низомни беномуслик йўлига тортган, дарбадар этган, aka билан укани бир-бировига рақиб қиласиб қўйган, Рисолатни одамгарчиликдан чиқарган, Аъзамни фожиага етаклаган куч худди шу мол-мулқ — ҳаром мероснинг ўзгинаси эди!

Кўра-била туриб Низом қандай юрак билан шу месроғининг бир қисмини ўзига олиб қолиши, тирикчилик учун ишлатиш мумкин? Ночор аҳволла бўлиш у ёқда турсин, бу йигит очдан ўлиб қолганда ҳам мероснинг бир қисмини ўзига олиб қолишнин тасаввур этолмайман...

Умуман бизда ҳозирги романлар танқиди савияси, маданияти замон талаблари даражасида эмас. Уни юқори кўтариш ҳамон адабий танқид олдида турган энг жиддий вазифалардан бири бўлиб қолаётир.

1971 й.

НАСРИМИЗДАГИ РОМАНТИК ТЕНДЕНЦИЯ

60- йиллар давомида бадиий адабиётнинг актуал проблемалари бўйича қатор мунозаралар бўлиб ўтди. Улар орасида, менимча энг қизғини романтизм устидаги баҳслардир.

1964 йили «Вопросы литературы» журнали, 1967 йили эса «Литературная газета» романтизм ҳақида маҳсус мунозара ўtkазди. «Жаҳон адабиётида реализм» (1957), «Социалистик реализмнинг актуал проблемалари» (1966) бўйича бўлган дискуссияларда ҳам романтизм масаласи катта ўрин олди. Шунингдек, услублар, жанрлар, хусусан ижобий қаҳрамон масалаларнига онд мусоҳабаларда романтизм ва романтика қайта-қайта тилга олинниб турди.

Шу йиллар ичida романтизм назарияси, тарихи, социалистик реализм билан романтизм муносабати тўғрисида йирик илмий тадқиқотлар майдонга келди. В. Вансловининг «Романтизм эстетикаси», Л. Егорованинг «Совет прозасидаги романтик оқим», И. Дубровинанинг «Санъатда романтика», О. Климникининг «Ҳақиқат романтикаси», М. Остріккининг «Социалистик реализм адабиётида романтика», А. Овчаренконинг «Совет адабиётида романтизм» каби асарлари босилиб чиқди; «Искусство» нашриёти «Романтизм проблемалари» номли мақолалар тўплами сериясини нашр эта бошлади.

Бу масала қисман ўзбек адабиётшунослари ва ташқидчилари эътиборини ҳам ўзига торта бошлади. А. Ҳа-

йитметовнинг «Алишер Навоийнинг ижодий методи» китоби, шу сатрлар авторининг «Ҳаёт, адабиёт, романтика», М. Маҳмудов, М. Саъдийларнинг «Қиссаларимизда ҳаёт романтикаси» мақолалари пайдо бўлди.

Романтизм масаласига қизиқишнинг бу қадар кучайиши тасодифий эмас. Бу аввало 50-йилларнинг ўрталаридан бошланган адабий тафаккурдаги янгиланиш ва жонланишнинг бир кўриниши, қолаверса адабий жараённинг ўзида юз берган янги тенденцияларнинг адабиётшуносликдаги акс-садосидир.

Шу йиллар давомида партия ва ҳукумат амалга оширган муҳим тадбирлар — доктринализм ва субъективизмнинг қораланиши, ленинча ҳаёт нормаларининг тиклакиши, социалистик демократиянинг кенгайтирилиши, шахс ташаббуси ва камолати учун кенг имкониятлар очилиши адабий тафаккур риёзига зўр таъсир кўрсатди. Ёзувчиларнинг ижодий активлиги ошди, уларда масъулият ҳисси кучайди, ҳаёт ҳодисаларига фаол ва жўшқин муносабат, халқ қўнглидаги гапларни изчил партиявий позицияда туриб дадил, рўйи-рост айтиш, давр ҳақиқатини бутун мураккаблиги — улуғворлиги ва зиддиятлари билан кўрсатиш қалам аҳлининг бош шиори бўлиб қолди.

Бир томонда инсон ақли, фан ва техника мислсиз мўъжизалар яратаБтган, одам боласининг оёғи бошқа планеталарга етиб борган, иккинчи томонда эса худди шу инсон боласи ўзи яратаБтган мўъжизалардан тамоман бебаҳра, оч-ялангоч қолаётган, бир ёқда маданий камолот юксакликка кўтарилган, одам боласи кўк ўпар бинопларда илм олаётган, янгича фаровон яшаётган, бошқа ёқда эса ўша инсон боласи ғариб кулбаларда, кўчаларда умр ўтказаётган, саводсиз ёки чаласавод қолаётган, синфиий айирмаларнинг, ирқий камситишларнинг қолоқ феодал тушунчаларнинг жабрини тортаётган — ана шундай ғоят кескин зиддиятларга, контрастларга тўла ҳозирги кунларимизда инсон шахсиятига, шахс ва

жамият проблемасига қизиқиш кучайди, яъни бир вақтлар романтиклар эътиборини ўзига жалб этган масала янги шароитда яна қайтадан кун тартибиға қўйила бошлианди.

Янги ғоявий мотивлар ҳамиша ўзига мос бадий ифодаларни тақозо этади. Зиддиятли давр ҳақидаги, инсон шахсияти ва эрки ҳақидаги жиддий, эҳтиросли ўйлар адабиётда «субъектив» тасвирининг кучайишига туртки берди, бу ҳол проза ривожига янги бир тўлқин олиб кирди, прозадаги лиро — публицистик, шоирона романтик услубий йўналиш шу тариқа жонланиб кетди.

Адабий жараённинг ўзида юз берган бу тенденция кўп баҳсларга асос бўлди. Хўш, буни нима деб аташ керак: романтик методми, романтиками ёки романтик услубий оқимми? Табиийки, ўз-ўзидан бу жараённинг тарихи, назарияси олимларни қизиқтира бошлади. Умуман, социалистик реализм адабиётида романтизмнинг ўрии, унинг характерли хусусиятлари, қолаверса, жаҳон адабиётида ва санъатида романтизм ҳақидаги тадқиқотлар шу тариқа пайдо бўла бошлади.

Барча мунозаралар асосида иккита асосий масала — романтизмнинг таърифи, хусусиятлари ҳамда социалистик реализмда романтизмнинг ўрии масаласи ётади.

Романтизмга берилган таърифлар хилма-хил, баъзан эса зиддиятли. М. Горький бир вақтлар: «Романтизмнинг таърифи кўп, аммо барча адабиётчилар рози бўладиган аниқ, мукаммал таърифи ҳозирча йўқ, ишлаб чиқилган эмас», — деб ёзган эди. Шундан бери орадан анча вакғ ўтди, романтизм ҳақида талай ишлар қилинди, бироқ ҳозир ҳам романтизмнинг мукаммал таърифига эга эмасмиз. Бунга фақат назариячилар айбдор эмас. Мукаммал таърифнинг йўқлигига сабаб аввало шуки, романтизм дорма эмас, у ривожланишда, ўзгаришда.

Маълумки, романтизм конкрет тарихий шароит маҳ-

сули. У бадиий метод сифатида Европада капитализмнинг туғилиши даврида вужудга келди. У ўз даврида жуда катта ижобий роль ўйнади, маънавий тафаккур тараққиётида янги босқич бўлди, шахс эрки ҳимоячиси, жўшқин эҳтирослар, юксак туйғулар ифодачиси сифатида майдонга чиқди; XIX аср ўрталарига келиб, у янги илғор методга — танқидий реализмга ўрин бўшатиб берди, романтизмнинг кўп анъаналари танқидий реализмга қўшилиб кетди ва айни пайтда у танқидий реализм билан ёндош ҳолда услубий оқим сифатида ривожланиб борди. Танқидий реализм прогрессив романтизмнинг мэросхўри, вориси тарзида майдонга келди, А. Блок сўзлари билан айтганда «ҳақиқий реализм романтизмнинг авлоди, унинг ўз туққан фарзанди». Реализмнинг янги, мукаммал юксак босқичи — социалистик реализмдир. Социалистик реализм танқидий реализмнинг бой тажрибаларини ўзлаштириш асосида шаклланди. Шу тариқа прогрессив романтизм танқидий реализм орқали социалистик реализмга ҳам ўтди ва бизнинг кунларгача ётىб келди.

Демак романтизм йўли — илк босқичи, етакчи метод сифатида шаклланишидан тортиб то ҳозирга қадар босиб ўтган йўли гоят узун ва мураккаб. Бунинг устига ҳар бир халқ адабиёти ва санъати, адабиёт ривожидаги ҳар бир янги босқич унга бетакрор хусусиятлар бахш этган. Шунинг учун ҳам романтизмнинг ҳамма томонларини камраб оладиган, ҳамма рози бўладиган мукаммал търифни ишлаб чиқиш ниҳоятда мушкул.

Шунга қарамай, катта ижодий коллектив кейинги йилларда романтизмнинг асосий хусусиятларини, реализмдан фарқини аниқлашда кўпгина самарали ишлар қилдики, буни тан олмаслик инсофдан эмас. Адабиётшунос А. И. Овчаренко жуда кўп тадқиқотчиларнинг фикрини холосалаб, романтизмнинг характерли хусусиятларини дуруст търифлаб берган. Унинг кўрсатишича, романтизмнинг асосида кундалик ҳаёт икир-чикир-

ларидан баланд туриш, мавжуд воқеликка кескин норозилик, идеалга интилиш, ўткинчи ҳодисаларга адабийликни, объектив воқеликка субъективни, барча пасткашликларга олижанобликни қарама-қарши қўйиш ётади, шунинг учун ҳам унда воқеликни тасвир этишда идеал ҳал қилувчи роль ўйнашди, бўлиши мумкин бўлган ҳодиса, хоҳиш-истак кетидан қувилади, тарихийлик ўта нисбий бўлади, характер ва сюжетни далиллашда субъективликка, шароит тасвирида шартлиликка кенг йўл қўйилади, реализмга қараганда эҳтимол тутилган ёки бўлиши мумкин бўлган ҳодисалар кўп учрайди, фавқулодда, эҳтиросли қаҳрамонлар танлаб олиниади, ҳодиса ва туйғулар бўрттириб берилади, фантастикага мойиллик кучли бўлади, шахс билан уни қуршаб турган тарихий муҳит орасидаги алоқа заифлашади, баъзан бузилади, эмоционаллик ошади, лиризм стихияни тарзда бутун тасвирини эгаллаб олади... Агар реализм шахснинг уни қуршаб турган воқелик билан алоқасини, ички дунёсини кўрсатишда универсал йўл тутса, романтизм учун воқелик ва инсонга бирёқлама муносабат хос; шунга кўра унда тасвир ҳам бир ёқлама бўлади. Агар реализм инсонни худди шу тасвир этилаётган ҳаёт билан мустаҳкам алоқада, Гегель айтмоқчи «шу ерда», «шу дақиқада» кўрсатса, характерлар конкрет ижтимоний ва тарихий шароит маҳсуси тарзинда ўз-ўзидан, ичдан ҳаракат қиласа, романтизмда эса психологик характеристикаларда ҳам, табнат лавҳаларида ҳам, ҳатто асар композицияси ва услубида ҳам атайнинлик, тасодифийлик элементлари деярли ҳар доим объектив қонуниятлар устидан ҳукмронлик қиласи. Агар реализм учун воқелик ва инсонни холис туриб, объектив тасвир этиш хос бўлса, романтизм учун субъективизм характерли, бу бутун тасвирини эгаллаб оладиган лиризмда, қаҳрамон «автобиографизми»да, типиклаштиришининг ўзига хослигида, ифодали деталларни танлашда намоён бўлади. Романтизмда расмийлик, тантанаворлик, муболағадорликнинг бўлиши табиий,

бўлмайдиган ёки бўлиши мумкин бўлмаган ҳодисалар ҳам тасвири этилавериши мумкин...¹.

Романтизмга хос бу хусусиятларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Улар янги фазилатлар билан бойиган ҳолда социалистик реализм адабиётида кўпдан бери муҳайёдир.

20-йилларда ёк совет адабиётида романтизмнинг ўрни масаласи теварагида қизғин баҳс кўтарилиган эди, шунида бир қатор адабиётчилар романтизмни бутунлай инкор этгани эдилар; кейинроқ романтизмга муносабат ўзгарди, социалистик реализм учун романтика бегона эмаслиги, у социалистик реализмнинг таркиби қисми экани ҳақидаги қоида пайдо бўлди, социалистик реализм танқидий реализм билан революцион романтизмнинг қўшилишидан таркиб топган, деган фикр кенг тарқалди, жумладан, А. Фадеев 1947 йили ёзган «Адабий танқиднинг вазифалари» мақоласида шу тезисни илгари суради.

Кейинги йилларда тадқиқотчилар бу тезисга танқидий ёндашмоқдалар, уни реализм ва романтизм ҳақидаги бир ёқлама тасавурнинг оқибати деб қарамоқдалар². Дарҳақиқат, мабодо социалистик реализм танқидий реализм билан романтизмнинг қўшилишидан иборат бўлса, ўша тезис авторларининг фикрича, реализмни факат танқид қилиш, инкор этиш; романтизмни эса нуқул тасдиқлаш, идеални барқарор этиш деб тушуниладиган бўлса, бу методнинг имконияти чеклаб қўйилган, ҳаёт ҳодисаларига муносабатда схематизмга йўл очиб берилгани, социалистик реализмда хилма-хил услубий оқимларнинг бўлиши мумкин экани инкор этилгани, масалан, романтиканадан холи танқидий йўналишдаги асарлар (жумладан сатира) ва алоҳида романтик йўналишдаги асарлар социалистик реализмдан четда қолган бўлар эди.

¹ Карап: А. И. Овчаренко. Социалистический реализм и современный литературный процесс, СП, М. 1968, стр. 168—170.

² Карап: В. Ванслов. Эстетика романтизма. М., стр. 392—393.

Социалистик реализмда романтизмнинг ўрни хусусида ҳозирги кунда ҳам қарама-қарши фикрлар бор. Айрим тадқиқотчилар, жумладан А. Овчаренко романтизм ҳақида фоят қимматли фикрларни ўртага ташлаган «Совет адабиётида романтизм» асарида романтизмнинг ҳозирги адабий жараёндаги ўрни ва ролини сунъий равишда ошириб кўрсатади, уни алоҳида мустақил метод деб атайди. Бошқа бир гуруҳ олимлар, чунончи, В. Ванслов эса совет адабиётида романтизм метод сифатида йўқ, у фақат романтика тарзинда муҳайё, дейди; уннингча, баъзан романтик услубда асарлар яратилаётган бўлса, бу истино бир ҳол, шунчаки романтизм анъанаси эмиш¹.

В. Ванслов шу маънодаги романтиканни социалистик реализм адабиётининг таркибий қисми, ўзига хос хусусияти деб билади. Мабодо романтика киши табиатидаги шу хил ўзига хос гўзал, кўтаринки руҳий кайфият ифодасидан иборат бўлса, бунақа ифодани ҳар қандай методда, жумладан тақиидий реализм асарларида («Тарас Бульба», «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» каби) ҳам учратиш мумкин. Демак, бу маънодаги романтика фақат социалистик реализмнинг ўз хусусияти, таркибий қисми бўлолмайди.

Умуман, ҳар қандай илғор адабиётда бўлгани каби социалистик реализм адабиётидаги романтика ҳақида ҳам гапириш, уни атрофлича ўрганиш мумкин. Шу билан баробар, бу адабиётда услубларининг хилма-хиллиги тақозо этадиган «романтик тасвир» номи билан аталадиган «ижод типи» (Тимофеев) ҳам борки, бу Овчаренко даъво қилганича мустақил метод ҳам эмас, аксийча, Ванслов айтганидаи, шунчаки бир анъана ҳам эмас, балки бу услубий оқим ёки услубий тенденциядир. Социалистик реализмнинг актуал проблемалари бўйича ўтказилган дискуссия, «Литературная газета»даги романтизмга ба-

¹ В. Ванслов. Эстетика романтизма, стр. 395.

ришланган мунозара қатнашчиларининг кўпчилиги совет адабиётидаги бу ҳодисани романтик услубий оқим ё бўлмаса лиро-романтик оқим деб аташни маъқул кўрдилар.

Тўғри, романтик тенденция даражаси Совет Иттифоқидаги барча халқлар адабиётида бирдай эмас. Рус, белорус ва айниқса украин адабиётида — Ю. Яновский, А. Довженко, М. Стельмах, Л. Первомайский, О. Гончар каби улкан адабилар ижодида шаклланиб, услубий оқим даражасига кўтарилиган.

Ўзбек совет адабиётида ҳам романтик услугуб кўпдан бери мавжуд. «Меҳробдан чаён», «Ўч», «Зайнаб ва Омон», «Нурхон», «Алишер Навоий», «Олтин водийдан шабадалар», «Голиблар» каби адабиётимизнинг турли босқичига мансуб асарлар лиро-романтик талқиннинг устунилиги билан ажралиб туради.

50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бу тенденция ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди, кўпгина фазилатлар билан бойиди, ҳозирги адабий жараённи белгилайдиган адабий услубий факторлардан бирига айланди. Кучли лиро-романтик тасвир ҳамма адабий тур ва жанрларга кириб борди; поэзияда қатор лиро-романтик поэмалар, «Ёшлик девони», «Онажон» каби кучли туйғулар маҳсулни бўлган шеърий тўпламлар, драматургияда «Номаълум киши», «Юлдузлар жамоли», «Ўн саккиз ёшлигим», «Дийдор» каби росмана романтик пьесалар пайдо бўлди. Бу тенденция айниқса ҳозирги ўзбек прозасида ёрқин намоён бўлмоқда, унинг таъсир доираси тобора кенгайшиб бормоқда.

Умуман, шоирона кўтаринкилик, ҳаётни поэтик идрок этиши романтикамага мойиллик шарқ адабиётининг, шарқ насрининг характерли хусусиятларидан. Нақл қилинчила, Навоий замонида ҳиротликлар бозорда олди-сотдини ҳам шеърий тилда олиб боришар эканлар. Халқ руҳидаги қу анъанавий хислат ўзбек реалистик насрининг илк давридан бошлаб ҳозирга қадар барча адабилар ижодида ўз ифодасини топмоқда. Ҳатто ҳодисаларни хо-

лис туриб четдан тасвирлаш тарафдори бўлган, изчил реалистик услуб соҳиби А. Қаҳҳорнинг сўнгги йиллар ижодида, хусусан «Минг бир жон», «Нурли чўққилар», «Муҳаббат» асарларида, шунингдек изчил реалистик мактабга мансуб Ш. Холмираев, У. Назаров каби ёшларда ҳам романтик жўшқинликка мойиллик сезилади.

Шуниси характерлики, ўзбек насрининг Абдулла Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор, ва Fafur Fулом бадиий ижодни шеъриятдан бошлаганлар. А. Қодирий билан А. Қаҳҳор кейинчалик шеъриятни тарк этган бўлсалар ҳам, насрда шоирлигича қоловерганлар, Ойбек билан F. Fулом эса умр бўйи шеърият билан прозаниң қўшиб олиб бордилар. Шу анъанани Ш. Рашидов, А. Мухтор, Ҳ. Fулом, Шуҳрат, С. Зуннунова каби ҳозирги насримизнинг пешқадам вакиллари ҳам давом эттияпти. Насримиздаги романтик жўшқинликнинг бир уни шу анъана-га бориб тақалади.

Хуллас, ҳозирги кунда романтик руҳдан холи бўлган бирорта прозаник асарни топиш амри маҳол. Ҳаёт романтикасининг бир кўриниши, ҳаётни шопронада идрок этишининг бир ифодаси сифатида у ҳар бир асарда хилмахил кўринишида, турли даражада муҳайё.

Шу билан баробар ҳозирги ўзбек прозасида ҳаёт ҳодисаларини тасвир этиш принциплари жиҳатдан изчил реалистик услубдан баралла ажralиб турадиган, тасвирида «субъектив» асосининг устуилитиги, лирик-публицистик элементларининг мўллиги, фавқулодда, табиатан сер эҳтирос, исёнкор қаҳрамонларининг ташлаб олиниши, шаронт ва характер муносабатининг кескин қилиб қўйинлиши, умуман асар тили, сюжети, композицияси ва етакчи пафосида намоён бўладиган, умумсовет адабиётидаги романтик оқимга оҳаигдош тасвир типи ҳам бор. Ҳозирги ўзбек прозасида бу тип тасвир тобора кенгайиб, шаклланисиб бораётган бўлса-да, ҳозирча уни, менимча, «адабий мактаб», «услубий оқим» дейиш учун вақт эрта, ҳали у рус, белорус ёки украин адабиётидаги

даражага бориб етгани йўқ, шунинг учун ҳам бу ҳодисани лиро-романтик услугбий тенденция деб аташ мақсадга мувофиқроқ кўринади.

Бу тенденция моҳияти, хусусиятлари ва тарихини ўрганиш адабий танқид олдидағи энг актуал проблемалардан биро бўлиб турибди. Бу ҳодиса, умуман услугбий йўналишлар масаласи бизда махсус ўрганилмай келаётганлиги сабабли адабий фактни, алоҳида асарни ёки бирор ёзувчининг бутун ижодини баҳолашда, адабиётдаги ўрнини тайин этишда қатор чалкашликлар келиб чиқяпти, кўпинча таҳлил этилаётган асар ижодининг қайси типига мансуб эканини мутлақо ҳисобга олмаслик, чунончи, лиро-романтик услугбда ёзилган асарларга изчил реалистик услугб талаблари асосида ёндашиб, уни йўққа чиқариш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Шунингдек, танқидчилар орасида лиро-романтик йўналишдаги асарларга қандайдир менсимай қарайдиган, изчил реалистик услугбни ижодий етуклик, лиро-романтик услугбни эса бадний заифлик аломати деб тушунадиганлар топилади. Баъзан ижод типларини ҳисобга олмаслик туфайли бадний ҳақиқат ҳақида бир ёқлама тасаввурлар пайдо бўлиб қояпти, бадний ижодининг шартлилик принципи унтутиляпти, ҳаёт ҳодисаси айни ҳаётдагидек ифода этилса, бу — яхши реализм — ҳақиқат; агар у бошқача шартли тарзда берилса бу ёмон, реализмдан — ҳаёт ҳақиқатидан чекиниш, деб билувчиликлар бор.

Ҳаёт ҳақиқатини ўз кўринишида объектив холис тасвир этишига асосланган изчил реалистик услугбнинг ҳам, объектив асоснинг устунлиги билан белгиланадиган шартли романтик услугбнинг ҳам ўзига хос афзалликлари ва маълум заиф томонлари бор. Гап бирор ижод типининг устунлигида, мақбул ёки номақбул эканида эмас, балки бутун гап уларнинг ҳар биридан маҳорат билан фойдаланишда, ёзувчининг талантини ҳамда санъаткорлигидан.

Чунончи, ҳозирги кунда айрим прозаиклар ҳаётга яқинлик, ҳаётни холис, объектив, айни ўзидек кўрсатиш шиори остида натуралистик «тасвир» томонига ўтиб кетаётган, асарни, асар тилини образлиликтан, эмоционал таъсиранликтан, жозибадан маҳрум этиб қўяётган ёки аксинча, ҳодисага фаол муносабатда бўламан, эмоционалликка эришаман деб дабдабозлик, риторика, баландпарвозлик ва сийқа жимжимадорликка, баъзан эса ўгитбозлик ва сентиментализмга берилиб кетаётган, бинобарин ҳаёт ҳақиқатидан, ҳаётнийликдан узоқлашаётган эканлар, бунинг учун ижод типлари айбор эмас, балки ўша авторларнинг ўзлари айбор, бу уқувсизлик маҳоратсизлик оқибати, холос.

* *

*

Хўш, ҳозирги ўзбек прозасидаги романтик тенденциянинг хусусиятлари, афзалликлари нимадан иборат?

Бу тенденция ҳаммадан бурун асар материалида, автор ниятининг ўзига хослигига, ёзувчи позициясида намоёни бўляпти. Романтик тасвирга мойил «Номаълум киши», «Машъал», «Фаргона тонг отгунча», «Эрк қуши», «Қудратли тўлқин», «Чинор» каби драма ва романларни эслайлик. Аввало, бу асарлар учун ташлаб олинган ҳаётни фактларнинг ўзи туйғуга бой, улар ҳақида тинч-осойишта гапириш мушкул. Бу асарларнинг ҳар бири кучли таассурот, қайноқ эҳтирос, зўр ҳаяжон маҳсулни. Шунинг учун ҳам уларда гоявий пафос, идеалии тасдиқлаш устуни, авторнинг тасвир объектига муносабати аниқ-равшан, ошкора, маълум қарашлар қатъий турлиб рад этилади, маълум қарашлар эса кўпичча тенденциозлик билан ҳимоя остига олинади.

Асеримизининг бошида Намоз номи билан бош кўтариб чиқкан халқ қасоскорларининг мислесиз жасорати, онглилиги, фидойишлиги, шунингдек, ўзбек аёлгининг озодлик ҳаракатидаги иштироки — фавқулодда характерга эга бўлган бу фактнинг ўзи «Номаълум киши» автори қал-

бига күтаринки руҳ олиб киргац, драмага романтик парвоз баҳш этган.

Авторнинг айтишича, «Машъал» романининг яратилишига чет элдаги бир баҳс туртки бўлган. Мухолифлардан бирининг ўзбеклар, умуман собиқ Туркистон аҳли инқилобга тайёр эмас эди, инқилобий онг уларга четдан келтирилган, деган гали авторга қаттиқ ботади. «Шундан кейин,— дейди адиб,— ўз халқимнинг ўтмишини ўйлай бошладим, ўзим энди дунёга келган инқилоб йиллари тарихини жиддий ўргана бошладим, одамни ҳаяжонга соладиган ажойиб революцион факъларни қидириб топдим, биз ўзбеклар қанақа халқ эканини, бу халқ инқилобга қуроқ тўну, эски чориқ билан довдираб келиб қолмаганини, инқилобий онг унинг ўз қонида, онгида борлигини ўша жанобларга кўрсатиб қўйгим келди».

Зотан, худди шу фикр-ният «Машъал»нинг ғоявий пафосини ташкил этади, унинг бадиий-услубий йўналишни белгилайди, асарга романтик қанот беради; автор кўнглидаги гапни — халқдаги потенциал куч — революцион онглилик ва революцияга садоқатни асар давомида зўр эҳтирос ва ифтихор билан ифода этади.

Шунга ўхшаш ҳолни «Фарғона тонг отгунча» романнида ҳам кўрамиз. Бу ерда ёзувчини ҳаяжонга солган асосий нарса ўзбек зиёлисининг халқ озодлик ҳаракатидаги иштироқи масаласи. Бу масала бадиий адабиётда узоқ йиллар давомида бир ёқлама талқин этилди, зиёли зоти бўлса барчаси жадидлардан иборат қилиб кўрсатилди, зиёлилар орасидаги илғор кучларнинг ижтимоний ҳаётдаги улкан роли маълум даражада эътибордаётда қолди. «Фарғона тонг отгунча» автори шу хил қарашларга қарама-қарши ўлароқ, халқ орасидан етишиб чиққан ниқилобчи зиёли образини асар марказига қўйиб тасвир этади. «Машъал»да бўлгани каби, бу роман автори ҳам халқдан фазилат қидиради, бу фазилатларни тенденциозлик билан пафос даражасига

олиб чиқади. Адиб инқилоб арафасидаги ҳаёт манзарасини чизар экан, меҳнаткаш халқнинг оғир ва ноchor аҳволини рўй-рост кўрсатади, шу билан баробар бу халқ бутунлай жаҳолатда қолиб кетган эмас, улар орасида саводхон, билимдон, юксак маданиятли, нозик дидли, кенг фикрлайдиган етук кишилар ҳам бўлган, деган фикрни бутун асар давомида кўйиб-пишиб ўтказади.

«Машъал» ва «Фаргона тонг отгунча» романларига хос бу хислат А. Мухторнинг ««Чинор» романида яна ҳам чуқурлашди. Бу асар гўё қўшиқлардан бирида учрайдиган «Ким эдик тарихда биз — номи қул, қашшоқ гадо» сатрларига жавоб тарзида ёзилгандек туюлади. Адиб 1965 йили шундай деган эди: «Чинор» деган катта роман ёзиш ниятим бор. Ўзбек халқнинг қадимдан маданий, бақувват, кенг савияли, маънавий бой, халқ эканини тасаввур эттира олувчи илмли, ўзига ишонган, меҳнаткаш фарзандлар берган катта бир оила тарихини ёзгим келади. Бу оила фарзандларининг ўзбекнинг барча ишларида ҳиссаси бор...»¹

Асарнинг услугбий йўналишини белгилашда ҳаётшӣ материал, автор нияти ҳал қивлувчи роль ўйнашини Ойбекнинг «Улур йўл», А. Каҳҳорнинг «Мұҳаббат» асарлари тажрибаси ҳам тўла тасдиқлайди. Адабий таниқидчиликда «Улур йўл», «Қутлуғ қон»нинг мantiқий давоми бўлса-да, услуг жиҳатдан ўзгача экани, унда публицистик талқин устунлиги тўғри таъкидлаб ўтилди. Худди «Қутлуғ қон»да бўлгани каби бу ерда ҳам меҳнаткаш халқ онгининг ёришуви, халқнинг инқилобга келиш йўли бадний тадқиқ этилади. Аммо бу романда акс этган шаронт ва характерлар ўзгача, вазият шиддатли, қаҳрамонлар фаол, исёнкор, мадрасанинг оддийгина талабаси Умарали, ожиза қиз Зумрад шиддатли воқеалар таъсирида етук революционер курашчига айланадилар, «Қутлуғ қон»да қаламга олинган

¹ «Совет Узбекистони», 1965 йил, 30 апрель,

Шокир ота, Унсин каби жабрдийдалар бу ерда анча дадил ҳаракат қиласидилар. Хуллас, адаб қаҳрамонлардаги ижобий фазилатни — инқилобий рух ва курашчанлигини хийла қабартириб кўрсатади. Автор тутган йўл, қаҳрамонлар табиатидаги инқилобий шизжоат асарнинг тасвир услубига таъсир кўрсатган. Ундаги публицистик жўшқинликнинг асл илдизи шунида.

«Муҳаббат» услуг жиҳатдан А. Қаҳҳорнинг аввалги асарларидан бирмунча фарқ қиласиди. Ҳодисаларни четдан холис туриб тасвирилаш принципини маъқул кўрадиган, кўпинча шу принципга амал қиласидиган адаб сўнгги йиллар ижодида, хусусан, «Муҳаббат»да бошқачароқ йўл тутади, тасвир объектига фаол аралашади, ўзининг муҳаббат ва нафратини ошкора изҳор этади, асарнинг кўп ўринлари, хусусан Анвар билан Муҳайёнинг ишқий мулоқотлари тасвири «бебош лирика» билан йўғрилган. Ёзувчи бу ўринда ҳар қанақа таҳқир ва надоматларни, инсон шаънини ерга урадиган жамики таомил ва тушиунчаларни ортда қолдириб, ўзига йўл очиб олган улкан муҳаббатнинг сеҳрли кучини кўрсатмоқчи, мадҳэтмоқчи. Бас, ниятнинг ўзи романтик руҳга эга экан, тилда, тасвирда, услубда ҳам унинг жилолари акс этиши табиий.

* * *

Ҳодисага жўшқин ва ошкора муносабат, ҳодиса таҳлилидаги тарафкашлик ўз навбатида характерлар тасвиридаги бўёқлар нисбатига ҳам таъсир кўрсатади; бу тур асарларда бўёқларнинг қуюқлиги, характерлардаги у ёки бу хислатларнинг кескинлашган ҳолда берилиши, қаҳрамонларнинг «оқ»лар ва «қора»ларга кескин ажралиши шундан.

Романтик тенденциядаги асарларда ёзувчи идеалини позитив тарзда ифода этадиган қаҳрамонлар аввало

эмоцияга бой, ниҳоятда таъсирчан, вижданан пок, ҳаётга, табиатга шайдо, эркинликка ташна, истиқболга умидвор кишилар; улар оламга болаларча содда, самимий нигоҳ билан назар ташлайдилар, ҳаётни ҳамиша гўзал, беғубор кўришни истайдилар, озгина бўлсин ноҳақлик, ғубор аралашган ерда ўзларини қўярга жой тополмай қоладилар, нопоклика, қалбакиликка, инсон қалбини тушунмайдиган, инсон шаънини менсимайдиган ҳиссиз «темир одамлар»га, шахс эркини бўғадиган, нафсониятини, номусини оёқ ости қиласидигач ҳар қанақа тартиб ва таомилларга қарши исён кўтарадилар, виждан, орзу-идеал улар учун ҳамма нарсадан муқаддас, шахсий ҳузур-ҳаловатдан, севги ва баҳтдан воз кечиб бўлса-да, уни покиза асраб қолишга интиладилар, ҳатто виждан, орзу-идеал йўлида жонини фидо этишдан ҳам қайтмайдилар. Хуллас, бу тур асарларда қаҳрамонлардаги маълум эмоционал куч максимум даражада ҳаракатга солинади, натижада қаҳрамон билан вазият орасидаги зиддият кескин тус олади, баъзан у фожнага айланаб кетади. Пўлат Тўрахоновнинг мунофиқлигини, Баҳорнинг гўллигини кўрганда тоқати тоқ бўлади, ўзини ўтга, сувга уради («Қудратли тўлқини»); Луқмонча Раҳмонқуловнинг қаллоблигидан, Холдорнинг худбинлигидан, Садбарининг анқовлигидан хуноби ошиб изтироб, нафрат ва ғазаб оловида қоврилади («Туғилиш»); Эртоев билан Полвонларнинг разиллиги уч оға-ини ботирлар — Машраб, Акмал, Қўчқорлар қалбида нафрат ва ғазаб туйғусини аланг олдиради. («Эр бошига иш тушса»). Виждоц, орзу-идеал деб баъзан энг яқин кишилар бири бирига, чунончи, Анвар аммаси Марғубага («Мұҳабат»), Азиза отаси Мирсалимга («Олтии заингламас») рақиб бўлиб қоладилар.

«Кўзлари чўлпон», «Севгим, севгилим», «Уруш фарзанди», «Матлуба», «Дилпора» каби асарларда ва «Чинор» романидан жой олган Саид ҳақидаги қиссада исёнкор руҳ яна ҳам кучли, қаҳрамонлардаги потенциал

Куч яна ҳам шиддатлироқ тарзда юзага чиқади. «Матлуба» қиссасининг қаҳрамони севги оташида маст, соғ севги учун ҳар нарсага тайёр, аммо севган, бино қўйгани одами бундай пок, жўшқин меҳрга номуносиб одам, қиз йигит табиатидаги губорни сезгач, ундан юз ўғирари, алам изтироблар оловида қовурилса қовуриладики, виждонига, идеалига хиллоф иш қилмайди. «Ўруш фарзанди» қаҳрамони Анна-Мария Азиznи бутун вужуди билан севиб қолган, у бу йигит учун жонини, жаҳонини беришга тайёр. Бироқ қиз ўзини йигитга номуносиб деб билади, қисматидаги фожиа, танидаги губор, яъни фашистнинг қизи экани учун йигитдан ор қиласди; ундан покиза виждон севги ғунчасининг япроқ ёзишига йўл қўймайди, ўзи учун қанчалик оғир бўлмасин, севгисини, севгилисини ташлаб кетади. «Кўзлари чўлпон» қиссасининг қаҳрамони севгилисини қалтис вазиятда учратгач, ундан бутунлай юз ўғирари, «Дилпора»даги Баҳор севгани йигити хиёнат қилгандан кейин, ўзини тақдир ихтиёрига топширади, «Севгим, севгилим»даги Ойпопук ноҳақлийка чидай олмай ўзини ҳалок этади; «Чинор» даги Сайд ҳақсизликка дош беролмай Фармоновлар мұхитидан бош олиб кетади... Шу хил хусусият Ч. Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасида ҳам кўринди. Қисса қаҳрамони орзу-идеали, виждони нопок кимсалар томонидан поймол қилинаётганини кўриб алам-изтиробдан ўзини дарёга отади.

Бу хил хатти-ҳаракатни заифлик аломати деб изоҳлайдиган ёки уни «тасвиридаги ошириб-тошириш» деб баҳолайдиган адабиётчилар ҳам топилади. Аслида қаҳрамонларининг қалтис вазиятдаги бу хил кескин хатти-ҳаракати заифлик аломати бўлмай, балки нопокликка,adolatcizlikka қарши билдирилган норозиликдир: авторлар романтик тасвир тақозо этадиган имкониятлардан келиб чиқиб, кўнгилдаги гапларни китобхонга равшанроқ, таъсирчанроқ етказниш, асар идеясини пафос даражасига олиб чиқиш ниятида вазиятни бир оз кес-

кинлаштириб, қаҳрамонлар ҳарактеридаги маълум хислатларни атайн бўрттириб, қабартириб берадилар, гўё қуёш нурини лупа орқали фокусга йиғиб олов чақната дилар, пок тандаги сўгалларни шу оловда куйдиради лар.

Бу хил асарларда қаҳрамон билан вазият орасидаги зиддият қанчалик кескин фожиа оҳангиги нақадар кучли бўлмасин, барибир улар ҳаётбахш оптимизм руҳи билан суғорилган, чунки бу тур асарлар дунёдаги энг азиз нарса — шахсий ҳузур-ҳаловатдан, ҳаётдан ҳам муқаддас турадиган эзгу ҳисларни — виждан туйғусини, маънавий поклик ва нафосатни, ҳақиқатни ардоқлашга, мадҳ этишга қаратилган; уларда оқибатнотижакда фожиа эмас, мадҳ оҳангиги устун туради.

Хозирги адабий жараёнда бошқа бир самаралироқ тенденция ҳам мавжуд. Шундай қаҳрамонлар ҳам яратиляптики, улар идеал йўлида дадил кураш олиб бора диган, муҳитга таъсир кўрсатадиган ва уни ўзгартиришга, идеални барқарор этишга қобил бўлган кучли шахслардир; уларнинг ҳаёт йўли, тақдирни ҳам foят машаққатли, мусибат ва изтиробга тўла; улар ҳам бошга тушган оғир савдодан баъзан гангиг қоладилар, адашадилар, изтиробга тушадилар, лекин изтирасблар гирдобида қолиб кетмайдилар, бало-оффатларни зўр матонат билан енгиб борадилар; «Улур йўл», «Майъал», «Фаргона тоңг отгунча» романларидаги жасур инқилобчилар ана шундай кишилар; «Қудратли тўлқин», «Эр бошига иш тушса», «Уфқ» ва «Тошкентликлар»даги курашчан ёшлиар ўша жасур инқилобчиларнинг Ватан уруши йилларидаги ворислари. Бундай азаматларининг издошлари ҳозирги кунларимиз ҳақида ҳикоя қўйувчи асарларда ҳам бор. «Синчалак»даги Саида, «Линг бир жон»даги Мастира, «Муҳаббат»даги Муҳайё, «Туғилиш»даги ёшлиар, «Чўл ҳикоялари»даги Раҳимжон, Үрик домла, Ойша, «Муқаддас»даги қиз, «Сенга шитиламан»даги

Феруза, «Тўфон»даги Моҳидил тинч қурилиш йиллари-нинг курашчан романтиклариридир.

Бу тур қаҳрамонлар китобхон кўнглига шодлик олиб киради, уларга далда беради, уларни курашга, истиқболга ундиыйди, ҳар қандай орзу-идеални барқарор этишининг бирдан-бир йўли матонат ва кураш деган эзгу ҳисни китобхон кўнглига қуяди...

Романтикамага мойил қаҳрамонлар устида гап кетганда ҳозирги адабий жараёндаги муҳим бир ҳодисани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Кўпчилик авторлар қаҳрамонлар табиатидаги романтик кайфиятларни қаламга олганда, бу туйғунинг ҳаётйлиги, ижтимоий заминни масаласига алоҳида эътибор бераётирлар, ҳар қандай орзу-идеал, юксакликка парвоз реал ҳаётий заминига эга бўлган, турмуш билан мустаҳкам бўғланган таңдирдагина амалга ошиши мумкин деган ғояни зўр берниб ўтказаётирлар. «Синчалак»даги Саид партия XX съездидан кейиниги вазият тақозоси туфайли оммага таяниб, ғоят даҳшатли куч — қаландаровчилик устидан голиб келади, «Минг бир жон» ҳикоясидаги ўлим чаңгалида ётган Мастура умр йўлдошидан, эммадан месад олиб ўлимни енгади, «Чинор»даги Орипов партия ҳаётининг ленинча нормаларига таяниб, райондаги нобони муҳимни алғов-далғов қилиб юборади ва ҳоказо.

Кейинни йилларда яратилган бир гуруҳ асарларда авторлар худди шундай хусусиятдан маҳрум бўлган — резл ҳаётдан ажralиб қолган, ҳавоий орзулар қанотида нурли чўққилар томон талпинадигап «романтикли» кескин танқид остига олаётирлар, уларни кутугачи, аянчли ва фожий кимсалар сифатида кўрсатаётирлар. А. Қаҳҳорнинг «Нурли чўққилар»идаги Зуҳра, Саид Аҳмадининг «Ханка билан Танка»сидаги олифталар, Ш. Холмирзаевнинг «Ёввойи гул»идаги Восид, «Баҳор ўтди» ҳикоясидаги Мастура, О. Ёқубовнинг «Қашот жуфт бўлади» қиссасидаги Нилуфар қисман Сайёра ана шундай образлар тоифасидан.

Бу ҳодиса ҳам прозамиздаги романтик тенденциянинг ҳаёт ҳақиқатига асосланганлигини, ҳаётий замини-мустаҳкам эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Хуллас, реал орзу-идеалларни барқарор этиш учун кураш, шу орзу-идеаллар йўлида реал тўғаноқларга қарши њафрат ва исён ҳозирги романтик тенденциянинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Социалистик реализм адабиётдаги романтик оқимнинг ўзига хос томони, новаторлик хусусияти ҳам шунда; ўтмишдаги романтизм асарларидан фарқли ўлароқ ҳозирги романтик йўналишга мансуб асарлар реалистик хусусиятларга бой. Шундай бўлиши табиий, чунки ҳозирги романтик тасвирга мойил ёзувчилар реалистик тажриба билан қуролланган, қолаверса, ижоднинг романтик типи, аввал айтилганидек, мустақил метод эмас, балки социалистик реализм ичидаги услубий оқим, тенденция гарчи унда қатор романтик тасвир хусусиятлари мавжуд бўлса-да, бари бир у реалистик методнинг бош принципларига бўйсунади.

Шуниси характерлики, романтик тасвир пайтида реализм принципларидан ҳаддан ташқари йироқлашув ҳар доим муваффақиятсизликка олиб боряпти, бу ҳол гайри-табиий романтика, сохта патетика, еситиментализм ва дидактика учун, китобийлик учун йўқ очиб беряпти. Аксинча, реализмга содиқлик романтик тасвирнинг ҳаётйлигини, ранг-баранглигини ва эстетик таъсиричалигини оширмоқда.

* * *

Романтик ижод типи реалистик услубий йўналишга қараганда тил, тасвир жиҳатдан камбагалроқ деган гапларни кўп эшитамиш. Дарҳақиқат, бир қарашда шундай туюлади. Бироқ реализмга яқинлик туфайли романтик

услуб имкониятлари тобора кенгайиб боряпти; бир хил услубий йўналиш ичида бир неча услубий шохобчалар пайдо бўляпти.

Романтик тенденциядаги ҳозирги проза асарларини ўзига хос хусусиятларига қараб шартли равишда тўрт груҳга ажратиш мумкин.

«Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Машъал», «Эр бошига иш тушса» романлари лиро-публицистик шохобчани ташкил этади, уларда ҳодисага жўшқин, публицистик муносабат характерли.

Сайд Аҳмаднинг «Чўл ҳикоялари», О. Ёқубовнинг «Ибрат ҳикоялари», Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» қиссаси моҳият эътибори билан романтик йўналишга мансуб, аммо бу тур асарлар публицистик шохобчадан лиро-комик хусусиятлари билан кескин ажralади; бу ерда романтик кўтаринкилик, қаҳрамонлардаги фавқулодда хислатлар лиро-юмористик планда берилади.

«Минг бир жон»даги Мастура, «Туғилиш»даги Луқмонча, «Чинор» даги талай персонажлар, «Уруш фарзанди»даги Анна-Мария, «Матлуба»даги Матлуба образлари ҳам романтик йўсинда талқин этилади. Аммо бу асарларнинг биринчи ва иккинчи груҳ асарлардан ажратиб турадиган маълум белгилари бор. Бу ерда романтик парвоз ўйчан, мулоҳазакор, аналитик тасвир билан қўшиб олиб борилади.

Юқоридаги уч услубий шохобчадан ташқари, ўтмиш ва ҳозирги шарқ адабиётидаги романтик асарларни эсга солувчи анъанавий характердаги ҳикоя, қисса ва достонлар ҳам яратиляпти. Сайд Аҳмаднинг «Кўзларида ўт бор эди», «Иқбол чироқлари», «Жасорат», С. Азимовнинг «Камалак», «Кўзлари чўлпон», Т. Жалоловнинг «Олтин қафас», Д. Нурийнинг «Оқшом қўшиқлари», «Дилпора», М. Сафаровнинг «Турналар учади» асарлари шулар жумласидан. М. Исмоилнийнинг «Фаргона тонг отгуича» романи ҳам шу шохобчага яқин туради.

* * *

Энди шу тўрт шохобчанинг барчасига хос бўлган тасвирий-хусусиятлар, характерли ифода воситалар, усуллар хусусидаги баҳсга ўтсак.

Тадқиқотчилар романтик тасвириниң асосий белгиси сифатида биринчи галда шартлилик билан фавқулоддаликни тилга оладилар. Тўғри, бу белгиларсиз романтик тасвири тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу тур ижод табнати шуни тақозо этади. Аммо шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, шартлилик, ҳодиса ва характерларниң фавқулодда характерерга эга бўлиши фақат романтик тасвир учун эмас, бошқа барча услубий йўналишлар, хусусан сатира ва фантастика учун ҳам хос хусусият. Агар шартлилик ва фавқулоддалик сатирада комизмниң моҳиятини очишга, қабоҳатларни бўрттириб кўрсатишга, газабланган ҳисни момақалдироққа айлантиришга, кулгининг авжини оширишга хизмат этса, фантастикада ўй-хаёллар, гипотезалар, тахмин ва режалар ифодасига йўл очади, романтик тасвирида эса қаҳрамон қалбидаги нафис, беором, сеҳрли туйғулар уммонини, қаҳрамон табнатидаги, бир жиҳатдан, табиий, ниҳоятда инсоний, бошқа жиҳатдан эса ғайри табиий, тушунтиришни ниҳоятда мушкул бўлган сирли хислатлар — идеалга садоқат, идеал сарнададил ҳаракат ва шиҷоат, идеал йўнидаги тўғаноқларга қарши нафрат ва исёни қабарттириб кўрсатишга қаратилиди.

Худди шу белгиларни изчил реалистик услубдаги асарларда ҳам қисман учратиш мумкин. Умуман романтик тасвир билан реалистик тасвир орасида хитой девори йўқ, бальзан улар шу қадар яқин келиб, чатишиб кетадиларки, кўпинча орадаги чегара ва фарқни ажратиш қийин бўлиб қолади. Орадаги нозик фарқни «субъектив» ва «объектив» асос-

нинг исбатигагина қараб фарқлаш мумкин. Реалистик тасвирда оқибат-натижада шароит, объектив воқелик ҳамма нарсани ҳал этади, романтик тасвирда эса автор субъекти, хоҳиш-истаги кўпилча шароитдан баланд келади. Гарчи реалистик тасвирга мансуб асрларда ҳам шартли ситуациялар, кучайтириш ва муболагалар бўлса-да, реал ҳаёт имкониятлари доирасидан четга чиқмайди, қаҳрамон руҳиятидаги ҳар бир ўзгариш шароит орқали чуқур далилланади.

А. Қаҳҳор тажрибасини эслайлик. «Анор» ҳикоясига «Ўтмишдан эртаклар»да эслатилган Бабар воқеаси асос бўлган. Аммо ёзувчи ҳикояда ҳаётий фактга жиддий тузиши киритади, шартлилик принципидан келиб чиқиб, қаҳрамонни бошқа бир ситуацияда кўрсатади -- вазиятни инҳоятда кескинлаштиради, ҳаётда гўл, нодон, жаҳолатда қолган Бабар бу ерда Туробжон тимсолида содда, лекин хийла тетик, ҳаракатчан, ҳатто қисман исёпкор ҳолда кўринади. Ёзувчи ҳаёт ҳодисасига ўзгариш киритиб, кескинлаштириб фавқулодда даражага кўтарган экан, барибир ҳаёт ҳақиқатига зид бормайди, мумкин бўлган даражада иш кўради. Зотан, камбағал йигит хотининг камёб нарсага бошқоронги бўлиши, йигитнинг хотин кўнглини ололмай изтироб чекиши, ҳалол одаминииг йўқчилик туфайли гуноҳ ишларга қўл уриши ўтмишда тез-тез учраб турадиган бир ҳодиса. Ёзувчи кенг тарқалган ҳодисани олади-да, уни фокусга йигиб, кескинлаштириб китобхонни ҳаяжонга соладиган картина яратади.

Ёзувчининг романтикамо мойилроқ ўтмишдан олиб ёзилгани «Даҳшат», совет кишилари ҳаётига бағишланган «Минг бир жон» ҳикояларида бошқача манзарага дуч келамиз.

Ёшгина ўзбек аёлнинг эр хонадонидан кетиш учун инҳоятда мушкул шартга кўниши, мана мен деган йигитлар бажаролмаган ишини адо этиши — даҳшатли бўрон уфуриб турган туида ёлғиз гўристонга бориши, у ердан

чой қайнатиб қайтиши фавқулодда ҳодиса. Лекин «Даҳшат»ни ўқиганида ҳодисанинг ҳаётйилигига ҳеч ким шубҳа қилимайди.

Маълумки, «Минг бир жон» қаҳрамонининг ҳаётдаги прототипи ёзувчининг таниши — машхур бир инқилобчи ўзбек аёлшининг қизи бўлган; бу қиз рак касали билан оғриган, шу касаллик уни ҳаётдан олиб кетган. Бу қизнинг продаси, бардоши ёзувчини ҳайратга солган, «Минг бир жон»ни ёзишга туртки бўлган.

Ёзувчи ҳикояга қўл урар экан, одатдагидек шартлилар принципидан келиб чиқиб, фактни бутунлай ўзгартиради, ҳаётда ўлган одамга ҳикояда жон ато этади. Қанчалик иродали, бардошли бўлмасин, рак касали билан оғриган, томоғидан овқат ўтмай қолган, қорни тешиб қўйилган одамниг ҳеч нарса кўрмагандай соғайиб кетиши ҳозирча ҳаётда сийрак учрайдиган тасодиф, аниқроғи, бўлмайдиган ҳодиса. Аммо ёзувчи хоҳиш-истак кетидан бориб, романтик тасвир тақозо этадиган имкониятларга таяниб, фавқулодда характерга эга бўлган қаҳрамон образини яратади, ирова, бардош ўлимни ҳам енгади, деган фикрни зўр бериб ўtkазади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, ҳаётда бўлмаган, бўлмайдиган ҳодисани худди бўлган ҳодиса каби тасвир этади, унда атайнинлик, шартлилар сира сезилмайди.

Қисқаси, романтикамо мойил «Даҳшат» ва «Минг бир жон»нинг ишонтириш кучи А. Қаҳдор реалистик ҳикояларининг чўққиси саналган «Анор»ницидан қолишмайди. Бунга ёзувчи асосан икки йўл билан әришади. Биринчидан, ҳар иккала ҳикоядаги ҳодисалар шунчаки бир тасодиф эмас; бу тасодифлар замирида катта ҳаёт ҳақиқати ётибди, адаб тасодиф орқали ҳаётдаги муҳим тенденциялар моҳиятини очади; чуюнчи «Даҳшат» қаҳрамони — Доддоҳ хонадонига саккизинчи кунидош бўлиб тушган Унсун оғир шартга кўнар экан, бу билан автор ўзбек аёлшининг ўтмишдаги аяичли қисматига урғу беради, тириклар гўристони ўлниклар гўристонидан даҳшатлироқ

Эканини таъкидлайди; қаҳрамонни ўз имкониятидан таш-
қари зўр шиҷоаткор қилиб кўрсатиш билан ўтмишга но-
розилик билдиради; «Минг бир жон» қаҳрамони ҳаётида
тасодиф рўй берган, ўлим чангалидан омон қолган экан,
бу билан автор иродга, бардошни улуғлайди, уни бар-
дошли қилган фактор — социалистик ҳаёт тарзи, совет
гуманизмининг ҳаётбахш кучини кўрсатмоқчи бўлади.
Иккинчидан, автор тасодифий ҳодисалар тас-
вирида реализм тажрибаларини ишга
солади, китобхонга сездирмаган ҳолда тасодифий ҳо-
дисалар орасидаги боғланишларни мантиқан чуқур да-
лиллайди.

Романтик тасвирга мойил бошқа энг яхши асарлар-
да ҳам шундай.

«Қудратли тўлқин» қаҳрамони Пўлат сил касалига
учраган. Аёнки, силни даволаш учун алоҳида шароит,
парвариши, дори-дармон даркор. Бироқ Пўлат бутунлай
бошқача шароитда ҳаракат қиласди, оғир ишларга ўзини
уради, сел ва қор бўронларида қолади, Тўрахоновнинг
таъқиби, Баҳорнинг гўллиги, ота ўлими туфайли фурбат
ва изтироблар оловида қоврилди, бу хил шароитда
каҳрамон ҳалок бўлиб кетиши керак эди, аммо акс ҳол
юз беради, Пўлат шароит сиқувларидан устун келади,
бало-офатларнинг барчасини бартараф этади, соғайиб,
ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади. «Қудратли тўлқин»
автори ҳам романтик тасвирининг шартлилик имконияти-
даи фойдаланиб, ҳаёт мантиқига зид фавқулодда ҳоди-
сани худди бўлган ҳодиса тарзида кўрсатади, қаҳрамон-
ни галабага олиб келган куч, ундаги идеал, ишонч,
эътиқод, идеал йўлидаги қатъий ҳаракат, деган фикрни
илгари суради ва бунга китобхонни ишонтиради.

«Оқ кема»да тасвиirlанган ҳодиса ўта шартли. Етти
ёшли боланинг халқ руҳини бу қадар муқаддас тутиши,
руҳга садоқати, уни деб ўзини қурбон қилиши — бир та-
садиф. Ҳозирги қирғиз ҳаётида айнан шундай ҳодиса-
нинг бўлганлигига кафиллик қилиш қийин. Бироқ бу та-

содиф замирида жиддий ҳаёт ҳақиқати ётибди, ёзувчи ҳалқ руҳини, муқаддас миллий анъаналарни ё жаҳолат, ё лоқайдлик, маслаксизлик туфайли оёқ ости қилаётгани кимсаларга зўр нафратини ифодалаш мақсадида болани атайлаб шу кўйларга солади. Қолаверса, ёзувчи ҳодисалар орасидаги боғланишларни, воқеалар жараёнини шундай ишончли далиллар билан берадики, бола руҳиятини шу қадар самимий, табиий тасвир эта-дикни, қиссадаги ҳодисалар тасодиф экани ўқувчининг хаёлига ҳам келмайди. Шунингдек, адид бошқа бир қиссаси «Она ер»да қаҳрамони Тўлғонойни ер билан сухбатга солади ва бунга ҳам китобхонни ишонтиради.

Ҳаётда кенг тарқалган ёки юз берниши мумкин бўлган ҳодисаларни, одамлардаги оддий, табиий хислатларни кескинилаштириш, фавқулодда даражага кўтаришда реалистик услугуга қараганда романтик тасвирнинг имкониятлари кенгроқ.

«Чинор» қаҳрамони Очил бобо типидаги узоқ ва шонли ҳаёт йўлини босиб ўтган, тагли-жойли, маданиятли, етук, катта оиласага бош отахонлар ҳаётда кўп учрайди. Бундай одамининг авлодлари ҳолидан хабар олиб туриши, юксак ижтимоий бурч, масъулноти нуқтани назаридан уларни назорат остига олиши, тергани ва қувончларига шерик тутиниши бўладиган оддий ҳодиса. Ёзувчи қаҳрамондаги шу реал хислатларни, хусусан ундаги гражданилик туйғусини, ақл-заковат кучини хийла ошириб, қабартириб кўрсатади. Ахир тўқеондан ошиб қолган одамининг оиласавий-ахлоқий масаталаларга ҳозирги замон савиясида туриб янгича ёндашувни, тоят чигал мунисабатлар тугунини ақл, мулоҳаза сеҳри билан осонгина ечиб кетавериши ҳазил гап эмас. Ориф билан Мария орасида кескин тўқиашув юз берганида, Очил бобо бу тўқиашув моҳиятини — унинг замиридаги принципиаллик ва иносийликни тезгина англаб олади, «рақиблар»ниигиноқ бўлиб кетишига умид билдиради, бу чол Коимила орасидаларини чирқиллатиб, оиласини ташлаб

Матниёз билан бўлиб кетганини кўрганда, дастлаб ғазбланади, ҳақиқий аҳвол билан танишгач, Комиланинг эри лоқайд, ҳиссиз бир кимса экани маълум бўлгач, дарҳол ўзгаради, Комилани ҳақ деб билади; қизи Умиданинг, набиралари Акбарали ва Азимжоннинг тақдири билан боғлиқ чигал масалаларга ҳам шу хилда юксак савиядә ёндашади, қисқаси, қаҳрамон позицияси ёзувчи позициясига тенг келади.

Айрим ўринлардаги меъёр сакталигини мустасно қилганда «Чинор» даги Очил бобо образи ҳаётий чиққан.

Маълум бўляптики, реалистик тасвирида бўлгани каби романтик услубда ҳам ҳаётийлик, табиийлик, самимийлик маҳорат мезони бўлиб қолаверади, агар ёзувчи чиндан ҳам катта маҳорат эгаси бўлса, кўп тер тўкса, реализм принципларига содиқ қолса, унинг асарларида ўта шартли, фавқулодда ҳодисалар, романтик парвозлар ҳам ниҳоятда табиий чиқаверади.

Табиийликка, самимийликка интилиш оқибати бўлса керак, кўпчилик асарларда романтик руҳдаги қаҳрамонлар бир оз «зиндиятли» қилиб тасвириланади; кўпинча қаҳрамонининг ташқи қиёфаси маънавий оламига зид кеҳади ёки автор қаҳрамон табнатидаги бирор хусусиятни кучайтириб, кескинлаштириб беради-да, бирдан ундаги бу хусусиятга тамоман зид бўлган бошқа бир сифатни беради. Чуноичи, Луқмонча маънавий жиҳатдан етук, ҳамма нарсага ақли етадиган, шителлектуал олами ниҳоятда бой, аммо кўринишдан кўримсиз, жиккак, севги, қизларга муносабат бобида бир оз нўноқ, анчайин гўл бир йигит; Пўлат жисмонан ожиз, касал, лекин ниҳоятда кучли, гайратли, шижоаткор; «Дилпора»даги Баҳор гунг, соқов, лекин жуда дилбар, сезгир, улдабурон қиз; унинг табнати галати: бир қарасангиз майнин-мулойим, мушфинқ, меҳрибон, бир қарасангиз ниҳоятда ўжар, бағри тош... Санд Аҳмадининг «Чўл ҳикоялари»даги Нуъмонжон жуда нозик, кўринишдан сартарошин эслатади, аммо унинг кичик жуссасида паҳлавон куч яширинган,

Ҳожимуқон девқомат йигит — «Минг бир кечадаги Аҳраман девга ўхшаб кетади, бироқ шу гавдасига қиздек мулойим; Үрик домла билан илк бор танишганда уни ўз касбига бениҳоя меҳр қўйган фанатик, тор бир одам, үрикдан бошқа гапи, ташвиши йўқ, деб ўйлайсиз, кейинчалик унинг қалби жуда-жуда кенг экани, үрикдан бошқа ҳам олами бор экани маълум бўлади; Отабой жамоат мулкини асрарда тенгсиз хасис, мумсикликда ҳатто Солиҳ маҳдум билан Қори ишкамбани йўлда қолдириб кетади, бошқа ўринда эса ниҳоятда сахий, танти бир қиёфада кўринади; «Баҳор қизлари»даги Шаҳло кўринишда олифта, сатанг, амалда, ишда эса ғоят тадбиркор, ташаббускор, сергайрат шижоаткор бир қиз...

Қаҳрамонлардаги бу хил зиддиятлар, бир томондан, уларга фавқулодда тус берса, бошқа томондан, самимият, ҳәётийлик, оддийлик баҳш этади.

* * *

*

Романтик тенденциядаги асарларда кенглилкка, табиат қучоғига интилиш кучли, қаҳрамонлар кўпроқ, сафар ва саёҳатларда, шаҳардан олис қишлоқларда, чўлларда, тоғларда кўринадилар; уларнинг тақдирни, характеристики ва руҳияти кўпинча табиат манзаралари ва ҳодисалари, табиатга оид деталлар билан боғлиқ ҳолда берилади; табиат манзаралари ва ҳодисалари тасвирида ҳам бўёқлар қуюқлашади, табиатдаги кўркамлик ва хунуклик, табиат манзараларининг қаҳрамон руҳиятига мос ёки зид келиши ҳам ўта кескинлашган ҳолда намоён бўлади.

Умуман бу тур асарларда табиат тасвири кенг ўрин эгаллайди, баъзан ҳал қилувчи роль ўйнайди. «Кўзлари чўлпон», «Оқшом қўшиқлари», «Дилпора», «Турналар учади» қиссаларидаги воқеаларининг улардаги фон — қуюқ бўёқларда чизилган сеҳрли, мафтункор тоғ ман-

заралари тасвиридан холи ҳолда тасаввур этиб кўрингчи, ўша манзаралар тасвири тушиб қоладиган бўлса асарлар романтик руҳдан маҳрум бўлиши турган гап.

Шуниси қизиқки, романтик услубга мойил асарларнинг аксарияти табиат манзаралари ёки табиат ҳодисалари тасвиридан бошланади. Манзара романтик кайфиятни ифода этиш учун қулай. Романтик услубдаги асарларнинг кўпинча манзара тасвиридан бошланишига, манзара тасвирининг кенг ўрин олишига асосий сабаб эҳтимол шудир. Шу тур асарларнинг ilk саҳифасини очиб кўрайлик. Мана «Қудратли тўлқин» романининг ибтидоси:

«Бир минг тўққиз юз қирқ учинчи йил.

Баҳор! У ҳамма вақтдагидек қувноқ, фунча лабларida, ширмой юзлари, чарос кўзларида иссиқ табассум билан оламга боқади. Узун ва қуюқ соchlари дарё сувидай тўлқинланар, яшил этаклари ҳилпираб, ўзига хос ёқимли виқор билан юрт узра одим ташлайди.

Эл бошига қанчадан-қанча ғам-ғусса, қайғу-аламлар келтирган қонли урушнинг кулфатли кунларида ҳам баҳор яйраб-яшнайди, оламга ҳаёт бағишлайди...»

Мана бу сатрлар «Машъал»дан:

«Умрзоқ ота пўстлоғи эн тортиб, танаси ковак бўлиб кетган кекса толга суюниб ўтирибди...»

Күёш дарёнинг этак ёғига ботиб кетди. Зангори сувга тўш қўйган олабайроқ уфқининг ранги тобора ўчиб, астасекин қоронғилик чўқди: дарё сатҳи кўкариб, осмон туби қорайди. Чирчиқ соҳилларида кун ботиш палласи шундай бошланади. Бундай дақиқаларда кишини ўй босади, хотиразлар тўлқини ғалаён қиласди, хаёл қанотланади».

Нарироқ бориб, манзарадаги бўёқлар яна қуюқлашади, тилга, тасвирга кескин тус берувчи сифатлаш ва жонлантиришлар кўпаяди, тун — дарё яна ҳам ваҳимали, шиддаткор тусга киради:

«Тун қўйнидаги дарё тобора ваҳималироқ вағилларди: у, жаҳонни ютиб юборишга шайланган қора аждар

шаклига кирди. Соҳил яқинидаги гирдобларнинг буралиб-буралиб шовиллаши, сувнинг кўнгилни аллаловчи майин мусиқийси йўқолди-ю, буларнинг ўрнини бўғиқ нола эгаллади. Тун табиатнинг бу изтиробли фигонига шу яқинидаги тўқайларда кезиб юрган чиябўриларнинг йиғисимон увиллашлари қўшилди».

Шу манзара фонида асар воқеаси, Умрзоқ ота кўрган «бевафо дунёнинг доғ достони» бошланиб кетади.

Мана булар «Фарфона тонг отгунча» романининг иккинчи китобидан:

«Табиат оқ ёпинчигини ташлар-ташламас, куртаклар кўз уқалай бошлади. Баҳор майин еллари, чақчақ урган гуллари билан кириб келди. У қиши билан қайдадир димиқиб, юраги сиқилиб ётгану, мана энди, ўз майлига қўйилганидан хурсанддек, кенг далаларда яйрайди, бօроғларда қувнайди, қизларнинг дурраларини тортқилаб ўйнайди, гоҳ юзларни мулойим сийпайди».

Сўнгра манзарадаги нафосат дарҳол асар персонажи таърифига кўчади:

«Тўти қиз ана шундай баҳорлардан ўн еттисини кўрди. Бу баҳорлар уни кўклам чечаги каби очиб, ўн беш кунлик ойдай тўлдириб борди. Сўнгги йилларда ҳар янги баҳор унга янги безакда, янги жозибада кўршишиб, юрагини ниманингдир талпинтирувчи ширини интизорлиги билан ёндиради. Шундай пайтларда у ўзини уй ичига сифдиролмайди — худди нафаси сиқаётгандек ташқарига отиласди. Баҳор бутун топган-тутганини, бутун безак ва бисотини ёйиб юборган нурафшон бодига чиқиб, қушлар чуғурига, шабада шивирига қулоқ солади».

«Чинор»нинг аввали шундай:

«Тоғ бағридаги ҳув ўша булут булут эмас, чинор. Дарвоқе, тоғнинг ўзи ҳам, қишлоқ ҳам унинг номи билан Чинортог, Чинор қишлоқ деб аталади. Бизнинг Очил бува шу сарда туғилган. Мен гапни тўғри шу кишидан бошламоқчи эдиму, лекин бу жойларда чинорсиз ҳеч нарсанни тушунтириб бўлмайди...

Бу ҳодиса ҳам прозамиздаги романтик тенденциянинг ҳаёт ҳақиқатига асосланганлигини, ҳаётий заминимустаҳкам эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Хуллас, реал орзу-идеалларни барқарор этиш учун кураш, шу орзу-идеаллар йўлида реал тўғаноқларга қарши қафрат ва исён ҳозирги романтик тенденциянинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Социалистик реализм адабиётдаги романтик оқимнинг ўзига хос томони, новаторлик хусусияти ҳам шунда; ўтмишдаги романтизм асарларидан фарқли ўлароқ ҳозирги романтик йўналишга мансуб асарлар реалистик хусусиятларга бой. Шундай бўлиши табиий, чунки ҳозирги романтик тасвирга мойил ёзувчилар реалистик тажриба билан қуролланган, қолаверса, ижоднинг романтик типи, аввал айтилганидек, мустақил метод эмас, балки социалистик реализм ичидаги услубий оқим, тенденция гарчи унда қатор романтик тасвир хусусиятлари мавжуд бўлса-да, бари бир у реалистик методнинг бош принципларига бўйсунади.

Шуниси характерлики, романтик тасвир пайтида реализм принципларидан ҳаддан ташқари йироқлашув ҳар доим муваффақиятсизликка олиб боряпти, бу ҳол гайри-табиий романтика, сохта патетика, сентиментализм ва дидактика учун, китобийлик учун йўл очиб беряпти. Аксинча, реализмга содиқлик романтик тасвирнинг ҳаётйлигини, ранг-баранглигини ва эстетик таъсиричалигини оширмоқда.

* * *

*

Романтик ижод типи реалистик услубий йўналишга қараганда тил, тасвир жиҳатдан камбагалроқ деган гапларни кўп эшитамиз. Дарҳақиқат, бир қараашда шундай туюлади. Бироқ реализмга яқинлик туфайли романтик

инсон боласи каби чуқур ҳис этади. Она ер матонатли аёл кечмишининг гувоҳига, бинобарин асар персонажларидан бирига айланади. «Оқ кема»даги воқеалар Шохдор Она Буғи билан боғлиқ ҳолда берилади, Буғи қирғиз халқининг халоскори, руҳи тимсоли сифатида гавдаланади. «Чинор» автори бош қаҳрамон Очил бобони улкан чинорга қиёс қиласи, чинор билан мулоқотга солади, романнаги бутун воқеалар шу азамат одам ва улкан чинор билан боғланади, Очил бобо — ўзбек халқининг йиғма образи, чинор эса мангулик рамзи.

Табият ва ҳайвонот оламига онд деталлар орқали рамзий маъноларни ифодалаш ижоднинг бошқа турларидан ҳам учрайди. «Она ер», «Оқ кема», «Чинор» типидаги асарларда учрайдиган бу хил деталлар рамзий маъно беришдан ташқари асарга романтик руҳ баҳш этувчи сеҳрли воситага айланадилар.

Романтик тенденциядаги асарларда эртак ва афсоналарга мурожаат кенг ўрин оляпти. «Оқ кема»даги Шохдор Она Буғи, «Қўзлари чўлпон»даги Оқсув билан Кўксув, «Уруш фарзанди»даги қиролича, «Ҷўл ҳавоси»даги Зуҳра юлдуз, «Турналар учади» қиссасидаги аждодлар ҳақида келтирилган афсоналар, «Чинор»даги ҳар бир қисса, ҳикоя олдидан бериладиган ривоятлар худди табиятга онд деталлар каби рамзий маъно ташийдилар, асар ғоясини, ҳодиса моҳиятини очишда кагта аҳамият касб этадилар. Шу билан баробар, асарларни романтик пафосни кучайтиришга хизмат этадилар.

Романтик услугга хос шартли хусусиятлар айниқса асар тилида яққол кўринаётир. Ҳозирги романтик тенденциядаги проза асарларида ширинсуҳаликка, шонрони кўтаринкиликка, эмоционал таъсирчаникка интилиш кучли, уларда автор нутқи тасвир асосини ташкил этади, авторнинг лиро-публицистик чекининилари мурожаат ва изоҳлари бутун асарни қамраб олади; автор ўзини бир оз четга олган, қаҳрамонларига сўз берган ўринларда ҳам унинг ўз овози эштилиб туради, қаҳрамонлар гўё

автор тилидан гапираётгандай туюлади, қаҳрамон нутқи билан автор нутқи орасидаги айирма деярли сезилмай қолади, нутқда миллӣ-маҳаллий колорит, индивидуалликни сақлаш имконияти тораяди, худди мана шутомонлари билан реалистик услубдан кескин фарқ қиласиди.

Бу фарқнинг исботи учун яна Абдулла Қаҳҳор ижодига мурожаат этамиз. «Анор» ҳикояси билан «Ўғри» ҳикоясининг тилини эслайлик. Уларда автор ҳам, қаҳрамонлар ҳам фақат ўз тилида гапирадилар, автор персонажлар нутқидаги ўзига хосликни ғоят синчковлик билан аниқлайди, асар давомида унга қатъий риоя қиласиди.

Энди романтикага мойил «Минг бир жон» ҳикояси қаҳрамони Мастуранинг гапига қаранг. Мана у ўлим тўшагида ётиб нималар дейди: «У ёғини суриштирсангиз, мен одам боласининг ўлим кутишига, яъни дунёдан умид узишига ишонмайман. Ҳатто тилдан қолган касалнинг розилик тилашиб қарагани ҳам дунёдан умид узгани эмас, балки «розилик тилашгани ҳали эрта» дермикан деган умид билан, дунёда тенги йўқ, тимсоли йўқ, зўр умид билан қарагани деб биламан».

Ёки «Муҳаббат»даги Анвар билан Муаттарнинг шусуҳбатига қулоқ тутиб кўринг:

«— Мен яхши кўриш нима эканини ҳали билмайман, лекин Муҳайёга, Муҳайё деган инсонга жуда-жуда муҳтожман. Буткул етим бўлганим, хафа бўлган пайларимда юрагимни кимга бўшатишмни билмаганим учун бу гапни айтиётганим йўқ. Отам жон берган дамда олам кўзимга хароб, хунук кўринган, ўзим ожиз, нотавон бўлиб қолган эдим. Муҳайё бор жойда олам кўзимга чиройли, обод кўриниб қолди, ўзимни ҳар ишга қодир сезаман.

— Мана шу муҳаббат бўлса керак,— деди Муаттар.— Муҳаббат кўнгилдаги ҳар қандай қора булутни ҳам чақмоқдай тилка-пора қиласиди, дейишади.

— Йўқ!— деди Анвар.— Агар шу муҳаббат бўлса,

муҳаббат чақмоққа эмас, одамга ўхшайди. Туғилганда бир парча гўшт бўлади, кейин кўзини очади, юзида кулдиргич пайдо қилиб жилмаяди, кейин тил чиқариб ҳар куни янги бир гап айтади...»

Аслида Мастура ҳам, Анвар билан Муаттар ҳам шоир ёки файласуф эмас, аммо уларнинг гаплари учча-мунча шоир, файласуф тополмайдиган шонрони, образли ва foят доно гаплар.

Бошқа асарларда ҳам шундай. Сайд Аҳмаднинг «Чўл ҳикоялари» персонажларидан бири Бургут дейди:

«Биласизми, меҳмон, ёз кечалари уйдан дайдиб чиқиб кетаман. Осмон тўла юлдуз, ой чўл устига келганда пастлаб ўтади, ё менга шунақа туюладими, ё ростдан ҳам ўзи шунақами, билмадим. Тунда турна учганини кўрганимисиз? Мен жуда кўп кўрганман. Жуда гаштли бўлади. Худди қўй ҳайдаган подачига ўхшаб «қур, қур» деб осмонни заминдан ўтаверади. Айниқса, ойдин кечасидагининг гашти бошқача бўлади. Синкага солинган оқ дока орқасидан учиб ўтаётганга ўхшайди. Шамол қишлоқ томондан ғалати ислар олиб келади. Қўйниг-чи, чўлда ёз кечаси чалқанча ётиб ухламаган одам бу гапларнинг маъносига етмайди».

Бургут ёзувчи эмас, оддий чўлқувар деҳқон, лекин у чўл туни романтикасини ифодалашда учча-мунча ёзувчини йўлда қолдириб кетади.

«Чинор»даги Очил бобонинг шу сўзларига қулоқ солинг:

«Ҳозир мен ўлимга... анча яқинман, балки остонасида турибман, аммо ундан қўрқаётганим йўқ... Чунки ҳозир мен бўм-бўш кўзадай бир нарсаман. Ихимдаги ҳамма яхшилик: бутун кучим, фазилатларим, ўйим, феълим, меҳрим, ҳароратим — ҳаммаси атрофимдаги одамларга ўтиб кетди. Бутун умринг болаларинг, навара-ю эвараларнинг умрига, қилган ишларингга сингишиб қоларкан. Мен одамларга, болаларимга, қилган ишларимга батамом ўтиб бўлдим...»

Яна бир мисол. Очил бобо олима қизи Умиднинг: «Биласизми, дада, бориб-бориб одамнинг ахлоқ бойлиги етмай қолмасмикан... Одам ядро ичидағи даҳшатли кучларни озод қиляпти, бу билан у ўзи ҳам жисмоний жиҳатдан юз марта, минг марта кучлироқ бўлади. Бу қудратини ўзига қарши қаратмаслик учун ахлоқий кучи етармикан? Ахлоқий продани ядродан олиб бўлмайди, фандан олиб бўлмайди, қаердан олади?..»— деган саволига: «Қаердан олади дейсанми?.. Биздан олади. Бизнинг турмушишимиздан, бизнинг ишларимиздан, бизнинг одамларимиздан. Мана сендан олади, қизим»,— дея етук олим, сиёсий арбоб сифатида жавоб беради.

Шуниси муҳимки, бу хил парчаларда қаҳрамон нутқи, фикрлаш тарзи ҳар қанча шартли, кўтариинки тус олган бўлмасин, барибир авторлар шартлилик меъёрига қатъий риоя этадилар. Мастуранинг дадил гаплари ҳам, Анвар билан Муаттарнинг севги ҳақидаги пухта-пиншиқ мулоҳазалари ҳам, Бургутнинг шоирона лирик чекинишлари ҳам, Очил бобонинг файласуфона ўйлари ҳам — барчаси китобхон учун табиий бўлиб туюлаверади.

Қисқаси, меъёр масаласи, шартли, фавқулодда ҳодисаларни китобхонга oddий, табиий тарзда етказиш масаласи романтик ижод типи учун энг жиҳдий масала саналади, адабиётдаги романтик тенденциянинг тақдирни кўп жиҳатдан шу масалани ижобий ҳал этишга боғлиқ.

Синичклаб қаралса, ҳозирги кунда яратилаётган романтик тенденциядаги қатор асарларда учрайдиган заифликнинг асл илдизи худди шу масалага бориб тақалади, авторлар шартлилик меъёрига риоя этмаган, ҳаётийлик, табиийлик принципларидан чекинган ўринларда китобийлик, сийقا жимжимадорлик, дабдабозлик, сентиментализм, тилда орноментализм учун йўл очилади.

Ниҳоят, романтик тенденцияни бошқа ижод типларидан, чунончи, изчил реалистик услубий оқимдан кескин ажратиб турадиган яна бир хусусият устида тўхтамоқчиман. Гап ёзувчи позицияси, ҳодисаларга муносаба-

ти, авторнинг асардаги иштироки устида кетаётир. Аввал айтиб ўтганимиздек, романтик ижод типида ёзувчи муносабати кўпинча ошкора тус олади, автор ҳодисаларга фаол аралашади. Адабиётшуносликда бу хил тасвирига бир оз менсимай қараш, ошкорликни бадиий ожизлийка йўйиш расм бўлиб қолган. Тўғри, қатор асарларда ёзувчи бўлар-бўлмас ҳодисаларга бош суқаверади, ҳодисаларни ҳадеб ўринли-ўринсиз изоҳлайверади. Бундай ўринсиз «аралашув»ларни танқид қилиш керак. Аммо уларни танқид қиласман, деб, умуман, бадиий ижодда шу хил услубий ҳодиса мавжуд эканини инкор этиш ҳам ярамайди. Ҳар қалай, кейинги пайтларда адабий танқид буни ҳисобга оладиган бўлиб қолди, ёзувчиларнинг ўзлари, ҳатто бошқа услугуга мансуб қалам аҳллари ҳам ижоддаги бу хил йўл яшашга ҳақли эканини эътироф этаётирлар. Масалан, изчил реалистик услугуб соҳиби Ш. Холмирзаев хилма-хил ижод типлари ҳақида тўхталиб, Жек Лондоннинг романтик ҳикояларидағи усул, яъни авторнинг: «кези келганда, ўзи тасвирилаган кучли, олижаноб қаҳрамонларни севишини барада айтиш, ҳатто уни бўрттириши ҳам менга маъқул тушди», демак, «ҳикояда, ёзувчи кези келганда, қаҳрамонларга муносабатини бекитмаса ҳам бўлаверади»,— дейди. («Шарқ ўлдузи», 1971 й., № 1, 221—бет.).

Романтик тенденцияяга мансуб ҳозирги энг яхши асарларда, Санд Аҳмад ҳикоялари, «Эр бошига иш тушса», «Қудратли тўлқин» каби романларда ёзувчи муносабати, позицияси ошкора ифода этилган. Авторлар ижобий қаҳрамонларига бўлган меҳрини, салбин шахсларга нисбатан нафратини барада айтиверадилар, қаҳрамоннинг яхши ишларидан қувонганини, хатоларидан ўқинганини, хуллас, қаҳрамон хатти-ҳаракати туфайли кўнглида жўш урган жамики ҳис-туйғуларини ошкора тўкиб соловерадилар.

Биргина асар «Қудратли тўлқин»дан баъзи далиллар келтирай.

Асардаги Баҳор образи — ижобий қаҳрамон. Ёзувчининг унга меҳри зўр. Бу ёш, беғубор, соддадил қиз ҳаммага, жумладан, мунофиқ Тўрахоновга ҳам ишонади, унга ишониб катта хатога йўл қўяди, номусини, севгисини ҳавф остида қолдиради. Шунда ёзувчи севимли қаҳрамонига мурожаат этиб дейди:

«Баҳор, Баҳор!.. Сен фақат кишиларнинг яхши томонларингина кўришни истайсан. Бу яхши, албатта. Бунинг учун сени айблаб бўлмайди. Негаки, сен ҳали кўп нарса-ни кўрганинг йўқ, ҳали кўп нарсани тушунмайсан ва билмайсан. Тўрахоновнинг Баҳмалдаги ҳамиша ўзгарувчан турмуши ва ўзгарувчан қиёфаси сенга қоронги...»

Баҳорнинг хатоси ёзувчининг севимли қаҳрамони Пўлатни ларзага солади, у раشك оловида қовурилади. Шунида автор дарҳол қаҳрамони ҳузурига мададга келади, уни эҳтиёт бўлишга ундаиди:

«Пўлат! Раشك кўзларингни қамаштира олишига эҳтиёт бўл. Бу, тифи ўткир қиличдай, энди фунча чиқариб ва гулга кириб келаётган муҳаббатинг ниҳолини шарткесини мумкин. Ахир, сен бу қизнинг дили пок, ҳис-туйгулари олижаиоб эканини қайта-қайта кўрдинг-ку. Қайноқ юрагинг билан бунга ишондинг-ку. Пўлат, сен ана шу ойлар ичида ҳунар ҳам ўргандинг, яна анча-анча нарсаларни ўргандинг. Рустам билан сұхбатлашганингда ўзинг ҳам иқрор бўлувдинг-ку, бунга».

Пўлат асар персонажи Холматга муносабатда хатога йўл қўяди, шунда ёзувчи, одатдагидек яна севимли қаҳрамонига хитоб қилади, уни ҳақиқий аҳвол билан таниширади, Холматнинг ким эканлигини, келгусида нималар бўлишини дангал айтиб қўя қолади:

«Пўлат, Холматнинг ички дунёсини билиш учун уриниб кўрдингми? Иўқ. Холматнинг ҳам камчилиги мавжуд, албатта. Бироқ ташқи кўринишидан қанча қўпол, тажаиг, баджаzl, заҳар бўлмасин, дили покиза, ҳалол, меҳнатсевар одам эди...»

Аммо сенга ишончим комил, Пўлат. Ҳозир сен Хол-

матни чуқур билолмаганинг ва ўзингча узил-кесил фикрга келиб, ундан узоқлашиб кетганинг учун ўз-ўзингдан норозисан. Энди, тақдиринг кимга дуч келтирса унга диққат-эътибор билан қарайдиган бўласан. Қурилиш мактабиг сенга зўр таълим берди, билиминг ҳам, тажрибанг ҳам камолга етяпти.

Холмат билан чинакам дўст бўласизлар!..»

Ёзувчининг яна бир меҳр қўйган қаҳрамони Анварга муносабатини эслайлик. Бу тиниб-тинчимас жонкуяр фронтовик йигит ҳар доим хайрли ишлар билан банд. Леарда шундай эпизод бор. Анвар қурувчилар олдида алангали нутқ сўзлайди. Анварнинг сўзларидан ҳаяжонланган оломон кўзлари ёш, дилларида ўт ёниб, кетмон ва беткуракларни қўлга оладилару, шиддат билан ишга тушиб кетадилар. Анвар ҳам жим турмай, дарҳол ўзини ишга уради, бир қариянинг қўлидан белкуракни олиб, ер қазишга киришади. Анварнинг бу ҳиммати ёзувчини тўлқинлатириб юборади:

«Баракалла, Анвар!.. Фақат чақириқлар билан қаноатланиб қолмаслигиннга кўзим етарди, қурувчилар билан бир қаторда ишлашиннга ишончим комил эди. Эсинингда борми, «фронтда ким агитация қиласа, ўзи биринчи бўлиб атакага боради», деган эднинг. Ўзинг ҳам ана шу олтин қондага амал қытляпсан.

Сенинг ҳаётинг ҳам оддий ва солда, ҳамиша иш билан, зўр мазмун ва чуқур ватанпарварлик билан тўлиб тошгандир. Шунинг учун ҳам тиниб-тинчимайсан, чарчаш пималигини билмай ишлайсан. Сенга ўхшаш кўзга кўринмайдиган қаҳрамонларимиз сонсиз-саноқсиздир!..»

Бу хил изҳори дил, ошкора муносабат, қаҳрамонлар билан юзма-юз очиқчасига гаплашиш асарнинг, образларининг бадиий ҳимматини асло туширган эмас, аксийча унинг таъсиричанинги оширган. Чунки асарнинг умумий руҳи, тасвир услуби, оҳанги шунақа тилда гаплашишни тақозо этади, шунақа хитоб ва лиро-публицистик чекинишлар учун кент имконият беради.

Мабодо бошқа ижод типида, айтайлик, «холис», «объектив» реалистик услубда ёзилган асарда ёзувчи бирдан шунаقا хитоб ва лирик чекинишларга ўтса, эриш туюлиши, ҳодисага бундай «аралашув» асарнинг бадиий қимматига путур етказиши мумкин эди; лиро-романтик тенденциядаги асарларда эса бу йўл, унинг асл табиатига мос бўлганидан, бадиийлик учун хизмат этади.

Пировардида ўқувчи эътиборини шу нарсага жалб этмоқчиман: ҳозирги прозамиздаги романтик тенденцияни умуман ижобий баҳолаган ҳолда, бу хил тасвирга ҳаддан ташқари маҳлиё бўлиб кетиш оқибатида иккичи тенденция — изчил реалистик услубнинг доираси бироз торайиб қолаётгандай кўринаётир. Либо-романтик тасвир изчил реализмни қисман сиқиб қўйяпти. Қанчалик мақбул бўлмасин, бирор услуг гегемонлик қиласидиган, бошқаларини сояда қолдирадиган бўлса, адабиёт қашшоқлашиб қолган бўлар эди. Социалистик реализм ҳаётни ҳаққоний кўрсатишга қодир барча услубий йўналишларнинг бирдек гуллаб-яшнашини тақозо этади.

ИЗЧИЛ РЕАЛИСТИК ОҚИМ

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчилик ҳақида»ги қарорида социалистик реализмнинг назарий проблемаларини ишлаб чиқиш ҳозирги кунда энг актуал вазифалардан бири экани таъкидланади. «Ўзбекистон маданийти» газетаси саҳифаларида 1971—1972 йиллар давомида «Социалистик реализм ва адабий жараён» мавзууда ўтказилган баҳс-мунозара худди шу эзгу мақсадга қаратилган эди.

Мунозара хийла жўшқин ҳамда конструктив характерда ўтган бўлса-да, масалага ёндашишда, социалистик реализм методини тушуниш ва талқин этишда қатор чалкашликлар мавжудлиги аён бўлиб қолди.

Фақат бу мунозарада эмас, умуман социалистик реализм назарияси хусусида бизда шундай характерли камчиликлар мавжуд:

Биринчидан, социалистик реализм ўз тараққиётида қатор босқичларни босиб ўтгани, у доимо ўсиб, ўзгариб, янги хусусиятлар билан бойиб боргани етарли ҳисобга олинмайди. Кўпинча социалистик реализмнинг илк босқичида пайдо бўлган асарларга бу методининг кейинги этапларда ёки бошқа халқлар адабиётида тўпланган тажрибалари асосидагина ёндашилади, ҳар қанақа асардан социалистик реализмнинг ҳамма «талаблар»га жавоб ахтарилади, ё бўлмаса, бир-икки асарни намуна қилиб олиб бошқа асарларни шуларининг мезони билан ўлчанади; аслида социалистик реализмнинг бағри жуда

кенг, у ҳеч қандай андазаларни тан олмайди. Буни унтиш ярамайди.

Иккинчидан, ҳар бир миллӣ адабиётда социалистик реализмнинг туғилиши ва шаклланиши ўзига хос тарзда боргани расман тилга олинса ҳам, амалда унга етарли ёътибор берилмайди.

Учинчидан, айрим ўртоқлар негадир танқидий реализм билан социалистик реализм орасига хитой девори тикилашга интилаётирлар, танқидий реализмга хос хусусиятлар социалистик реализмда ҳам учраши мумкин эканига шубҳа билдираётирлар. Улар социалистик реализм ҳам ўзноми билан реализм эканини, у танқидий реализмдан ўсиб чиққанини, реализмнинг бойтаниналарини ўзига мерос қилиб олганини унтиб қўяётирлар.

Ниҳоят, тўртинчидан, социалистик реализм адабиётида бадний-услубий оқимлар, ранг-баранг ижод типлари, ижодий майлларнинг хилма-хиллиги масаласи жуда юзаки талқин қилингапти, баъзан эса мунаққидлар на заридан четда қолиб кетяпти. Бунинг устига айрим тадқиқотларда бирор услубий оқимга, ижод типига мансуб асар иккичи услубий оқимдаги асарларга зид қилиб қўйинляпти.

Шу камчиликларнинг ҳаммаси аввало Абдулла Қодиррий ижодига оид мулоҳазаларда намоён бўлмоқда.

Ўзбек прозасида реализмнинг шаклланиши тарихи ҳали тадқиқ этилган эмас. Гарчи инқилобдан аввалги проза том маъниодаги реалистик метод намуналари дарражасига кўтарила олмаган бўлса-да, унда реалистик тенденциялар мавжуд эди. Хусусан, асримиз бошида бу борада кескин бурилиш рўй бера бошлиди, Ҳамза, Мирмуҳсен Шермуҳамедов, А. Қодиррийлар онгли равишда ўзбек насрига янгича сўзлаш манерасини — ҳаётни ўз кўрининида ифода этиш шаклини олиб киришга интилдилар. Бу тажрибалар инқилобдан кейин яна ҳам авж олиб кетди. А. Қодиррий ҳажвиялари, С. Айний қиссалари майдонга келди; бу асарлар фақат шакл жиҳат-

дан эмас, ғоявий йўналиши, авторлар позицияси, ҳаётни тушуниш, талқин этиш йўсими жиҳатдан ҳам янгича эди; улар коммунистик партия позициясида турган, янги ҳаёт учун курашга астойдил киришган янги типдаги ижодкорнинг қаламига мансуб эди; бинобарин, улар насримиздаги социалистик реализмнинг илк намуналари эди. Ниҳоят, «Ўтган кунлар» пайдо бўлди. Бу асар ўзбек професија шу давргача эришган тажрибаларининг олий нуқтаси эди. А. Қодирний «Ўтган кунлар»ни яратишда ўз миллий анъаналаримизга таяниш билан баробар рус ва жаҳон романчилиги, бинобарин танқидий реализм адабиёти тажрибаларидан кенг фойдаланган. Шунинг учун ҳам бу романда танқидий реализм хусусиятларининг мўл бўлиши табиий. Айни пайтда бу асар нимаси биландир танқидий реализм адабиётидан фарқланади, унда Октябрь инқилобидан кейинги даврнинг руҳи, совет ёзувчишининг, халқ, партия позициясида турган адабининг нигоҳи шундоқ сезилиб туради; роман ўзининг асосий пафоси — феодал ўтмиш тартиботларини, ахлоқий нормаларини кескин қоралаш билан янги дунё қуриш—социализм ишига хизмат этади.

М. Шолохов: «Социалистик реализм — бу ҳаёт ҳақиқати санъатидир, санъаткорининг ҳақиқатини ленинча партиявийлик позициясида туриб англаш, идрок этиши демакдир. Яна ҳам соддароқ қилиб айтадиган бўлсақ, санъат янги ҳаёт қуришда кишиларга актив ёрдам берса, шу социалистик реализмдир», — деган эди. «Ўтган кунлар» худди ана шундай санъат асари дидир.

Шу билан баробар «Ўтган кунлар» ўзбек насридаги социалистик реализмнинг дастлабки намуналаридан эканини ҳам унутмаслик керак; роман яратилган давр, асар мавзуси, ғоявий мундарижаси, конфликти, услубий-бадиий хусусиятлари билан изоҳланадиган қатор специфик томонлари борки, буларни ҳисобга олмай туриб, А. Қодирний реализмни тўғри изоҳлаш мумкин эмас.

Мақоладан мақолага, китобдан китобга ўтиб юрадиган «Ўтган кунлар»нинг «жиддий камчилиги» ҳақидағи бир тезисни эслайлик. Чунончи, энг сўнгги манба «Ўзбек совет адабиётини тарихи»нинг биринчи жилдида шуларни ўқиймиз: «Асосий камчилликлардан бири шуки, ёзувчидаги ижтимоий ҳаётдаги илғор тенденцияларни кўрсатишида изчилликнинг етишмаганидадир. А. Қодирий феодал зулмини ҳаққоний кўрсатган ҳолда, бу зулмга қарши курашувчи кучларни етарли кўрсата олмаган. Мулкдор синфлар: Отабек ва Юсуфбек ҳожи каби кишиларни тасвирлаш билан машгул бўлиб, меҳнаткашлар оммасининг ҳаётини кўрсатишга етарли эътибор бермаган. Феодал зулмига қарши ҳақиқий курашчилар ана шу омма ичида эканини ҳали тушумаганидадир. Халқ норозилиги ҳақида гапириб, айрим ҳолларда кўрсатиб ўтилса-да, бу норозиликни ўзида мужассамлаштирган халқ курашчиларининг образлари романда йўқ». (72-бет).

Аввало, «Феодал зулмига қарши ҳақиқий курашчилар ана шу омма ичида эканини ҳали тушумаган» дейиш А. Қодирийга нисбатан катта ҳурматсизлик. Назаримда, адид буни жуда яхши тушунгандиган, лекин романда буни кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгандиган эмас. Мабодо ёзувчи ўша эътиrozларда айтилган талабларга риоя қиласидиган бўлса «Ўтган кунлар» ўрнида бутунлай бошқа бир асар майдонга келган бўлур эди.

Ҳар қандай адабиётда бўлгани каби социалистик реализм асарида ҳам ҳаётнинг ҳамма томонларини қамраб олиш мумкин эмас. «Ўтган кунлар» муаллифи ўз асарида асосан феодал тузумининг ичдан чиришини, мулкдор синфлар орасидаги табакаланишини, шу синфга мансуб илғор кишиларининг ўз тартиботлари, ахлоқ нормаларига қарши курашини кўрсатишнигина мақсад қилиб қўйгандиган. Ёзувчининг маҳорати шундаки, асосий мақсаддан келиб чиқиб, роман сюжети тақозо этган даражада меҳнаткаш халқ оммаси норозилиги ва курашини ҳам

кўрсатган. Агар бу борадаги тасвир яна жиндай кўпай-
ганда ҳам меъёр бузилган, асар мувозанатини йўқотган
бўлур эди.

Бу ҳол умуман социалистик реализм принципларига
хилоф эмас, социалистик реализм адабиётида шу тип
асарлар кўп. Социалистик реализм учун энг муҳими
М. Шолохов айтганидек, ёзувчининг позицияси: асарни
ёзувчининг ўзи танлаб олган ҳаёт фактини қайси пози-
цияда туриб ёритишига қараб баҳолаш керак.

«Ўтган кунлар»га асос бўлган обьект — феодал тар-
тиботига қарши турган Отабек ва Юсуфбек ҳожи образ-
лари ҳам кўпчилик тадқиқотларда бузиб талқин этиляп-
ти. Айрим адабиётшунослар қатори Аҳмад Алиев ҳам
бир вақтлар «Ўтган кунлар»да Отабек билан Юсуф-
бек ҳожи фаолияти ва дунёқарашидаги чекланганлик
кўрсатилмаган «на ёзувчи ва на унинг марказий қаҳра-
мони чинакам инсонпарварлик бояларини мавжуд усул-
идора ҳузурида амалга оширишга ишонини пуч хаёлдан
иборат, деган қарорга келмайди», деб таъна қилиган,
шунга асосланиб романни «социалистик реализмдан кўра
кўпроқ тақиидий реализмга яқин» қўйган эди.

Ф. Насриддинов «Абдулла Қодирий реализми» сар-
лавҳали мақолосида («Ўзбекистон маданиятин», 1972 йил,
28 январь) А. Алиев қарадаги чалкашликий тузата-
ман, «Ўтган кунлар»ни «социалистик реализмга яқин-
лаштираман» деб бошқа яна ҳам қўйполроқ чалкашлийка
йўл қўяди. Отабек билан Юсуфбек ҳожини онгли инқи-
лобчилар, ҳатто социалистик революция тарафдорлари
даражасига кўтариб юборади. Мақола муаллифи «Ўтган
кунлар»дан Отабекнинг: «Элнинг арзини шу хонлар
әшитадими, шу беклар ижро этадими?», Юсуфбек ҳожи-
нинг: «Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқа-
ронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа
ҳеч бир қаноат ҳосил қила отмадим. Иттифоқнинг нима
эканини билмаган, ёлғиз, ўз манфаати, шахсияти йўлида,
бир-бирини еб-ичган мансабпарат, дунёпарат, шуҳрат-

параст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди»,— деган сўзларини келтиради да, уларни шундай изоҳлайди.

«Ёзувчи ўз қаҳрамонлари нутқига фақат: «мавжуд тузумни ўзгартириш керак, социалистик революция қилиш керак» деган ибораларни бермаяпти, холос. Аммо юқоридаги сўзлар замонида анашу маънолар ўз-ўзидан англашиниб турибди».

Демак, танқидчининг таъбирича, Отабек билан Юсуфбек ҳожи социалистик революция қилиш тарафдорлари эканлар, уларнинг сўзидан шу маъно ўз-ўзидан англашилиб турар экан, гёё автор уларнинг бу хил одамлар эканини «услубининг ўзига хослигидан» келиб чиқиб ўзига хос бир тарзда ифода этган эмиш.

Ахир Отабек билан Юсуфбек ҳожи хонликлар даври одами; ўтган асрнинг ўрталарида, ҳали Туркистон Россияга қўшилмаган бир шаронтда яшаган юқори табакага мансуб кишиларнинг, ҳар қанча илғор бўлганида ҳам, социалистик революция қилиш фикрига келиши тарихий ҳақиқатга тамомила хилоф ҳамда кулгили. Ёзувчи қаҳрамонларининг бояги заҳархандали сўзларидан шунақа маъно чиқаришни хаёлига ҳам келтирган эмас. Автор ўз қаҳрамонларини асло идеаллаштирумайди, тарихий ҳақиқатни бузмайди; Отабек билан Юсуфбек ҳожи ўша шаронт, вазият тақозо этган даражадагина ҳаракат қиладилар; ёзувчи қаҳрамонлардаги ижобий фазилатларни кўрсатиш билан баробар улардаги чекланга иликни ҳам фавқулодда бир реалистик маҳорат билан ифода этади. Ёзувчининг талқинида Отабек билан Юсуфбек ҳожи ўз даврининг ҳар қанча илғор кишилари бўлмасин, барибир ўз синфи доирасидан четга чиқолмайдилар, шаронт улардан зўр келади; Отабек ҳам, Юсуфбек ҳожи ҳам муҳит билан олиша-олиша бирин-кетин таслим бўла боради, Юсуфбек ҳожи пировардида бутунлай дунё ишларидан қўл

силтайди, Отабек эса, олишувларда тинка-мадори қуриб, бор-йўғидан жудо бўлиб, охири ҳалок бўлади. Бошқа ижобий қаҳрамонлар Кумуш ҳам Қутидор ҳам, Офтоб ойим ҳам феодал ахлоқи қоидаларига қарши турсаларда, охири улар билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар... Ёзувчининг яна бир маҳорати шундаки, феодал тартиботлари, ахлоқ нормалари олдида таслим бўлиш, мослашувчанлик қаҳрамонлар учун асло баҳт келтирмайди, аксинча уларни яна ҳам оғирроқ фожнага мубтало этади.

«Ўтган кунлар» реализмининг кучи худди ана шунда: тарихийлик принципига изчил риоя этгани, бу борада, коммунистик партиянийлик позициясида тургани, ижобий шахслар, биринчи галда Отабек билан Юсуфбек ҳожини бутун мураккаблиги, кучли ва ожиз томонлари билан кўрсатгани учун ҳам адаб «Ўтган кунлар»да танқидий реализмдан хийла илгарилаб кетди, социалистик реализмга келди.

Маълумки, метод услубга, услубий оқимга қараганда кенг тушунча. Бир метод, чунончи, социалистик реализм адабиёти таркибида бир неча услубий оқимлар бўлиши мумкин. Кейинги йилларда кўпчилик тадқиқотчилар социалистик реализмни типологик жиҳатдан текширишга, ижод типларини классификация қилишга — уларни изчил реалистик, романтик, сатирик, илмий-фантастик, детектив-саргузашт каби услубий оқимларга ажратиб ўрганишга ҳаракат қиляптилар. Гарчи бу истилиш ҳали поёнига етмаган, бу борада ҳал этилиши, аниқлик киритилиши лозим бўлган талай муаммолар кўндаланг турган бўлса-да, бу йўлнинг истиқболи порлоқ эканига шубҳа йўқ.

Фактлар шуни кўрсатаётирки, ўзбек реалистик насрининг дастлабки босқичларидаёқ раиг-бараг услубий тенденциялар майдонга кела бошлаган, ҳатто бир ёзувчининг, реалист Абдулла Қодирийнинг ўзи бир неча услубий йўналишда асарлар яратган. Масалан, «Калвак

махзумнинг хотира дафтари» билан «Тошпўлат тажанг нима дейди?» сатирик, «Ўтган кунлар» изчил реалистик, «Меҳробдан чаён» романтик, «Обид кетмон» эса лиро-комик услубда ёзилган. Кўпчилик тадқиқотларда худди мана шу ҳол ҳисобга олинмайди, турли услубий оқимга мансуб асарлар бир мезон билан ўлчанади.

Жуда кўп манбаларда, жумладан «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки»нинг 11 жилдида «Меҳробдан чаён» ҳар жиҳатдан «Ўтган кунлар»дан мукаммал дейинлади (179-бет). Лекин шу ернинг ўзида: «Ҳатто ҳар жиҳатдан «Ўтган кунлар»дан мукаммал бўлган «Меҳробдан чаён» романи ҳам «Ўтган кунлар»чалик сенсация (яхши маънодаги сенсация) га сабаб бўлгани йўқ» деган гапларни ўқиймиз. Ана шу мантиқий зиддиятнинг ўзи ёқ бу иккى асарни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ноўрни эканлигини тасдиқлаб турибди.

Тадқиқотларда «Меҳробдан чаён»нинг «Ўтган кунлар»дан «устунлиги»ни исботлаш учун келтирилган важкорсоилар аслида «устунлик» аломати бўлмай, бу романнинг ўзига хос услубий хусусиятларига тегишилидир. Ёзувчи «Меҳробдан чаён»да романтик ижод типи тақозо этадиган имкониятлардан кенг фойдаланади: асарда характер ва шаронт муносабати бир оз шартли тус олади, оддий ҳалқ орасидан чиққан етим Анварнинг зўр ақл-заковатга эга бўлиши, ақл-заковат кучи билан юқори мартабага кўтарилиши, хон билан юзма-юз олишуви, кўп ҳолларда шароитдан устун турниши, ўз идеали йўлида курашиб, маълум ғалабага эришиши; шунингдек ижобий ва салбий характерлар тасвирида бўёқларнинг кескин, бир оз бир ёқлама тус олиши, ижобий қаҳрамонлардаги фазилатларни, салбий қаҳрамондаги иллатларни хийла бўрттириб-қабартириб берилиши, тилдаги, тасвиридаги лирик жўшқинлик — буларнинг ҳаммаси романтик ижод типига хос бўлган хусусиятлардир.

«Ўтган кунлар» ҳам, «Меҳробдан чаён» ҳам социалистик реализм асари, уларнинг бирини иккинчисидан

устун дейиш заарли, ҳар иккови ҳам икки хил услубий оқимнинг жуда яхши намунаси, иккаласи ҳам бизга бирдек қадрли.

Тадқиқотчилар «Меҳробдан чаён»ни «Ўтган кунлар»дан устун қўйиш билан бенхтиёр реалистик услубий оқимнинг ўзига хос хусусиятларини унугандай, унинг социалистик реализм адабиётидаги ўрни ва аҳамиятини менсимагандай бўладилар.

Санъат ва адабиёт, ўз табнати моҳияти эътибори билан шаклий ранг-барамгликини, услублар хилма-хиллиги ни тақозо этади. Бу нарса хусусан шахсий майл ва истеъдодларнинг тўла рўёбга чиқишини таъмин этиб берадиган социалистик жамият санъати ва адабиёти учун характерли. Социалистик давлат асосчиси В. И. Ленин буни 1905 йили ёзган «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласидәёқ адабиётни бир андазага, бир қолип-га солиб бараварлаш, унда озчиликни кўпчиликка бўйсундириш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтган эди. «Бу ишда,— деб ёзади у,— шахсий ташабусга, шахсий қобилиятга, фикр ва хаёлга, форма ва мазмунга майдонни кенг очиб бериш мутлақо лозимлиги шак-шубҳасиздир».

Коммунистик партия адабиёт ва санъат масалаларида ҳамиша В. И. Лениннинг ана шу доно кўрсатмасига таяниб келди. КПСС XXIV съезди ҳужжатларида, Марказий Комитетнинг «Адабий-бадиий тақиқидчилик ҳақида»ги қарорида ҳам шу фикр илгари суралади. Партия XXIV съездига қилинган ҳисобот докладда: /«Биз ижодий изланишларга эътибор билан қарашиб тарафдоримиз, истеъододлар ва талантлар ўзига хослигининг тўла намоён бўлишига тарафдоримиз, социалистик реализм методи заминида пайдо бўлаётган формалар билан услублар ранг-барамглиги ва хилма-хиллигининг тарафдоримиз»,— дейилади.

Социалистик реализм заминида пайдо бўлаётган ранг-барамг формалар, хилма-хил услублар ва услубий

оқимларни тадқиқ этиш адабий танқид ҳамда адабиёт-шунослик олдида турган энг актуал вазифалардандир. Рус ва қардош халқлар адабиётшунослигига бу борада катта ишлар қилинди, бизда эса бу масалани махсус ўрганиш эндигина бошланяпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, адабиётшунослар сўнгги йилларда романтизм ва романтик ижод типи, унинг совет адабиётидаги ўрни ҳақидаги баҳслар билан банд бўлиб кетиб, бошқа бир муҳим соҳани — реализм ва реалистик ижод типи масалаларини эътибордан четда қолдира бошладилар. Атоқли адабиётшунос Леонид Новишенко Иттифоқ ёзувчиларишинг адабий-бадний танқидчиликка бағишлиланган пленумида сўзлаган нутқида уқтирганидек, «...социалистик реализм адабиётининг ҳозирги тараққиёт босқичида романтик оқим проблемаси — муҳим, жиҳдий, янада чуқурроқ ишлашга арзийдиган проблема, бироқ шунга қарамай, у бу борадаги масалалар ичида асосиёси эмас... Нега шундай? Буниг сабаби аён. Жуда кўп фактлар шундан далолат бераётирки, бугунги адабий тажрибада реалистик услубий формаларга мойниллик кучайиб боряпти, бу ҳол анъана-ларни айнан такрорлаш тарзида эмас, янгича кўринишда, яқин ўтмишда қўлга киритилган барча муваффақиятларни ўзига сингдирган ҳолда содир бўляпти, шу туфайли реалистик услубий формалар янада ёрқин, қизқарли ва хилма-хил бўлиб қоляпти».

Реалистик услуб билан реалистик метод муносабати ҳали яхши ўрганилган эмас; шунинг оқибати бўлса керак, айрим тадқиқотларда реалистик метод билан реалистик услуб аралаштирилиб юбориляпти, услуб методга тенг қилиб қўйиляпти.

Реалистик ижод типи бадний-услубий-оқим деб тан олинган тадқиқотларда ҳам бу услубнинг хусусиятлари, унинг социалистик реализмдаги ўрни ҳақида фоят хилма-хил қарашлар мавжуд. Ҳатто термин масаласида ҳам узил-кесил бир қарорга келингани йўқ. Бир вақт-

лар А. В. Луначарский ижоддаги бу йўлни «бевосита реализм» («непосредственный реализм») деб атаган бўлса, адабиётшунос Л. Тимофеев «реалистик ижод типи» дейди, Ҳ. Ёкубов «соф реалистик услуб» деса, бошқалар унга «шафқатсиз реализм» («сурорий реализм»), «изчил реализм» («строгий реализм»), «натурал оқим», «махсус реалистик услубий оқим» деган ибораларни тақайдилар.

Аввалги мақолада романтизмнинг реализмдан фарқи устида тўхталган эдик. Энди реалистик услубий оқимининг романтик услубдан ажралиб турадиган белгиларини аниқлашга ҳаракат қиласмиш. Кўпчилик адабиётшунослар фикрига, изчил реалист адаблар мулоҳазаларига ва ниҳоят, адабий тажрибанинг ўзига таяниб туриб, реалистик услубий оқимнинг асосий хусусиятлари сифатида қўйидагиларни таъкидлаш мумкин.

Бошқа услубий оқимлардан, биринчи галда романтик тенденциясидаги асарлардан фарқли ўлароқ, изчил реалистик ижод типига мансуб асарларда шахсни хилмасил томондан кўрсатишга, уни бутун мураккаблиги, кучли ва занф томонлари билан беришга мойнитлик кучли бўлади, бинобарин шахс тасвирида балий бўёқлар ғоят раңг-баранг тус олади, характернинг ўз ички мантиқига ва типик шаронтига мувофиқ табиий равишда ҳаракат қилишишга, Бальзак айтганидай, «характернинг ўз-ўзидан тараққий этишига» алоҳида эътибор берилади; характер билан шаронт муносабати ҳал қилувчи роль ўйнайди, шаронт гўё характерни ҳаминча «таъқиб этиб» боради, характер руҳиятидаги ҳар бир ўзгариш шаронт, реал ҳаёт фактлари орқали дазилланади, характердаги кучли ва занф жиҳатлар шаронтининг маҳсулни сифатида содир бўлади, тарихийлик, психологик детерминизм принципи худди шундан келиб чиқкан; изчил реалистлар тасвирида «холис», «объектив» бўлиш, «ходисаларни четдан туриб» ифода этиш, ҳодисага бўлган муносабатларини мумкин қадар пишсан тутиш йў-

лидан борадилар; гўё авторлар тасвир учун олинган «нарса ва ҳодисалар тили» билан гапирадилар; шу туфайли бўлса керак, бу услубда яратилган характерлар кўпича баҳс-мунозараларга сабаб бўлади, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини бирор мажбутий юксак дид, катта тайёргарлик ҳамда фаоллик талаб этади; бу тип ижодда шартли, ясама усувлардан мумкин қадар қочилади, воқеаларни худди ҳаётдаги каби шаклини сақлаб қолишга, характерларни аслига, турмушдагисига яқинлаштиришга алоҳида эътибор берилади; характерлар руҳияти, портрети, шунингдек пейзаж, маиший ҳаёт тасвирида энг майдо икнир-чикирлар ҳам авторларнинг диққат марказида туради, «деталларнинг ҳаққонийлиги» принципи даражасига кўтарилади; асар тили мумкин қадар сунъий «безак»лардан холи, жонли сўзлашувга яқин, содда, самимий бўлади; шу принципларнинг оқибати ўлароқ, изчил реалистик услубда миллий, ҳатто маҳаллий колорит инҳоятда аниқ кўриниш касб этади, характернинг миллийлиги ва индивидуаллиги энг олий нуқтага кўтарилади.

Хўллас, реал ҳаёт картинасини унинг ўз кўришинида бериш реалистик ижод типининг ассесии ташкил этади. Ҳаётни ўз кўринишнида бериш ҳаётдан нусха кўчириш деган сўз эмас. Шундай бўлганда, реалистик ижод натурализм ҳолига тушиб қолган бўлар эди. Натурализмдан фарқ қилиб реалистик ижод типи реал ҳаёт манзарасини чуқур бадний таҳлил этиб беради; адабиётнинг «инсоншунослик» хусусияти, инсонни социал жиҳатдан тадқиқ этиш, шахс таҳлили орқали маълум шаронит ва жамият устидан ижтимоий-эстетик хуносалар чиқариш, жамият ахлоқи, шахс ва жамият мукносабатлари моҳиятини очиб бериш, инсониятнинг тарихий тажрибаларини умумлаштириш, бир сўз билан айтганда, аналитик тасвир бу тип ижоднинг қалби, жони-танига айланади.

Социалистик реализм методида бу тип ижод етакчи услубий оқим бўлиб қолади, чунки социалистик реализм, ўз номи билан реализм, бу методнинг бош принциплари шу оқим билан бевосита боғланган, аммо бу ҳол социалистик реализм таркибида бошқа ижод типларининг бўлиши ва гуркираб ўсишига асло монелик қилмайди, аксинча бошқа услубий оқимларга ўз таъсирини кўрсатиб туради; айни пайтда улардан озиқланиб, ўз имкониятларини бойитиб боради.

Адабий жараён хийла мураккаб. Гарчи назарий жиҳатдан изчил реалистик услубий йўналиш социалистик реализмда етакчи оқим деб тан олинса-да, барча халқлар адабиётида, адабиёт ривожининг ҳамма босқичларида у бир хил мавқега эга бўлаверган эмас. Шунингдек, изчил реалист ёзувчи фақат шу услугуб билан чекланмай, бошқа ижод типларида ҳам маҳорат билан қалам тебратиши мумкин.

Реалистик ижод типи асарларни, адилларни маълум принциплар асосида бирлаштируса-да, ўз доирасида хилма-хил ижодий майларнинг, индивидуал услубларнинг намоён бўлиши учун кенг имкониятлар яратиб беради. Умуман, социалистик реализмда бўлгани каби изчил реалистик услугуб ҳам доимо ўзгаришда, ўсишда. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган куилтар» романни билан ўзбек прозасида маълум адабий ҳодиса тусини олган бу ижод типи 30-йилларда янги босқичга кўтарилиди, кучли лиро-романтик, сатирик услубий тенденциялар билан баробар ўзбек насрода мустаҳкам ўрин эгаллади. А. Қаҳҳорининг машҳур ҳикоялари, «Сароб» романни, Ойбекининг «Қутлуғ қон» романни шу оқимга мансуб эди; Ватан уруши даври прозасида «Навоий», «Асрор бобо» каби шоҳ асарлар орқали бу тип ижод яна кўп янги хусусиятлар билан бойиди. Урушдан кейинги мураккаб шаронт, машъум «конфліктсизлик назарияси» касали изчил реализм ривожига маълум даражада тўсқинлик қила бошлади. Ниҳоят, партия XX съездидан кейинги

Қулай вазият, адабиёт истиқболи, барча услубий оқимларнинг гуркираб ривожланиши учун кенг йўл очиб берди. 50-йиллар охири ва 60-йиллар ўзбек прозасида хусусан лиро-романтик услубий тенденция кенг тарқалди, ҳатто у бошқа услубий оқимларни жумладан, изчил реалистик оқимини бир оз сиқиб қўя бошлади. Шунга қарамай, бу ижод типи янги этапда ҳам жиддий ютуқларни қўлга киритди, кўпгина янги хусусиятлар билан бойиди.

Аввало адабиётимизнинг кекса авлоди вакиллари — Абдулла Қаҳҳор ўзининг «Ўтмишдан эртаклар», «Назир Сафаров «Кўрган-кечирғанларим» қиссалари билан изчил реализмнинг янги имкониятларини намойиш этдилар. Хусусан, «Ўтмишдан эртаклар» тажрибаси гоят ибратли. Адиг ҳеч қандай «үйдирмачилик»ка берилмасдаи, ўтмиш лавҳаларини катта маҳорат билан бадиий ҳақиқатга айлантиради, тўқимай-бичмай турмушдаги реал одамларнинг ўзини мукаммал социал-бадиий тип даражасига олиб чиқади.

П. Шамшаров «Чироқ», Р. Файзий «Ҳазрати инсон», Мирмуҳсин «Ўмид», П. Қодиров «Қора кўзлар», «Эрк», О. Еқубов «Қанот жуфт бўлади», «Иzlaiman» асарларида изчил реалистик услуг йўлидан бордилар. Бу асарларнинг кўпчилигига, хусусан, «Эрк» билан «Қанот жуфт бўлади» қиссаларида реалистик анъаналар анча ҷуқурулашиди.

Янги этапда насримизга кириб келган ёш ижодкорлардан Ш. Холмирзаев, У. Назаров, Ү. Ҳошимов ва Ү. Умарбековларнинг бу борадаги тажрибалари анча дикқатга сазовор.

Ш. Холмирзаев ижодининг бошидаёқ изчил реалистик йўлини тайлайди, у ҳамон шу йўлда, ўз услубига сайқалт бериб, уни янада такомиллаштириб боряпти. Ёш автор қаламга олган ҳаёт лавҳасини ҳеч қанақа бўёқ ва безакларсиз шундоққина китобхон кўз олдида гавдалантиради қўяди, шу билан баробар кўпинча улардан катта бадиий умумлашмалар чиқара олади. Уининг сўзлаш

тарзи, тасвир оҳанги ҳам ўзгача, ҳеч кимникига ўхша, майди.

У. Назаров ҳам худди Ш. Холмирзаев каби «ҳодисаларни четдан туриб, холис» тасвирилашга интилади, аммо унинг дастхати тамоман бошқача. У деталларга зўр беради, ҳодиса ва ҳолатларни деталларда гавдалантиради, бу жиҳатдан унинг тасвири кинематография усулига яқин туради.

Ўткир Ҳошимов бошда лирик прозаник бўлдиб танилган, унинг қатор қисса ва ҳикоялари лирик жўшқинлиги билан ажralиб турар эди. Ёш авторнинг кейинги йиллар ижодида яна бир муҳим фазилат кўрина бошлади, у ўзининг лирик созига содиқ қолган ҳолда изчил реализм томон боряпти, ҳаёт ҳодисаларини ўз кўринишида беришга, характерларни мураккаблиги билан кўрсатишга, аналитик тасвир йўлини тутишга интиляпти. Бу интилиш «Баҳор қайтмайди» қиссасида яхши самара берди, «Қалбингга қулоқ сол» қиссасидаги айрим персонажлар тасвирида ҳам шунга интилиши сезилади.

Ў. Умарбеков бир неча услубда баробар қалам тебратади. Унинг шингил ҳикоялари, «Севгим, севгилим» қиссаси лирик прозанинг яхши намунаси, «Болгар қўшиқлари» билан «Уруш фарзанди» романтик тенденция меваси. «Юлдузлар», «Куз ҳавоси», «Бобоёнгоқ» каби ҳикоялари эса изчил реалистик услубга мансуб. Ў. Умарбеков ҳам бора-бора реалистик ижод типи томон юз ўғиряпти. «Одам бўлиш қийин», «Жўра қишлоқ», «Номус» каби кейинги асарлари шундан далолат беради.

Изчил реалистик услубининг ҳозирги ўзбек прозасидаги ҳолати ва тараққиёти билан боғлиқ қатор муаммолар борки, шуларга эътиборни жалб этмоқчиман.

* * *

*

Гапни энг чигал жойидан — ҳаёт ҳақиқати ва бадиий тўқума муносабати масаласидан бошлай қолай. Изчил

реалистлар ҳаёт ҳодисаларини, хусусан тарихий фактларни мумкин қадар бузмай, ўзгартирмай ўз ҳолича беришга интиладилар. Бу жиҳатдан улар романтик ижодга мойил адиллардан ажралиб турадилар. Яқин ўтмишлардан бир қиёс келтирай. Деярли бир вақт ичидаги бир мавзу — Навоий ҳақида иккита йирик асар пайдо бўлган эди. Бирнаман — роман, иккичиси — драма. Роман автори Ойбек — изчил реалист ёзувчи, у тарихий воқеаларни, хусусан, тарихий шахслар — Навоий ва Жомий ҳаётини беришда мавжуд фактларга таянади. «Романда тарихий воқеаларни тўғри берганман», «Навоий ва Жомийни тарихий чин ва ҳақиқий бердим. Навоий ва Жомийнинг учрашувлари, суҳбатлари ҳақиқий реал воқеалардир», деган эди адиб. Тўғри, баъзан автор, ўзи айтмоқчи, хаёлга ҳам ҳуқуқ бериб қўйган; бироқ бунда ҳам фактларга таянган, тарихий материаллардаги хирароқ кўринган ўринларга равшанлик киритиш билан чекланган, чунончи «Жомийнинг ҳовли-жойи, ҳужраси, китоб устида чуқур мутолааси. Жомийнинг муомаласи, сўзлаши, қилинqlари, одати, хаёли, дунё қарашлари тасвири жиндай фантазия қўшилган хаёлим мевасидир», — деб ёзади у.

Аниқ-равшан фактлар, ишончли далиллар бўлмагани учун Навоийнинг шахсий-интим ҳаёти — севгиси соҳасини очиқ қолдиради. Баъзи адабиётчилар буниг учун ёзувчига таъна қилган эдилтар. Менимча, бу асоссиз эди, агар Ойбек уларниң сўзига қулоқ тутиб Навоий севгисини «тўқиб чиқарганда», эҳтимол, асарининг қиммати тушиб кетар, аниқроғи, бу ҳол Навоий образи талқинида ёзувчи танлаган услугуб-изчил реализмга хилоф бўлиб тушар эди. Навоий ҳақидаги иккичи асар — «Алишер Навоий» драммасига келсак, ундангি услугуб, талқин ўзгача. Драма авторлари Ўйғун билан И. Султон романтик тасвир йўлини тутадилар; бу йўл фантазия, бадний тўқима учун авторларга кенгроқ имконият беради, улар эҳтимол тутилган воқеани — Навоийнинг

севгиси, севгилиси ҳамда шу муносабат билан шоир ва шоҳ орасида туғилган можароларни эркин равишда бераверадилар. Бу ҳол асарда ўзини оқлаган, чунки романтик услуг бунақа «ўзбошимчалик»лар учун монелик қилмайди. Ҳатто «Навоий» романни автори Ойбек ҳам кейинчалик яратган бир романтик достонида эҳтимол тутилган ҳодисага — Навоийнинг севги тарихига мурожаат қиласди, афсоналар асосида буюк шонрининг севги фожиасини ифода этади.

Энди 60-йилларда деярли бир пайтда пайдо бўлган икки асарни олиб кўрайлик. Н. Сафаровнинг «Қўрган-кечиригланларим» қиссасида ҳам, А. Мухторнинг «Чинор» романидаги ҳам 1916 йилги машҳур Жиззах қўзғолони воқеаси қаламга олниган.

Маълумки, Н. Сафаров Жиззахда туғилган, унинг болалик йиллари ўша қадимий шаҳарда кечган, эсини таниб энди оқ-корани ажратадиган бўлганда она юртда муҳим воқеалар содир бўлади, бўлғуси адаб машҳур Жиззах фожиасини ўз кўзи билан кўради, бошга тушган битмас-туганимас ситам-жафоларни оломон билан бирга татийди. Иккинчи томондан Н. Сафаров очеркист сифатида машҳур, у «натурадан кўчириб ёзишга» мөхир. Манерасидаги бу хислат мемуар қиссада жуда кўл келган. Ёзувчи нарса ва ҳодисаларни ўз номи билан атайди, ясамачиликка берилмайди, воқеаларни, жумладаи, қўзғолон тафсилотларини ҳаётда қандай юз берган бўлса, айнан шундогича беради, изчил реалистик услуг талабларидан келиб чиқиб воқеа содир бўлган фасл, пайт, жой, шуннингдек одамларнинг ҳолати ва кайфиятини ўзи қандай кўрган бўлса, шундайнича ифода этади. «Чинор»да эса бу реал тарихий ҳодисалар тафсилоти ўзгачароқ. Масалан, «Қўрган-кечиригланларим»да майдонга ҳайдаб келинган оломоннинг ҳолати шундай кўрсатилади:

«Кенг майдон... Теварагимда потаниш, сон-саноқсиз одамлар... Эркак-аёл, мункайиб қолган чол-кампирлар,

ўспирин йигит ва ёш гўдаклар. Ҳамманинг қути ўчган. Афт-башараси тер-тупроқ, лойга беланган...» «Беш гектардан кенг майдонда ёш-қари тарашадек қалашиб ётиби. Теварак-атроф қуролли солдатлар билан ҳалқа қилиб ўраб олинган... Солдатлар бирон бола ёки каттанинг ўрнидан туришига йўл қўймасди. Бирон киши ўрнидан турагар экан, дарҳол унга милтиқ тўғрилар, ўтиришга ундарди. Ҳамма — ҳамма ерга қапишиб олган...» Кейинги тасвирдан маълум бўлишича, майдонни олонионнинг ғала-ғовури, дод-фарёди тутиб кетган.

«Чинор»да худди ўша ҳодисалар мана бундай ифода қилинади:

«Майдон худди мозор сингари жимжит. Унда ғуж-ғуж одам гуваладай қалашиб, тирбанд бўлиб турибди-ю, лекин жимжит. Аҳён-аҳёнда бир ўқ узилиб, овози майдон устида узоқ янграб туради-да, яна мудҳиш жимлик чўкади.

Кенг майдон у ёғидан-бу ёғигача пасту баланд қилиб йирик-йирик тош тўшалгандай, лекин бу тош эмас, яхлит елкалар. Жулдур елкалар, ялангоч ориқ елкалар, буқчайгани елкалар. Олти минг одамнинг елкаси. Уларнинг юзини кўриб бўлмайди. Уларга шундай икки букилиб, ердан кўз узмай туриш буорилган. Бош кўтарган отилади. Аҳёнда янграган ўқ овозлари эса ботаётган куни ёки она шаҳар вайроналарини бир кўриб қолиш учун, ёхуд бирон жигарини излаб аланглаган, бебардош шўрликларин учирив кетар эди...»

«Кўрган-кечиригандарим»да майдон таърифи шундай:

«Каппон деганим беш гектар кенгликдаги бир майдон... Каппон ва каппон саҳни ёз-қиши — тўрт фаслда ҳам одамлар билан гавжум, савдо-сотиқ тўхтаб қолган бирон куни ҳам бўлмасди...»

«Чинор»да эса бундай:

«Каппон саҳни деб аталағиган бу жой доим оппоқ шўри чиқиб, қишин-ёзин сизот сувидан ботқоқ бўлиб ётадиган бир майдон эди. Ез кунлари унда қалъадаги

солдатлар дупур-дупур машқ қилар, олачиқ тикиб ўқ отар, қолга сомон тиқиб найза санчар әдилар... Энди маълум бўлдики, ўша машқлар бежиз эмас экан. Ана ўша солдатлар майдоннинг четида, баланд қўрғон тагида саф тортиб, милтиқларининг найзаларини майдонга ўқталиб шай туришибди».

«Кўрган-кечирганларим»да воқеа жазирама саратон пайти бўлиб ўтади, «Чинор»да совуқ туман кезиб юрган куз кунларида юз бергани айтилади.

«Чинор»да овози ҳам, ўзи ҳам халққа яхши таъищ «Жезмўйлов офицер» кўп марта тилга олиниди, у воқеа-нинг боришида муҳим роль ўйнайди; «Кўрган-кечирганларим»да эса бундай «таниш шахс» ҳақида ҳеч қанақ маълумот йўқ.

Оломоннинг чўлга бадарга қилиниши, у ердаги оғир кечмиши, хусусан, бу мусибатларнинг хотимаси икки асарда икки хил талқин этилган. «Кўрган-кечирганларим»да сургун бекор қилиниб, оломон ўз юртига қайтади; «Чинор»да тасвирланишича, Самарқанд гарнizonининг большевиклари ҳийла билан қувғиндилиарни Ховас темир йўлчилари ихтиёрига етказишади, бу ерда депо ишчилари уларнинг бир гуруҳини Фарғона поездига, бир тўдасини Тошкент поездига ўтказиб, ҳар ёққа сочиб, тўзғитиб юборадилар. Қувғиндилиар билан большевиклар орасида эса Жезмўйлов офицерининг қизи — «Қизимка» воситачилик қиласади.

Бир тарихий ҳодисанинг ана шу икки хил талқини билан танишган китобхонда «Хўш, қайсанисига ишониш керак, қайси ёзувчи ҳақ? — деган савол тугилиши табиий. Менимча, иккала ёзувчи ҳам ҳақ. Иккала адабининг ўзига хос ижодий манерасини, шуинигдек иккала асарнинг бир-бираидан фарқ қилувчи жанр ва услубий хусусиятларини назарда тутиб шундай дедик.

«Кўрган-кечирганларим» ҳужжатли проза намунаси, мемуар асар бўлганидан, ёзувчи тасвирла изчили реалистик йўл тутганидан тарихий фактларни ўз ҳолича

ифодалайди. «Чинор» романтик услугга майил асар бўлганидан автор тарихий фактларга эркинроқ ёндашади. «Кўрган-кечирганиларим»да муаллиф ҳодисаларининг изчил тафсилоти билан банд бўлади. «Чинор» авторини эса бошқа нарса қизиқтиради, ўша ҳодиса фонида қаҳрамонлари тарихи, характеристери ва руҳиятини очиб беришга, хусусан, Ориф билан Мария орасидаги дўстлик, қардошлиқ илдизларини баён этишга итилади; ёзувчи романтик услуг тақозо этадиган имкониятлардан фойдаланиб, шартли ясама ситуацияларни тасвир этади, воқеалар ичига атайнин романтик образ «Қизимка»ни олиб киради, бу билан автор чинакам дўстликнинг кучини намойиш этмоқчи бўлади; «Қизимка» тенгдоши, таниши Орифни деб ота-онасидаи воз кечади, қувғиндиларни қутқазишда фавқулодда жасорат кўрсатади.

Бошқа воқеалар талқинида ҳам «Чинор» автори ўз олдига қўйган гоявий мақсаддан келиб чиқиб, фактлар талқинида анча эркин иш кўргани шундоқ сезилиб турибди; кеппон майдонини аслидан фарқли — бозорни машқ майдони деб таърифлар экан, адаб подшо солдаглари билан аҳоли орасидаги зиддият тарихига ишора қиласди; оломоннинг майдондаги ҳолатини аслидан бошқачароқ — ерга ўтирган ҳолда эмас, оёқ узра туриб боши эгилган тарзда кўрсатиш, одамларнинг елкаларини тирбанд қилиб тўкилган пасту-баланд йирик тошларга ўхшатиш, манзарадаги мозор жимлиги, бу жимликнинг гоҳида майдон устида янграган ўқ овози билан бузилиб туриши — буларнинг ҳаммаси тасвирга шиддаткор романтик оҳанг бахш этади.

Демак, «Чинор»да тарихий факт ёзувчи гояси учун хизмат этади, шунга кўра унда фактнинг ўзи эмас, фактдан олинган таасуротлар ва эмоция, ёзувчи гояси биринчи иланга чиқади, китобхонни ҳам шу нарса — тарихий факт фонида содир бўлган қаҳрамонлар орасидаги ҳодиса ва унинг таҳлили қизиқтиради; «Кўрган-кечирганиларим»да эса бевосита тарихий ҳодисанинг

ўзи ҳал қилувчи роль ўйнайди, бу ерда китобхонни фактларнинг изчил баёни қизиқтиради, «холис» баён тасвир услубини — оҳангини ташкил этади; «Чинор»да қўл келган усул — эркин лирик публицистик чекинишлар «Кўрган-кечиргандарим»да тасвир оҳангини қисман бузаб қўяди, чунки авторнинг «субъектив муроҳазалари» га қараганда фактларнинг ўзи таъсиричанроқ, бошқачароқ қилиб айтганда, қиссада келтирилган ишончли фактларнинг ўзи айни пайтда эстетик қимматга ҳам эга.

Тажриба шунц кўрсатаётирки, баъзи чучмал, сийқа ва дабдабадор бўёқлар билан зеб берилган «бадний асар» ларга қараганда «зеб-зийнатсиз», фақат ишончли фактларнинг изчил баёнига асосланган асарлар китобхонга кўпроқ маъқул бўляпти, хусусан, сўнгги йилларда ҳужжатли прозага қизиқиши мисли кўрилмаган даражада ошди, ҳужжатли проза ҳозирги пайтда «соф» бадний асарлар билан баробар ҳуқуқ талаб этяпти, адабиётшунослар ҳам ҳужжатли прозанинг, бинобарии, реал фактнинг эстетик қиммати ҳақида бош қотирадиган, баҳслашадиган бўлиб қолишиди. Дарҳақиқат, машҳур саркардаларнинг Улуғ Ватан уруши ҳақидаги мемуарлари, «Оддий фашизм», «Улуғ Ватан уруши» каби ҳужжатли фильмлар эстетик таъсиричанинда шу мавзудаги энг яхши бадний асарлар билан bemalol беллаша олади.

Негадир биздаги баъзи авторлар ҳужжатининг эстетик қимматига етарли баҳо бермаётирлар, гоят таъсиричан, характерли фактларни ҳам «баднийлаштириш» билан банд бўлиб кетаётирлар; ҳаётий, тарихий фактлар «Уруш ва тинчлик», «Абай», «Навоний» каби изчил реалистик асарлардаги каби чуқур таҳтил этилиб, юксак санъат ҳақиқати даражасига кўтарилиса майли-ку-я, бу авторларнинг асарларида ундан бўлиб чиқмаяпти; иўноқлик билан амалга оширилган «баднийлаштириш» туфайли ҳужжатининг ишонтириш, яъни таъсиричаник кучи сусайиб қоляпти, «бадний тус» берилган факт эса тўла бадний ҳақиқатга бориб етмаяпти; на-

тижада асар «аросат»да қолиб кетяпти; «Ота», «Хоразм», «Фарғона зулмат қўйнида» романларида шундай ҳол юз берди. Бу асарларни ўқигандан на ҳужжатларнинг ҳаққоний, изчиллигига ишонасан, на «бадиийлик»дан таъсиранасан.

«Ота» романининг иккинчи китобини олиб кўрайлик. Ҳ. Нуъмон билан А. Шораҳмедовлар иккинчи китобни «Биринчи президент» деб атаганлар, унда Йўлдош Охунбоевнинг президентликка кўтарилгандан кейинги — 20-йиллардаги ва 30-йилларнинг бошларидағи фаолиятини ифода этмоқчи бўлганлар. Ўша даврда республикамиизда юз берган жуда муҳим тарихий воқеалар — маданий инқилоб, хотин-қизлар озодлиги, саводхонлик учун юриш, ер-сув ислоҳоти ва ниҳоят, коллективлаштириш каби ҳодисаларда халқ оқсоқолининг иштироқини кўрсатишга интилганлар. Бу китобда воқеалар кўлами кенг — гоҳ Тошкентда кечади, гоҳ Самарқанд ва Бухоро, гоҳ Марғилон ва Наманган бўйлаб кўчиб юради; Ота ҳар доим жўшқин ҳаёт қўйнида, халқ орасида кўринади; авторлар биринчи президент ҳаёти, фаолияти билан bogлиқ бўлган жуда кўп тарихий фактларни келтирадилар.

Агар шу тарихий фактлар ўз ҳолича изчил ифода этиб берилганда, шубҳасиз, Ота ҳақида ғоят муҳим ҳужжатли бир асар майдонга келар, унинг қиммати балким ҳозиргисидан юксакроқ кўтарилармиди. Назаримда, авторлар ўз имкониятларини етарли ҳисобга олмай иш тутгаилар, тарихий фактларни зўр бериб «бадиийлаштириш»га киришганлар, асарга жуда кўп яrim «тўқима», яrim «чиш» сюжет линиялари киритганлар; биринчи китобда бўлгани каби бу ерда ҳам сюжетлар ифодаси бўши, фактларнинг бадиий таҳлили заиф, персонажларнинг номлари тилга олиниади, фаолияти баён этилади, аммо улар характер, жонли одам сифатида кўз олдимизда барала гавдаланиб турмайди, марказий фигура — Ота ҳамиша иш, бирор жумбоқ билан банд ҳолда берилади-ю,

шунинг руҳияти, ўша топда кўнгилда қандай ўй-кечинмалар кетаётгани эътибордан четда қолади.

Асарда бадиий парчалар мутлақо йўқ деб бўлмайди. Бир лавҳани эслайлик. Ота чет элда таълим олиб келган ўзбек зиёлиларини қабул қиласди. Улар ўзларини билимдон ҳисоблаб мактаб кўрмаган президентдан баланд келмоқчи бўладилар. Шунда Ота кескин руҳий ҳолатга тушади. Қаҳрамон қалби шундоққина кўринниб туради. Худди шу ўринда тасвири чинакам бадиийлик касб этади.

Иккинчи китобда Отанинг сафдошлари А. Икромов, Ф. Хўжаевлар, шунингдек, шоир Ҳамза, артист А. Ҳидоятовлар ҳам қаламга олинади. Улар талқинида ҳам фактик аниқликка риоя этилмаган, «тўқима» эса меъёрига етмаган, улар ҳақидаги гап-сўзлар жуда юзаки, хусусан сафдош раҳбар ходимлар тасвирида ўша даврнинг мураккабликларини мутлақо ҳис этмаймиз,

* * *

«Ҳаёт ҳодисаларини, тарихий фактларни ўз ҳолича бериш» деган иборани биз ниисбий маънода қўллаётимиз. Чунки «ишончли фактлар»га асосланган ҳар қандай изчил реалистик асарда ҳам субъективлик, қолаверса, бадиий тўқима, фантазия оқибат-натижада ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айтайлик, Жиззах воқеасига шоҳид бўлган ўнта ёзувчи шу мавзуда, бир хил жанрда бир хил услубий йўналишда асар яратгашида, агар улар чинакам истеъодод соҳиби бўлсалар, табиийки, уларнинг биронтаси иккинчисини такрорламаган бўларди.

Бадиий тўқима бу ўринда кам деганида икки муҳим функцияни адо этади. Биринчидан, у фактини, ҳақиқатни китобхонига ишонарли қилиб етказиш учун зарур; иккинчидан, фактиниг мөҳиятини очиб берниш, ундан умумлашма фикр чиқариш учун зарур.

«Бадий тўқимасиз ҳақиқат йўқ. Аксинча бадий тўқима ҳақиқатни асрайди, аслида худди шу ҳақиқат учун тўқима яратилган»,— деб ёзган эди Пришвин. Тарихий фактларга, ҳужжатларга таяниб яратилган «Халоскорлик» фильмининг сценарий авторларидан бирни Оскар Курганов ўз тажрибаларидан келиб чиқиб: «Энг ишончли факт ҳам, агар у ўзининг бадий ифодасини томаса, ишонарсиз бўлиб қолаверади»,— деган эди. («Лит. газета», № 17, 1972.)

Изчил реализм учун ишонтиришнинг ўзи қифоя қилмайди, фактнинг таҳлили ҳам керак.

Абдулла Қаҳҳор «Ўтмишдан эртаклар»нинг сўз бошисида айрим китобхонларнинг «Сиз ўтмишин қаламга олганингизда баъзан уйдирмачилликка берилиб кетасиз», — деган дашномига жавобан: «Мана шунаقا таънадашномлардан кейин «уйдирмачилликка» берилмасдан, ўз кўзим билан кўрганларимни, кечирганларимни, ўтмиш ҳаёт лавҳаларидан эсимда қолганларини қаламга олгим келиб қолди», — деб ёзди. Худди шу сатрларни ёзган адаб бошқа бир ўринда бундай дейди: «Ҳаётдан айнан кўчириш — китобдан кўчиришдай гап. Копия бўлиб қолаверади. Бундай нарсалардан оригиналлик кутиш беҳуда. Оригиналлик ҳаёт ҳақиқатини дилдан ўтказиш, унга кўнгилдаги гапларни сингдириш, тилакларнинг кўшиб ифодалаш билан юзага келади».

Худди шу нарсани адабиётшуносликда бадий таҳлил деб юритилади. Ҳаёт ҳодисаларини, хусусан, тарихий фактларни бузмай, тўқимай-бичмай ўз кўринишда бериш, энг муҳими, уларни ишонарли қилиб ифодалаш изчил реалистик услубнинг муҳим талаби; шу билан баробар барча услубий оқимларда бўлгани каби, ҳодисанинг моҳиятини очиб бериш, уни бадий таҳлил этиш, унга яшги томондан ёндашиш, бу услубнинг ҳам бош муддаоси бўлиб қолади.

Тарихий ҳодисаларни, ҳаётда бор шахсларга оид фактларни бузмаган ҳолда чуқур бадиийликка эришиш-

нинг юксак намунасини Абдулла Қаҳҳор «Ўтмишдан эртаклар» асарида намойиш этди. Аввало адаб болалигига кўрган-кечирганларидан энг характерлilarини, ҳаётида, руҳиятида чуқур из қолдирганларини, ўша давр учун типик фактларни ва типик шахсларни танлаб олади, уларга кўнглидаги гапларини, ҳис-ҳаяжонларини сингдириб, ўкинч ва тилакларини кўшиб ифодалайди. Натижада, ҳаётда бор шахслар— Абдуқаҳҳор ака, Қампир, Сарвиисо, Бобир, Тўрақул вофурӯш, Валихон сўфи, Олим бувалар қиссада ёзувчининг қисман ёки нуқул бадиий тўқима асосида яратган «Анор», «Бемор», «Ўғри», «Даҳшат» каби асарларининг қаҳрамонлари каби ёрқин бадиий типлар даражасига кўтарилиган. «Ота» типидаги асарлардан фарқли ўлароқ бу ерда биз фатларага ишонамиз, бадиийлик неъматларидан тўла баҳраманд бўламиз, айни пайтда шу кунларда ўзимизни қийнаб юрган жуда кўп жумбоқларга жавоб оламиз.

Гарчи қисса ўтмиш ҳақида бўлса-да, чуқур замонавий асар. Қиссадаги етакчи гоявий мотивни эсга олайлик. Автор жуда кўп персонажлар тақдирини таҳлил этар экан, китобхон эътиборини улар табиатидаги ёмон бир иллатга — мутелик, мўминлик психологияси ва унинг даҳшатли оқибатларига тортади, қаинчадан-қаинча кимсалар шу хил қарашнинг қурбони бўлади... Ўтмишининг бу тур ярамас сарқитлари ҳозирги кунида ҳам учраб қолаёттири, олга боришимизга халақит берабёттири, замонавий мавзуда яратилган қатор асарларда бу муаммо жуда кескин қилиб қўйилаёттири: Ч. Айтматовининг «Оқ кема», П. Қодировининг «Эрк», Ш. Холмизраевининг «Баҳор ўғди» каби асарлари бунинг учун гувоҳ. Мўминлик, мутелик психологиясига қарши курашда «Ўтмишдан эртаклар» аниа шу замонавий мавзудаги асарлар билан бир сафда туради.

Кўриниб турибдикни, бадиий таҳлилда, ҳодисага янги томондан ёндашишда гап кўп. Бу фақат аниқ фактлар, тарихий ҳужжатлар асосида яратилган асарларга хос бўлмай, соғ бадиий тўқимадан яратган асарлар, қола-

верса, ҳар қандай жанр ва услугб намуналари олдида қўйи-
ладиган талабдир. Бу санъатнинг қонуниятидир, талант-
нинг муҳим белгисидир. Л. Толстой: «талант авторнинг
дилига қараб, бирон нарсага астойдил, синичклаб диққат
 билан қарай олиш қобилиятидир, бунинг натижасида шу
 қобилиятга эга бўлган одам диққатини жалб қилган нар-
саларда бошқа одамлар кўрмайдиган янги томонларни
кўради»,— деган эди.

Ҳаммага аён бу фикрни такрорлашдан мақсад шуки,
кейинги пайтларда айрим адабиётшунослар санъат ва
адабиётнинг шу қонуниятини бир оз менсимай қўйдилар.
Уларнинг назаридаги бадний асарда ҳаёт картинаси тўғри,
ҳаққоний кўрсатилса, тасвир ҳаётни чиқса бўлди. Бир
тақризда, «Роман ва замон» мақоласида айтиб ўтгани-
миздек, «Қора марварид» романни унда «реалистик лав-
ҳалар яратилган», «эпизодлар рассомдек чизилгани»
учунгина кўкларга кўтарниб мақталди; бошқа бир мақо-
лада «Тўфон» романидаги чўл манзаралари ҳаққоний,
ифода этилгани учун автор шаънига мадҳиялар ёғдирил-
ди; ёш бир танқидчи «Гирдоб» қиссанининг ютуғини
асосан «ҳаёт картиналарини ва персонажлар портретини
суратдаги каби китобхон кўзи олдида реал гавдаланти-
риб қўйинши»да кўрди. Хўш, мана шу реал, ҳаққоний,
ҳаётни чизилган, суратдагидек гавдалантирилган лавҳа-
лар замонида қандай маъно ётибди? Шулар орқали ав-
торлар ҳаётнинг қайси янги қирраларини очиб берди?
Қандай янги гап айтди? Бу каби саволлар уларнинг эъти-
боридай: четда қолади. Бу ўринда ёш танқидчиларни
кечириш мумкин, бироқ баъзан тажрибали адабиётшу-
нослар ҳам шундай фикр билан чиқишиятни. Масалан,
матбуотда «Чироқ» романининг ютуқларини таъкидлаш
билан баробар, унинг камчиликлари ҳам айтилган, ёзув-
чи йигирманчи йиллардаги, шунингдек, инқилоб арафа-
сидаги ҳаёт манзараларини ҳаққоний, тўғри ифода эта-
ди-ю, ўша ҳодисаларга янгича ёндашиш, уларни янги
томондан очишга келганда бир оз оқсайди, дейилган эди.

Етук адабиётшунос олим Матёкуб Қўшжонов бу фикрга мутлақо қўшилгиси келмайди. Ўнингча, бу фикр назарий жиҳатдан тўғри эмас эмиш, агар санъаткор ҳаётни «ҳаққоний», «тўғри», «ҳаётний» тасвирлаган бўлса, шунинг ўзи кифоя қилар эмиш («Гулистан», 1971, № 4).

«Чироқ»нинг заиф жиҳатлари хусусида гапиришдан олдин кўп томондан шу асарга яқин турадиган М. Слуцкиснинг «Бегона эҳтирослар» романи ҳақида «Литературная газета»да билдирилган бир эҳтирозни эслатиб ўтишни истардим. «Мен ҳозирча бу ҳақда танқидий фикр учратмадим,— деб ёзади таниқли украни адиби Игорь Муратов,— бироқ шунга аминманки, у ҳақда фақат яхши гапларнигина айтишади: Латвия ва Литванинг урушдан кейинги дастлабки ойлардаги турмуши ва ахлоқи маҳорат билан тасвир этилган, қаҳрамонлар характери реалистик кўрсатилган, улар орасидаги муносабатлар ўша мураккаб даврдаги драматик конфликтлар асосига қурилган ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси тўғри...

Аммо асарда бошқа бир нарса етишмайди, унда кескинлик, ҳодисаларга янги томондан ёндашиб иш йўқ»¹.

Гўё бу гаплар «Чироқ» ҳақида уни қайси жиҳатдан ҳимоя қилишларини билиб айтилганга ўхшайди.

«Ҳодисаларга янги томондан ёндашиб»нинг моҳиятини тўлароқ тушуниб олиш, қолаверса, «Чироқ»нинг асосий камчилигини изоҳлаб бериш учун яна бир қиёс келтириш зарурияти туғилиб қолди. Давр ва мавзуу эътибори билан «Чироқ»ни эсга солувчи К. Яшинининг «Инқилоб тоғи» драмасини эслайлик. Бухоро инқилоби ҳақида қанчадан-қанча асарлар яратилган бўлишига қарамай бу асар адабий ҳаётимизда жиiddий янгилик бўлди. Драма автори шу мавзудаги кўпчилик яхши асарлардаги каби ўша давр ҳодисаларини, ҳаёт маизараларини ҳаққоний кўрсатади, айни пайтда ҳодисаларга янги томондан

¹ «Лит. газета», № 37, 1971.

ёндашади, бир адиб ибораси билан айтганда, ўзгалар омочи етмаган янги қатламларни очиб беради, томошабин бу асарни кўриб, ҳозирги кунда бошини қотираётган жуда кўп жумбоқларга жавоб топади, Бухородаги озодлик ҳаракати, бу ҳаракатда илғор зиёлилардан ташкил топган «Ёш бухороликлар» гурӯҳининг иштироки, бу гурӯҳнинг асл муддаосига доир тасаввuri кенгаяди. Шунга кўра ўтмишдан олинган бу драма замонавий асар бўлиб чиқди.

Аввал айтиб ўтилганидек, «Чироқ» автори олдида ҳам бу жиҳатдан қулай имкониятлар бор эди. Асар марказида зиёли, шоир, санъаткор образи турарди. Шу образ баҳонасида ёзувчи 20-йиллар зиёлиларининг ҳаёти, кураш ва интилишлари ҳақида ҳозирги китобхонни тўлқинлантираётган саволларга жавоб топиб бериши, ўша давр ҳақида адабиёт ва санъатда ҳозирча айтилмаган кўпгина янги гапларни айтиши мумкӣн эди.

Ходисага янги томондан ёндашиш масаласи замонавийлик тушунчаси билан, тарихийлик ва замонавийлик проблемалари билан узвий алоқадор. Шу ўринда Ойбекнинг бир гапи ёдга тушиб қолди. «Мен,— деган эди у,— ёзувчи қайси бир тарихий даврга мурожаат қилимасин, мабодо у даврнинг файри ёки, ҳаттоки, ғалати кўринган барча хусусиятлари орасидан ўзига таниш бўлган ҳистойгулар ва фактлар изласа пировардида мутлақо хато қилмайди, деб ўйлайман...

...Бегона даврни билиш, яъни уни бизнинг давримиздан нимаси билан ажralиб туришини тасаввур қилишининг ўзигина стмайди. Уни яна тушунмоқ, яъни уни бизнинг давримиз билан боғлаб турган жиҳатларини кўрмоқ лозим». («Ўзбекистон маданиятни» 1966 йил, 1 октябрь.)

«Чироқ»да худди мана шу нарса етишмайди, унда ўтмиш ҳаётининг маълум жиҳатлари ҳаққоний ифодасини топган бўлса-да, уларни бизнинг давримиз билан боғлаб турган томонларини кўриш, улардан 60-йиллар кишила-

рини қизиқтирадигаи ҳис-туйғулар ва фикрлар излаш заифроқ. «Чироқ»ни китобхонлар томонидан бир оз лоқайл қутиб олинишининг боси, менимча, ана шунда.

Шу хилдаги тасвифийлик биз юқорида намуна қилиб келтирган «Кўрган-кечиргандарим» қиссанинг, ҳатто «Ўтмишдан эртаклар»нинг айрим саҳифаларига ҳам соя ташланган.

«Кўрган-кечиргандарим»да Жиззах қўзғолони воқеаси бошда даражонли тасвири этилган, автор ҳодисаларни айнан, ишонарли қилиб кўреатиш билан баробар улар срасидаги ички боғланишларни тадқиқ эта боради; афсуски, воқеа охирига томон ана шу мутаносиблик бузилади. ёзувчи воқеаларни айнан бериш (ўзи кўргандек ифодалаш) билангина банд бўлиб кетиб, улар моҳиятини очишга етарли эътибор бермай қўяди; тасвирида бадиий таҳлил, фантазия етишмай қолади; бу нарса фактнинг ишонтириш қувватига ҳам салбий таъсир этади. ёзувчининг ўзи гувоҳ бўлган «ишончли фактлар»га китобхонда шубҳа туғилади, шиддат билан бошланган ғалаён, қувғин ва мислени жазонинг умумий афв билан якунланиши қандайдир тасодиғга ўхшаб туюлади. Аслида шундай бўлганига эътиroz билдираётганимиз йўқ; ёзувчи бўлган воқеани ўзи кўргандек, билгандек тасвифлаш билан чеклангани, бадиий тасаввур кучи билан бу ҳодисанинг ички моҳиятни, шунақа якунга олиб келган омилларни очиб беролмагани учун «ишончли фактлар» ишонарли бўлиб чиқмаганини айтмоқчимиз.

«Ўтмишдан эртаклар»нинг «Кўқон харобалари орасида» деб номланган охириги боби аввалги бобларга қаранганди анча бўш чиқсан. ёзувчи ниқтилобининг дастлабки йилларида ўзи шоҳид бўлган ҳодисалар ҳақида мумкин қадар кўпроқ маълумот бериш билан овора бўлиб кетиб, уларни бадиий таҳлил этишга улгурмай қолади; фактлар шу қадар кўпки, энди улар автор асар бошида танлаган бадиий шаклга сигмай кетади; патижада, фактлар билан уларнинг бадиий ифодаси орасида иомутаносиб-

лик вужудга келади, ёзувчи уларни тавсифлаш, баён этиш билан чекланади, тавсифийлик эса ўз навбатида ишончли ҳамда гоят характерли фактларнинг таъсири кучини анча сусайтиради. «Худо», «Тўрақул воғуруш», «Бир налла тарвузнинг иўчоги», «Тешик тош», «Бир бозга икки ўлим» бобларидаги каби бадиий умумлашма, фалсафий чуқурлиқ, драматик ўтирилик, ёрқин характерлар бу ерда йўқ, фактларнинг ишонтириш қуввати ҳам аввалги бобларникига қараганда заиф.

Менимча, тавсифийлик ҳозирги пайтда реалистик узубий оқим йўлидаги энг жиддий хавф бўлиб турибди. Ҳаётда бор нарсаларни суриштирмай, сараламай «худди ўзидек» қилиб «ҳаққоний» акс этириш билангина банд бўлиб қолиш, фақат «ҳаққоний», «ҳаётний» картина ҳратишигини мақсад деб билиш реализмнинг душмани; бу ҳол натурализмга йўл очиб беради.

Кескин танқидга учраган «Хўлкар» асарининг асосий камчилиги худди ана шунда эди. Автор бир ёш йигитнинг бошидан кечирганларини эринмай, олди-кетига қарамай, қаламга олаверган эди. Шу хавф изларини «Пўл», «Тўфон» каби романларда, ҳатто «Ҳазрати инсон», «Умид», «Иzlaiman», «Одам бўлиш қийин» каби тажрибали ёзувчилар қаламига мансуб асарларда ҳам қисман учратиб қолиш мумкин.

Бу ҳодисани кимдир «адабий лақмалик» деб атаган эди. Адабий лақмалик хусусан диалог санъати қадрини тушириб юборяпти, шунчаки савол-жавоб, салом-атикдан иборат диалоглар бутун-бутун саҳифаларни эгаллаб оляпти.

Далилларга мурожаат этамиш.

Абдулла Алишер деган боладан Гулчехрани сўроқлайди, бола «Сойга кетгайлар» деб жавоб қайтаради, шу тариқа савол-жавоб бошланиб кетади.

«— Анча бўлдими?

— Ҳа, эрталаб. Чақириб келайми?

— Йўқ, раҳмат. Сой узоқми?

— Анча бор. Ҳов анови толзорни кўряпсизми? Ӯшанинг орқасида. Қерак бўлсалар чақириб келаман.

— Раҳмат, ўзи келиб қолар. Кўрсанг, Абдулла акам келдилар, деб қўйгин.

— Хўп..»

(«Одам бўлиш қийин», 142-бет.)

Қекса геолог бола ёшини сўрайди, бола ёшини айтади, кейин бошқа саволларга тутади, бола ҳам бўш келмайди, ҳамма саволларга жавобни териб ташлайди:

«—Кишлоғингизни Жигаристон дейиладими?

— Ҳа.

— Ҳу-у, нариги қишлоқни-чи?

— Ертепа.

— Наригини-чи?

— Грум.

— Ана, уни-чи?

— Навгарзон.

— Ҳу-у, олисдаги, қирнинг орқасидаги қишлоқни-чи?

— Қоратўқай.

— Мана бу катта тоғнинг номи нима?

— Боботоғ.

— Унисини-чи?

— Дуканат.

— Унисини?

— Олчали.

— Наригини?

— Нишнаш.

— Наригиларни?

— Уларни бизда Қурاما, Чотқол тоглари деб аташади.

— Отангга раҳмат!.. («Умид», 50-бет.)

Энди болалар орасидаги мана бу «ади-бади»ларни ёшигининг:

Абрам пешанасини тириштириб, қидираётган нарса-сининг отини эслолмай унга тикилиб қолди;

— Нимайди-а? Галя, айта қолсанг-чи,

- Нимани-е?..
- Анув-чи, ойим қовоқни сўядилар-ку,
- Пиçoқми? Қўлингда турибди-ку.
- Йўқ. Анув, каттаси бор-ку.
- Ошпиçoқми?
- Ҳа. Ошпиçoқ. Биласану, айтмайсан-а.
- Ўзинг нималигини айтмасанг, қаёқдан билай.
- Айтдим-ку.
- Айтганинг йўқ, билдингми.
- Айтдим.
- Айтганинг йўқ, дедим. Айтганинг йўқ.
- Айтдим.
- Айтганинг йўқ.
- Айтдим.
- Айтганинг йўқ.
- Бор-э, қиз боласан-да, бўлмасам...
- Нима қилардинг?
- Ўзим билардим.
- Билмайсан!
- Биламан.
- Билмайсан!
- Биламан.
- Билмайсан, дедим, билмайсан!
- Бор-э...» («Ҳазрати инсон», 253—254-бетлар.)

Ҳаётда худди шу хил савол-жавоблар, борди-келди гаплар бўлиши мумкин. Мабодо шу хилдаги «ҳаётнийлик» ка риоя этиладиган бўлса, бундай диалогларни яна истаганича давом эттиравериш мумкин. Бу ўринда мен келтирган диалоглар ҳеч қанақа маъно англатмайди, демоқчи эмасман, улар ўз ўрнида маълум функцияни адо этадилар; «Одам бўлиш қийин»даги диалогда воқеа ривожига — Гулчеҳра билан Абдулла орасидаги муносабатларга ишора бор, «Умид»даги диалогдан боланинг билағонлигини, юрга меҳрини билиб оламиз, «Ҳазрати инсон»дан олинган болалар орасидаги «ади-бадилар» болалар табнатидаги «инжиқликлар»дан далолат беряпти...

Шундай-ку, лекин улар адо этган функция изчил реалистик проза учун, чинакам санъат асари учун етарлиқ эмас. Устозлар тажрибасини эслайлик, «Менинг ўғриги на болам» ҳикоясидаги ўғри билан кампир орасидаги сұхбатни ёки «Ўғри» ҳикоясидаги амин билан Қобиң бобо орасидаги савол-жавобларни хотирга олайлик. Улар бир умр китобхоннинг эсида қолади, ҳар гал уларни эслаганда чуқур ҳаяжонга тушади, чунки худди шу сұхбат пайтида персонажларнинг бутун борлиги намоён бўлади, шу сұхбат, шу савол-жавобларда авторлар қалбидаги оддий одамларга чексиз меҳр, зулмга, зулмни туғдирган даврга оташин қаҳр нафаси барада уфуриб турибди. Бу диалоглар асар идеясини очишга, давр драмасини ифода этишга хизмат этади; шу диалоглариз умуман, ўша асарларни тасаввур этиш мумкин эмас; реалистик диалог санъатининг «сири» ҳам ана шунда, ҳаётийлик чуқур маънодорлик билан қўшилган тақдирдагина у санъатга айланади, ўткир таъсирчанлик касб этади. Муҳим ғояга хизмат этмайдиган ҳар қанақа ҳаётний диалог нусхакашлик бўлиб қолверади.

Бундан бир неча йил бурун ёш ёзувчи Учқун Назаровнинг «Исмоил тажанг» деган ҳикояси босилган эди. Ҳикоядаги персонажлар турли миллат вакиллари — рус ва ўзбеклар. Одатдагидек улар бир-бирлари билан учрашади, сұхбатлашади, ҳикояда, жумладан, мана бундай эпизодга дуч келамиз:

«Фабриканинг эшиги қия очилди-да, навбатчи аёлнинг пахмоқ, рўмолга ўроғлиқ боши кўриниди.

— Эй, бабай,— деди аёл ёмғирдан кўзларини пир-пир учирив,— Входи сюда!.. Ну, скорей!..

Тажанг ийманибгина бостирма остига кирди ва салом ўрнига гуноҳ қилиб қўйган одамдек аёлга қараб иржайиб қўйди.

— Посмотри, весь промок!— деди аёл койингандек бўлиб.

Тажанг бир лаҳза нима дейишни билмай тутилиб қолди.

— Дочка жду,— деди у ниҳоят.

— А кто твоя дочка-то?

— Нафиса...

— Какая Нафиса? Нафиса у нас полно, фамилия как?

Тажанг, албатта. Нафисанинг фамилиясини эсдан чиқариб қўйган эди. У алланималар деб ғулдировди, аёл тушунмади. Тажанг ниҳоят «Фамилия не знаю», деди.

— Вот тебе на!— деб ҳайрон бўлди аёл,— какой же ты атец, если не знаешь фамилию своей дочки!

Тажанг яна ўзини ғўлликка солиб, тиржайиб қўйди.

— Посмотри, бабай, там есть?— деди-да, аёл расмлар ёпиштирилган бахмалбанд тахтани кўрсатди.

Тахтанинг юқорисида «Коммунистик меҳнат зарбдорлари» деб катта зарли ҳарфлар билан ёзиб қўйилган эди.

Тажанг синчилаб қарай бошлади:

— Да, да ес!..— деди у севинчидан бақираёзиб.— Вот она! Вот!..

— А, Маджидова, да?

— Да, да, Мажидова моя дочка! Я плаш принес!
Вот!

— Так, слушай, бабай, она уже давно сидит дома!

— Почему дома?— деб сўради Тажанг ишонмай.

— Потому что её смена кончилась в восемь.

— Да!..— Тажанг бир зумда хомуш бўлиб қолди. У сохта табассум аралаш:— Испасиба... дасвидания...— деди-да, худди билмай бирорнинг уйига кириб қолган одамдай саросима аралаш эшикни оҳистагина ёпиб, ташқарига чиқиб кетди...»

Бир танқидчи буни «адабий гибрид» деб атаган эди. Ёзувчининг «Одамлар», «Илтижо» каби ҳикояларида ҳам шунаقا «гибрид»— қоришиқ диалогларни ўқиб ажабланган эдим. Уларда ҳам ўзбек билан рус учрашиб қолса дарҳол русча суҳбат бошланиб кетади ёки ҳар бир миллат ўз тилида гапиришга тушади, автор эса

уларнинг сұхбатини ўзбек тилида монтаж қилиш билан банд бўлади. Бир учрашувда авторга бу тўғрида эътиroz билдирсам у: «Ҳаётнинг ўзида шундай-ку! Мен ҳаётни айнан ифода этяпман»,— деб жавоб қилувди. Бундоқ қараганда, автор ҳақ, дарҳақиқат, ҳаётда кўпинча шундай, ҳикояда келтирилган эпизодлар айнан ҳаётдагидай. Бироқ уларда жиддийроқ маъно йўқ, шунчаки турмушда бўладиган оддий ҳодисанинг оддийгина кўчирмаси, холос.

Шунি унутмаслик керакки, бадиийликнинг муҳим принципларидан бири шартлилик «ҳаётни айнан ўзидек кўрсатиш»га асосланган изчил реалистик услугуб учун ҳам хосдир. Агар шартлилик принципидан бутунлай воз кечиладиган бўлса, бу тип ижоднинг ҳоли кулгили аҳволга тушиб қолар, хусусан, интернационал мавзудаги реалистик асарлар бошдан-оёқ «гибрид» диалоглар билан тўлиб кетган бўларди; айтайлик, Асқад Мухторнинг «Дунё болалари» китобида ўндан ортиқ миллат вакиллари бор, шартлиликдан воз кечиб шунақа «ҳаётийликка» амал қилинадиган бўлса уларнинг ҳар бирини автор ўз тилида гапиртиришга тўғри келарди...

Тўғри, реалистик адабиётда турли миллат вакилларига ўз тилида сўз бериш ёки ёзувчи мансуб бўлган миллат вакилини бошқа тилда гапиртириш тажрибаси ҳам бор. Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеясида шундай қилинган. Бу ҳол ўз вақтида катта мунозара зарга сабаб бўлган, адаб эса бунга изоҳ бериб ўтганди. Л. Толстой тутган йўл муҳим мақсадга — катта ҳаёт ҳақиқати ифодасига қаратилган бўлганидан ўзини оқлайди. Хусусан, рус зодагонларини французча сўзлатини орқали зодагонлар муҳити ва руҳиятини аниқ-равшан, таъсиричан ифода этади. Буюк адаб рус зодагонларини французча сўзлатар ёки ўзга миллат вакилларини ўз тилида гапиртирас экан, кенг китобхонлар оммасини ҳам назарда тутади, айни пайтда улар нутқининг русча таржимасини ҳам берип боради.

Демак, «қоришиқ диалоглар» маълум бир жиддийроқ мақсадга йўналтирилса, бирор муҳимроқ, гояни ташвиқ этишга, образлар моҳиятини очишга хизмат этса, шунда ўзини оқлаши мумкин экан. Буни сўнгги йиллар ўзбек насрининг айрим намуналари ҳам тасдиқлайди.

«Одам бўлиш қийин» романи персонажларидан бири Сайёра дастлабки кўринишларда нуқул русча гапиради. Бу ҳол китобхонга эриш туюлмайди, чунки автор худди шу йўл билан қизнинг табиатини очиб беради; Сайёра рус мактабида ўқиган, зиёли оиласида маданий тарбия кўрган, ниҳоятда эркин ва эрка ўсган. Қизнинг гап-сўзларида унинг қалби шундоққина кўриниб туради, у ниҳоятда содда, самимий, унинг она юртга, она тилига, халқига ҳурмати чексиз, у ўзининг «маданиятли» эканини кўрсатиб қўйиш учунгина рус тилида гапираётгани йўқ, балки заруриятдан шундай қилади. Қизнинг отаси бунга изоҳ бериб: «Ёшлигимда русчага қийналганим учун, уни рус мактабига берган эдим. Русча ўқиган. Уртоқлари ҳам руслар. Ўзбекчага энди ўрганяпти. Ойиси билан энди фақат ўзбекча гаплашади. Мендан уялади»,— дейди. Ҳа, у она тилида яхши гапиролмагани учун ўзгалар, ҳатто ўз отаси олдида уялади, она тилини менсимаганлиги учун эмас, унга бўлган ҳурмати, уни бузиб гапиришдан чўчигани учун ҳам ўзи яхши билган рус тилида гапира қолади. Китобхон қизнинг ҳолатини, руҳиятини барака ҳис этиб туради, у худди шу самимийлиги билан китобхонга ёқиб қолади.

«Умид»даги Жанна ўзбекча, русча, инглизча ибораларини аралаш-қуралаш қилиб гапиради. Роман автори бунда маълум мақсадни назарда тутган, «Одам бўлиш қийин»даги каби «Умид»да ҳам бу йўл персонаж характерини очишга йўналтирилган. Аммо иккى автор бир-бирини асло такрорламайди. Сайёра билан Жанна гўё икки олам, Сайёрадан кескин фарқ қилароқ, Жанна ўзгача қоришиқ тилда гапириш билан, енгилтак, тантиқ, модага берилган, она тилини менсимайдиган, ҳар қанақа

мўътабар удумларимизни оёқ остига олиб топтовчи бир махлуқ эканини намоён этади.

Реалистик адабиётда бошқа бир самарали тажриба ҳам мавжуд. Ўзга миллат ҳаётига бағишиланган ёки ўзга миллат вакиллари иштирок этган асарларда персонажларни ёзувчи мансуб бўлган миллат тилида гапиртириш орқали ҳам ўша персонаж тилига хос миллий руҳни, колоритни бериш мумкин. М. Лермонтовнинг «Замона-миз қаҳрамони», Л. Толстойнинг «Қазаклар», «Ҳожимурод» асарлари бу хил тажрибанинг классик намунаси саналади. А. Қодирий, Ойбек, Ф. Гулом, А. Қаҳҳорлар шу йўлдан бориб кўп ўринда яхши натижага эришганлар. Интернационал мавзу доираси, персонажларнинг миллий состави ниҳоятда кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда бу тажриба алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги ўзбек насринда реалистик прозанинг шу анъанаси сустроқ бўлса-да, давом этяпти. А. Мухтор «Чинор»да татар ҳалқи вакилии — қоровул чол билан ўқитувчи аёл Шафигуллина тилидаги колоритни жуда чиройли ифода этган; Ү. Умарбеков «Жўра қишлоқ»да яхудий Довуд сўзларида Бухоро яхудийларига; Ү. Ҳошимов «Муҳаббат» ҳикоясидаги лўли қиз Дибор нутқида лўлиларга; Ш. Тошматов «Маззанглар» қиссаси персонажлари гапларида маззангларга хос сўзлаш тарзини яхши бера олганлар; бу тур асарларда авторлар персонажлар мансуб бўлган ҳалқ тилидаги баъзи ибора, жумлаларни қўллаш, муҳими, ўша тил акцентини сақлаш, аниқроғи, ўзбек тилига кўчириш орқали муваффақият қозонгандар. Баъзи авторлар персонаж мансуб бўлган миллий тилга доир ибора, жумлаларни қўлламай, миллий акцентни сақламай туриб ҳам миллийликни, миллий колоритни ифодалашга муваффақ бўлаётирлар. «Эрк»дан олинган мана бу кўчирамадаги диалогга эътибор беринг-а:

«Ниҳоят, машиналар, карвони жўнаб кетди. Енгил кулранг пиджагини ечиб билагига ташлаб олган Макси-

мич серсоя йўлакдан секин ўтиб кетаётган Розияга қараб юрди.

— Ўртоқ гидрогеолог, бир минутга мумкинми?

Розия тўхтаб орқасига ўгирилди. Шундай мўътабар меҳмон, шундай салобатли одам наҳотки Розия туфайли бешта машинани тўхтатиб, тушиб қолган бўлса! Розия бу тахминга ишонгиси келмай:

— Менни?— деди ва бир қўлининг учини кўксига қўйиб, беихтиёр ўзини кўрсатди. Унинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилган, лаблари бегона эркакдан чўчиғандай қимтилган эди.

— Ҳа, отингизни билмаганим учун касбингизни айтиб чақирдим, кечирасиз.

— Марҳамат.— Розия меҳмонга сергакланиб қараб турарди.

— Мен меҳмонлик ҳуқуқимдан фойдаланиб қолмоқ-чиман. Шарқда «меҳмон отангдан ҳам азиз», дер эканлар, тўғрими?

Розия меҳмоннинг сочи оқариб қолган чаккаларига кўз ташлади-ю, «Ҳақиқатан отам тенгги одам экан, нега чўчинман?» деб ичидан ўзидан ҳам кулди.

— Умуман, тўғри — деди.

— Бўлмаса танишиб қўяйлик.

Розия қизил сумка тутган қўлларини орқасига қилиб турган эди, қўл бермасдан шундоқ ўз номини айтди.

— Рози-я!— меҳмон унинг номини ёқтириб русча ургу билан бир-икки такрорлаб қўйди!— Чиройли, қисқа ном. Менинг номим ўзимга ўхшаган узун: Илларион Максимилианович. Эсингизда қолдими? Қани, айтинг-чи?

Розия ярмигача тўғри айтди. У русчани яхши билса ҳам нарёғига тили келишмай адашди. Бундан икковла-ри ҳам кулиб юборишиди.

Бу лавҳадаги суҳбат асли рус тилида кетаётгани аниқ. Аммо автор ҳеч қанақа изоҳсиз уни тўғридан-тўғри ўзбек тилида бераётир. Ўзбек қизи каби рус кишиси

ҳам соф ўзбек тилида гапираётир; унинг нутқида одатдагидек русча ибора ёки акцент ҳам йўқ; шунга қарамай рус кишиси нутқи ўзбек қизи нутқидан нимаси биландир кескин ажралиб турибди. Бунга автор персонажлар нутқига берган изоҳлари, аниқроғи, персонажларнинг ўша топдаги руҳий ҳолати тасвири орқали эришади. Биз иккала персонажнинг ўзини тутиши, муомаласи, гапириш, фикрлаш тарзига қараб бири ўзбек қизи, иккинчиси рус кишиси эканини ажрата оламиз. Розия янгича тарбия кўрган, маданиятли, зиёли қиз, у юксак мартабали рус кишиси билан bemalol гаплаша ва баҳслаша олади. Лекин у барибир ўзбек қизи, у Максимич билан мулоқотда ўзбек қизига хос ибо ва андишага боради. Максимич ҳам Розияни ўзбек қизи эканини ҳисобга олиб муомала қилади. Ёзувчи буларни жуда нозик штрихлар, имо-ишоралар воситасида ифода этади.

Демак, реалистик ижод типида миллний нутқ колоритини бериш усуллари кўп. Афсуски, айни интернационал мавзудаги қатор асарларда изчил реализмнинг шу имкониятларидан яхши фойдаланилмаган.

«Жанинат қидирғанлар» персонажларининг деярли ҳаммаси — Умматали, Аъзам, Нафиса каби бизга замондош, ватандош ўзбеклар ҳам кўп йиллар хорижда, ўз элидан узоқда бўлган Ҳожи билан Қоплонибек ҳам, хорижда, хорижийлар орасида тили чиқиб, эсини таниган Абулбарақа билан Таманно ҳам, французд қизи Симона билан американлик Кларк ҳам, бир талай араблар ҳам—барча-барчаси бир хил образли соф ўзбек тилида, бир хил оҳангда сўзлайдилар; «Ҳазрати инсон»да бир неча миллат вакили иштирок этади, ёдда бўлса керак, шу романга асос бўлган «Сен етим эмассан» фильмида турли миллат болалари нутқидаги ўзига хос миллний руҳни ифодалаш бобида баъзи тажрибалар қилингани эди; Раҳмат Файзий негадир «Ҳазрати инсон» романидаги тажрибадан воз кечади, ўзбек, рус, украин, яхудий, қозоқ ва бошқа миллат болаларини бир хилда ўзбек тилида сўз-

латаверади; «Фидойилар», «Излайман», «Хулкар» каби асарлар персонажлари нутқида ҳам миллий руҳ ифодаси заиф...

* * *

Изчил реалистик услубда характернинг миллийлиги ва индивидуаллиги энг олий нуқтага кўтарилади, деган эдик. Аммо ана шу олий нуқтага кўтарилган миллийлик ва индивидуаллик ҳам катта умумлашмага айланган, доно фикр билан йўғрилган тақдирдагина эстетик таъсиричанлик касб этади.

Ҳозирги изчил реализмга мойил ёш носирлар ижодидаги бир момент кишини қувонтиради. Улар характер яратишда тобора ҳаётийликка, конкретлиликка интиляптилар, уларда характердаги индивидуал, миллий, ҳаттоки маҳаллий колоритни нозик ҳис этиш, кўриш ҳамда кўрсатиш, персонажлар бисотини, руҳиятини, қаддиқоматини худди сурат ва кинодаги каби пластик тарзда аниқ, жоопли гавдалантириш маҳорати ошиб боряпти. Ағуски, маҳорат билан чизилган ана шу ниҳоятда аниқ, жонли, бетакрор индивидлар ҳар доим ҳам катта умумлашма характер — давр типлари даражасига бориб етолмаяпти.

Биргина мисол билан чекланаман. Учқун Назаровнинг «Гирдоб» қисссасини ўқиганда жуда кўп бетакрор чеҳраларга дуч келамиз, уларни бир-биридан кескин ажрата оламиз. Ҳаёт гирдобига тушиб қолган аломат йигит Рустам билан Маликанинг, севги гирдобида ўзини йўқотиб қўйган шоир Иzzатнинг чеҳра, ҳолат-кайфиятлари, тенгсиз никоҳ қурбони кекса олимнинг туриш-турмуши, устомон ота ва нотавон ошиқ дастидан қуйган маъсума қиз Шаҳнозининг сиймоси, изтироблари, жавобсиз севги дарднинг чекаётган Улфатнинг аламлари, дили бошқа-ютили бошқа Қори аканинг қиёфаси, ҳатти-ҳаракати — барчаси ниҳоятда тиниқ, нафис ифода этилган.

У. Назаров портрет чизиҳ техникасини яхши эгалланган; у узундан-узоқ мавҳум таъриф ва тавсифлардан қочади, ҳар бир персонажнинг ўзигагина хос бўлган энг характерли белгиларини топа олади; устоз реалистлар изидан бориб, бир-икки ифодали детал орқали персонажлар қиёфасини шундоқ гавдалантиради-қўяди; устоз адибларда бўлгани каби портретга онд деталлар асар сюжети ва композициясини уюштиришда, бош идеяни очиша маълум восита ролини адо этади.

Эслаб кўринг. Ёзувчи асар персонажи Иzzатни «қотмадан келган», ниҳоятда «озғин» деб таништиради. Агар автор шу маълумот билан чекланганда бу йигит қиёфасини аниқ тасаввур этолмас эдик; йигит жуссасидаги ҳилпираб турган оқ, нейлон кўйлакнинг ёғочга кийдирилгандек кўриниши, шимининг устидан халта бўлиб осилиб туришини эслатиш билан бирдан тасвирга жон киради, ниҳоятда аниқлик касб этади; бош қаҳрамон Рустам Иzzат билан кўришганда маккажӯхори солинган халтани қучоқлагандай бўлгани эслатилганда ўзимиз ҳам бу йигитни бағримизга олиб қучгандай, унинг қоқ суяқ жуссаси баданимизга ботгандай туюлади. Автор йигитнинг «шаҳло кўзлари»ни (шаҳло кўз кўпроқ қизларга хос!), «сирли илжайиб туриши»ни эслатни билан унинг табнатидаги самимийлик, мулойимлик, бир оз иштавонликка ишора қиласпти.

Шаҳнозга берилган характеристикада асосий эътибор киприкларга қаратилади, қизнинг «кўз жиякларига худди атайлаб санчиб қўйилгандек сийрак, аммо узун қайрилма киприкларини пирпиратиб Рустамга синовчан тикилиши» таъкидланар экан, биз унинг чеҳрасини аниқ тасаввур этамиз, унинг вужудидан ёғилиб турган ибони ҳам туюб оламиз.

Қори ака бошидаги мош ранг духоба дўчинини, эгинидаги оқ кўйлак билан кенг каламинка шимини шу тоифа одамларнинг кўпиди учратиш мумкин, аммо «оқ қандек мўйлов» фақат унинг ўзиники; ёзувчининг таърифича,

бу одамнинг юзи, ияги топ-тоза қирилган; ана шу контраст деталлар тасвирга аниқлик киритади, юзи, ияги қирилган одамда «оқ қанддек мўйлов» ярақлаб кўринади, чехрани жудаям таниш қилиб қўяди.

Қиссада персонажларга оид таъриф ва тавсифлар бош қаҳрамон Рустам орқали берилади. Рустам — рассом, у кузатувчан, синчков йигит, кўрган кишисининг сурати хотирига ўнашади қолади. Персонажларни шундай шахс нигоҳи орқали таништириш улар характерини индивидуаллаштиришда ёзувчи учун ниҳоятда қўл келади. Қолаверса, ана шундай ўзига хос хислатли одамлар билан муносабатда бош қаҳрамон Рустамнинг ҳам характеристери очила боради, у Иzzат, Шаҳноз, Қори ака каби хилма-хил табнатли персонажларнинг ҳар бири билан турли масалаларда тўқнаш келади. Хусусан, қиссада Рустам билан Малика орасидаги мулоқотларга кенг ўрин ажратилган. Автор Малика қиёфасини гўё рассом каби хилма-хил ҳолатда бир неча бор суратга туширади, ҳар гал суратга туширганда бир моментга ургу беради, аёлдаги жисмоний баркамолликни, ёшлик нафосатини таъкидлайди; аёлнинг йирик қора кўзлари; тим қора киприклари, бўйнидаги майиздек холи, калта қириқилган қўнгир соchlаридан; болдири иккала қаричга аранг сиғадиган оёғидаги оқ полиэтелин шиппагининг пошинасини шақ-шақ йўлакка уриб юришидан, дарахт устида гилос тўла симсават ушлаган қўлини йигит томон чўзиб туришидан, этакларини парашют қилиб ёйиб гурс этиб дарахт остидаги майсага сакраб тушшидан, бошини чап елкасига қўйган ҳолда шезлонгда ухлаб ётишидан, уйқуни тарқ этмаган қўзларининг хумор сузилишидан — қўйниг-чи, бутун аъзою-бадани, қилиқ ва хатти-харакатларидан нафосат қидиради. Бу таъкидлар аёл ҳаётидаги номутаносибликтан дарак бериб туради, гўё бу билан ёзувчи тенгсиз никоҳ гирдобида қолган аёлга таъна қиласётгандай, уни ўз ҳолидан огоҳ этаётгандай, ўз қадрига етишга ундаётгандай бўлади. Дарвоқе бу

таъналар ўз самарасини кўрсатади, аёл аста-секин ўзлигини, қари одамнинг тенгги эмаслигини англай бошлайди, охири у бу хил номуносиб оиласвий турмушга чек қўяди. Демак, Маликанинг кўрки жамоли ҳақидаги таъриф-тавсифлар аввало шу қиз табиатини очишда, қолаверса, қиссадаги асосий конфликтнинг туғилиши, ривожи ва ҳал этилишида муайян роль ўйнайди. Айтайлик, Малика кўримсиз ёки ёши ўтиб қолган аёл бўлганда эҳтимол бу хил можаролар юз бермаган бўларди...

Бироқ ана шундай усталик билан чизилган индивидлар ҳаёти, тақдири, негадир бизни қаттиқ ҳаяжонга солмайди, катта ўйлар, кучли туйғулар гирдобига тортмайди; бунинг сабаби аён, персонажларнинг индивидуал бисоти аниқ-равшан кўрсатилган бўлса-да, шу индивидлар замирида чуқур маъно, катта умумлашма, даврнинг улкан ҳақиқати йўқ, «Гирдоб»даги тасвири улкан реалистлар, жумладан А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар»идаги персонажлар тасвири билан хаёлан қиёс қилиб кўринг. Бабар, Тўрақул вофурӯш, Сарвинисо, Олим бува, Абдуқаҳор ака, она-кампир каби одамлар қиёфаси бизга ниҳоятда таниш бўлиб қолган, биз уларни эслаганда худди яқин одамларни хотирга олгандек дарҳол кўз олдимишга келтира оламиз; шу билан баробар уларнинг ҳаётини, тақдирини эслаб қаттиқ ҳаяжон ичida қоламиз, сабаби улар давр типлари, улар орқали адаб кўнглига туғиб юрган катта гапларни тўкиб солган, улар сиймосида даврнинг улкан ҳақиқатини ифода этган.

«Умид»даги Жанна, «Эрк»даги Ойшахон портретларини чизишда авторлар уларни шунчаки китобхонига кўрсатиб қўйниш, индивидуал хусусиятларини таъкидлашнингина ўйлаган эмаслар; Жайнанинг ажабтовур қиёфаси, Ойшахоннинг тўпори кўриниши замирида катта ижтимоний маъно, ахлоқий-этик муаммо, чигал дард ётибди.

«Гирдоб», фақат «Гирдоб»нинг ўзигина эмас, ёшларнинг талай асарлари мана шу жиҳатдан оқсайди. Таниқли адаб Мустай Карим шу хил камчилик боисини

изоҳлаб, ёшларда «поэтик маҳоратни эгаллаш давр ғояларини эгаллашга қараганда тезроқ боряпти», — деб ёзган эди. Мустай Каримга қўшилиб биз ҳам ёш авторларнинг асарларида шаклий изланишлар, бадий-техник машқлар билан бир қаторда даврнинг катта ҳақиқати, улкан идеялари, жиддий проблемалари ифодасини кўришини истар эдик.

Бу билан мен ёшларни ёппасига камситмоқчи, уларнинг барча асарларини чекланганликда айбламоқчи эмасман; тўлақонли бадий характер яратиш ёшлар учун фақат орзу, идеал бўлибгина қолаётгани йўқ; ёш авторларда ҳам аниқлик ва ийдивидуалликни маънодорлик билан қўшиб олиб боришининг яхши нумуналари топилади. Бу жиҳатдан Шукур Холмирзаевнинг изланишлари ибратли. У «Жануб ҳикоялари» туркумига кирган асарларида хусусан «Кечаги кун—кеча», «Қочоқ», «Ой ёргуница», «Ҳавас» каби ҳикояларида хотирга ўрнашиб қоладиган ёрқин характерлар яратган, ёш ёзувчи, ўзи туғилиб ўсган жануб колоритини, сурхондарёликларнинг турмуш тарзига онд ўзига хосликларни нозик ҳис этади, шу билан баробар ҳар бир персонажнинг руҳиятига кира олади. «Қочоқ»даги бадбашара Гўзални ёки «Ой ёргуница» ҳикоясидаги довюрак тоғ қизи Ҳидоятни олниг, улар бутуни борлиги билан гўё моҳир рассом картинасидаги чеҳралардек мана мен деб турибди; ҳатто Ҳидоятнинг гап-сўзларига қараб асли фаргоналиклар авлодидан эканини ҳам билиб оламиз; «Ҳавас»даги «ўзбекнинг соддаси» саналмиш Полвон бобони эса ўз кўзимиз билан барада кўриб тургандек бўламиз. Муҳими шундаки, мана шу ёрқин индивидлар билан танишганда кучли таас-суротлар оғушида қоламиз; ҳаётнинг хилма-хил жумбоқлари устида ўй суриб кетамиз; Ҳидоят образи инволизация асрининг энг муҳим муаммоларига эътиборимизни жалб этади, табнат қучогида етилган табиий ҳисларнинг пафосатини қадрлашга, уларни асраш-авайлашга ундайди; Гўзал билан танишув ўқувчидаги мастьу-

лият ҳиссини жунбишга келтиради, кўрпага қараб оёқ узатмасликнинг, муросасозлик, серандишалик психологиясининг кўнгилсиз оқибатларидан бизни оғоҳ этади. «Ҳавас»даги Полвон бобо табиатида, унинг «содда фалсафаси»да халқ характерининг маълум жиҳатлари мужассам этилган; унингча, одам дегани дунёга бир марта келади, шундай экан, ҳамиша тик туриб мардона яшамоқ керак; у бир сўзли, ҳақиқатгўй, тантн одам, бошга мушкул иш тушиб ҳаёти таҳлика остида қолганда ҳам номард олдида бош эгмайди, бирорга арз-дод қилмайди, «манглайды борини кўришга» тайёр туради; ғурури, инсонлик шаънини ҳамма нарсадан юксак тутади. Ёзувчи ҳикояда халқ характерига хос шу хислатнинг қудратини ҳам намойиш этмоқчи бўлади; қаҳрамонга қасд қилган кимса унинг салобатига тоб беролмай пировардида қаҳрамон олдида таслим бўлади.

Биз ҳикоячи қаҳрамонга қўшилиб Полвоннинг «содда фалсафаси»даги чекланганликни ҳис этиб турамиз, таваккалчилликдан иборат ақидаларга қўшилмаймиз, айни пайтда кексайиб қолган самимий, ҳалол, мард бу «ўзбекнинг соддаси»га қандайдир ҳавас ва ҳурмат билан қараймиз.

* * *

*

Изчил реалистик услубий оқимдаги, қолаверса социалистик реализм ва умуман ҳар қандай ижодий методдаги асосий нарса—характер ва шаронит ҳамда ёзувчининг позицияси масаласи. Ижодий методдаги шунингдек услубий оқимлардаги ўзига хослик, айниқса шу масалада аниқ-равshan намоён бўлади.

Маълумки, социалистик реализм адабиёти мұхитга актив таъсир кўрсатувчи, дунёни ўзгартирувчи, шу билан баробар ўзи ҳам ўзгариб борувчи курашчан қаҳрамонларнинг бутуни бир галереясини берди. Бу билан у

жаҳон бадиий тафаккури тарихида янги саҳифа очди; қаҳрамон талқинидаги худди шу ҳол социалистик реализм адабиётининг муҳим новаторлик хусусиятларидан бир и бўлиб қолди. Аммо бу социалистик реализм адабиётининг ягона белгиси эмас, характерли хусусиятларидан биттаси. Афсуски адабиётшуносликда буни бош ва универсал хусусият деб тушуниш, ҳар қандай асардан, ҳар қандай қаҳрамондан фаоллик, курашчанлик талаб этиш, бу талабга жавоб бермаган асарларни, қаҳрамонларни социалистик реализм доирасидан четта сурнаб қўйиш ҳоллари бўляпти. Адабиётшунос Б. Имомов: «Бадиий тафаккур усули» мақоласида («Ўзбекистон маданияти», 1972 йил, 17 март) социалистик реализм асарида «характерларнинг фаол, курашчан, ўзгартувчи, муҳитга таъсир ўтказувчи бўлиши лозим» деган фикрни илгари сурди ва ҳеч қандай изоҳсиз: «Социалистик реализмда ҳар доим (таъкид бизники — У.Н.) типик характер ҳам, типик шароит ҳам фаол, актив (иккаласи бир сўз-ку! — У. Н.) улар бир-бирига таъсир ўтказиш хусусиятига эга», — деб ёзади. «Ўтган кунлар»га шу жиҳатдан ёндашиб ундан жиддий хато топади. Унингча: «Ўтган кунлар»даги характерларда бундай хусусиятлар ичил эмас ёки улар оқибат-натижада типик шароитнинг пассив, тақдирга тан берган қурбонларига айланишади. Шу жиҳатдан Отабекни олиб қарасак, у — кучли ва йирик характер. Аммо у ўз муҳаббати йўлида тўйсилган гояларни («говларни» бўлса керак — У. Н.) олиб ташлаша пассив, оғир аҳволда қолган чоғларида ҳақ гапин айтни билан чекланиб, дадил ҳаракат қўймайди. Кўп ҳолларда Отабек ўзига тегишли ишларни хизматкори Ҳасаналига, отаси Юсуфбек ҳожига ёки онаси Ўзбек ойим зинмасига юклайди. Кумушнинг фожеий ҳалокатидан кейин Отабек умидсизликка тушади, унга ҳаётнинг қизиги, маъноси қолмагандай туюлади, қандайдир сабабларга кўра, рус қўшиларига қарши жангга боради ва ҳалок бўлади».

Шунга асосланиб мақола муаллифи «А. Қодирий «Үтган кунлар»да ҳаётни бадиий тадқиқ этишда танқидий реализмдан чиқа олмади, социалистик реализмга этиб келолмади»,— деган холоса чиқаради.

«Үтган кунлар» ҳақидағи баҳсни галдаги мақолага қолдираілік-да, танқидчининг шу роман мұносабати билан айтган социалистик реализм, ижобий қаҳрамон ва ёзувчи позицияси ҳақидағи фикрларини таҳлил этиб күрайлік.

Аввало мақола авторининг социалистик реализм ва уннинг талаблари ҳақидағи қарашлари жуда жоғары, іюзаки, масалага бу хил талаблар асосида ёндашиш аллақачон әскирган, рад этилған. Фақат қаҳрамоннинг фаоллигига қараб социалистик реализм устидан ҳукм чиқарыладынган бўлса, совет адабиётининг жуда кўп шоҳ асарлари бу методдан четда қолиб кетар, «Тинч Дои» даги Мелехов, «Паранжи спрлари»даги Холисхон, «Сароб»даги Саидий, Мунисхон, «Оқ кема»даги Мўмин каби адашган, алданган, муҳитга актив таъсир кўрсатишга, лаёқатсиз, шаронт қурбони бўлган қаҳрамонлар тақдирини тушуниш, тушунтириш инҳоятда мушкул бўлиб қолар эди.

Танқидчининг ижобий қаҳрамон ҳақидағи фикрлари ҳам чекланган. Отабек хусусидаги мұлоҳазаларидан кўриниб турибдикى, «ёзувчи идеалиниң кўп қирраларини» ўзида ифода этувчи қаҳрамон сира хато қилмаслиги, умидсизликка тушмаслиги, ҳаёт қийинчиликлари олдида таслим бўлмаслиги, ҳеч қаҷон курашдан толмаслиги, ҳаттоқи ўлмаслиги лозим әмиш (танқидчи Отабекнинг ўлимига кескин қарши чиқади!)

Агар шу кулгили талаблар асосида ёндашиладигак бўлса, ёзувчи идеалини ўзида ёрқин мужассам этгай социалистик реализм адабиётининг жуда кўп қаҳрамонлари характери ва хатти-ҳаракатидаги ножӯяликлар, чунончи «Очилган қўриқ»даги етук арбоб Давидовнинг кўпгина қилиқ ва қилмишлари, «Дадил қадам»даги Ор.

тиқнинг иккиланишлари; «Алвидо, Гулсари»даги коммунист Танабойнинг ўжарликлари ва ўйнаш тутиши, «Оқема»даги севимли қаҳрамон боланинг ўзини ўлдириши қандай изоҳланар экан?!

Ижобий қаҳрамон ҳамиша ёзувчи идеали даражасида туриши, у хоҳлаган тарзда ҳаракат қилиши (айниқса изчил реализмда) шарт ҳам, мумкин ҳам эмас. Қаҳрамон характери ва хатти-ҳаракатларидағи камчиликларни ёзувчининг камчилиги деб тушуниш адабий гүллик бўлар эди. Ҳатто энг ижобий қаҳрамонлар ҳам ўз характер мантиқи ва шаронит тақозоси билан автор истагига хилоф ишлар қилиши мумкин. Реалистик адабиётда, изчил реалистларда ҳамиша шундай бўлган. Пушкиндан тортиб Ч. Айтматовга қадар жуда кўп реалистлар буни ошкора эътироф этишган.

Б. Имомов мақоласидаги ёзувчи позицияси билан алоқадор мулоҳазалар ҳам чалкаш ва мунозарали. Бошқа масалаларда бўлгани каби бу ўринда ҳам социалистик реализмга эскирган мезон билан ёндашади, бу методдаги формалар, услублар, оқимларнинг ранг-ранглигини, ёзувчи позициясини ифода этишининг йўллаши ҳам хилма-хил эканлигини амалда инкор этади.

Олдинги мақолада келтирилган факт ва таҳлиллардан кўришиб турибдики, романтик услубий йўналишдаги асарларда ёзувчининг қаҳрамонга муносабати кўпинча ошкора ифода этилади, қаҳрамон яхши ишлар қўлганда автор ундан миннатдор эканини, хатога йўл қўйганда хафа бўлганини яшириб ўтирмай дангалт изҳор этаверади. Изчил реалистик услубда эса ўзгача — субъектив моментлар мумкин қадар «сир» тутилади, ёзувчи ўзини вложи борича «холис» тутишга, ҳодисаларни четдан туриб «объектив» тарзда беришга интилади. Ўзбек реалистик прозасида А. Қодирий биринчи бўлиб шу услубни кўллаган эди; Б. Имомов эса изчил реализмга хос бундай «холис», «объектив» тасвирини «ноаниқлик», «лоқайдлик» деб атайди. Табиийки, илк тажриба камчиликлар-

дан бутунлай холи бўлиши мумкин эмас. «Утган кунлар» да бу борада айрим камчилик ва бир ёқламаликлар бор. Буни айтиш керак. Айтиш керак бўлган ана шу камчиликлардан Б. Имомов, бир вақтлар бўлгани каби, қўполғоявий хатолар қидирадики, бунга асло қўшилиб бўлмайди.

«Холис», «объектив» тасвирини «ноаниқлик»ка, «ложайдлик»ка йўядиган кишиларга бу хил услугуб устаси А. Чехов ўз вақтида боплаб зарба берган эди. Замондошлиаридан бирининг таъна дашномларига жавобан: «Сиз мени объектив бўлганим учун койиисиз, буни яхши ва ёмонга бефарқлик, идеал вағоянинг йўқлиги ва ҳоказолар, деб атайсиз. Сиз от ўғриларини тасвир этаётган пайтимда, от ўғрилаш ёмон, деб туришимни истайсиз. Ахир бу менсиз ҳам қадимдан маълум-ку! Бу суд қораловчиларининг иши, буни улар адо этаверишсин, менинг ишм эса от ўғриларини қандай бўлса, шундайнича кўрсатиш... Эзаётган пайтимда ҳамиша китобхонни ўйлайман, ҳикоядаги мен қолдириб кетган субъектив элементларни уларнинг ўзи қўшиб қўйиншига ишонаман»—деган эди. «Ҳикоя устида ишләётганда,— деб ёзади у бошқа бир хатида,— ийғлаш ҳам, оҳ уриш ҳам мумкин, қаҳрамонларга қўшилиб изтироб чекиши мумкин, бироқ, менимча, буни ўқувчига сездири маслик керак. Тасвир қанчалик объектив бўлса, хотирга шуничалик кучли таъсир этади».

Буюк реалист адабининг фикридан кўриниб турибдики, бу хил услугуб ёзувчидан юксак маҳорат, санъат, китобхондан эса жуда катта тайёргарлик, фаоллик, ўткирдид талаб этади, қаҳрамонлар тақдирни ва фаолияти устида узил-кесил ҳукм чиқариш асосан китобхон зинмаснiga тушади.

Социалистик реализм методи коммунистик партияйилик принципига амал қиласди ҳамда ёзувчи позициясининг аниқ-равшан ва актив бўлишини гақозо этади. Умуман бадиий ижодда, хусусан реализмда бўлгани ка-

бп социалистик реализмда ҳам муносабатни пинҳон тутиш йўли, яъни «объектив», «холис» тасвир йўли мавжуд. Буюк реалист А. Чехов мактабидан таълим олган жуда кўп совет ёзувчилари, жумладан Абдулла Қаҳҳор бу борада А. Қодирий анъанасини давом эттириб, уни янада мукаммаллаштириб «холис», «объектив» тасвир орқали актив коммунистик партияий позицияда туришнинг, шу йўл билан қалб ҳаяжонларини китобхонга тўла-тўқис етказишнинг ажойиб намунасини кўрсатди.

Ёзувчи ижодий лабораториясидан бир мисол келтираман. Абдулла Қаҳҳор сұхбат ва мақолаларида болаликда ўзи гувоҳ бўлган Бабар воқеасини кўп эслайди. Шуниси характерлики, сұхбат ва мақолаларида ўша шахсга, ҳодисага бўлган муносабатини барада изҳор этади, ҳис-ҳаяжонларини ошкора тўқиб солади. Чунончи «Ҳаёт ҳодисасидан бадийи тўқимага» сарлавҳали мақоласида ёзади: «Яхши ният билан унга Бабар деб исм қўйилганига қарамай, у на шаън-шавкат орттириди ва на дунёнинг кайф-сафосини сурди. Бабарнинг қисқа, чексиз уқубатли, ниҳоятда қашшоқ тириклиги инсон турмушига кўп жиҳатдан ўхшамасди. Эҳтимол, унинг ўнгидан келган ягона иши, дунёга келиб кўрган-кечиргани — ўзи севган қизга уйланганидир». Сўнгра ёзувчи Бабар турмушидаги энг бахтли дақиқаларни ҳам йўқчилик таттимагани, камбағалчилик баҳт нашъасини суришга йўл қўймагани ҳақида сўзлайди. «Бабар қиссасининг давоми фожиали,— дейди адаб...— Камбағалнинг ови юрса ҳам, дови юрмас деганларидек, унинг «қувончли» дамлари узоққа бормайди. Уйланганига бир йил бўлар-бўлмас хотинини қутурган ит қопиб олади...» Ёзувчи Бабарнинг шуидан кейинги аянчли саргузаштларини, ўзи ва хотинининг фожиали ўлнимини катта изтироб билан ҳикоя қиласди; йўл-йўлакай Бабарга характеристика бериб боради; унинг ниҳоятда гўл, нодон эканини, «кўзлари ҳамма вақт ҳадиксираб, жавдираб туриши»ни, шафқатсиз замон уни ўз гирдобинга олиб гаранг ва лол

этиб қўйганини таъкидлаб ўтади. («Шарқ юлдузи», 1965 йил, 5-сон, 141—142-бетлар.)

Адиб Бабар воқеаси асосида «Анор» деган ҳикоя ёзган эди, орадан 30 йил ўтиб шу мавзуга яна қайтади, «Ўтмишдан эртаклар»нинг «Тешик тош» бобини Бабарга бағишилайди. Шуниси қизиқки, на «Анор»да, на «Тешик тош»да сұхбат ва мақолалардаги каби ошкора муносабат, ҳис-ҳаяжонлар изҳори йўқ, ёзувчи бирор ўринда бўлсин, воқеага ва қаҳрамонга баҳо бермайди, ҳеч қаерда ҳодиса моҳиятини шарҳламайди; «Бабар қисқа, чексиз уқубатли, ниҳояти қашшоқ умр кечирди», «фожиалар гирдобида ҳалок бўлди», «У гўл, нодон, муте, итоаткор бир банда эди», «шафқатсиз замон уни шу кўйга солиб қўйган эди», демайди. Бу гапларни, кўнгилдаги яна кўп ҳис-ҳаяжонларини ниҳоятда пинҳон тутади; гўё ўзини четга олиб, ҳодисанинг объектив манзарасини чизиб бериш билангина чекланади.

Ёзувчи ҳодисанинг ана шу «объектив» манзарасини чизаётганда, Чехов айтмоқчи, эҳтимол йиғлагандир, оҳ ургандир, қаҳрамонларига қўшилиб не-не изтироблар чеккандир. Бироқ ўзининг ана шу ҳолатини ўқувчига сира сездиримаган, бунда у устози йўлини тутган; тасвири пайти қолдириб кетган субъектив моментларини ўқувчиларнинг ўзи қўшиб қўйишга ишонган.

Дарҳақиқат «Тешик тош» бобини ўқиганда, ҳодисанинг объектив манзараси билан танишганда Бабар фожиасини бутун қалбимиз билан ҳис этиб турдимиз, мутелик, итоаткорлик психологияси ва унинг даҳшатли оқибатлари устида ўйлаб кетамиз, одамларни ину кўйга солган, шунаقا муте, нотавон ва иочор этиб қўйган муҳитга, тузумга иисбатан қаҳр-ғазабимиз жўши уради.

«Холис», «объектив» тасвири орқали коммунистик партиянийликни ўтказиш, аниқ-равшани, актив позицияда туриш дегани аслида шу.

Изчил реализмда ёзувчининг муносабати яна ўша характер ва шароит масаласига бориб тақалади. Қаҳра-

мон табиатидаги кучли ва заиф жиҳатлар илдизи, турмушдаги манбалари чуқур очиб берилса ҳамма нарса равшан бўлади-қолади. Ўқувчида қўзғотган реакцияга қараб ёзувчи муносабатини, позициясини англаб олиш мумкин. Агар автор ўқувчида қаҳрамоннинг яхши хислатларига, эзгу ишларига муҳаббат, хайриҳоҳлик, дарду ҳасратларига ачиниш, хатоларига ўқинч, афсус-надомат, нафрат, хатоларни туғдирган манбалар ҳақида ўй-фикр уйготолса, асаддаги эстетик таъсиранлик юксак ғоялар, олижаноб идеаллар билан йўғрилган бўлса — автор позициясининг аниқ-равшанлиги, активлиги, партиявийлиги шу.

Реализм ҳаётни бор бўйича — бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатишга асосланган экан, шу принцип асосида яратилган характер ҳам зиддияти бўлиши табиий. Характер зиддияти бўлганидан муносабат ҳам мураккаб тус олади, характердаги зиддият китобхонни мураккаб ҳолатга солиб қўяди, унда хилма-хил фикр уйғотади, баҳсга тортади. «Гамлет» устидаги баҳслар юз йиллардан бери давом этади; «Евгений Онегин» даги Татьяна, Онегин; «Замонамиз қаҳрамони»даги Печорин; «Анна Каренина»даги Анна; «Тирилиш»даги Катя ҳақида ҳам жуда кўп мунозарали гаплар айтилган. Худди шунингдек социалистик реализм асари «Тинч Дон» қаҳрамонлари Мелехов ва Аксинья тўғрисидаги тортишувлар ҳалига қадар бир ёқли бўлган эмас. Биздаги Оғабек, Холисхон, Сайдий, Мунисхон, Сиддиқжон, Қаландаровлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Отабекини бутуналай оқлайдиганлар ҳам, Б. Имомов каби кескини қоралайдиганлар ҳам кўп. Мунисхон ва Сиддиқжонларни ёқтирадиганлар ҳам, ёқтиромайдиганлар ҳам топилади. Кўпгина китобхон ва тақиҷидчилар Қаландаровга инсбатан ёзувчи тутган муносабатни ёқлаб чиқсан, ҳатто уни новаторлик деб атаган эдилар. Атоқли адабиётшунос Иззат Султоновга эса бу мутлақо маъқул тушмайди, қаҳрамоннинг ижобий томонларига ёзувчи-

нинг симпатия билдириши унга эриш туюлади, ёзувчи-дан бу образни қоралашни талаб этади. У ёзади: «Қаландаров тасвирида бир камчиллик бор: ёзувчининг ҳа-қиқатан қобилиятли ташкилотчи бўлган Қаландаровга ортиқча меҳр қўйиши Қаландаровнинг жуда катта кам-чиллик ва хатоларини лозим шафқатсизлик билан баҳо-лашга ва уларни изчилилк билан фош этишга халақит беради. Авваллари халққа, партияга сидқидил билан хизмат этган бўлса-да, кейин ўзини партия ташкилоти-дан ҳам, колхозчилар оммасидан ҳам юқори қўйиб, ас-лида халқ ташаббусини узоқ муддат бўғиб ётган ва бу билан (тушунибми, тушумайми — буиниг аҳамияти йўқ) колхозга катта зарар етказган Қаландаровга автор-нинг бунчалик илиқ муносабатда бўлишига, бизнингча, асосе йўқ. Қаландаров типидаги раҳбарлар устидан ҳукм одилона ва бешафқат бўлиши лозим». («Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки», 1962, II том, 819-бет).

Агар шундай қилингандай — ёзувчи қаҳрамонига иис-батан илиқ муносабатни йиғиштириб қўйиб, уни нуқул шафқатсизлик билан фош этиши ўйни тутгандай, Қаландаровдек мураккаб образ ўринда одатдаги нуқул бир хил қора бўёқ билан чаплаб ташланган сатирик қаҳра-мон пайдо бўлар, маътум шаронгт маҳсулни саналмииш қаландаровичлигиниг социал моҳияти етарли очилмай қолар эди. Демак Қаландаров устидаги баҳсни яна давом эттириш мумкин.

60-йиллар ўзбек прозасида изчил реалистик услубий өқиминиг қайтадан жонланишини туфайли характерларни мураккаблиги, кучли ва заиф томонлари билан кўрса-тишга интилиш кенг қулоч ёйди. «Ўтмишдан эртаклар», «Қора кўзлар», «Эрк», «Ўмид», «Қанот жуфт бўлади», «Матлуба», «Ўи саккизга кирмаган ким бор», «Баҳор ўтди», «Одам бўлиш қийини», «Баҳор қайтмайди», «Қал-бинингга қулоқ сол» — эл оғзига тушган изчил реализмга мансуб асарларнинг етакчи персонажлари аввало та-биатан зиддиятли экани билан ажralиб туради. Ҳатто

«Кудратли тўлқин», «Олтин зангламас», «Давр менинг тақдиримда» каби романтикамо мойил, «Қўзлари чўлпон», «Дилпора» каби соф романтик, «Чинор» типидаги синтетик формадаги асарларнинг кўпгина персонажлари, ҳаттоқи баъзи сатирик образлари ҳам мураккаб кўришишга эга. Бу ҳол изчил реалистик услуб доираси кенгайниб бораётганидан, бошқа услубий тенденцияларга ҳам таъсир ўtkазаётганидан далолат беради.

Одатдагидек, бу тур асарларнинг қаҳрамонлари ҳақида китобхонлар даврасида ҳам, танқидчилар орасида ҳам қизғин баҳслар бўлди, хилма-хил гаплар айтилди.

Мана улардан баъзи намуналар. Қатор мақолаларда «Эрк»даги Розия ҳар жиҳатдан мукаммал, етук қиз деб таърифланган эди. Танқидчи И. Фафуров «Эркнинг масъуллияті» сарлавҳали тақризида («Тошкент оқшоми», 1970 йил, 6 октябрь) бу фикрларга асосан қўшилади, Розиянинг гўзал фазилатларини мамнуният билан таъкидлайди, айни пайтда бу образ талқинидан, қиз табиатидан нуқсан ҳам топади. «Лекин қиссанинг ҳозирги кўринишнида,— дейди у,— китобхон Розияни фақат кўчада кўради... Розия Саттор билан ҳозирча фақат кўчада яшнаяпти. У Ойшахон тортаётган турмуш аравасини фидокорлик билан торта оладими — буниси қоронғи».

Дарҳақиқат, бу ҳақда ўйлаб кўриш керак.

Танқидчиликда Сайёра ва Матлуба образлари ҳақида кўни гаплар айтилган, ҳар иккаласнинг ҳам мураккаб характерга эга экани, кучли ва заиф жиҳатлари борлиги таъкидланган эди. А. Шарипова эса «Ёзувчи мусносабати» мақоласида бу икк образни бир-бирига кескин қарана-қараш қилиб қўяди, бирини бутунлай салбий қаҳрамон, иккинчисини соф ижобий қаҳрамонга чиқарди, «шаҳарликлар қишлоқи дейдиган» Матлубани ҳар жиҳатдан «шаҳар муҳитида, таъминланган оиласда эрка ўсган» Сайёрадан устун қўяди. У ёзади: «Одил Ёқубов Матлуба образида ҳалоллик, поклик, севгига садоқат, бурч, инсоний меҳр ва қизлик гурури — инсон учун за-

пур фазилатларнинг асосийларини мужассамлантирган. Бу икки образда қатор қарама-қарши хусусиятлар бор: Сайёра—енгилтак, Матлуба — босиқ; Сайёра—эркатой, Матлуба — одобли; Сайёра енгил ҳаётга, ёшлар билан кўнгил очиб юришга ўрганган, Матлуба ҳатто ўз севгилисига ҳам андиша билан ёндашади. Шу тариқа «қолоқ» қишлоқ қизининг маданиятни «барқ урган» шаҳар қизидан ҳар тарафлама устунлиги ишонарли тарзда очиб берилган». («Шарқ юлдузи», 1970, № 2, 212-бет).

Ҳолбуки, икки қиссадаги бу икки образ талқини мақола муаллифи таърифлаганидан бошқача, хийла мурракаб. Сайёра бутунлай салбий хислатлар эгаси эмас, унда замондош ўзбек аёлига хос кўпгина ижобий фазилатлар мужассам, унинг эрки ўз қўлида, катта билим, маданият эгаси, у отаси, эри, дўст-тенгдошлари олдида ўзини эркин тутади, унинг учун мутелик, итоаткорлик бутунлай ёт, дилига хуш келган ҳар қандай ишни қилишга ўзида журъат топа олади; янгиликка, прогрессга интилади; аммо мана шу хистатлар унда бир оз «ўта» лашиб кетган, у янгиликка интиламан, ўзини эркин тураман деб масъулиятни унтутиб қўяди, маълум муддаг адашади, аммо кўп ўтмай кўзи очитади, ақли ҳушини йиғиштириб олади, яна ҳаётнинг катта йўлига тушиб олади, ўзининг гўзал фазилатларига содик қолади... Сайёра характеристидаги маълум зиддиятларга асосланиб уни Матлубага қарама-қарши қўйиш ўринисиз. Ҳолбуки, Сайёрадаги кўпгина ижобий фазилатлар Матлубада етишмайди. Мақола автори Матлубанинг «устунлигини намойиш этиш учун келтирган хусусиятлар — босиқлик, одоб, андиша аслида «фазилат» чегарасидан чиқиб «қолоқлик» аломатларига айланиб кетган; Матлубанинг ҳалоллик, поклик, севгига садоқат, бурч, қизлик гурури ҳақидаги қарашлари бир оз чекланган; уига ҳозирги замон шаҳар ёшлари орасидаги оддий маданий муносабатлар ҳам ғайри табиий ва ғайри ахлоқий бўлиб кўринаади, у замона зайзи билан ҳисоблашгиси келмайди,

замонни ўзининг майлига мослаштирмоқ истайди, бунинг уддасидан чиқолмай алам-изтироблар оловида қорилади... Демак бу икки образда биз икки хил бир ёқламаликнинг кўнгилсиз оқибатини кўрамиз. Сайёра янгиликка, юксакликка интиламан деб оёқ остига қарамай қўяди ва йўлдаги чоҳга тушиб ғарқ бўлишига сал қолади; Матлуба эса ҳаётдан бир оз орқада қолган, у минг адиша билан оёқ остига қараб юришга одатланган, шу одати туфайли олисни кўролмайди, оқибатда боши деворга бориб тегади...

«Қанот жуфт бўлади», «Матлуба» қиссалари қаҳрамонларининг характери анча мураккаб, ёзувчи муносабати хийла пинҳоний бўлганидан мақола муаллифи уларни баҳолашда бир оз довдираб қолган. Айрим танқидчилар эса персонажлари у қадар мураккаб бўлмаган, ёзувчи муносабати равшан сезилиб турган асарларни ҳам беҳудага дўппослаяптилар. А. Қулжоновнинг «Олис қирлар ортида» қиссанига доир мулоҳазаларида шу нарса сезилди. Танқидчи дастлаб «Тошкент ҳақиқати»да босилган мақоласида (1972 йил, 11 февраль) бу қиссага кескин ҳужум қиласиди, қиссани гоявий ва бадиий жиҳатдан жуда бўш, хом-хатала асар деб атайди, уни босиб чиқарган журнал шаънига таъна тошлари ёғдирди, сўнгра «Меҳнат ва турмуш»нинг 1972 йил 2-сонида чиққан «Ҳаёт ва бадиий ҳақиқат» сарлавҳали мақоласида бу гапларни яна такрорлайди; ёзувчининг бош қаҳрамон Фозилга муносабатидан чатоқликлар топади.

Қиссада шундай эпизод бор: ҳикоячи персонаж — журналист бош қаҳрамон Фозил билан ноҳуш бир вазиятда танишади, Фозил даврада ўзини баланд олади, одамларга тунд муомала қиласиди, бу ҳол журналист йигитда ёмон таассурот қолдиради, у қисса персонажи Рамазонга дейди:

- Менга ўртогинигиз ёқмади.
- Тўғри айтасиз. Мен ҳам шундай деб ўйловдим.

Терслиги бор. Болалигига ҳам шу эди. Юзинг-кўзинг, демайди, кўнглига келганини аяб ўтирумайди.

— Нега қамалганди у?

— Бир фалокат бўлди-да... Фозил аслида ғайратли, зардали йигит. Эл-юрт олдида бир иш кўрсатайин деб юради. Қишлоғимизда Олтибой деган бир бетайин одам бор. Ўзи ҳеч қаерда ишламайди. Оғзи коски, гапи совуқ одам. Фозил ўша билан жанжаллашиб қолди.

— Нега жанжаллашди?..

— Фозил бир-икки жойда, чўлга чиқиб, янги ер очаман, деган гап қилибди. Олтибой эса гапи совуқ одам эмасми: «Чўлни ким билан очасан, шу тараша хотининг биланми?» дебди. Бу гап Фозилнинг иззат-нафсига тегибди. Фозилнинг хотини ростдан ҳам жуда ориқ. Лекин чўл ҳақидаги гапга хотинни қўшиб нима қиласди у ярамас?.. Фозил бу гапга чидаб туролмабди-да, Олтибойни уриб бошини ёрибди, қўлинни синдирибди... Шу билан қамалиб кетди. Мана икки ярим йилда қайтиб келди... Лекин ўзи қўрс бўлса ҳам юраги тоза Фозилнинг. Сиз унинг гапидан хафа бўлманг, ўзи шундай. Мен уни бир қаричлигидан биламан. Сағирликда кўнгли яримта бўлиб ўсади. Меҳнаткаш. Кўнглида қниғирлиги ўй... Лекин орияти кучли. Кеча сезган бўлсангиз керак, отдан тушган бўлса ҳам, эгардан тушмаяпти. Бунинг бир сабаби бор. Ўша ўтирганлар орасида Олтибойнинг хешлари ҳам бор. Шунинг учун ўзини паст олгиси келмади.

— Бу Олтибой деган киши билан Фозил ўртасида аввалдан хусумат йўқмиди ўзи?

— Олтибойнинг бир синглиси бор эди. Сапам деган. Фозил армияга кетмасдан бурун оғайнилари орага тушиб, шу қизини Фотиҳа қилиниди. Кейин қизининг гапи чиқиб қолди. Фозил айниди. Оранни очиқ қилди-ю, армияга кетди. Шундан бери Олтибой тишини қайраб юради.

— Ҳа, бундай денг...»

Бундай узун кўчирма келтиришимизнинг боиси бор. Худди шу кўчирмадаги тафсилотларни А. Қулжонов ўзича шундай талқин этади:

«Биринчидан, бош қаҳрамон сифатида тасвирланган Фозилнинг бу ҳаракати (Олтибойга муомаласи — У. Н.) мантиқан далилланмаган. Фақат уни қуруқ баён этган, холос.

Иккинчидан, Фозилнинг қамоқдан келган кунлари—зиёфатда ўзини тутишлари, ҳаракатлари тасвирида автор позицияси аниқ сезилмайди. Янада тўғрироғи, автор қаҳрамоннинг бундай ҳаракатларига хийла симпатияда бўлгандек сезилади».

Кўчирмани, қолаверса қиссани синчиклаб ўқиб чиққан китобхон танқидчининг гапига ажабланмай иложи йўқ. Қиссанинг кўпгина камчиликлари бор, уларни айтиш керак, аммо танқидчи, айтиш керак бўлган гаплар у ёқда қолиб, асос йўқ жойдан «жанжал» чиқаради, асарнинг нисбатан муваффақиятли чиққан ўринларини танқид остига олади.

Ёзувчи бу ўринда бош қаҳрамонни дастлаб манфий жиҳатдан таништиряпти, ҳикоячи персонаж у билан илк бор учрашууда таъби тирриқ, бўлади. Сўнгра автор қаҳрамон характеристикасини кенгайтиради, бунинг учун уни яқиндан биладиган одамни—Рамазонни ишга солади, Рамазон қаҳрамонни ҳам манфий, ҳам мусбат томондан таърифлайди, шу таъриф-тавсиф пайтида Фозилнинг даврада ўзини ёмон тутиш сабаби, қолаверса қамалиш, Олтибой билан жанжалашиш тарихи аён бўлади. Менимча, Фозил билан Олтибой ораларидаги мөжаронинг шу изоҳи етарли, бошиқа батафсил далил-исбот келтиришининг ҳожати йўқ; чунки асаддаги асосий нарса бу эмас. Ёзувчи позициясининг танқидига келсак, бу ерда ҳам акс ҳолга дуч келамиз; ёзувчининг позицияси аниқ-равшан; ҳаттоқи керагидан ортиқроқ ошкор; у ўз қаҳрамонини мураккаблиги, зиддиятлари билан таништиришга шитиляпти, ёзувчи ҳеч қачон қаҳрамон-

нинг кўнгилсиз қилиқларини оқлаётгани йўқ, балки уни қоралајпти, аммо уни қуруққина қоралаб қўя қолмай, бундай нохуш хатти-ҳаракатларнинг сабабини изоҳлаб беряпти, илк бор «салбий» туюлган қаҳрамондан фазилат қидиряпти, аслида қаҳрамонда ижобий фазилатлар устун эканини таъкидляяпти, худди шу фазилатларга симпатия билдирияпти, умид боғлаяпти. Воқеаларнинг галдаги ривожи, бош қаҳрамон қисмати ҳам автор бу борада тўла ҳақли эканини тасдиқлайди.

«Олис қирлар ортида» қиссанинг асосий камчиллиги ёзувчи позициясининг нотайинлигига эмас, бошқа ерда. Биринчидан, ёш автор қишлоқ одамлари ҳаётини-яқиндан, «ичидан» туриб ёритишга, худди ўзиdek қилиб реал кўрсатишга, зиддиятлари, икир-чикирлари билан беришга маҳлиё бўлиб кетиб, кўп ўринларда шу «икир-чикирлар» орасида ўралашиб қолади, уларнинг маъносини чақиш, улардан катта умумлашмалар чиқариш устида етарли бош қотирмайди; иккинчидан, оддий, камсуқум, табиатан зиддиятли одамлар ҳам улкан ишларни адо этишга қодир, уларнинг камтарона умр йўли, тақдирни халқ ва юрт тақдирни билан туташ, деган ғояни ўтказишга интилади-ю, уни асарининг пафоси даражасига олиб чиқолмайди.

«Олис қирлар ортида» сабоги шундан далолат берадики, ҳаётга яқин бўлиш, тўғри позицияда туриш, муҳим ғояни илгари суриш ҳали ҳамма нарсани ҳал этиб беролмайди, бунинг учун турмуш икир-чикирларидан бир оз юксакликка кўтарилиш, яъни ҳодисаларни бир оз кескинлаштириб, қабартириб бериш ҳам зарурга ўхшайди. Бу изчил реализм принципларига зид келмасми кан, деб сўрашлари мумкин. Пўқ, асло зид келмайди. Чунки, ҳар қандай метод ва услубий йўналишида бўлгани каби, изчил реализм ҳам ҳаётни типиклек принциплари асосида ўзлаштиради, типиклек эса ўз табиати билан кучайтириш ва кескинлаштиришини тақозо этади. Агар биз А. Чехов, М. Шолохов, К. Федин, Ойбек, А. Қаҳдор ка-

би изчил реалистлар ижодига назар ташласак, уларда ҳодисалар, характерлар ҳәётийликка, ҳаққонийликка путур етказылмаган ҳолда энг охирги нуқтага қадар кескинлаштириб, қабартириб берилганини кўрамиз, «Филоф бандаси»даги Беликов ҳам, «Инсон тақдири»даги Соколов ҳам, «Ўгри» даги Қобил бобо ҳам фавқулодда бир тақдир ва характер эгалари эмас; ниҳоятда ҳәётга яқин оддий кишилар, аммо авторлар характерлардаги ана шу ҳәётий ва табиий хусусиятларни шундай бир фокусга йифиб, қабартириб берганларки, бу фокус китобхоннинг бутун диққат-эътиборини ўзига тортиб олади. Ёки «Оқ кема»даги изчил реализм асосида тасвирланган Мўминни эслайлик. Жуда оддий, ҳәётий бу образ табиатидаги етакчи хусусият — мўминлик, мутелик психологияси ва унинг даҳшатли оқибати шу қадар кескинлаштириб, бўрттириб берилганки, ўқувчи Мўминнинг хатти-ҳаракати ва ҳолатини кўриб ўзини қўярга жой тополмай қолади. Ёзувчи позициясининг аниқравшаниги, изчиллиги, асосий ғояни пафос даражасига кўтариш дегани аслида шу. Холис, объектив тасвирнинг кучи ҳам шунида. Фақат «Олис қирлар ортида»гина эмас, сўнгги йилларда пайдо бўлган биздаги кўпгина асарлар ҳатто «Қанот жуфт бўлади», «Эрк» каби нисбатан дуруст қиссалар ҳам шу жиҳатдан оқсайди, улардаги етакчи персонажлар Сайёра, Ойшахон табиатига хос хусусиятларни яна ҳам кучайтириб, қабартириб бериш, шу йўл билан уларни ҳозиргига қараганда тарьиҷа проқ қилини мумкин эди.

Изчил реализм ҳамиша далил-исботга таянади, далил-исботениз кучайтириш эса ҳар доим бир ёқламаликка, реализмдан чекинишга олиб келади. Мўмин характери охирги нуқтага қадар қабартириб берилган бўлишига қарамай, биз унга тўла ишонамиз. Бу оқ кўнгил чол ўз майлига, идеалига қарши бориб, қабиҳ кимсалар чиз тиз чўккан, идеали тимсоли — шохдор Она Буғи-олдида тиз ўлдирган экан, ёзувчи бундай жиноятга олиб ни отиб ўлдирган экан,

келган ҳам субъектив, ҳам объектив омилларни чуқур, атрофлича таҳлил этиб беради. Мўмин ўз номи билан мўмин-қобиъ одам, у умр бўйин бирорвларнинг ҳожатини чиқариб, буйруғига бўйсуниб ўрганган. Иккинчи томондан, бу одам шундай бир бўғиқ муҳитга тушиб қолгани, бундай муҳитда шу хил табиатли одам бошқача йўл тутиши мумкин эмас, хуллас жиноятнинг содир бўлишида ҳарактернинг ўзи ҳам, муҳит ҳам айбдор. Бу образ ўз ички мантиқига, шаронтга мувофиқ табиий равишда ҳаракат қиласди.

Биздаги кўпчилик асарларда шу фазилат — ҳам субъектив, ҳам объектив факторларни бир бутун ҳолда олиб кенг таҳлил қилиш маҳорати етишмай қоляпти. Масалан «Умид» автори бош қаҳрамон ҳаётидаги кўнгилсизликлар илдизини кўпроқ объектив омиллардан қидиради; «Одам бўлиш қийин», «Баҳор қайтмайди» авторлари эса айбни асосан субъектив факторлар зим-маснига юклайди.

Ў. Ҳошимовнинг янги қиссаси — «Қалбингга қулоқ сол» устида гап кетадиган бўлса, шу эътироzlарни яна такрорлаш мумкин. Қиссадаги мураккаб образлардан бири Васила Назаровнани олиб кўрайлик. У ишчан, талабчан, қаттиққўл аёл; мактабда тартиб, интизом бўлишини истайди. Бу яхши. Аммо унда ҳисснёт етишмайди, тўғрироғи, фақат ишни, «ижтимоий манфаат»ни ўйлайвериб, ҳисснётини ичига ютавериб қуруқ, темир одамга айланиб қолган. Бу — жуда ёмон. Ёзувчи ҳарактердаги мана шу ёмон хусусиятни ёмонлаш, унинг фожиали оқибатларнини кўрсатиш билан бўлиб кетиб, масаланинг бошқа жиҳатини эсдан чиқариб юборади. Хўш, Васила Назаровнада бу иллат қаердан пайдо бўлиб қолди; уни мактаб ўқувчилари хулқ-атворига бу қадар эҳтиёткор бўлишига нималар мажбур этяпти— бу каби саволларга ҳозирча қиссадан жавоб тополмаймиз. Ҳолбуки, ҳозирги мактаб ҳаётида Васила Назаровна типида иш тутадиган педагогларнинг пайдо бўлиши-

га маълум асослар бор. Шунинг учун ҳам ҳадеб персонални айблайвермасдан, уни шундай ҳолга солиб қўй-хасиз ютган бўларди.

Мактаб ўқувчиси Дилфуза образи талқинида эса акс ҳолни кўрамиз, ёзувчи асосий айни объектив факторларга — қаттиқ қўл педагог билан ўжар, ориятили ота зиммасига юклаб, унинг ножоя хатти-ҳаракатларини қисман оқлаётгандек бўлади. Ҳолбуки, автор бошда бу қизалоқни хийла мураккаб ҳолда кўрсатади, қиссада таъкидланишича, у содда, беғубор, шу билан баробар хийла қайсар, ўқишида нўноқ; ҳали ҳаётдаги камтарона бурчини дурустроқ адо этмай туриб ўзига эрк даъво қиласди; қизалоқнинг ўз-ўзини ўлдириши маълум вазият тақозоси тарзида берилса-да, бу уни тўла оқлаш учун асос бўлолмайди, қизалоқ қисмати талқинида характернинг мураккаблиги сезилиб туриши — китобхон бундай кўнгилсан ҳодисанинг юз беришида фақат ўзгалар эмас, қаҳрамоннинг ўзи ҳам айбдор эканини барада ҳис этиб туриши керак эди. Бу шунчаки бизнинг шахсий истагимиз эмас, реализм табиати — характер мантиқи объектив ҳаёт ҳақиқатининг ўзи шуни тақозо этади.

* * *

Ниҳоят, яна бир мунозарали гап бор. Аввал айтилганидек, бир вақтлар социалистик реализм революцион романтизм билан танқидий реализмнинг қўшилишидан ҳосил бўлган, деган назария кенг тарқалган эди. Кейинчалик бундай қараш бир ёқлама экани маълум бўлиб қолди, шунга кўра у ҳаққоний танқид қилинди. Аммо бу қарашни танқид қилиш билан баробар, социалистик реализм адабиётида романтик ва реалистик услубларнинг қўшилишидан, қолаверса, бир неча услубий тенденцияларнинг чатишиб кетишидан ҳосил бўладиган

с и н т е т и к асарлар ҳам яратилиши мумкин эканлиги ни эътироф этиш керак. Яниги этапдаги ўзбек насири, хусусан йирик эпик жанрлар тажрибаси ҳам шуни тасдиқлаб турибди. А. Қаҳҳор «Синчалак» қаҳрамонлари Саида тасвирида кўпроқ бир хил лиро-романтик бўёқни ишга солса, Қаландаров тасвирида ранг-баранг бўёқларни қўллади: Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романида ҳам изчил реалистик, ҳам лирик, ҳам лиро-романтик, ҳам сатирик бўёқда чизилган образлар бор; асосан романтик услугуба мансуб «Чинор»да изчил реалистик ва детектив саргузашт ижод типларига хос қисса ва ҳикоялар учрайди.

Адабиётимиздаги бу услубий ҳодиса маҳсус ўрганишини талаб этади.

СОЦИАЛИСТИК РЕАЛИЗМ ЙУЛИДАН

Социалистик реализм устидаги ҳар галги баҳс-мунозара ўз-ўзидан унинг туғилиши, шаклланыши яъни иш даври масаласига бориб тақалади. Социалистик реализмнинг ибтидоси ҳақида гап кетар экан, унинг генезиси, яъни ўтмиш реализми масаласини четлаб ўтиш мумкин эмас. Инқилобдан олдинги ўзбек адабиётида реализмнинг аҳволи ва характерини кўз олдимизга келтирадар эканимиз, бу адабиётда социалистик реализм қандай шаронтда, қай тариқа шаклланганлиги масаласи хийла ойдинлашади.

Жуда кўп олимларнинг таъкидлашича, реализмнинг метод сифатида шаклланishi асосан XIX асрга, капитализм даврига тўғри келади. Ўтган асрнинг охирги чорагига келиб собиқ мустамлака Туркистон ўлкасида ҳам капиталистик муносабатларнинг белгилари намоён бўла борди; прогрессив рус маданияти, рус реалистик санъати маҳаллий зиёлилар эътиборини ўзига торта бошлади; бу ҳол адабий тафаккур ривожига сезиларли таъсир кўреатди, адабий жараёнда муҳим ўзгаришлар юз берди: ўзбек адабиётида қадимдан мавжуд бўлган реалистик белгилар эндиликда адабий жараён моҳиятини белгилайдиган маълум оқим сифатида кўзга ташлана бошлади. Бироқ бу оқим у пайтлар етук, баркамол реализм даражасига бориб етмаган, бунинг учун ҳали реализм даражасига бориб етмаган, эди. Ўтмишдан мерос бўлиб ўлкада шаронт етилмаган эди. Ўтмишдан мерос бўлиб

қолган феодал қолоқлик, биқиқлик, чор ҳокимиятининг манфур мустамлакачилик сиёсати маънавий ҳаётдаги, жумладан адабий тафаккурдаги я и г и л а н и ш жараёни йўлидағов бўлиб турар эди. Ўша давр адабиётининг байроқдорларидан Фурқат ижоди айни гуллаган пайти ўз она юртидан бадарға қилинганд, Муқимий эса мадраса ҳужрасида фақирона кун кечиришга мубтало этилган эди. Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, Муқимий ўз замонасқи ўз мамлакатининг зўр шоири, зиёлиси, илфор кишиси, лекин унинг фикр доираси икки томонлама эзилаётган халққа яраша. Демак, ижоди ҳам шу фикр доирасидан четга чиқолмайди. Бу гап ўша давр адабиётининг бошқа кўпгина вакилларига ҳам тегишлидир.

Менимча, демократик адабиёт ижодий методининг ожизлик сабабини аввало худди шу ердан қидириш керак. Мана шу фикрий чекланганлик туфайли бошқа етишмовчиликлар ҳам содир бўлди. Профессор Ғулом Каримов 1959 йили эълон қилинганд «Ўзбек демократик адабиётида реализм масалалари» мақоласида шундай деган эди:

«Унда (демократик адабиётда — У. Н.) адабиётининг (реалистик адабиётининг демоқчи — У. Н.) ҳар томонлама балофатга эришганини кўрсатувчи белгилардан драматургия, проза жанрларида асарлар йўқ эди. Шубҳасиз, демократ шоирларнинг ўтмиш адабиётидаги поэзия традицияларига қаттиқ боғланиб қолишилари янги жанрларнинг яратилмаслигида салбий роль ўйнади. Бу ҳол ўзбек демократик шоирлари томонидан рус реалистик адабиётининг бой тажрибаларини ўзлаштириш ишини ҳам оғирлаштириди. Бундан ташқари бэдний ижодининг бошқа формал — стилистик масалаларида ҳам демократик адабиётининг эски адабий традициялар рамкасидан ҳали батамом чиқиб кета олмаганигини кўрсатиб ўтиш керак...

...Бу ҳол демократик адабиёт ўзининг реалистик мазмунига ҳар жиҳатдан мос тушадиган янги форма яра-

толмаганлигидан дарак беради ва унинг заиф томонларидан бирини ташкил қиласди»¹.

Орадан кўп ўтмай атоқли олим Иззат Султонов «Литературная газета»да босилган «Реализмнинг замонавийлиги» мақоласида шу фикрни тасдиқлайди ва тўлдиради. «Масалан, бизнинг республикамиизда,— деб ёзди у,— айрим адабиётшунос ва ёзувчилар революциядан олдинги ўзбек адабиётининг реалистик етуклик даражаси ҳақида ошириб юборилган тасаввурга эгалар. XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX аср бошларида ўзбек адабиётида танқидий реализм шаклланиб бўлган эди, дейишади. Мен буни нотўғри деб ҳисоблайман. Ўтмишдаги ўзбек адабиётида реализм етарли даражада етилмаганлигининг муҳим аломатлари бор — бу воқеликни бадиий акс эттириш формалари ва воситаларининг бир текисда ривожланмаганлиги, мукаммал реалистик проза ва драматургиянинг бўлмаганлигидир»².

Агар F. Каримов ўзбек адабиётининг асосан XIX аср иккинчи ярмидаги аҳволини назарда тутган бўлса, И. Султонов асrimiz бошларидағи ҳолатини ҳам назарда тутган.

Менимча, биринчи рус революциясидан кейинги давр ўзбек адабиёти ижодий методи ривожида алоҳида босқични ташкил этади. Бу даврдаги адабий муҳит кучли бўрон олдидаги ҳолатни эслатади, бу давр адабиётида қандайдир бетоқатлик, ҳаётдан, ижоддан, анъанавий шакллардан қаноатланмаслик, янгиликка ташналик, изланиш, Н. И. Конрад ибораси билан айтганда-шошилинч руҳи ҳукмрон эди. Агар Муқимий ва Фурқатлар ўз ижодларининг «реалистик мазмунига ҳар жиҳатдан мос тушадиган янги форма яратолмаган» бўлсалар, бу даврга келиб адиблар янги форма яратишга киришдилар. Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмасидан сўнг кўп-

¹ «Ўзбек адабиёти масалалари» тўплами, 1959, 234—235-бетлар.

² И. Султон. Асарлар, II том, 1972, 405-бет.

лаб саҳна асарлари майдонга келади, реалистик прозанинг дастлабки намуналари яратилади, хусусан Ҳамза, А. Қодирий, М. Шермуҳамедов ва С. Айнийларнинг илк прозаик асарлари ўша давр адабиётидаги шаклий изланишлар ва ўзгаришлардан далолат берарди. Реалистик драма ва проза шаклларининг майдонга келиши билан адабиётда ижодий метод доираси бирмунча кенгайди, реализмнинг тўлароқ намоён бўлиши учун йўл очилди. Лекин, шунга қарамай, барнибир, ҳали реализм етуклик даражасига кўтарила олмаган эди.

Биламизки, кўпчилик халқлар адабиётида реализм дастлаб маърифатпарварлик кўринишида намоён бўлган; Октябрь инқилоби арафасидаги ўзбек драматургияси ва прозаси ҳам маърифатпарварлик реализмiga жуда яқин туради. Бошқа халқлар адабиётида бўлгани каби, бу асарларда маърифат гояси кенг тарғиб этилади, ақл-идроқнинг ролига катта баҳо берилади, турмушдаги барча ёмонликтар жаҳолат, билимсизлик оқибати, деб талқин қилинади, ақл-идроқ, тадбиркорлик маърифат йўли билан яхшиликка, баҳт-саодатга эришиш, янгича ҳаёт қуриш мумкин, деган гоя илгари сурлади.

Демак, инқилоб арафасида яратилган драматик ва прозаик асарларда даврнинг маълум маиззаралари янги шаклда реал ифода этилган бўлса-да, ҳали бу асарлар ҳаётни кенг кўламда бутун қарама-қаршилиги, мураккаблиги билан кўрсатишга, ўша давр турмушининг авра-астарини очиб ташлашга қодир эмас эди. Инқилоб арафасида яратилган Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт», А. Қодирийнинг «Улоқда» асарлари реализмнинг юксакроқ босқичига ўтишда олға ташланган қадам бўлди, лекин уларни ҳам реализмнинг етук намунаси дейиш қийин. Бинобарин, инқилобдан аввалги драматургия ва проза танқидий реализм даражасига тўла этиб бормаган эди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, демократик адабиётда реализм билан баробар традицион романтик

Оқим ҳам мавжуд эди, асримиз бошларига келиб бу оқимда ҳам янгиланиш юз берди, у гөҳ турмушдан норозиллик, «заҳарли ҳаёт»га қарши исён тарзида, гөҳ озодлик, инқилобни қўмсаш, инқилобий ўзгаришларни олдиндан барала ҳис этиш шаклида, гөҳ ҳадсиз ситамаламларни бошдан кечирган одамнинг сентиментал кайфиятлари кўринишида намоён бўлиб турди.

Хуллас, ўзбек адабиёти ўша йиллари асосан маърифатпарварлик реализми билан прогрессив романтизм оралиғида тараққий этаётган эди. Бу адабиёт Октябрь инқилобига, социалистик ўзгаришлар даврига ана шу тарзда кириб келди.

* * *

Хўш, ўзбек адабиёти методининг инқилобдан кейинги тақдирни нима бўлди? Бу масалада икки хил қараш мавжуд.

Бир гурух ўртоқлар ўзбек совет адабиёти, аниқроғи прозаси социалистик реализмга келишдан олдин танқидий реализм босқинчини босиб ўтган, дейишади. Шундай фикрии биринчилардан бўлиб адабиётшунос X. Ёкубов 1949 йили «Шарқ юлдузи» журналида босилган «Ўзбек поэзия ва прозасида социалистик реализм масаласига доир батъи мулоҳазалар» мақоласида майдонга ташлагани эди. 1953 йили Иzzat Султонов «20-йиллардаги ўзбек совет адабиётининг ижодий методи масаласига доир» номли тадқиқотида бошқа бир тезисни илгари суради. Унингча, адабиётнинг методи тўғрисидаги масала шу адабиёт қандай конкрет тарихий шаронтда юзага келиши, ривожланиши ҳамда бутунича олганда қайси эстетик идеал учун курашуви тўғрисидаги масаладир. Социалистик реализм адабиётининг идеали социализм, коммунизмдир. Демак, ўзбек совет адабиётининг методини аниқлаётгандэ шу масала ҳал қилувчи роль ўйдини аниқлаётгандэ.

найди: ўзбек совет адабиёти бутунicha олганда социализм учун, коммунизм учун кураш олиб борди, янги ҳаётни улуғлаш ва ҳимоя этиш унинг асосий пафосини ташкил қиласди; бинобарин, Октябрь инқилобидан кейиноқ ўзбек адабиёти, жумладан прозаси табний равишда социалистик реализм адабиёти сифатида тараққий эта бошлади...

Мана, йигирма йилдирки, шу икки хил қараш орасида «жанг» кетади. Бу баҳс доираси тобора кенгайиб, унга қардош республикалардаги жуда кўп йирик олимлар ҳам иштирок этишди; бошқа халқлар адабиётида социалистик реализмнинг шаклланиши масаласига онд тадқиқотларда ҳам шу икки хил қарашга яқин келадиган фикрлар айтилди.

60-йиллари давом этган мунозараларда бу икки зиддиятли қарашни бир-бирига яқинлаштириш, ўрта бир йўл қидириш тенденцияси сезилди. Қатор адабиётшunosлар Октябрь инқилобидан кейин, гарчи социалистик реализм совет адабиётининг етакчи методига айланган бўлса-да, у билан ёнма-ён танқидий реализм ҳам иш кўрган, дейишади. Адабиётшунос М. Н. Пархоменко кўпчилик олимларнинг мулоҳазаларига асосланиб шундай хulosага келади: Октябрдан кейин барча қардош халқлар адабиёти социалистик реализм адабиётлари тарзида ривожланди. «Бироқ,— деб ёзади у,— бу ҳол, чунончи Октябрдан бурун рус адабиётида бўлгани каби, социалистик реализм билан бир қаторда танқидий реализмнинг ҳам мавжудлигини инкор этмайди, балки давом этганлигини тасдиқлайди. Аммо Октябрдан кейин кучлар нисбати ўзгарди, миллий адабиётлар тараққиётининг умумий жараёни характерини белгилаш энди социалистик реализм томонига ўтди...»¹

¹ Сб. «Актуальные проблемы социалистического реализма» М., 1969, стр. 266.

«Ўзбекистон маданияти» мунозарасида эса яна аввалгидек қарапшлар орасидаги тафовут хийла кескинлашиб кетди. Хусусан, Абдулла Қодирий ижоди муносабати билан 20-йиллар ўзбек адабиёти методи хусусида бир-бирига бутунлай зид фикрлар айтилди. Абдулла Қодирий ижоди, умуман 20-йиллар адабиёти методи ҳақидаги зиндигиятли қарапшлар ҳали кўп вақт давом этса керак, чунки бу хил қарапшлар яна кўп далил-исбот талаб этади: А. Қодирий инқилобдан кейин социалистик реализм йўлидан борган деган тезис айрим ўртоқларни қаноатлантирумаяпти, шунингдек, адаб танқидий реализм асосида ижод қилди, ҳар учала йирик асарида ҳам социалистик реализмга узил-кесил етиб келолмади, деган гап эса кўпчиликни ишонтирумаяпти.

Мунозарада, шунингдек, қатор илмий манбаларда А. Қодирийнинг «социалистик реализмга етиб келолмагани»ни, «танқидий реалист» эканлигини исботлаш учун келтирилган айрим далилларни кўздан кечирайлик.

Абдулла Қодирийни танқидий реалист деб ҳисоблайдиган ўртоқлар, аввало, ёзувчи позициясидан кўпгина камчиликлар топадилар, Октябрдан кейин ҳам адаб анча вақт марксча-ленинча дунёқарашдан узоқ турган, дейдилар. «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки»да шуларни ўқиймиз: «Абдулла Қодирий бу роман («Ўтган кунлар»— У. Н.) устида ишлаган чоғида (1921—1924 йиллар) марксизм-ленинизм таълимоти билан яхши таниш бўлмаган ва шунинг учун феодализм даврида ислоҳчилик (реформаторлик) йўли билан одил тузум майдонига келтириш мумкин деб ишонган, феодализм давридаги антагонистик синфларни муросага келтириш мумкин эмаслиги ҳақидаги марксистик таълимот ёзувчига ҳали маълум эмас эди» (II том, 177-бет).

Октябрь галабаларини ўз кўзи билан кўрган, ўзи очиқ айтгандек, инқилобдан кейиндоқ С. Қосимхўжаев, И. Ибодов каби коммунистлар билан танишган, яқиндан

ҳамкорлик қилган, улар орқали «большевик ва бошқа сиёсий фирмаларнинг йўллари билан ошнолашган», онгли равишда революция ҳимояси учун курашга отланган, совет ҳокимиятини ҳимоя этувчи, улуғловчи, душманларини фош қплувчи асарлар яратган, совет матбуотининг ташаббускорларидан бўлган оташин курашчининг, «ғоя ва иш эътибори билан чин коммунист» бўлган, «шарқ озодлиги ва унинг мазлум пролетариат саодатини фақат ленинизм орқасида вужӯдга чиқишига ишонган», ўзини «Маркс ва Лениннинг ҳароратлик шогирди» санаган одамнинг 20-йилларининг ўрталарига қадар ислоҳчилик фикрида қолиши ҳақиқатга тўғри келмайди.

Бевосита ёзувчи ижодига келадиган бўлсак, «Утган кунлар» қаҳрамонлари, дарҳақиқат, дастлаб ислоҳчи тарзида кўринадилар. Аввало қаҳрамонларнинг бу хил хато қараашларини ёзувчининг хатоси деб талқин этиш ўринисиз эканлигини биз олдинги мақолада айтиб ўтган эдик. Қолаверса, романнинг ўзида қаҳрамонларнинг хато қараши мағлубияттга учрайди, ёзувчи холис турноб бу хил қараашнинг истиқболисиз эканини очиб ташлайди. Масалан, Отабек Россия сафарида катта орзу-ҳаваслар билан қайтади, рус тартибларини Туркистон элига тадқиқ этишини хаёл қиласди. Бироқ ўз элига қайтиб, ўйлаганлари ширин бир хаёл эканлигини дарҳол англаб етади. Отабек бошқа бир ўринда ёмонларни «иш бошидан қувлаш ва улар ўринига яхши ва холис одамларни ўтқазиш иажотимизнинг йўлидир» дейди, аммо турмуш унинг бу хаёlinи ҳам пучга чиқаради, воқеалар давомида Отабек бу йўл билан иажотга эришиб бўлмаслигини билib олади. Худди шунингдек асардаги яна бир етакчи қаҳрамон Юсуфбек ҳожи ҳам ислоҳчиликдан иборат итилишлари ҳеч қандай наф келтирмаётганинги англаб пировардида дунё ишларидан юз ўгиради, диний китоблар мутолаасига тушади...

Шу тарниқа асардаги воқеалар мантиқининг ўзиёқ

ёзувчи ислоҳчилик қарашидан узоқ эканлигини тасдиқлаб турибди.

«Очерк»да яна шуларни ўқнйимиз: «Синфий курашнинг муқаррарлигини ва бутун ўткирлигини тушунмаслик ёзувчини яна бир хатога олиб келади: эксплуататор синфлар муҳитидан чиқиб прогрессив позицияларга ўтган баъзи кишиларни... тасвиrlаганда ёзувчи бу кишиларнинг синфий чекланганлик иллатига мубтало эканини эътиборга олмайди, тасвиrlаб бермайди (177-бет).

Бу гапга ҳам қўшилиш қийин. Романда Отабек, Юсуфбек ҳожи, Кутидор каби мулкдорлар орасидан чиққан нисбатан прогрессив кишилар характеристидаги зиддиятли моментлар, ўз синфига хос ожизликлар аниқравшан кўрсатилган; улар ўз идеаллари йўлидаги курашда охиригача саботли эмаслар, кўп ҳолларда либераллик йўлига кирадилар; ёзувчи улардаги синфий чекланганликни Россияга муносабатда ҳам ҳаққоний тарзда ифода этади, чунончи Отабек билан Юсуфбек ҳожи Россияни, рус тартибларини улуғлайди, аммо улар Россияга қўшилишга рози эмаслар...

«Очерк»даги яна бир муносарали муроҳазага эътиборни жалб этмоқчиман. Отабек ва Ҳасанали муносабатлари хусусида айтилган мана бу гапларни ўқиб кўринг:

«Абдулла Қодирий қул билан хўжайнинг орасидаги реал муносабатларни эмас, балки ҳаётда бўлмаган, балки у ўзи (яъни автор) орзу қилган муносабатларни тасвиr этади; иккинчи турли қилиб айтганда ёзувчи ҳаётий ҳақиқат устидан зўрлик қиласди, уни ўз идеалига бўйсундириб, бузиб тасвиrlайди. Албатта, Ҳасанали каби ўз хўжайнинг абадий содиқ қул бўлиши мумкин ва ёзувчи бундай қулни ҳам кўрсатишга ҳақли, аммо қуллар муҳитидан фақат Ҳасанали каби кишиларнинг асосий оммаси билан хўжайнилар орасидаги чин синфий зиддиятни ўз идеалига қурбон бериб тасвиrlамай ўтиш — Абдулла

ла Қодирий реалистик методининг маълум даражада чекланганлигини кўрсатади» (188—189- бетлар).

«Очерк» авторлари айтганидек, «Ҳасанали каби ўз хўжайнинг абадий содиқ қул ҳаётда бўлиши мумкин ва ёзувчи бундай қулни ҳам кўрсатишга ҳақли» экан, адид худди шу мантиқа асосланиб бу образни яратган, қуллар билан хўжайнилар орасидаги чин синфий зиддиятни кўрсатиш асарнинг ғоявий мундарижасига кирмайди ҳам, сифмайди ҳам. Агар асарга шундай сюжет линияси киритилса «Ўтган кунлар»нинг ғоявий-бадий йўналиши бутунлай ўзгариб кетган бўлур эди. Абдулла Қодирий реализмнинг кучи шундаки, гарчи автор Ҳасаналини садоқатли, фидокор, ҳаттоқи фанатик қул қилиб кўрсатса-да, у хўжайнилар орасидаги синфий айнрманни жуда равшан ифода этади. Ҳасанали доимо хўжайнилар хизматига ҳозирну нозир, лекин бу одам улардан ҳеч қанақа марҳамат, ҳиммат кўрмайди. Юсуфбек ҳожи ўзидан катта бу одамга сенсираб гапиради, Ўзбек ойим ҳам аёл боши билан ўзидан катта эркак кишини «сен»лаб чақиради. Ҳасаналини Зиё шоҳинчи ҳам ўзига тенг кўрмайди, қулнинг мартабали одам ҳузурига ўзича келиши уни ҳайратга солади. Автор ёзади: «Зиё шоҳинчи яна тушуна отмади. Тўғриси ҳам Ҳасаналининг бу келиши Зиё ака учун ёт бир иш эди. Чўники Ҳасанали Отабекнинг қули. Қуллар билан жиддий муомалада бўлмоқ, айниқса Зиё шоҳинчилардек одамларга фавқулодда бир иш. Бунинг устига мажбурият остида ўзича келиши...» («Ўтган кунлар», 1958 йил, 37-бет).

Романда қул билан хўжайнилар орасидаги синфий тафовутга нозик ишора қилинган бундай ўриниларни кўплаб учратамиз.

Абдулла Қодирийни «синфий курашни тушуни маслик ва акс эттираслик»да айблаш «Ўзбекистон маданияти» мунозараларнда ҳам бошқачароқ шаклда такрорланди. Масалан, Б. Имомов «Бадий тафаккур усулни» мақоласида шуларни ёзади: Агарда А. Қодирий коммунистик

партияйи позицияидан ёндашганда, турмушни марксистик-социалистик позицияидан бадий кашф этганида, темани майда савдо буржуазияси ҳаётидан олган бўлишига қарамай (бундай ёзувчини айбламоқчи эмасмиз, балки унинг эркини қайд этмоқчимиз) ўтмишда тарихни ҳаракатга келтирувчи асосий куч синфий кураш эканни кўрган ва уни озми-кўпми ифодалаган бўларди.

Гарчи, бу нарса, аввал айтилганидек, романнинг асосий гоявий-бадий мундарижасига кирмаса-да, ёзувчи имкон қадар, синфий курашни кўрсатган ва уни озми-кўпми ифодалаган. Бунинг учун лоақал «Исён» бобини эслаш кифоя.

Шуниси ҳам борки, «коммүнистик партияйилик позициясида туриш» деганда фақат синфий кураш ифодасинингна тушуниш тўғри эмас. Социалистик реализм адабиёти синфий курашни бутун кескинлиги билан кўрсатиш жиҳатидан жаҳон адабиёти тарихида янги саҳифа очди; лекин бу адабиётда яратилган ҳар қандай асардан албатта шу хусусиятни талаб этиш, синфий кураш асосига қурилмаган асарларни коммунистик партияйилик позициясидан, бинобарин, социалистик реализмдан четга суриб қўйиш жуда кўп чалкашликларни келтириб чиқарган бўлур эди.

Агар шу йўлдан бориладиган бўлса, замонавий темадаги синфий кураш эмас, яхши ва ёмон, қолоқ ва илгор кишилар орасидаги тўқнашув, курашларни акс эттирган «Бўрсондан кучли», «Синчалак», «Хуррият», «Умид», «Самандар», «Эрк» каби асарлар қаёқда қолади? Коммунистик партияйилик шу хилда тушуниладиган бўлса, ўтмишдан олиб ёзилган асосий конфликтни синфий кураш эмас, юқори табақага мансуб илгор фикрли кишилар билан замонасининг жоҳил, қора кучлари орасидаги зиддият асосига қурилган «Пётр Биринчи», «Навоий», «Алишер Навоий», «Маҳмуд Торобий», «Мирзо Улугбек» шунингдек яқингинада яратилган «Улугбек

хазинаси» сингари асарларнинг тақдири нима кечади?

Бундай асарларда ҳам, шубҳасиз ҳаётга партиявий, синфий ёндашиш мавжуд. Буни биз ҳодисаларнинг ғоявий-бадиий талқинига, ижтимоий кучларнинг социал моҳиятини қанчалик ҳаққоний, изчил очилганига қараб билиб олишимиз мумкин. «Ўтган кунлар» автори Юсуфбек ҳожи, Отабек каби давр типларининг моҳиятини асосан тӯғри очиб беролган.

«Ўтган кунлар» традицияси ўзбек прозаси ва драматургиясида давом этиб келяпти. Тўғри, А. Қодирий ўз асарини инқилобнинг дастлабки йилларида яратган эди, унда ижтимоий-маънавий ҳамда бадиий тафаккур тараққиётининг ўша даврдаги даражаси билан изоҳланадиган айрим камчиликлар бор. Унда социал гуруҳларнинг синфий қиёфасини очиб беришда баъзан изчиллик этишмай қолади, ёзувчи айрим ўринларда керагидан ортиқроқ объективликка йўл қўяди; аксинча Ҳомидга ўхшаш салбий образлар тасвирида эса романнинг етакчи услугубий йўналишига хилоф равишда хийла ошкёра фош этишга тушиб кетади...

Адаб «Ўтган кунлар»га ёзган сўз бошисида: «Ҳар бир ишининг ҳам янги — ибтидоний даврида талай камчиликлар билан майдонга чиқиши, аҳвларишинг этишмакларни ила секин-аста тузалиб, такомилга юз тутиши табиий бир ҳолдир»— деган эди. Дарҳақиқат, замон билан бирга адабий тафаккур ҳам ўсди, тобтанди, А. Қодирий анъанаси янги тажрибалар билан бойитилди. С. Айний, Ф. Гулом, Ойбек, А. Қаҳҳор каби адабларимизнинг етук проза асарларида ижтимоий гуруҳларни социал-бадиий тадқиқ этиш мукаммал ҳамда изчил тус олди.

Баъзи адабиётшунослар синфий курашни тушуниш ва ифодалаш бобида Абдулла Қодирийни унинг забардаст замондоши Ҳамза Ҳакимзодага қарама-қарши қўядилар. Дарҳақиқат, Ҳамзанинг революциядан кейинги

шөврияти ва драматургиясида, хусусан унинг инқилоб мавзуидаги асарларида синфий кураш жуда ёрқинifo да этилган. Гарчи Ҳамза даражасида бўлмаса-да, А. Қодирйининг совет даври ҳақидаги асарларида ҳам бундай фазилатни кўриш мумкин. Шуниси қизиқки, Ҳамза совет даврида ўткир синфий курашни акс эттирувчи «Бой ила хизматчи» типидаги асарлар билан бир қаторда ўтмишдан олинган «Ўтган кунлар»га жуда яқин турадиган «Паранжи сирлари»ни, шунингдек, замонавий мавзуда инқилобни воқеаларни эмас, майший-ахлоқий масалаларни акс эттирувчи «Ким тўғри?», «Туҳматчилар жазоси» каби драмаларини ҳам яратган.

Маълумки, «Паранжи сирлари» 1927 йилда ёзилган. Бу пайтларда «Ўтган кунлар» тўла босилиб чиққан ва эл орасида машҳур бўлиб кетган эди. Ҳамзанинг бу асардаи хабардор экани, шубҳасиз. Ҳамзашунос олим Лазиз Каюмовининг айтишича, «Паранжи сирлари» Ҳамзанинг бизга тўлалигича етиб келган камдан-кам драмаларидан бири. Ҳамза қатор асарларини жуда тез ва кўпинча оёқ устида ёзган, «Паранжи сирлари» эса камдан-кам имконият бўлиб, Ҳамзанинг шошилмай ёзган асарларидан бири; драма бадиий жиҳатдан пишиқ, драматик асарларининг қонига тенг бўлган психологизм бу сафар гоят чуқур берилган...

Ҳамза бу асарни яратишида «Ўтган кунлар» тажрибасидан фойдаланганни ҳақида тахмин қилиш мумкин. Мэбодо бундай ҳол бўлмаганда ҳам ҳар иккала асардаги умумий жиҳатлар икки улкан санъаткорнинг кўпгина масалаларда бир хил ғоявий-бадиий позицияда турганликларини тасдиқлади.

Масалан, драмада Кумуш деган аломат аёл, унинг ишқ савдоси, жасорати кўп марта ҳурмат билан тилга олиниди.

Ҳамза асар бош қаҳрамони Тўлахонга шундай таъриф беради: «17 ёшда... Оқ-қизил пўст, қора кўз, қора соч, ўрта бўй, нозик андом, ширин сўз, шўхчанг, лаби-

нинг устида зўр бир холи бор бир қиздир». Бу таъриф «Ўтган кунлар»даги Кумуш портретига жуда яқин туради.

Ишқий можароларнинг саргузаштли сюжет тарзида берилиши, ошиқ-маъшуқларнинг қалбаки мактуб туфайли алданиши каби адабий приёмлар ҳам «Ўтган кунлар»ни эсга солади.

Драмадаги ошиқ-маъшуқлар орасида «қора ботир» ролини ўтаган Нор романдағи Ҳомидни, Нор қўлида қўғирчоқ саналмиш Мамат эса қисман Содиқни эслатади.

Драма конфликтини синфий кураш, бой ила хизматчи орасидаги рақобат эмас, асосан яхши ва ёмон одамлар ўртасидаги тўқнашув ташкил этади. Тўлахон худди Кумуш каби бой оиланинг фарзанди. У ҳам худди Кумуш каби феодал хулқ-ахлоқининг; ота-она орзусининг қурбони бўлади; ярамас муҳит, шу муҳит етиштирган ярамас кимсалар унинг баҳтини ҳазон этади. Бу ерда ҳам муҳит ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тўлахон аввал ўз баҳти, орзу-идеаллари учун курашади, бироқ муҳит унинг интилишларини чилпарчин этиб ташлайди, охирида у тақдирга тан беришга, кўнгли чопмаган ишни қилишга мажбур бўлади. Ҳамзанинг бошқа қатор асарларидан фарқли ўлароқ, бу ерда характерларга муносабат хийла муракқаб, уларни ошкора қоралаш ҳам, оқлаш ҳам йўқ, улар бутун зиддиятлари, кучли ва заниф томонлари билан берилган. Ҳатто илмий адабиётларда «салбий қаҳрамон» деб талқин этилган Мастура, Нор, Мамат каби персонажлардан ҳам кўпгина фазилатлар топиши мумкин.

Профессор Л. Қаюмов «Паранжи сирлари»ни социалистик реализмининг етук намунаси сифатида баҳолайди. «Ҳамзанинг социалистик реализм санъаткори сифатида энг зўр муваффақияти шундаки,— деб ёзади олим,— у Тўлахонининг тақдирини ҳаққоний равишда ҳикоя қиласкан, ўқувчи — томошабиннинг диққат фокусини шунга

тўғрилайдики, бўлиб ўтган воқеалар қанчалик жирканч ва фожиали бўлмасин, унга ўша замон, у замоннинг ёмон тартиблари, паст ахлоқи, бузуқ одамлари айбор. Тўлахон шу зулмат ичидағи бир нур ва нурдек пок. Зотан, унинг ниятлари пок, истаги тоза, қалбида чин муҳаббат. Унинг шу пок ниятларини булғаган одамлар разил, уларнинг тузуми разил. Автор асардаги воқеалардан шундай хулоса чиқаришга олиб келади кишини¹.

Модомники, шундай экан, «Ўтган кунлар»ни ҳам бемалол социалистик реализм асари деса бўлаверади, чунки романдаги ишқий можаролар тасвиридан ҳам худди шундай хулоса келиб чиқади, пок севгининг хазон бўлишига у ерда ҳам замон, замоннинг ёмон тартиблари, паст ахлоқи, бузуқ одамлари айбор...

Шу билан баробар бу икки асарда тарихийлик принципи билан изоҳланадиган тафовутлар ҳам бор. Бизга аёнки «Ўтган кунлар» воқеаси ўтган асрнинг ўрталарида содир бўлади; у даврда бир томондан, феодал ахлоқининг таъсири хийла кучли эди, иккинчи томондан, Юсуфбек, Отабек сингари янги туғилиб келаётган майдо савдо буржуазияси вакиллари ўз даврига нисбатан прогрессив роль ўйнаган эдилар. «Паранжи сирлари»даги шаронт эса ўзгача, гарчи автор аниқ кўрсатмаса-да, воқеа мустамлака даврининг охирларида, асrimiz бошларида бўлиб ўтаётгани сезилиб туради. Бу даврга келиб, драма персонажларидан бири айтганидай, «мусулмонободнинг қайнаган чоғлари» ўтиб кетган, феодал ахлоқининг таъсири кучи бирмунча сусайган. Шунга кўра Тўлахон асар бошида Кумушга нисбатан хийла дэдил ҳаракат қиласи, ота-она орзусига қарши тик туради; драматург қаҳрамондаги бу хислатни ҳам муҳитнинг таъсири тарзида изоҳлайди, ҳаётнинг ўзида ота-она орзусига қарши тураётгандар кўпайиб бораётгандигини эслатиб боради. Савдо буржуазияси вакили

¹ Лазиз Қаюмов. Инқилобий драма, 1970, 155-бет.

Умрзоққа келсак, энди бу тоиға кишилар тамоман реақционлашиб кетган, улар мол-мұлк йўлида ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдилар. Шунга кўра, «Ўтган кунлар»дан фарқ қиласор, бу ерда ота образи кескин қора бўёқларда чизилган, унинг асл синфий қиёфаси бўрттириб берилган.

Демак, бу масалада ҳам «Ўтган кунлар»ни «Парашжи сирларни»га қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Ҳар иккала санъаткор ҳам тарихийлик принципидан келиб чиқиб иш кўрган.

А. Қодирийни «социалистик реализмга ўсиб етмаган» лигини исботлаш учун келтирилган яна бир далилни таҳлил этиб кўрайлик. Филология фанлари кандидати Ваҳоб Раҳмонов «Нурли истиқболга ишонч» мақоласида: «Нега «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»ни ташқидий реализм ижодий методига мансуб этяпмизу, автор бу асарларида социалистик реализмга ўсиб етмаган, деймиз?» деган савол қўяди ва бу саволга шундай жавоб қиласди: «Ҳамма гәп шундаки, бу романлар социалистик реализм ижодий методининг бир талабига жавоб беролмайди. Социалистик реализм, Максим Горький айтганидек, реализминиг ўзи. Бу — ҳақ гаи. Бироқ ундан юксаклик кўрсаткини шундаки, социалистик реализм тип, типик шаронит ва ҳаққонийликдан ташқари, воқеликни тарихий тараққиёт процессида истиқболни кўрсата олиш (ёки назарда тутиш)ни ҳам санъаткордан талаб қиласди». «Ҳар иккала гарихий роман воқеаларининг ҳаққонийлиги аниқ,— дей давом этади мақола муаллифи,— бироқ, бу китобларни ўқиган китобхон озод келажакни пайқай олмайди. Бўлгав воқеа-ҳодисалар шу: биринчисида ҳар иккى севишганлар (Отабек ва Кумуш) вафот этишади. Иккинчисида қовушади. Вассалом. Бу асарларда ёрқин истиқбол ҳақида пима сезилади. Ҳеч нарса! Реализминиг чекланганлиги ва социалистик поронага кўтарила олмаганлигининг ҳам боиси шунда».

«Узбекистон маданияти»даги мунозаранинг бошқа баъзи қатнашчилари шу фикрни қўллаб-қувватладилар, А. Қодирий ўз асарларида «ҳаётнинг бош тенденцияларини келажак позициясидан ёритиш, уларнинг истиқболини очиб бериш» масаласини бажара олмади, деб чиқдилар.

Бу хил мулоҳазалар билан ҳам баҳслашиш мумкин. Аввало социалистик реализмнинг муҳим принципи саналган «воқеликни тарихий тараққиёт процессида кўрсатиш», «ҳаётнинг бош тенденцияларини келажак позициясидан ёритиш», «истиқболни очиб бериш» бадий ижодда ғоят хилма-хил шаклда намоён бўлади; «Бой ила хизматчи» типидаги асарларда бу принцип ижобий идеалнинг қудратли кучга айланиши, унинг тантанаси тарзида кўринса, «Паранжи сирлари», кейинроқ яратилган «Оқ кема» типидаги асарларда ижобий кучлар мафлубиятга учрайди, бу тур асарларда бевосита авторнинг ўзи ижобий идеалнинг ҳимоячиси, жанговар курашчисига айланади, ёзувчи идеали бизни истиқболга чормайди; «Тинч Дон», «Сароб» каби яңа бир тур асарларда, воқеликни тарихий тараққиётда кўрсатиш характеристарининг инқирозини, порлоқ муҳитнинг адашганлар устидан тантанасини ифодалаш орқали олиб борилади ва ҳоказо.

А. Қодирий романларида ҳам «воқеликни тарихий тараққиётда кўрсатиш», «ҳаётнинг бош тенденцияларини келажак позициясидан ёритиш», «истиқболни очиб бериш» мавжуд. «Мехробдан чаён»да бу нарса жуда аниқ. «Хўтим кунлар»да эса бу принцип бир оз мураккаб ҳамда ўзига хос тарзда инкишоф этилган.

Роман воқеалари ривожини, мантиқий якунини ёслайлик: мамлакат ўз тарихининг энг кир, қора кунларини бошдан кечиряпти, тузум, унинг тартиботлари тамомила яроқсиз ҳолга келиб қолган, ҳукмдорлар чокчокидан титилиб кетаётган тартиботларни зўр бериб қўлда сақлашга иштиладилар, аммо қанчалик уринма-

син, улар юртни идора қилишга қедир эмаслар; мулкдорлар орасида эл-юрт осойинини, қора кунлардан қутқаришни ўйладнганлар ҳам бор, бироқ улар танлаган најот йўли орқали муддаога эришиш асло мумкин эмас, бу кучлар эл-юрт тақдирини ўз қўлига олишга, уни ҳалокатдан асраб қолишга ожиз; чунки уларнинг интилиш ва хатти ҳаракатлари ички зиддиятларга тўла... Қисқаси, юрт ҳалокат ёқасига келиб қолган, энді бу ерда қандайdir жиддий ўзгариш бўлиши керак, романда бу ўзгаришларга имо-ишора ҳам бор. Асар хотимасида рус қўшинларининг Туркистон чегарасига қадам қўйгани ҳақида хабар берилади, хон мансабдори тилидан Отабекнинг шу жангда ҳалок бўлгани айтилади. Отабек ўлими ҳақидаги хабарни ҳар хил талқин этиш мумкин, шахсан менга бу ҳодиса юқори табақа орасидан чиққан нисбатан прогрессив кучларнинг ожизлигига, мағлубиятига, юртдаги бўлғувси ўзгаришларга бир ишорадек туолади.

«Ўтган кунлар»нинг илк нашрида «Ёзгувчиндан» деб сарлавҳаланган илова бор. Унда мана бу сўзлар ёзилган:

«Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғрисини суриштириб билдим: Ёдгорбек ушбу асрнинг ўи тўққиз ва йигирманчи очлик йиллари вафот қилиб, ундан иккى ўғил қолибдири. Ўғилларидан биттаси бу кунларда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккичиси Фарғона босмачилари орасида ўкан. Бу кунда ном-нишонсиз, ўлик-тириги маълум эмас дедилар».

Афуски, романнинг 1959 йиғти нашрида шу илова тушириб қолдирилган. Иловадаги сўзлар изувчи позициясини аниқроқ англаб олишга бир қадар ёрдам беради. У асар бош қаҳрамони Отабек онласининг тарихий тақдирини талқин этиш жиҳатдан ҳарактерли. Иловадаги маълумотдан кўриниб турибдики, даврлар ўтиши билан бу онлада синфий табақаланини юз берган, Октябрь инқилобига келиб, онла аъзолари иккى оламга

ажралиб кетган; социализм йўлини тутган авлод бугун номдор бир шахс, социализмга душман авлод эса номнишонсиз... Мана шу ўринда ҳам ёзувчи тарихга «келажак позициясидан туриб» ёндашганлиги сезилиб турибди.

Шуниси қизиқки, А. Қодирий реализмининг «чекланганлиги» ҳақида сўз юритган ўртоқлар унинг кучли томонларини, ундаги янгиликларни ҳам тан олишга мажбур бўладилар. Б. Имомов биз юқорида тилга олган мақоласида А. Қодирийни танқидий реализм методи позициясида ижод этганиligини «исбот» эта туриб, «Ўтган кунлар»нинг замонавий қиммати ҳақида сўз очади. «Асардаги кўпгина хусусиятлар Октябрдан кейин ўлкада амалга ошаётган эл-юрт фаровонлиги, хотин-қизилар озодлиги ва уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги учун кураш руҳига ҳамоҳанг эди»,— дейди. Сўнгра А. Қодирий реализмининг кучи ҳақида тўхталиб: «Ёзувчи эришган бу реализм ўз вақтида ўзбек халқи бадиий тафаккури тараққиётида олға ташланган катта қадам эди»,— деб ёзди.

Ҳ. Абдусаматов «Ҳаёт ҳақиқати ва реализм» мақоласида А. Қодирийни танқидий реалист сифатида таърифлаш билан баробар улкан адаб ижодининг асосий пафоси социализм билан боғлиқ эквалингвистик уқдиради; бунда у совет даврида танқидий реализм йўналишининг айнан ўзи қолиши, унинг маълум даражада ўзгармаслиги мумкин эмас» деган фикрга таянади. Мақолада, жумладан, мана бундай дейiplади: «Лекин совет даврида таъқидий реализмининг йўналиши ва характеристики тубдан ўзгарди. Ўтмишда танқидий реализм адабиёти ҳақиқатани ҳам социал тузумга, у келтириб чиқарган нуқсонларга қарши қаратилган бўлса, янги даврдаги бу методда ёзилган асарлар эса асосан ўтмишни фошқилишга, озод ҳаётни ҳимоя қилишга йўналтирилади» («Ўзбекистон маданияти», 1972 йил, 7 июль).

И. Султонов «Ўтган кунлар»даги ёзувчи позицияси билан боғлиқ камчиликларни айтиш билан баробар шуларни таъкидлайди: «...Ўтган кунлар» романида XIX асрнинг бир қанча характерли ҳодисалари тасвирини кўрамиз. Автор бу ҳодисаларга баҳо беришда совет даврининг илғор тафаккурига асосла-нишга тиришади» (Асарлар, II том, 359-бет).

Адабиётшунос Ҳ. Ёқубов шундай дейди: «Ўтган кунлар» ўзбек прозасининг бўлгувси тараққиётига баракали таъсир кўрсатди. У ўзбек романчилигида социалистик реализм адабиётиниг яхши намуналарини яратишга реалистик замин ҳозирлади ва катта йўл очиб берди» (Адабий мақолалар», 1970, 17-бет).

Келтирилган кўчирмалардаги биз таъкидлаб ўтган сўзларга эътибор беринг. Модомики, А. Қодирий амал қилган метод замон «руҳига ҳамоҳанг» экан, у «тубдан ўзгарган», «ўтмишни фош қилишга, озод ҳаётни ҳимоя қилишга йўналтирилган» реализм экан, «Ўтган кунлар» автори ўтмиш ҳодисаларига баҳо беришда «совет даврининг илғор тафаккурига» асосланган ва бу романни билан социалистик реализм адабиётига «катта йўл очиб берган» экан,— мана шу фазилатларнинг барчаси социалистик реализминиг белгилари эмасми!

20-йиллар ўзбек прозасининг жумладан А. Қодирий ижодининг методи ҳақида хилма-хил қарашларнинг мавжуд эканига қўйидаги ҳолларни ҳам сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбек прозасида реализминиг етуклик даражасига кўтарилиши билан социалистик реализминиг туғилиши деярли бир даврга тўғри келади.

Ўзбек реалистик прозасининг асосчилари ўз ижодининг туб моҳияти эътибори билан совет позициясида турдилар, социализм учун курашдилар: бу билан социалистик реализм пойdevорига асос солдилар; айни пайтда улар етук проза асарлари яратишда мавжуд миллӣ анъаналар мутлақо кифоя қилмаётганлигини чуқур ҳис

этдилар, натижада жаҳон, қардош халқлар адабиёти, биринчи навбатда рус танқидий реализми тажрибаларига дадил мурожаат этдилар; бу ҳол ўзбек насирида бир Қатор ўзига хосликларни келтириб чиқарди.

Ўзбек прозаси асосчилари ижодида революциядан бурунги ўтмиш темаси кенг ўрин тутади. Сир эмас, А. Қодирий истеъоди жилолари замонавий темадаги асарларига кўра, ўтмиш ҳақидаги асарларида ёрқинроқ на-моён бўлган; С. Айний асарларида ўтмиш тасвири фоят жонли, таъсирчан; совет даври воқеалари эса бир оз юзаки ҳамда схематик чиққан; Ойбек илк романини инқилоб арафасидаги ҳаётга бағишилаган эди, сўнгги асарлари «Болалик» ва «Улуғ йўл»да яна шу мавзуни давом эттиради; F. Фулом билан А.Қаҳҳор прозада умр бўйи тарихий ва замонавий темани бирга қўшиб олиб борди. Шундай хусусиятни Ҳамза драмаларида ҳам кузатиш мумкин. Буюк драматургнинг энг бақувват асарлари ўтмишдан олиб ёзилган.

Шуниси характерлики, «Навоий» романини мустасно қилганда, бу ижодкорларнинг ўтмиш ҳақидаги деярли барча асарлари XIX аср ҳамда асримиз бошидаги воқеаларин ўз ичига олади. Бу тасодифий эмас. Илмий манбаларда 20—30-йиллар ўзбек прозасида ўтмиш темасининг катта ўрин тутиши давр тақозоси, талаби билан юз бергани айтнади, ўтмиш мавзуси ўша йиллар учун ниҳоятда актуал экани таъкидланади. Бундай изоҳ умуман тўғри. Шу билан баробар бу ҳодисанинг адиллар ҳаёт тажрибаси, ижодий биографияси, бадний ижод психологияси, қолаверса традиция ва новаторлик масалалари билан bogliq томонлари ҳам борки, буларни назарда тутмай турниб, ўзбек прозаси реализми моҳияти ва хусусиятни аниқлаш қийин.

Таниқли рус ёзувчиси Юрий Олеша яхши бир гап айтган. У дейди: «Бадний тафаккурнинг шаклланишида болалик таассуротлари катта роль ўйнайди». «Дунёни худди биринчи бор кўраётгандек идрок этиш лаёқати

шоирлик белгиси саналади. Бу лаёқат эса болаликдан, киши дунёни ҳақиқатан ҳам илк бор кўрган даврдан бошланади». («Литературная газета», №4, 1973.)

Бу — ҳақ гап. Биламизки, ўзбек насрин асосчиларининг болалик йилларни инқилобдан бурун кечган, шоир айтмоқчи, кўз очиб ўша бузуқ, бенаво дунёни кўрган, бу дунёнинг ҳадсиз уқубатларини татиган, ўша илк бор кўрган-кечиргандарни бир умр уларнинг хотирида мустаҳкам ўрнашиб қолган; кейинчалик қўлга қалам олганда бу хотира — таассуротлар уларни ўз ҳолига қўйнади. образлар тусиға кириб ўз-ўзидан қўйилиб нағавериши турган гап.

Сабек билан учрашувда А. Қодирий баъзи кимсаларни бринзиз таънасига жавобан: «Айтишларича, гўё мен бутунни ҳаёт ҳақида ёзмаётган эмишман. Ёзувчи ўзи зет яхши билган нарсасини акс эттириши зарурку, ахир. Мен башка кўплар қатори ёшлигимда кўп кўрган нарсатарни яхши биламан», — деган экан. Сўнгра у мактабларни билан мана бу гапларни илова қилиб ўтган: «Мен замон темаен шундайгина ёз-ёз деб турибди, бирор бир нарса чиқара олармиканман? Ух, билмайман, эдлам етмай қолди... Ҳамма гап мана шу билмаслигимда. Нем нарса биламан. Мен оғир карвон одамман. Кўп язитнинг керак!»¹

Сабекнинг ўзи ҳам шунга яқин ҳолатир бўшдан кечирган. Ўй-йилларда у студентлар ҳаётидан бир йирик насрий асар ёзмоқчи бўлган, лекин иши юрнишвермаган, студентлар ҳаётидан олган таассуротлари, кузатишлари яхши асар учун унга илҳом баҳш этмаган. Сўнгра у ўзи яхши билган, чуқур таассуротлар қолдирган болалик ҳазари воқеалари асосида асар яратишга киришган. Бу... жуда равон кўчган. Гап «Қутлуғ көн устида бораёп... Мана ўқиб кўринг, авторнинг ўзи бу романнинг ту-

¹ Сабек Адабиёт, тарих, замонавийлик. «Ўзбекистон маданияти», 1976, 1 октябрь.

Ғилиши ҳақида нималар дейди: «Гарчи мен роман воқеалари юз берган даврда ҳали кичик бўлсам ҳам, ҳалқ турмушини кўрдим, камбағалларнинг қоронғи ва дим уй-жойларини, бойларнинг атрофи баланд-баланд деворлар билан ўралган ҳашаматли иморатларини, муздек ҳовузи бўлған боғларини кўрдим. Мен кейинчалик романимда тасвир этилган турмуш ва ижтимоий муносабатларнинг кўпгина томонларини ўша вақтдаёқ чанқоқлик билан кузатган ва тушунган эдим... «Қутлуғ қон» романимни ёзиш учун материал йиғиб ўтирамдадим, роман учун материал кўнгилдан, хотирамдан қуйилиб келаверди; шу тарзда, қисқа фурсаатда 1938 йил ёзида уни ёзиб тамомладим» (Ойбек, Асарлар, I том, 1968, 10-бет).

Шундай руҳий-ижодий ҳолатни бошқа адилларда ҳам кузатиш мумкин.

Болалик таассуротларининг бадиий асарга айланишида рус реалистларининг тажрибаси ўзбек адилларига жуда қўйл келди. Чунки рус реалистлари ижодида ўтган аср ва асримиз бошидаги ҳаёт манзаралари, ўша давр типлари кишини ҳайратга соладиган даражада реал, ҳаққоний гавдалантирилган эди. Бундай бадиий кашфиётлар ўзбек турмушига ниҳоятда яқин, адилларимиз болаликда кўрган-кечиригланларига жуда ўхшаш эди; инқилобдан аввалги ўзбек адабиёти реализмининг чекланганилиги туфайли бундай манзара ва типлар адабиётда ўзининг тўла ифодасини тополмай қолганди. Узбек адиллари рус реалистлари ижоди билан яқиндан танишганда буни чуқур англаб етдилар, А. Қаҳҳор сўзи билан айтганида, «ўтмишнинг ўз вақтида ёзилмай қолган» асарларини яратиш заруриятини ҳис этдилар. Масалан, Ойбек ўз таржимаи ҳолида «Қутлуғ қон»ни ёзиш истаги Пушкин асарлари, унинг шоҳ асари «Евгений Онегин» романни таржимаси билан машғул бўлган кезлари кўнгилда стилганилигини айтади. А. Қаҳҳорининг ўтмиш ҳақидаги талай асарлари А. Чехов билан танишиш жараёнида туғилган. Ёзувчининг ўқтиришича, 30-йиллари буюк адаб

асарларини ўқиб-ўрганиб чиққач, кўнгилда «аломат ҳодиса» рўй берган, Чехов асарларидағи ҳодисалар ёзувчининг болалик хотираларини уйғотиб юборган, ўша давр ўзбек ҳалқи ҳаётини кўз олдига келтириб қўйган, ўз кўзи билан кўрган, билган, рус турмушига жуда яқин ҳодисалар ёзувчига тинчлик бермай қўйган; ғамғуссага тўла «Ўфри», «Томошабоғ», «Бемор», «Анор», «Миллатчилар» шу тариқа вужудга келган...

Мана шуларнинг ҳаммаси ўзбек совет прозасида танқидий реализмга хос қатор хусусиятларни келтириб чиқарди. Шу хусусиятларга асосланниб бир вақтлар айрим ўртоқлар ўзбек прозаси социалистик реализмга келишдан бурун танқидий реализм босқичини босиб ўтган, деган холосага келганлар; шу назарияга кўра 20-йиллар ўзбек прозаси у ёқда турсин, ҳатто 30-йилларда яратилган «Қуллар» романни ҳам социалистик реализмдан четга сурниб қўйилди, А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романни «буржуза объективизми методининг давоми» деб эълон этилди; ҳикоячиликда «F. Гулом турмуш ҳодисаларини натуралистик равишда» тасвиirlади, А. Қаҳҳор «турмушни танқидий реализм нуқтai назаридан акс этирди» деган фикрлар олға сурилди. Афсуски, ҳозирги кунда ҳам ўзбек прозасининг методи масаласига ана шу ёскирган андазалар асосида ёндашиш ҳоллари кўринниб қолаётir.

Бундай фикр тарафдорлари ўзбек прозасида рус реализмлари ижодидан ўрганиш, илҳомланиш янги шароитда, социализм даврида борганилигини, унинг ижодий характерга эга эканлигини ўзбек адиллари ижодининг гоявий-бадний йўналиши социализм қуриш тажрибалири, коммунистик идеаллар билан мустаҳкам боелиқлигини ҳамиша ҳам етарли ҳисобга олавермайдилар.

* * *

20-йиллар ўзбек прозаси, жумладан, А. Қодирий ижоди социалистик реализм тарзида ривожланган, деган гап 220

баъзи ўртоқларга «адабиётдаги раиг-бараангликни, турли оқимларни инкор қилиш, ҳаётдаги мураккабликни, синфий курашни камситиш» бўлиб туюлаётир. Менимча, бундай кескин хулосага келиш учун ҳеч қандай асос йўқ, чунки социалистик реализм аслида худди ўша синфий кураш жараёнида туғилган, ёт оқимлар билан олишувларда тобланган; адабларимиз ўша йиллари, бир томондан, буржуа миллатчилиги идеологияси хуружларига, иккинчи томондан, вульгар социологизм, сохта новаторлик, бетайин формалистик кўринишларига қарши кескин жанг олиб бордилар. Мухолифлар Ҳамза билан Айнийни ҳар жиҳатдан камситишга урийдилар. А. Қодирйга «тескаричи», «зиёнли» деган айб тақадилар. Аммо улар адабиётимиэни тўғри йўлдан тойдиролмади; Ҳамза билан Айний инқилобни улуғлаб асарлар ёзишда давом этди, А. Қодирий эса бадиий ижод билан баробар қатор публицистик, адабий-танқидий мақолалар яратиб, янги адабиётнинг, совет матбуотининг принципларини ҳимоя этди, адабиётнинг синфиyllиги ҳамда партиявийлигини тавсиф ва тарғиб қилди; у ўзбек совет адабиётида биринчилардан бўлиб реализм принципларига асосланган адабий танқидни бошлаб берди, адабий асарни баҳолашда ҳаққонийлик ва ҳаётийликни асосий мезон деб билди, совет адабиётининг назарий масалаларини, жумладан традиция ва новаторлик проблемасини марксча-ленинча поэзиядада туриб талқин этди ва ҳоказо. Бунинг учун адабининг «Муштум» ҳақидаги мақолаларини, «Таржиман ҳолини», «Ўтган кунлар» ҳам «Ўтган кунлар» танқиди устуна баъзи изоҳлар»ини эслаш етарли.

Ўида йиллардаги мураккабликнинг оқибати ўлароқ, адабиётда танқидий реализмни, гоҳ реакцион романтизмни, гоҳ символизм ва футуризмни, гоҳ натурализм ва сентиментализмни эслатувчи асарлар ҳам яратилди. Совет Иттилоғидаги айrim халқлар, хусусан рус ва украин адабиётларида булар маълум вақт адабий оқим шаклида ривожланди. Бироқ уларнинг ўзбек адабиёти-

даги кўринишларини оқим, метод дейиш тўғри бўларми-кан? Б. Фуломов «Курашлар ва ижодий изланишлар» мақоласида тўғридан-тўғри ёзади: «Бир қатор фактлар 20-йиллар адабиётимизда социалистик реализм етакчи метод бўлгани ҳолда таңқидий реализм ҳам, ҳатто, романтизм ҳам мавжудлигини тасдиқлади». Ҳ. Абдусаматов эса бу хил методлар доирасини яна ҳам кенгайтириб шуларни ёзади: «Октябрдан кейинги адабиётимизда бир вақтда таңқидий реализм ҳам, натурализм ва символизм ҳам, мустаҳкам ва чуқур нағиз отиб бораётган социалистик реализм ҳам мавжуд бўлган». Мабодо бу гаплар жиддий айтилаётган бўлса, улар факт ва таҳлиллар орқали кенг исбот этишни талаб этади.

Ҳар ҳолда мен адабиётдаги у ёки бу адабий оқимни эслатувчи асарларга дуч келганда, улардан катта умумлашмалар чиқариш, уларни қандайдир «изм»ларга олиб бориб тақаш тўғри бўлмас деб ўйлайман. 20-йилларни кўяйликда, адабиётимизнинг кейинги тараққиётини кўз олдимишга келтирайлик. Социалистик реализм жуда катта тажриба тўплаган ҳозирги кунларда ҳам баъзи натурализм, йиғлоқи сентиментализм касалига мубтало асарлар ҳам яратилаёттир, насиҳаттўйлик, сохта новаторлик, лўттибозлик каби ҳоллар юз беради, айрим ҳолларда эса гоявий-бадний жиҳатдан буту́нлай яроқсиз «асар»лар ҳам пайдо бўлиб қолаёттир. Хўн, буларни ҳам «изм»лар билан аташ керакми, шундай асарларнинг яратилаётганилиги ҳозирги кунда ҳам социалистик реализм билан ёндош ижодий методлариниң мавжудлигини билдирадими?!

Социалистик реализм — энг илгор ижодий метод, бирор ўз ижодкорга ҳеч қачон хато қилмаслик учун тўла ҳуқуқ бермайди, талантсиз ёзилган асарларни мувваффақиятсизликдан сақлаб қолотмайди. Ҳар қандай прогрессив методда бўлгани каби социалистик реализм адабиётида ҳам талант, маҳорат оқибат-натижада ҳал қилювчи роль ўйнайди; энг илгор метод саналган

социалистик реализм ҳеч қачон талантнинг ўрнини бо-
солмайди, балки чинакам талантнинг тўла намоён бўли-
ши учун кенг йўл очиб беради.

Метод масаласини ижодкор талантичнинг шакллани-
ши масаласидан ажратиб қараш мумкин эмас. Афсуски,
бизда шундай ҳоллар бўляпти. Бирор адаб ўз ижоди-
нинг бошланишида ёки ижоди давомида ҳаётий-бадиий
тажрибанинг етишмаслиги ёки бошқа бирор субъектив
ва объектив сабаблар билан бўшроқ асар яратиб қўйган
бўлса, бу асарни дарҳол социалистик реализм доираси-
дан чиқариб, бошқа бирор методга нисбат бериш факт-
ларига дуч келиб турибмиз. Чунончи, С. Айнийнинг «Бу-
хоро жаллодлари», «Одина» каби асарларида ёзувчи
маҳоратининг етишмаслиги билан изоҳланадиган қатор
камчиликлар бор. Бу ҳол баъзи адабиётчиларга қўл
келаётир, худди шу камчиликларни рўйиҳа қилиб, бу
асарларни осонгина «танқидий реализм» сафиға тиркаб
қўймоқдалар. «Ҳалима», «Туркистон табиби» каби дра-
матик асарларга мўносабатда ҳам шундай бўлди.

20-йиллар адабиётида социалистик реализм бош ижоди-
й йўналиш бўлган ҳолда танқидий реализм асарлари
ҳам яратилди, деган тезисга яна қайтиб, ундаги бир ман-
тиқий зиддиятга диққатни жалб этмоқчиман. Бу фикр-
ни ўша давр адабиётининг қиёфасини белгиловчи жанр-
лардан прозага — қисса ва романчиликка тадбиқ этиб
кўрайлил. Бу тезис тарафдорлари 20-йиллар адабиё-
тида социалистик реализм етакчи метод бўлган, дейди-
лару, ўша давр прозасининг асосий асарларини —
С. Айний қиссалари билан А. Қодирий романларини со-
циалистик реализмдан четга суриб қўядилар. Табиий,
савол туғилади; хўш, бу иккни адабининг машҳур асарлари
социалистик реализмга кирмас экан, ўша давр прозаси-
да «социалистик реализмнинг етакчилиги»ни бошқа қай-
си асарлар орқали тасдиқлаш мумкин? Бундай савол
жавобсиз қолишин турган гап. Агар Айний ва А. Қодирий
асарлари танқидий реализм намунаси сифатида қарала-

диган бўлса, ўз-ўзидан умуман 20-йиллар прозасида социалистик реализмнинг мавжудлиги ҳақида гапириш учун ўрин қолмайди...

Юқоридаги мулоҳазалардан шундай холосага келиш мумкин: 20-йиллар ўзбек прозаси классик адабиёт, асосан жаҳон, қардош ҳалқлар ва биринчи галда рус танқидий реализмининг эстетик тажрибалари асосида ривожланганлиги учун унда танқидий реализмнинг қатор хусусиятлари мавжуд эди, аммо у ўзининг туб моҳияти, ғоявий йўналиши, характеристери эътибори билан социалистик реализм тарзида шаклланди, социализмга хизмат этди, социалистик давр руҳи билан сугорилди. Ҳамма соҳада бўлгани каби, бу янги ҳодисанинг туғилиши ва шаклланиши жараёнида айрим камчиликлар юз берди; ўзбек адилари бундай камчиликларни қадам-бақадам енгигб, социалистик реализмни янги хусусият ва тажрибалар билан бойитиб бордилар. Ўзбек совет прозасининг илк давридан ҳозирга қадар босиб ўтган бош йўли — социалистик реализм йўлини.

МУНДАРИЖА

Жикояда ҳаёт нафаси.	3
Ҳозирги қиссалар поэтикасига доир.	45
Роман ва замон (адабий-танқидий баҳс).	65
Насримиздаги романтик тенденция.	96
Изчил реалистик оқим.	134
Социалистик реализм йўлидан.	197

На узбекском языке
У. НОРМАТОВ
ГОРИЗОНТЫ ПРОЗЫ

Редактор П. Шермухамедов
Рассом А. Цыганок
Расмлар редактори Н. Ходикор
Техн. редактор Э. Сандов
Корректор М. Ахмедова

Босмахонага берилди 4/I-1974 й. Босишига рухсат этилди
6/VI-1974 й. Формати 70×108 $\frac{1}{33}$. Босма л. 7,125. Шартли
босма л. 9,97. Нашр л. 10,25. Тиражи 3000. Р. 12306
Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
Тошкент, Навоний кўчаси 30. Шартнома № 155—73

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар,
полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат
комитетининг Полиграфкомбинатида тайёрланган мат-
рицадан 2-босмахонада № 1 юғозга босилди. Янгиёл,
Чехов кўчаси, 3 .1974 й. зақаз № 61 Баҳоси т. 69

Норматов У.

Насримиз уфқлари. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.

208 б.

Адабиётшунос Умарали Норматовнинг қўлинигиздаги «Насримиз уфқлари» китоби ҳозирги ўзбек прозасидаги жараёнларни ўрганишга, ҳикоя, қисса ва роман жанрлари тараққиёти тенденцияларини, конуқнинглариди тадқиқ этишга, бинобарни бутуғни насримиз уфқи манзараларини кўрсатишга қаратилган.

Китоб автори проза жанрларини тадқиқ этиши билди баробар, ҳозирги ўзбек насли мисолида социалистик реализм ва услубини оқимлар масаласини кўтаради, шу масала тезарагидаги бўлаётган мунозараларга ишонсағат билдира-ди, ўзбек адабиётида социалистик реализмининг тарзиб гонини ва ривожига доир ўз мулодазаларини ўртага ташлайди.

Норматов У. Горизонты прозы.

8Уз